

Ғайбулла БОБОЁРОВ



**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҶОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА  
ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

**Ғайбулла БОБОЁРОВ**

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҶОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ  
ТИЗИМИ**

**Telegram adress:**

**@turkiston\_kutubxonasi**

ТОШКЕНТ  
“ТАФАККУР АВЛОДИ”  
2021

УЎК: 930.25(575.1)(091)

КБК 79.3g(5Ў)

Б 31

**Бобоёров, Ғайбулла.**

Ғарбий Турк хоқонлиги тарихи ва танга-пул тизими / Ғ. Бобоёров; масъул муҳаррир А. Анорбоев. – Тошкент: “Tafakkur avlodi” 2021. – 224 б.

ISBN-978-9943-6897-6-3

**Масъул муҳаррир:**

*т.ф.д. А. Анорбоев*

**Такризчилар:**

*т.ф.н. Ф. Мақсудов*

**Telegram adress:**

**@turkiston\_kutubxonasi**

ISBN-978-9943-6897-6-3

“Tafakkur avlodi”, 2021 й.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
-------------	---

### I- БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА VI–VIII АСРЛАРДА ЭТНОСИЁСИЙ АҲВОЛ

1. 1. “Ўрхун-Энасой битиктошлари тили” ва туркий тилларнинг прототурк чоғи.....	6
1.2. VI аср илк ярмида Марказий Осиёда этносиёсий аҳвол ва Турк хоқонлигининг юзага келиши.....	23
1.3. Ғарбий Турк хоқонлиги: юзага келиши, юксалиши ва қулаши .....	38

### II- БОБ. ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ

2.1. Ғарбий Турк хоқонлиги бошқаруви: танга-пул тизими .....	54
2.2. Чоч – Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув марказларидан бири.....	68

### III- БОБ. ХОҚОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ СУЛОЛАЛАР: ТАРИХ ВА НУМИЗМАТИКА

3.1. Илк ўрта асрларда Амударё – Сирдарё оралиғида танга-пул тизими .....	80
3.2. Чоч Тегинлари ва Чоч Тудунлари сулолалари 104	
3.3. Фарғонада Ғарбий Турк хоқонлигининг бир тармоғи: Ашина сулоласи .....	121
3.4. “Турон ҳукмдори хоқон” унвонли Самарқанд тангалари .....	140
3.5. Суғдий ёзувли Тўхористон тангалари.....	154
Хулоса.....	183
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	187
Иловалар.....	200

## КИРИШ

Евросиё кенгликлари ва унга қўшни ўлкалардаги кенг ҳудудларда ҳукм сурган Буюк Турк хоқонлиги (552–744) ва унинг таркибий бир қисми бўлмиш Ғарбий Турк хоқонлиги (568–740) Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи давлатчилиги тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Қарийб икки юз йил мобайнида Ғарбий Олтойдан Қора денгизнинг шимолигача, Волга – Урал бўйларидан Шимолий Ҳиндистонгача бўлган кенг ҳудудда ўз ҳокимиятини ўрнатган Ғарбий Турк хоқонлиги таркибига Сирдарё–Амударё оралиғидаги Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Тўхористон ва Хоразм каби воҳа ҳукмдорликлари кирган бўлиб, ушбу воҳалардан кўпчилигининг географик ўрни асосан бугунги Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади. Бу даврда Марказий Осиёдаги давлатчилик жараёнлари айнан Ғарбий Турк хоқонлиги фаолияти билан боғлиқ ҳолда кечиб, хоқонлик бошқарувига хос давлатчилик анъаналари эса минтақада барпо этилган бир қатор давлатлар учун тамал тоши бўлиб хизмат қилди.

Ғарбий Турк хоқонлигининг қароргоҳларидан бири Чоч (Тошкент) воҳасида жойлашган, хоқонликнинг илк танга-пуллари, кўпроқ, айнан ушбу воҳада, қисман эса Фарғона водийси ва Шимолий Тўхористон ўлкаси (асосан, Жанубий Ўзбекистон)да зарб қилдирилган. Шунингдек, бу даврда Чоч Тегинлари (605–750), Фарғона Ашина сулоласи (630–810), Тўхористон Ябғулари (620–750) ва Кобулистон Тегин-шоҳлари (640–870) каби келиб чиқиши хоқонликнинг асосчи хонадони – Ашина сулоласига тақалувчи сулолалар мавжуд бўлиб, улардан кўпчилигининг бошқарув марказлари айнан мамлакатимиз ҳудудидаги тарихий шаҳарларга тўғри келади [Бобоёров 2012: 42–43; Джуманиязова 2018: 15–19; Хатамова 2018: 22–24]. Бундан ташқари, Уструшона,

## **ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

Самарқанд, Панч, Нахшаб, Бухоро ва яна бир қатор катта-кичик воҳа ҳукмдорликларида туркий ёки туркий-суғдий қоришиқ негизга эга сулолалар ташкил топиши айнан хоқонлик билан боғлиқ эди [Лившиц 1979: 5669; Skaff 2002: 364–372; Бобоёров 2010: 1840]. Бу эса хоқонлик тарихини Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчилик нуктаи назаридан чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

Кейинги йилларда Шимолий Афғонистондан топилган ўнлаб бақтрий тилли ҳужжатлар, Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари (Панжикент/Тожикистон), Еттисув (Жануби-Шарқий Қозоғистон – Марказий Қирғизистон) ва Шарқий Туркистон (Шинжонг-Уйғур автоном райони) археологик топилмалари Ғарбий Турк хоқонлиги тарихининг бугунгача қоронғу бўлган жиҳатларни ёри тадиган моҳиятдадир. Булар қаторига ушбу хоқонлик билан боғлиқ кўплаб тарихий сюжетларни ўзида акс эттирган Кофир-қалъа, Афросиёб (Самарқанд), Варахша (Бухоро), Тавка-қалъа (Сурхондарё), Панжикент, Ажинатепа (Тожикистон), Бомиён (Афғонистон) каби сарой деворий суратларини кўшиш мумкин. Юқорида қисқача айтиб ўтилганидек, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё ва бошқа вилоятларимизнинг эски шаҳар қолдиқларидан топилаётган юзлаб танга ва муҳрлар Ғарбий Турк хоқонлиги билан тўғридан-тўғри ёки билвосита боғлиқ бўлиб, уларни нафақат хоқонлик тарихининг қоронғу томонларини ёритувчи манба, балки давлатчилигимиз тарихи манбаси ўлароқ ўрганиш керак бўлади.

## I- БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА VI–VIII АСРЛАРДА ЭТНОСИЁСИЙ АҲВОЛ

### 1.1. “Ўрхун-Энасой битиктошлари тили” ва туркий тилларнинг прототурк чоғи

#### Кириш

Бугунги кунда туркий тилда сўзлашувчи миллат ва элатларнинг салмоғи икки юз миллиондан ошган бўлиб, улар бир-бирига яқин ва узоқ 30 дан ортиқ тилда сўзлашадилар. Ўз ўрнида улар туркий тилларнинг ўғуз, қарлуқ ва қипчоқ каби 3 та йирик ва нисбатан оз салмоқли чуваш, ёқут (саха), Жанубий Сибир туркий лаҳжаларига бўлинади. Ушбу лаҳжаларнинг деярли ҳар бири ёки кўпчилиги қадимги турк тили – “Ўрхун-Энасой битиктошлари тили”нинг, яъни кўпчилик тилшунослар таъбири билан айтганда “Умумтуркий тил” (*инг.* “Common Turkic”, *рус.* “Общeturкский язык”)нинг тўғридан-тўғри издошлари бўлса, айримлари эса бу тиллардан бутунлай ажралиб туради. Айниқса, бу бугунги чуваш ва ўрта асрлардаги Волга булғорлари тилида кўпроқ кўзга ташланиб, улар учун тилшуносликда кўпинча “прототурк тилининг издошлари” ёки “хун тилининг бир тармоғи” каби атамалар қўлланилади. Шу ўринда “прототурк” ёки “хун тили” атамалари негизида айнан қандай тушунчалар ётади”, “олтойшунослар ва туркологлар қандай далилларга таяниб бундай тўхтамларга келишган” каби саволлар туғилади.

Айтиб ўтиш керак, кўпроқ Ғарб туркологлари – Ж. Клосон, Г. Дёрфер ва бошқалар бу тўғрисида чуқур изланишлар олиб боришган бўлиб [Clauson 1956: 181–187; Doerfer 1973: 1–51; Дёрфер 1986: 71–134], туркиялик ва ўрта осиелик изланувчилар, айниқса, ўзбек тилшунослари айрим ўринлардагина “прототурк” ёки “хун тили” бўйича тўхталиб ўтишган [Кўчқортоев, Исабеков 1984: 76–80; Babayarov, Kubatin 2013: 153–165]. Кўпчилик

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ

тилшунослар қадимги турк тилини кўпроқ “Ўрхун-Энасой битиктошлари”даги сўзлар негизида қараб қарлук (ўзбек, уйғур), ўғуз (Озарбайжон ва Онадўли турклари, туркманлар, гагаузлар), қипчоқ (қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, татар, бошқирд, кумик, қорачой-болқор), Жанубий Сибир туркийлари (олтой-кижи, хакас, тува, шор ва б.) тилини битиктошлар тилидан ўсиб чиққан, деб биладилар. Шунингдек, ёқут тилига ҳам “Умумий турк”чадан унча узоқ бўлмаган бир тармоқ, деб қаралади. Ўрхун-Энасой битиктошларида учровчи мингдан ортиқ сўз, сўз бирикмаси, феъл ва сифатларнинг кўпчилиги ушбу 3 та лаҳжада кўпроқ сақланиб қолганлиги, морфологик ва грамматик яқинлик бу қарашни тўғриласа-да, битиктошларнинг VII–VIII асрларда яратилганлиги ва улардаги сўзлар ўша давр тил хусусиятларини ақс эттиришидан келиб чиқилса улар учун “Энг қадимги туркий тил” ёки “прототуркча” атамасини қўллаб бўлмаслиги ойдинлашади. Бу масалани ечишда кўпроқ бугунги кундаги чуваш ва қисман ёқут тиллари, шунингдек, чувашчанинг тўғридан-тўғри “бобо тили” бўлмиш, аллақачон ўлик тилларга айланиб улгурган “хун, савир, авар, булғор, хазар” (“Ғарбий хун тармоғи”) тиллари асқотади. Чунки, юқорида келтириб ўтилган ўғуз, қарлук, қипчоқ ва Жанубий Сибир туркчалари, яъни (“Шарқий хун тармоғи”)га қараганда бу тилларда “Олтой тил оиласи”га кирувчи мўғул, тунгус-манжур, корейс ва япон тилларига яқинлик кўпроқ сақлангани кўзга ташланади.

Шу ўринда туркий тилларнинг “Ғарбий хун тармоғи” кўпроқ Шарқий Европада тарқалган туркийларнинг тили, “Олтой тиллари оиласи”даги халқлар эса Осиёнинг кунчиқар томонида, ҳар иккаласи орасидаги масофа деярли ўн минг чақирим экани қизик. Қолаверса улар орасида туркий тилларнинг “Шарқий хун тармоғи” ўрин олган бўлиб, нега ўзаро қўшнилар эмас, бир-биридан узоқдаги тиллар орасида сўзлар яқинликини сақлаб қолган деган савол кўндаланг туради.

Бу каби чигалликларга аниқлик киритиш учун тур-



кий тилларнинг “прототурк” ва “хун даврлари”га қараб чиқиш керак бўлади. Шу билан биргаликда, “прототуркча” саналувчи, хитой йилномаларида “ди”, “дин-лин”, “те-ле”, “гао-чэ” тиллари ва туркий тиллар билан у ёки бу даражада боғлиқ қадимги “сян-би (савир)”, “то-ба (табғач)”, “му-жунг”, “жуан-жуан” (авар?), “ту-ю-хун”, “ки-дан (қорахитой)” тиллари билан танишиб чиқиш масаланинг кўпгина томонларини ойдинлатишда ёрдам беради.

### Туркий тилларнинг прототурк босқичи

Милоддан олдинги мингйилликнинг сўнгги асрларига тегишли “Хан шу” (“Хан сулоласи тарихи”) ва “Ши жи” (“Тарихий эсдаликлар”) каби хитой йилномаларида атиги бир нечтагина энг қадимги туркий сўз ёки атама *Сюн-ну* (Хун) салтанати (м.ав. III – мил. II асрлар) билан боғлиқ ўлароқ учрайди. Улар йилномаларда *ден-ли*, *ку-ту*, *шан-юй*, *оу-ту* каби сўзлар бўлиб, изланувчиларнинг бир туркуми уларни “Тангри”, “қут/кути”, “ябғу”, “ўрду / ўрда” ўлароқ тиклаб, қадимги туркча негизга эга сўзлар, деб қарайдилар [Golden 2002: 46–48]. Айниқса, хитойлик муаллифлар томонидан *сюн-ну* бошқарувчиларининг энг юксак унвони сифатида тилга олиниб, *ден-ли ку-ту шан-юй* шаклида келтирилган ва улар тилида “Яратувчининг ўғли шанюй” маъносида эканлигига урғу берилган сўз бирикмасини кўпчилик олтойшунос ва туркологлар “Тангри кути ябғу” ўлароқ тиклайдилар. Шунингдек, Хун бошқарувчиларининг исми – Ту-ман, Мао-дун, Ки-ок ва яна бир нечтаси тилшунослар томонидан туркий негизда Туман, Баходур, Кўк ўлароқ тикланган [Vabayar 2014: 121–126]. Бироқ бу қарашлар тўлақонли ўз исботини топмаган бўлиб, улар бўйича бутунлай бошқача қарашлар ҳам билдирилганини кўздан қочирмаслик керак. Ушбу сўз ва атамаларга эроний, палеоазиатик (кетт, енисей) ва бошқа тиллар негизда ёндашувлар ҳам учраб туради [Pulleyblank 1962: 58–144, 206–265; Пулликлэнк 1986:

29-70; 71–134; Дёрфер 1986: 71–134; Vovin 2007: 177–187; Voynikov 2018].

Хун тили билан боғлиқ сўзларнинг туркий ёки теска-риси эканлигига урғу берган тилшуносларнинг кўпчилиги ушбу сўз ва атамаларнинг кўпроқ ташки тузилиши ва маъносига тўхталишган бўлиб, айримлар истисно, кўпчилик изланувчилар хитой йилномаларидаги “*шу элатнинг тили сюнну (хун) тилига яқин*”, “*хун тилига яқин, бироқ кичик фарқлиқлар бор*” каби маълумотларни эътибордан четда қолдиришган. Айниқса, бундай ёндашув рус туркологларининг изланишларида кўпроқ кўзга ташланади.

Ҳолбуки, хитой йилномаларида “Ўрхун-Энасой битиктошлари”нинг яратувчилари бўлмиш Турк хоқонлигидан (552–744) анча олдин яшаб ўтган (милоддан олдинги мингйиллик сўнгги асрлари ва милодий мингйилликнинг ўрталари) *Ди*, *Дин-лин*, *Те-ле* (\*Тегрек), *Сй-е-ли* (Сир), *Гян-гун* (Қирғиз), *Юе-бан*, *Гао-че* / *Гао-гюй* сингари сиёсий уюшма ёки қабила-уруғ бирлашмаларининг тили тўғрисида сўз борганда қуйидагича маълумотлар учраб, улар мазмунидан ушбу тилларнинг “Хун тили”га яқинлиги ва ўз навбатида қадимги туркий тиллар эканлиги англашилади:

1) “Қадимда *Ди* (элати) *Ди-ли*, *Дин-лин*, кейинчалик *Гаогюй*, сўнгра эса *Те-ле* деб атала бошлаган” [Бичурин 1950: 301; Потапов 1969: 148149; Хўжаев 1995: 146];

2) “*Гао-че* (яъни *Хой-ху* “уйғур”)лар “қизил *Ди*”ларнинг бир бўлагидир. Шунинг учун уларнинг илк оти *Ди-ли* эди. *Дин-лин*лар ва улар *Сюн-ну* (хун)лар билан деярли битта тилда сўзлашадилар” [Екрен 1995: 69];

3) «*Хя-гас* (қирғиз)ларнинг ёзуви ва тили *Хой-ху* (уйғур)ларникига ўта яқин» [Бичурин 1950, I: 353].

Шу ўринда ушбу маълумотга қисқача ойдинлик киритиб ўтсак. Қирғизларнинг йилномаларда *хя-гас* деб тилга олиниши, илк ўрта асрларга, аниқроғи, Турк ва Уйғур хоқонликлари (745-840) даврига тўғри келиб, уларнинг “*ёзуви ва тили уйғурчага ўта яқин*” экани

буни кўрсатиб турибди. Яъни Жанубий Сибир қирғизларининг ёзуви ва тили Ўрхун-Энасой битиктошларида қўлланилган ёзув ва тил билан деярли бир бўлиб, шунинг учун хитойлик муаллифлар уларни уйғурлар билан яқин, деб ёзишган. Шунингдек, Қирғиз хоқонлиги даври (VIII–IX асрлар)дан етиб келган киши исмлари ва унвонлар қадимги туркча экани ҳам улар туркий тилли бўлиб, “Ўрхун-Энасой битиктошлари тили”да сўзлашганини кўрсатади. Бу билан ушбу тилни “прототуркча” бўлган демоқчи эмасмиз. Чамаси, бундан эскироқ чоғларда, яъни “Хун даври”да бу тил бошқачароқ бўлган. Бу ерда ушбу маълумотни келтиришдан мақсад – уларнинг тили *Хой-ху* (Уйғур)лар тилига яқин, ўз навбатида эса “уйғур тили”нинг *Ди* (*Дин-лин, Те-ле*) тиллари билан бир тармоқдан, деб кўрсатилишидир.

Шунча маълумотлар учрашига қарамай айрим тадқиқотчиларнинг хунларни ёки уларга яқин уруғ ва элатларни туркийлар билан боғламасликка уринишларининг тагида яна қандай сабаблар ётади? Утган асрнинг 70- йилларида О. Менхен-Хелфен Осиё Хун салтанати ва Европа Хун салтанати (IV–V асрлар) орасида боғлиқлик борлиги тўғрисида аниқ маълумотнинг учрамаслиги, шунингдек, хитой йилномаларида “сюн-ну” ўлароқ тилга олинган Осиё хунлари ўзларини “хун” деб атаганми-йўқми масаласи ҳам қоронғу эканига урғу берган [Maenchen-Helfen 1973], бир қатор изланувчилар эса унга эргашиб, хунларнинг туркийлигига шубҳа билан қарай бошлаган эдилар. Яқин йилларда эса француз тадқиқотчиси Э. де ла Вессьер ҳар иккала салтанат битта негизга эгалиги, буни хитой йилномаларида эслатиб ўтилган – 370- йилларда *сюн-нуларнинг* бир бўлаги ғарбга кўчганлиги тўғрисидаги маълумот тасдиқлашини ёзиб, эндиликда Менхен-Хелфен ва унинг издошларининг қарашлари йўққа чиқарилганига урғу берди. Унга кўра, Хитойнинг шимоли-ғарбидаги Дунхуан вилоятидан топилган милодий III асрга тегишли суғдча “Эски хатлар”да *хун* “хун”лар тўғрисида сўз

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

бориб, улар йилномалардаги “сюн-ну”лар билан битта элатдир [Vaissière 2005: 3–26; Vaissière, 2003: 119–132; Вессьер 2014: 117–133]. Буни 370- йилларда Хитойнинг шимоли-ғарбидан жануби-ғарбга томон йўл олган “сюн-ну”ларнинг пахлавий, бактрий каби эроний тилли ёзма ёдгорликларда “хйун”, “хион”, “хун”, “ун”, “алхун”, қадимги ҳинд битикларида “хуна”, “света-хуна”, “хара-хуна”, грек, арман, сурёний манбаларида “хун”, “хўн”, “ун” кўринишларида учраши [Golden 2002: 46–47; Konukçu 2002: 827] ҳам кўрсатиб турибди. Демак, уларнинг барчасининг негизда “хун” этноними ётади.

Шу ўринда Турк хоқонлигининг бошқарувчилари ва кўшинларини суғдийлар *хун* “хун” деб атаганликлари Панжикентдан топилган “Муғ тоғи суғдий хужжатлари” (VIII аср 20- йиллари) асосида ўз тасдиғини топганини айтиб ўтиш керак [Grenet, Vaissière 2002: 155–196]. Қадимдан туркий элатлар билан аралаш ва кўшни яшаган суғдийлар туркларни “хун” деб ёзишини “шунчаки бир тасодиф, суғдийлар турклардан олдин Марказий Осиёда устун бўлган хунларга менгзатиб ёки уларнинг сиёсий давомчилари сифатида туркларни шундай атайверишган” дейиш қанчалик ўзини оқлайди? Бундай саволларга бироз қуйида чуқурроқ тўхталиб ўтиладиганидек, хитой ва суғдий манбаларда хунларнинг бир тармоғи деб кўрсатилган “турклар” илк ўрта асрларда шу атама остида тарих саҳнасига чиқишларидан бироз олдин кўплаб бошқа туркий элатлар каби умумлаштирувчи этноним билан “хун” деб аталар эди. Бунгача туркий халқлар, тўғрироғи, уларнинг илк ота-боболари турли тиллардаги манбаларда асосан “тур?”, “ди, дин-лин, теле”, “сюн-ну / хун” ўлароқ тилга олинади. Шунингдек, юкорида тўхтаб ўтилганидек, милоддан олдинги сўнгги мингйиллик ва милодий бир мингйилликнинг ўрталаарида туркийлар билан у ёки бу даражада боғлиқ яна бир неча этнонимларга дуч келамиз. Булар: *юе-бан*, *гао-че / гао-гюй* (уйғур), *у-хуан* (авар), *и-да* (эфталит), *гян-гун / ха-гяс* (киргиз). Ушбу прототурк элатлардан бошқа яна

бир қанча элат ва уруғлар тилга олинган бўлиб, улар орасида эфталитлар ва уларнинг тили масаласи алоҳида ажралиб туради.

Турли тиллардаги ёзма манбаларда хунларнинг бир тармоғи сифатида эслатилган эфталит элатининг тили тўғрисида хитой йилномаларида “*Йе-да* (эфтал)ларни айримлар *юе-бан* (гао-гюй/уйғур)лар билан боғлашса, айримлар уларни *юе-чжи* (тўхор)лардан келиб чиққан деб биладилар”, “уларнинг тили на турли *ху* (суғдийлар ва бошқа ўтроқ эроний элатлар), *гао-гюй* (уйғур) ва на *жуан-жуан*лар (протомўғул)лар тилига ўхшайди”, “уларнинг тили кўшни элатлар тилига ўхшамайди, бироқ *ту-ю-хун* таржимонлари орқали бошқалар билан ўзаро англашадилар” [Vaissière 2003: 119-132] каби маълумотларга таянган айрим тадқиқотчилар эфталитларни бошланғичда Олтой тоғларининг жануби ва Тибетнинг шимолидаги Цин-хай ўлкасида яшаб, кейинчалик Бадахшон ва Амударёнинг юқори оқимларига кўчиб келган элат, деб қарайдилар. Кўпчилик тадқиқотчилар бу маълумотга таяниб “эфталитларнинг тили туркийча бўлмаган, буни уларнинг тили “гао-гюй” (уйғур) тилига ўхшамайди” деган маълумот кўрсатиб турибди” деб ёзишади-ю, ушбу маълумотнинг “эфталитлар тили на турли *ху* (суғдий ва бошқа ўтроқ эронийлар) тилига ва на *жуан-жуан* (протомўғул) тилига ўхшайди” деган жойига нега эътибор қаратишмайди?

Бундай бирёклама ёндашув собик совет шарқшунослари ва ўзимизнинг бир қатор археолог ва тарихчиларимиз аллақачон эфталитларни шарқий эроний тилли элатлар қаторига қўшиб, “буни уларга тегишли бақтрий тилли ёзма ёдгорликлар ва танга-пуллар кўрсатади” деб ёзишларининг ўзиёқ кўрсатиб турибди [Ильясов 1999: 32–41; Исоматов 2009; Пилипчук 2016: 423–448]. Бироқ масалага бундай ёндашув ўзини оқламаслигини айтиб ўтиш керак. Чунки эфталитларни деярли барча тиллардаги манбалар: хитой, юнон, паҳлавий, ҳинд, тибетча ёзма ёдгорликлар хунлар билан боғламоқда. Араб ва

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ

форс манбаларида эса улар “турклар” ўлароқ кўрсатилган бўлса, эфталитларнинг ўзлари томонидан бостирилган тангаларда олхово “ол-хўн” (қизил хун) атамаси ўрин олган. Бир-биридан бир неча минг чақирим узоқликда яшаган юнон билан тибетлик, араб билан хитойлик эфталитларни “хунларнинг бир тармоғи” деб аташи ўз-ўзидан бўлмаса керак!

Бизнингча, эфталит тилининг йилномаларда “га-о-гюй (уйгур) ва жуан-жуан тилларидан бошқача” деб учрашида ушбу тилнинг “Ўрхун-Энасой битиктошларининг тили”, яъни ўғуз – қарлуқ – қипчоқ - Жанубий Сибир туркий тилларидан бошқа туркий тил тармоғига – туркий тилларнинг “огур (ўғур)” (Ғарбий хун, савир, хазар, булғор, чуваш) туркумига яқин бир тил бўлгани ётади. Бундай дейишимизнинг негизида эфталитлар билан боғлиқ кўплаб маълумотлар уларни ўғурлар билан боғласа, улар билан боғлиқ сўзлардан кўпчилиги эса туркий тилларнинг “Шарқий хун тармоғи”га эмас, “Ғарбий хун тармоғи”га ўхшашлиги туртки бўлмоқда. Шунингдек, хитой йилномаларида эфталитлар билан боғлиқ этник атамалар “авар”, “абдал” кўринишларида учраши билан бирга бақтрий ва ҳиндча ёзувли эфталит танга ва муҳрларида “хингил” (“ханжар” > қинғир “эгри пичоқ”) ва б. учрайди. Араб тарихчи ва географлари барча туркий элат ва уруғларни эмас, улар орасидан “халач”, “канжина турклари”ни эфталитларнинг издошлари ўлароқ таништириб, *“Ҳайатила – Тўхористонни бошқарган қудратли кишилар гуруҳи, Халлаж ва Канжина турклари уларнинг авлодидир”* деб ёзишган [Bosworth 1965: 6–7; Баходиров 2014: 214].

Бундан ташқари, эфталитлар бошланғичда “хун”, аниқроғи, уларнинг ғарбий бир тармоғи бўлмиш “Оқхун” деб юритилгани, “эфтал” атамаси эса уларнинг бошқарувчиси (ёки бошқарувчи уруғи) номидан келиб чиққанини унутмаслик керак. Шу ўринда қадимги туркларда “оқ” – ғарб, кунботар томон маъносида юритилганини ҳам кўзда тутиш керак бўлади. Устига-

устак, хитой йилномаларида улар билан боғлиқ келтирилган *Ху-а* (\*Авар”) ва юнон манбаларидаги *вархонит* (\*авар+хун)лар эфталитларни “Ғарбий хун дунёси”-га, яъни *авар – хазар – савир / сувар – чуваш* дунёсига етаклайди. Бу қарашни бироз қуйида кўриб ўтиладиган *табғач > чуваш* ва *сянби / сарби = савир / сувар* бирлиги ҳам анчагина кучайтиради. Демак, эфталитлар туркий тилларнинг “Шарқий хун тармоғи” (Ўрхун-Энасой битиктошлари тили)га эмас, “Ғарбий хун тармоғи”га бориб тақалиб, уларнинг тили Турк ва Ўйғур хоқонликлари, шунингдек, Қорахонийлар ва кўплаб кейинги туркий давлат уюшмалари тилидан айри бўлиб, бугунги чувашчага яқин эди. Бу эса хитой йилномаларида “*уларнинг тили гао-гюй (уйғур) тилига ўхшамайди*” деган маълумот ўрин олишига олиб келган.

Шу ўринда VII–VIII асрларда Кавказда тўғридан-тўғри хазарлар билан тўқнаш келган араблар хазарларни “турк” деб атагани, шу билан бирга уларни қандайдир бир маънода бошқа турклардан ажратиб кўрсатганликлари кўзга ташланади. Ҳолбуки, Шимол-Шарқий Каспий, Волгабўйи ва Шимолий Қораденгизда ўз устунлигини ўрнатган Хазар хоқонлиги (630–955) тўғрисида ёзган хитойликлар уларни “*Ту-кюе Ко-са*” (Хазар турклари) деб кўрсатадилар [Chavannes 1903: 145, 170, 256; Shirota 2005: 231–261]. Хазарларни бошқа туркийлардан, яъни “Ўрхун-Энасой битиктошлари тили”да сўзлашувчи туркийлардан ажратиб турган кўрсаткич – улар туркий тилларнинг “Огур (Ўғур)” (бошқа бир аталиши “Ғарбий хун”) тармоғидан бўлганликларидир. Тўғрироғи, туркийларнинг ўғуз – қарлуқ – қипчоқ – Жанубий Сибир тармоғи тошни “даш / таш / тас” деб атаса-ю, бу тармоқдагилар “чул” деб юритса, биринчи туркумдагилар “беш” сонини “беш / бес” деса-ю, қолганлари “пилек” (~ билак “панжа”) деб юритса, келиб чиқиши қадимда бир бўлган элатлар ўзаро бир-бирини тушунмаслиги аниқ. Демак, эфталит, хазар ва яна шунга ўхшаш туркийлар (аникроғи, прототурк

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

ёки ён тармоқ) тили “Ўрхун-Энасой битиктошлари”-ни яратувчиларнинг тилидан анча ажралиб турган ва ушбу тилларга илк бор дуч келган бошқа элат вакиллари “уларнинг тили ўзаро ўхшамайди” деб ёзганларида бирмунча ҳақ эдилар.

Келтирилган ушбу улги сўзлар илк ўрта асрлар билан боғлиқ. Хўш, ундан олдин, аниқроғи, Хун салтанати ва ундан кейинги сиёсий уюшмалар даври – Турк хоқонлигигача бўлган деярли мингйиллик давр ичида туркий элатларнинг ота-боболари туркий тилларнинг қайси лаҳжаларида сўзлашишган? Кўпчилик тилшунослар бошланғичда битта “Хун тили” бўлиб, Хун салтанати парчалангач – милодий II–III асрларда ушбу “бобо тил” иккига - “Шарқий хун” (ўғуз – қарлуқ – кипчоқ – Жанубий Сибир) ва “Ғарбий хун” / Ўғур (авар – савир – авар – хазар – булғор – чуваш) тармоқларига ажралиб кетган. Чамаси, бунгача бу тил кўпроқ мўғул ва озроқ олтой тил оиласининг бошқа тил гуруҳлари билан анча яқинликка эга бўлган. Бунинг аниқ улгилари “тош” чувашчада “чул”, мўғулчада “чил-ағун” эканлигида кўринса, Европа Авар давлатнинг бошқарувчиларидан бири – Баян “Шарқий хун” тармоғида “Бай” (бой “бойлик эгаси”), мўғулчада “Баян” кўринишида бугунгача етиб келганида кўзга ташланади. [Golden 2002: 89; Yılmaz 2018: 2]. Кези келганда айтиб ўтиш керак, “тош” сўзининг корейсчаси “tol”дир [Golden 2002: 14]. Шунингдек, Тошкент топонимининг энг эски шакли “Чоч” сўзининг негизида прототуркча \**čalč* ~ *čäč* “тош” етиб, бу атама милоддан олдинги бир мингйилликнинг сўнгги асрларида хунларнинг бир бўлаги Сирдарёнинг ўрта оқимларига кўчиб келишлари билан боғланади [Максудов, Бабаяров, 2009: 199–105].

### **Туркий тилларнинг “Ўғур тармоғи”**

Юқорида келтириб ўтилганидек кўпчилик туркологлар бугунги чуваш тили, ўрта асрлар Волга булғорчаси ва илк ўрта ўрта асрлардаги оғур (ўғур) / оноғур



(ўн-ўғур), кутригур (тўкурғур), савир, авар, булғор ва хазар тилларини туркий тилларнинг “Огур” (Ўғур) ёки “прото-булғор” тармоғига киритадилар. Турлича қарашлар ўртага ташланган бўлса-да, бу тармоқ “прото-турк”чадан милоннинг бошларида ажралиб чиққан, деб саналади [Tekin 2008: 26]. “Ўғур” ва “ўғуз” этник атамаларининг негизи бир бўлиб (р ~ з алмашинуви), улар милоннинг IV–V асрларга келиб, турли тармоқларга бўлиниб кетган, деган тушунчалар бор [Golden 2002: 75–56].

“Ўғур тармоғи”нинг “Ўрхун-Энасой битиктошлари” тили – “Умумий туркча”дан ажратиб турадиган бош белгилари куйидагичадир:

1) р ~ з алмашинуви: чуваш. *хыр* “қиз бола” ~ Ўрхун-Энасой. *қыз* “қиз бола”; *секир* “саккиз” ~ *секиз* “саккиз” *тоқур* “тўққиз” ~ *тўқуз* “тўққиз”, *ўтур* “ўттиз” ~ *ўтуз* “ўттиз”.

2) л ~ ш алмашинуви: чуваш. *пилек* “беш” ~ Ўрхун-Энасой. *беш* “беш”; *чал* > *чул* “тош” ~ *таш* “тош”.

3) д ~ й алмашинуви: Болқон булғор. *дилом* “илон” ~ Ўрхун-Энасой. *йылан* “илон”; *Дайих* “Ёйиқ (Урал дарёси)” ~ Йайық.

Бундан ташқари, “оқ” (тус) сўзи ўғур тилларидаги *шара* (чуваш. *шура*) ~ Ўрхун-Энасой *сарыг* (ўғуз, қипчоқ. *сары*) ~ мўғул. *шыра* “оқ” эканлигига таяниб, бир қатор тилшунослар Ўғур тармоғини мўғулча билан қариндошликни энг кўп сақлаган тил ўлароқ билишади. Қизиғи шундаки, Ўрхун ўлкаси (Мўғулистон)да VII–VIII асрларда битиктошлар тилида сўзлашувчилар кенг ёйилган бир паллада Шарқий Европада ўғур турклари (Ғарбий хун, ўғур, савир, авар, булғор, хазар) ўз устунлигини ўрнатган бўлиб, улардан бугунгача ўнлаб сўзлар (айниқса, венгер тилидаги ўзлашмалар) – атоқли от ва унвонлар етиб келган [Дыбо 2007: 29–31, 36–37]. Византия (юнон) ёзма манбаларида улар билан боғлиқ куйидагича киши исмлари сақланиб қолган бўлиб, улардан айримларини келтириб ўтамыз: Διγυρζιχ “денгизчи”,

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

Χαράτων “Қора-тўн”, Βασίχ “Барс, барс каби”, Κουρσίχ “курашчан, жасур”, Ηρέκαν “Ариғ-қон”, Βαλαχ / Μαλαχ “Бирор ҳайвоннинг кенжа боласи”, Βαλμάχ “Башмоқ / Бармоқ” (?), Βαρηζ “Барс”, Ἰλγερ “Элиғ (хукмдор)-эр”, Κούτιλις “Қут-элчи”, Χαγάνος “хоқон”, Βαϊανός “Бай / Баян”, Βοοκολαβράς “Бўға-қуловуз”, Κοχ “кўк”, Σόλαχος “сўлок” (чапақай), Ταργιτης (мўғул. *тергечи(н)*) “арава-чи”, эски турк. \**тегрәкчи*), Κοσένζης “кўзанчи” (турк. *кўзан* “олакўзан”), Μουχλώ, Τουγά ва Βουγά (кейинги иккаласи хотин-қизлар исми) ва б. Лотинча ёзма манбаларда эса Attila “Идилли”, Ellak “Элик” (хукмдор), Mundzukus “Бунчук / Мунчок”, *tudunus* “тудун” (нойб), *iugurris* “йўғруш” (вазир), *canuzauci / camzauci* “қам-савчи” (шомон-терговчи) атоқли от ва унвонлари учраб, улар туркий тил негизидадир [Golden 2002: 70, 72, 85, 89]. Шунингдек, Шарқий Европа (Дунай, Қора денгизнинг шимоли, Шимолий Кавказ, Волга – Уралбўйи)дан топилган илк ўрта асрларга тегишли турли буюмлар сиртидаги битикларнинг сезиларли бир қисми булғор, хазар каби “Ўғур турклари”га тегишлидир [Бенцинг 1986: 11–28; Tekin 1987: 43–44, 54; Мудрак 2005: 83–106].

Ўғур тармоғидагилар милодий IV–V асрларда Шарқий Европага келишларидан олдин, Урал ва Ғарбий Сибир кенгликларида, шунингдек, Қозоғистон даштлари, Жунғория пасттекислиги ва Олтой тоғларининг ғарбий этакларида яшаб, кейинчалик олис кунботардаги ўлкаларга кўчишган [Откан 1991: 773–780, 784]. Санаб ўтилган ўлкаларда яшовчилар ва уларнинг қўшни элатлари Хитойдан шимол ва шимоли-ғарбда яшаб, йилномаларда *сюн-ну* (хун), *юе-бан*, *гао-че* (луғ. “юксак аравалилар”), *те-ле* (\*тегрек “арава”), *ху-а* “авар”, *и-да* (эфталит), *сян-би* “савир”, *му-жунг* (можор) каби турли этнонимлар билан аталсалар-да, уларнинг қўпчилиги тили ўхшаш элатлар ўлароқ эслатиб ўтилган. Ушбу эл-улусларнинг Шарқий Европага кўчишини милодий III–IV асрларда хунлар бошлаб берган бўлиб, қолган-

лари бирин-кетин уларнинг изидан боришган. Ушбу кўчманчи элатлар тўғрисида чуқур изланишлар олиб борган айрим ғарблик тилшунослар Европа хунлари тилини “туркий ва мўғул тиллари орасидаги, чамаси биринчисига яқинроқ олтой тилларидан бири”, деб ёзишган [Pritsak 1982: 478–476; Golden 2002: 71].

Хитойнинг шимоли ва шимоли-ғарбидаги кенгликларда яшаган ушбу кўчманчи элатлар тилининг ўзаро ўхшашлиги йилномаларда келтириб ўтилса-да, айрим атоқли отларни айтмаганда, улар билан тўғридан-тўғри боғлиқ сўзлар деярли бизгача етиб келмаган. Шундай бўлишига қарамай, *сян-би* “савир”ларнинг бир тармоғи ўлароқ хитой йилномаларида тилга олинган *то-ба* (табғач) уруғи ва уларнинг 386-534 йилларда Хитойни бошқарган Шимолий Вэй сулоласига тегишли кўплаб атоқли от ва унвонлар, шунингдек, айрим атама ва иборалар сақланиб қолган. Бу борада изланишлар юритган П. Будберг қуйидагича сўзларни хитойча маънолари билан солиштириб, уларнинг туркий ва мўғул негизларини аниқлаган:

1) *K'o-sun* “қиролича” – турк. \**qasun ~ qatun ~ qayaturun* “хотун – малика, хоннинг бош хотининг унвони”;

2) *K'o-po-chên* “эшикоғаси” – турк. *qaraqčîn* “қапуғчи, эшикоғаси”;

3) *Ch'i-wan-chên* “тилмоч” – мўғул. *kälmärčîn* “тилмоч”. Шу ўринда “тил” маъносидаги мўғулча *käl* сўзини туркий тиллардаги “калака”, “калчик” (дудук) сўзлари билан бир негиздан эканлигини айтиб ўтиш керак.

4) *Pi-tê-chên* “котиб” – турк. *bitäkčîn* “битикчи”;

5) *Hsien-chên* “почтачи” – турк. *yamčî* “ёмчи, почтачи”;

6) *Tou-lu* “қонуний бўлмоқ” – турк.-мўғул. *törü* “қонун, низом”;

7) *K'u-jen-chên* (атокли от) – турк.-мўғул. *qoyinčîn / qoninčîn* “қўйчи, чўпон”;

8) *A-kan* (унвон) – мўғул. *aqan* “ака, оға”. Шу ўринда бу сўз эски туркчада *aqä* “ака” ўлароқ учрашини ҳам

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

- айтиб ўтиш керак [Бабаяров, Кубатин 2016: 32-36];
- 9) *K'o-han* (унвон) – турк.-мўғул. *qağan* “хоқон”;
- 10) *Chih-chîn* (шаҳзодалар унвони) – турк. *tegin* > мўғул. *čigin* “шаҳзода”;
- 11) *Chih-chên* (ички амалдорлар унвони) – турк. *iç* “ички”;
- 12) *Ho-la-chên* “отлик жангчи” – турк. *atlaçin* “отлик”;
- 13) *To-po-chên* “пиёда жангчи, туғчи” – турк.-мўғул. *\*tabaqçin* “пиёда қўшин”. Бизнингча бу сўзни эски туркча *tariğçī* “хизматчи” сўзи билан тенглаштира бўлади;
- 14) *Hu-lo-chên* “камарларни сақловчи ҳарбий амалдор” – турк. *\*quraqçī / qorçī* “кўрчи, камарчи”, мўғул. *xorçī*;
- 15) *So-tu-chên* (унвон) – турк.-мўғул. *sağdaqçin* “ўқ-ёй сақловчи”;
- 16) *P'u-ta-chên* “хукмдор кийимларини кўриқловчи амалдор” (унвон) – турк.-мўғул. *boğdaqçin* “бўғчачи”;
- 17) *Chê-hui-chên* (унвон) – турк.-мўғул. *jarguçī* “терговчи”;
- 18) *A-chên* “ошпаз” – турк. *aşçin* “ошчи, ошпаз” ва б. [Boodberg 1936: 169–179; Clauson 1960: 114–118].
- Қисқаси, *то-ба* (табғач)лар тилидан етиб келган сўзларнинг кўпчилиги туркча ва мўғулча сўзлар билан уйғунликка эгалигига урғу берган П. Будберг уларнинг тили, ўз навбатида *сян-би* тили “мўғулча атамалар анча-мунча учрайдиган, бироқ негизи туркий бир тил” бўлганини ёзади [Boodberg, 1936: 185; Çakmak, 2003: 6]. Будбергнинг бу қараши тадқиқотчилар орасида анчагина кенг ёйилиши билан бирга унга қарши чиққанлар ҳам талайгина [Vovin 2007: 191-206]. Шунга қарамай, кўпчилик тишунослар бу борада бир тўхтамга келган бўлиб, *сян-билар* ва уларнинг издоши ёки бир тармоғи бўлмиш *то-ба* (табғач) таркибида кўплаб хун (прото-турк) ва протомўғул уруғлари ўрин олганлиги, улар орасида хунларнинг салмоғи юқори бўлганини ёзишади [Bazin 1950: 323; Clauson 1960: 105-123; Çakmak

2003: 6; Yıldırım 2012: 2713–2714]. Айниқса, кейинги йилларда хитой тилшуноси С. Чен томонидан билдирилган табғачларнинг туркий тилли бўлгани тўғрисидаги янгича қарашлар кўпчилик тадқиқотчиларнинг диққатини тортди [Chen 2012: 183–191]. Шу ўринда Шимоли-Ғарбий Хитойда яшаган *сян-би* (савир) ва *то-ба* (табғач) элатлари билан боғлиқ этнонимлардан бир қанчасининг кейинчалик Шарқий Европага кўчган бир қатор туркий элатларнинг номига уйқаш келишини айтиб ўтиш керак: *Hsien-pi* “савир” (сәрби. Бу ерда ундошлар ўрин алмашинуви юз берган: *Cārbi* > *cābir* / *savir*), *Mi-lu-hui* / *Pu-lu-ken* “булғор” (турк. *bulğa*- “аралаштирмақ, буламоқ”, *Mu-jung* / *Mu-yü-kên* “можор”, *Wu-huan* / *Hu-a* “авар”, *T'o-pa* / *Tabğaç* “чуваш” (*m* ~ *ч*; *ч* ~ *ш* алмашинуви, сўз ўртасида *ğ* ундошининг тушиб қолиши) [Boodberg 1936: 301–302; Clauson 1960: 105–123; Golden 2002: 84].

Демак, ҳам мелодий илк мингйиллик ўрталарида Олтой тоғлари теварагида яшаган элатлар, ҳам илк ўрта асрларда Шарқий Европада тарқалган эл-улусларнинг кўпчилиги “Ўрхун-Энасой битиктошлари тили”да сўзлашувчи бошқа туркий элатлардан бирмунча ажралиб турувчи лаҳжада сўзлашган бўлиб, бу тилни “Ўғур туркчаси” деб аташ кенг ёйилган. Хўш, унда ҳар иккала тармоқ – туркий тилларнинг “Шарқий хун” ва “Ғарбий хун” тармоқлари битта она тармоқдан ажралиб чиққанини кўрсатадиган далиллар борми, Осиё Хун салтанати бошқарувчиларининг тили улардан қай бирига яқинроқ бўлган, деган сўроқларга қандай жавоб топса бўлади? 648 йилда китоб ҳолига келтирилган хитойча “Цзин шу” (“Цзин сулоласи тарихи”) йилномасида *сюн-ну* (хун) тилига тегишли бир жумла ўрин олган бўлиб, ўз даврида хитойча ағдарилган ушбу парчани тилшуносларнинг кўпчилиги туркий тил негизида қуйидагича ўгиришган:

秀支 替 剛 ( Xiùzhī tìlgāng ) – 僕谷 秃 劬當  
( Púgǔ qútūdāng )

А. Дыбога кўра:

*Sü-ge tali-t-kan* - “Кўшинни ташинг (ташқарига унданг),

*Bökö-g göt-ök-ta-η* – Бўкуни тутинг” [Дыбо 2007: 77; Кисамов 2017: 78–79 ва б.].

Бу ерда биринчи жумладаги *sü* – Ўрхун битикларида “кўшин” маъносидаги *sü* сўзи, *ge* – қадимги туркча жўналиш келишиги, *tali-t-kan* “ташинг, ташқарига чиқаринг” сўзларидан иборат бўлиб, “кўшинни ташқарига ундаган”, яъни “урушга чорлаган” маъносидадир. Иккинчи жумлада эса *Bökö-g* “Бўку” “қахрамон, паҳлавон” маъносидаги киши исми ёки унвони, *-g, gö-* қадимги туркча тушум келишиги, *t-ök-ta-η* эса “тутинг” сўзлари билан очикланади. Бундан кўринадики, Хун бошқарувчиларидан бири ўз кўшинига урушга отланиб, Бўку исмли ёғийни тутиб келиш учун буйруқ берган ва бунга таниқ бўлган хитойликлар унинг оғзидан чиққан сўзларни шу тариқа ёзувга кўчиришган. Иероглиф ёзувда берилган бўлишига қарамай, хун тилининг хусусиятларини ўзида акс эттирган бу шеърий парча хун тили билан қадимги туркий тил – Ўрхун-Энасой битиктошларининг тили лексик ва морфологик томондан унчалик кўп фарқ қилмаганини кўрсатади. Шу билан бирга, *tali-t-kan* “ташинг, ташқарига чиқаринг” сўзи битиктошлардагидан кўра кўпроқ “Ғарбий хун” (“Ўғур туркчаси”)га яқинроқ келишини айтиб ўтиш керак. Бу ерда битиктошлардаги *taşiq-* “чикмоқ, ташқарига чикмоқ” феълининг *tali-* кўринишида келиши унинг анча эски - архаик эканлигини кўрсатиб турибди.

Шу ҳам борки, ушбу парчанинг фақатгина лексик ва морфологик томонларигина эмас, балки тузилиши ва услубий томони қадимги туркий шеъриятга уйғун келади. Шунингдек, битиктошларда “кўшин урушга борди” маъносида *sü taşiqdi* иборасига кўп бор дуч келинади [User 2009: 376]. Демак, бир-биридан анча узоқ даврларда ёзилганига қарамай (биринчиси – мил. III аср, иккинчиси – VIII аср) деярли бирдай иборанинг ўрин

олишини қадимги туркий жамиятнинг ўзига хослиги, яъни яшаш тарзида ҳарбийлик устуворлик қилиши билан боғлашга ундайди.

### **Хулоса**

Юқорида қисқача кўриб чиқилган маълумотлар негизда кўйидагича тўхтамларга келинди:

- туркий тилларнинг қадимги бир тармоғи бўлмиш “Ўғур туркчаси” (“Ғарбий хун тармоғи”, “Булғор туркчаси”) туркий тилларнинг тарихий илдизларини ўрганишда ўзига хос ўрин тутиб, туркий тилли элатларнинг географик ўрни, илк ватани, кўчиш босқичлари, уруғ-қабилавий бўлиниши, бошқа тиллар билан қариндошлик даражаси каби бир неча масалаларнинг ўз ечимини топишида ёрдам беради. Шу ўринда “Ўғур турклари” билан у ёки бу даражада боғланувчи эл-улуслар, айниқса, уларнинг Шарқий Европага кўчганлари “туркий тилли”, Шимоли-Шарқий Хитой ва Олтой тоғлари орасида яшаганлари эса “мўғул тили” деб юритилиши каби чигалликлар келажақда ўз ечимини топиши керак;

- туркий тилларнинг “Ўғур тармоғи”га кирувчи Ғарбий хун, ўғур, савир, авар, булғор, хазар тиллари бугунги кунда “ўлик тиллар” саналса-да, уларнинг кенжа авлоди – чувашча прототурк тили бўйича тушунчаларимизни бойитади. Айниқса, қадимги туркийлар жамиятида ўзига хос ўрин эгаллаган диний тушунчалар билан боғлиқ “Тангри”, “қут”, сиёсий уюшув, бошқарув ва давлатчиликка алоқадор “эл”, “ўрда”, “ябғу”, “хоқон”, “хотун”, “тегин”, “эркин”, “су” (қўшин) каби сўзлар Турк хоқонлиги ўртага чиқишидан олдин ҳам туркий негизли сиёсий уюшмаларда кенг қўлланилгани кўзга ташланади;

- “Ўғур тармоғи”да сўзлашувчи эл-улуслар милоддан олдинги мингйилликнинг ўрталаридаги прототуркча хусусиятларни бирмунча сақлаган бўлиб, улар олтой тиллари орасида турк тил туркумига энг яқин гуруҳ саналувчи мўғулча билан бирмунча умумийликка эга.

## **ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

Бу нафақат ҳар иккала гуруҳ тилларидаги сўз ва сўз бирикмаларида эмас, балки сўз ясовчи кўшимчаларда ўхшашлик борлигида кўринади;

- бошланғичда Олтой тоғлари теварагида, аниқроғи, ушбу тоғ тизмаларининг жанубий ва ғарбий этакларида яшаган, кейинчалик – милодий мингйилликнинг илк асрларида Ғарбий Сибир (Шимолий Қозоғистон – Урал бўйлари)да кенг ёйила бошлаган “Ўғур турклари” илк ўрта асрларда кунботарга – Шарқий Европа (Волгабўйи, Шимолий Кавказ, Қораденгиз шимоли, Карпат тоғлари, Болқон ярим ороли)га кўчиб, бу ерларда ўзидан бир қатор этнографик ва лингвистик излар қолдиришган. Улардан бири – булғорлар славянлашган бўлса, ўн-ўғур ва мижорлар, бугунги венгер халқининг этник шаклланишида қатнашиб, фин-угорлашиб кетган;

- бугунги кундаги энг кўп сонли туркий халқлар сўзлашадиган тил – “Ўрхун-Энасой туркчаси” эса ушбу тармоқдан анчагина фарқли бўлиб, ўғуз, қарлук, қипчоқ, Жанубий Сибир туркий лаҳжаларининг ота-болари ушбу тилда сўзлашишган. Ўз ўрнида у хун тилининг “Шарқий тармоғи” сифатида “Ғарбий тармоқ” билан битта негиздан ўсиб чиққан. Турк хоқонлиги анча олдин – милодий III–IV асрларида юз берган бу жараён нафақат ҳар иккала тармоқнинг тил хусусиятларида, балки этник атамаларда ҳам кўзга ташланади (*ўғур ~ ўғуз; тўқурғур / қўтриғур ~ тўғузғуз “тўққиз ўғуз”*).

### **1.2. VI аср илк ярмида Марказий Осиёда этносиёсий аҳвол ва Турк хоқонлигининг юзага келиши**

Турк хоқонлигининг ташкил топиши арафасида Марказий Осиё аҳолисининг бир қисмини, асосан, воҳаларда истиқомат қилувчи ўтроқ экин-тикинчилар, дашт ва чўлларда эса чорвачилик билан шуғулланувчи кўчманчи ва ярим кўчманчилар ташкил этган. Шу би-



лан бирга, ушбу минтақанинг деярли ҳамма жойида ҳар иккала хўжалик шакли, яъни ҳам деҳқончиликнинг, ҳам чорвачиликнинг муайян даражада мавжуд бўлгани кўзга ташланади. Айниқса, минтақанинг шимоли-шарқий қисмлари – Евросиё даштларининг катта бир қисми (ҳозирги Қозоғистон), Олтой ва Тангритоғ этаклари, Мўғулистон ва Шимолий Хитойда кўпроқ кўчманчи ҳаёт йўсини устувор бўлса, минтақанинг жануби-ғарбий қисмларида, кўпроқ, Шарқий Туркистон, Амударё–Сирдарё оралиғи, Шимолий Ҳиндистон (Покистон), Афғонистон, Хуросон каби ҳудудларида ўтроқ воҳалар мавжуд бўлиб, ушбу ҳудудлар аҳолисининг кўпчилиги шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилишиб, хўжалик ҳаётида деҳқончилик, ҳунармандчилик ва тижорат катта ўрин тутган.

Шу билан бирга, Марказий Осиёнинг ҳар иккала қисмида ҳам серсув дарё ҳавзалари, ҳам дашт ва чўллар бўлиб, улардан бири доимий равишда ўтроқ аҳолини ўзига жалб қилса, иккинчисида эса қадимдан кўчманчи аҳоли ўз чорвалари билан кўчиб юрадиган масканлар эди. Хусусан, мазкур минтақанинг кўчманчи муҳит ҳукмрон қисми бўлмиш шимоли-шарқий ҳудудларда Или, Иртиш, Чу, Талас каби дарёларнинг мавжудлиги бу ерларда кўчманчилар билан биргаликда қадимдан ўтроқ аҳолининг ҳам истиқомат қилиб келишига шароит яратган; Шарқий Туркистон, Амударё–Сирдарё оралиғи ва Хуросонда бирмунча йирик даштлар билан бирга чўлларнинг мавжудлиги, Ҳиндикуш тоғи этакларида эса яйловларнинг борлиги бу ерлар аҳолисининг бир қисмини кўчманчи чорвадорлар ташкил қилишига замин яратар эди.

Бу даврда Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий қисмлари, асосан, олтой тил оиласига мансуб халқлар: аксарияти туркий этнослар ва қисман мўғулларнинг аجدодларидан иборат бўлса, мазкур минтақанинг жанубий-ғарбий қисмидаги аҳолининг катта бир қисмини шарқий эроний тилли халқлар: суғдийлар, хоразмли-

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

клар, бактрийлар, хўтан-саклар (?) ташкил қиларди. Шарқий Туркистон аҳолисининг катта бир қисми, аниқроғи, Тяньшан тоғларининг жанубий-шарқий қисмида қадим ҳинд-европа халқларидан бири бўлмиш тўхорлар кўпчиликини ташкил қилиб, яқин қўшнилари бўлмиш туркий этнослар билан узвий этномаданий алоқада эдилар. Айниқса, Турфон, Қорашаҳр ва Куча каби воҳа ҳукмдорликларидаги шаҳар аҳолисининг катта қисмини тўхор тилли этнослар ташкил қилиб, бу ерлар ўша даврда «тўрт Тўхор ўлкаси» деб аталарди [Henning 1950: 158–162].

Шу билан бирга, бу даврда Марказий Осиёнинг бир қанча ҳудудларида асосан иккита этнос кенг тарқалган бўлиб, улардан бири – суғдийлар ўз тарихий ватани Суғд ва атрофларидан ташқари, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари, Еттисув, Шарқий Туркистон ва Шимолий Хитойда ҳам анча сезиларли микдорни ташкил этса [Отахўжаев 2009: 17], иккинчиси – қадимги турклар Мўғулистон, Жанубий Сибир, Шимолий Хитой, Олтой ва Тяньшан тоғлари оралиғидаги ҳудудлар аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилувчи этнос бўлиши билан бирга, туркийлар Шарқий Туркистон, айниқса, унинг шимолий ҳудудлари, Еттисув, Фарғона, Чоч, ўрта ва қуйи Сирдарё ҳавзалари, Оролбўйи, Волга–Урал бўйлари [Barthold 2004: 29; Матбабаев 2009: 42], Шимолий Кавказ ва Қора денгизнинг шимоли-шарқи [Комар 2009: 100101], Хуросон, Шимолий Афғонистон ва Тўхористон нуфусининг сезиларли бир қисмини ташкил этувчи этнос сифатида ўз мавқеига эга эдилар.

Айниқса, бу даврда Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари (Чоч, Ўтрор/Тарбанд, Исфижоб/Сайрам)дан тортиб то Еттисув (Тароз, Суяб, Исикқўлнинг ғарби)га қадар ҳудудларда ўнлаб катта-кичик шаҳарлар қад ростлаган бўлиб, аҳолисини асосан туркийлар ва суғдийлар ташкил этарди [Бернштам 1952: 194; Лубо-Лусниченко 2002: 115–116]. Бунга ўша даврдаги хитой ва византия манбаларидаги маълумотлар ҳамда уларнинг туркий ва

суғдий ёки туркий-суғдий асосли жой номлари гувоҳлик беради [Байтанаев 2003: 38–40]. Тўғри, ушбу шаҳар ва ўтроқ аҳоли масканларининг катта бир қисми Турк хоқонлиги даврида, яъни VI аср иккинчи ярми–VIII асрлар оралиғида пайдо бўлган бўлса ҳам, бошқа катта бир қисми хоқонлик ташкил топгунга қадар ҳам йирик аҳоли масканлари ўлароқ билинади. Турк хоқонлиги юзга келишининг илк ўнйилликларида Турк хоқонлигига ташриф буюрган Византия элчиларининг маълумотларига асосланганда, бу ҳудуддаги шаҳарлар аҳолисининг асосий қисмини туркийлар ташкил қилгани аён бўлади. Шунингдек, VII асрнинг 30- йилларида Ғарбий Турк хоқонлигининг Етгисув–Тароз–Исфижоб–Чоч йўналиши бўйлаб жанубга йўл олган хитой роҳиби Сюан Цзан (629–645) ва Шарқий Туркистоннинг жануби орқали йўлга чиққан сайёҳ Хой Чао (726) эсдаликларидан бу ҳудуддаги аҳоли манзилларида туркийлар ва суғдийлар кўпчиликни ташкил этгани аён бўлади [Бернштам 1952: 194; Ектем 2003: 117]. Шу тариқа ушбу ҳудудларда туркий этносларнинг тарқалишини баъзи тадқиқотчилар (*мас.* А. Акишев) урғу берганидек [Аальто 2005: 109], Турк хоқонлиги даври билан боғлаш асоссиз бўлиб чиқади. Чунки қандайдир бир ўн йиллар ичида туркийларнинг бу ҳудудга келиб шаҳарлар барпо этган ёки мавжуд шаҳарлар аҳолисининг катта қисмини ташкил қила бошлаган, деб хулоса чиқариш изоҳ талаб қилади.

Юқорида келтириб ўтилган Хуросон ва Шимолий Афғонистон ҳудудлари аҳолисининг бир қисми туркийлардан иборат эканлиги эса, бу ерларда милонинг илк йиллариданоқ Кушон салтанати, Хионитлар ва Эфталитлар давлатлари даврида ушбу давлатларга асос солган этносларнинг туркийлар билан у ёки бу даражада алоқадорлиги билан очикланади [Бонград-Левин 1985: 420–421].

Айтиб ўтиш керакки, Турк хоқонлиги ташкил топиши арафасида Марказий Осиёнинг, айниқса, ушбу минтақадаги баъзи ўтроқ воҳалар маҳаллий аҳолисининг

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ

қайси тил гуруҳига мансублиги масаласи ҳалигача очик қолаётир. Жумладан, Чоч ва Фарғона водийси аҳолисининг тилига доир келтирилган баъзи маълумотлар уларнинг тили туркий ёки шарқий эроний эканлиги масаласини кўндаланг қўяди. Қанғ давлати ҳукмронлиги (мил. ав. III – мил. III асрлар) давриданок ушбу ҳудудлар аҳолисининг муҳим қисмини прототурк (олд-турк) ва сугдий тилли этнослар ташкил қилганини тасдиқлайдиган маълумотлар учраса-да, манбаларда чочликларнинг ёки фарғоналикларнинг тилига доир «қўшни ҳудудлар тилига ўхшамайди» шаклида маълумотлар учраши [al-Moqaddasi 1967: 335; Бернштам 1952: 193], бу ҳудудлар маҳаллий аҳолисининг тили борасида баъзи саволларни келтириб чиқаради.

Шунга ўхшаш V–VI асрлар мобайнида ушбу минтақанинг ҳукмрон табақаси бўлган эфталитларнинг тили қайси тил гуруҳига мансублиги ҳам ҳалигача етарли даражада ўз ечимини топганича йўқ. Тадқиқотчиларнинг бир гуруҳи эфталитларни шарқий эроний тилли ҳисоблашса [Енокі 1959: 34–40; Ртвеладзе 1999: 271; Исоматов 2006: 47; Исоматов 2006: 21–25], айримлари эса уларни туркий тилли этнос бўлган, деб билади [Frye 1946: 179192; Бонград-Левин 1985: 420–421]. Ҳатто, бир гуруҳ тадқиқотчилар эфталитларни жуан-жуанлар билан қариндош этнос бўлиб, протомўғул тилида сўзлашган, деб қарайдилар [Golden 2002: 61, 88]. Шунингдек, мусулмон (араб, форс) манбаларида эфталитлар «ҳайатила» шаклида учраб, халаж ва канжина туркларини уларнинг авлоди эканлиги қайд этилади [Баходиров 2009: 114].

Марказий Осиёнинг шимолий ва шимоли-шарқий қисми – Оролбўйидан то Узоқ Шарққача бўлган ҳудуд (қуйи ва ўрта Сирдарё ҳавзалари, Еттисув, Олтой ва Тангритоғ этаклари, Или ҳавзаси, Жанубий Сибир, Мўғулистон, Шимолий Хитой) аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этувчи кўчманчи туркий этнослар бир неча қабила ва уруғлардан иборат бўлиб, улар орасида

50 га яқин қабилаларни бирлаштирган *Те-ле* қабилалар бирлиги энг йириги эди. Ушбу бирикмага *уйгур*, *ўғуз* каби йирик қабилалар ҳам кирарди. Ушбу уруғ ва қабилалар кенг ҳудудларда кўчиб юришса ҳам ўзларининг доимий яшайдиган муайян бир ҳудудлари бор эди. Шу билан бирга, ушбу ҳудудларда яшовчи туркий уруғлар даштларда, тоғларда ёки чўл ландшафтларида шаклланган ҳар хил хўжалик типларига кўра ҳам бир-биридан ўзаро фарқ қиларди. Жумладан, хоқонлик асосчиси Ашина хонадони тоғ муҳитига мослашган ҳунармандчилик (яъни темирчилик) билан шуғулланувчи уруққа мансуб бўлса, қарлуқлар ҳам бир неча жиҳатлари билан қадимдан тоғ халқи бўлиб келган [Абулғозий 1992: 32]. Ўнлаб уруғлардан ташкил топган ўғузлар эса кўпрок чўл шароитида шакллангани учун ҳам хўжалик шароити шунга мослашган бўлиб, типик кўчманчи характерга эга эди. Кейинчалик «қипчоқ» номини олган бошқа бир йирик туркий қabila/уруғлар бирлашмаси эса, кўпрок, дашт теграларида истиқомат қилишарди [Ахинжанов 1995: 4, 14–15].

Кези келганда айтиб ўтиш керак, Турк хоқонлиги тарих саҳнасидан тушиб, бир неча асрлардан кейин Марказий Осиёнинг ғарбий ва жануби-ғарбий қисмларига, яъни Шарқий Туркистон, Амударё–Сирдарё оралиғи, Шимолий Ҳиндистон (Покистон/Афғонистон) ва Хуросон ҳудудларига Мўғулистон ва Олтойдан кўчманчи этнослар кўчиб келган чоғларда ҳам дастлаб яшаган ҳудудларининг географик шароитига мос жойларни танлаб яшай бошлаган эдилар. Хусусан, *қарлуқ*, *халаж* каби қабилалар Ҳисор тоғи этакларида, ўғуз қабилалари эса Амударё–Сирдарё оралиғи ва Хуросоннинг чўл ҳудудларида, *қипчоқ* қабилалари бўлса Қримдан то Уралгача бўлган кенг даштларда яшай бошлаганликлари билинди.

Бу даврда Ёйиқ (Урал) ва Идил (Волга) ҳавзалари, Шимолий Кавказ ва Шимолий Қора денгиз бўйлари аҳолисининг кўпчилик қисмини туркий тилли этнослар

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ

ташқил қилиб, улар Турк хоқонлиги ташқил топгунга қадар ҳам бу ерларда яшаб келишарди. Византия ва арман манбаларида *хун*, *оногур*, *кутригур*, *утургур*, *савир*, *булғор*, *авар*, *хазар* каби номлар билан тилга олинган кабилалар ушбу элатларнинг асосийлари бўлиб, улар туркий тилда сўзлашгани кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилади [Golden 2002: 81–87; Комар 2009: 100–101]. Улардан бир қисми, шу жумладан, булғорлар мелодий II–IV асрлардаёқ Шимолий Кавказда истиқомат қилишарди [Плетнева 1982: 31]. Ушбу элатлар фақат кўчманчи бўлмасдан, ўзларининг ўнлаб шаҳарларига эга бўлгани ёзма манбалар ва археологик топилмалар асосида ўз исботини топган.

Турк хоқонлиги ташқил топиши арафасида Марказий Осиёнинг сиёсий аҳволига назар солинса, қуйидагича ҳолат мавжуд бўлгани кўзга ташланади: минтақанинг шимоли-шарқий қисми – асосан, Тяншаннинг шимоли-шарқий қисми, Олтой тоғларининг шарқий этаклари ва Жанубий Сибир ҳамда Мўғулистонни ўз ичига олган худудда Жуан-жуан ёки Авар хоқонлиги<sup>1</sup> ([402–552](#)) ёки деб аталадиган бирмунча йирик империя, минтақанинг Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга шимоли-жанубдан туташ бўлган худудлар, шунингдек, Шимолий Ҳиндистон (Гандҳара/Покистон, Афғонистон) ва қисман Хуросонни ўз қўл остида бирлаштирган Эфталитлар давлати (420–565) мавжуд эди.

Хитой йилномаларида эслатилишича, *Йёда* (Эфталит) давлати куч-қудратга эришган пайтда (450-йилларда) унга Ғарбий ўлкалардаги Кангюй (Чоч ёки Суғд?), Хўтан, Шалэ/Сулэ (Кошғар), Куча, Аньси каби 30 га яқин кичик ҳукмдорликлар бўйсунган [Бичурин 1950, II: 269]. Ҳар иккала давлат нисбатан ўзаро қўшни бў-

<sup>1</sup> *Авар хоқонлиги* – ушбу ном остида кўп ҳолларда VI–IX асрларда Шарқий Европа (асосан, Қора денгизнинг шимоли, Панония/Австрия, Туна дарёси бўйлари)да ҳукм сурган туркий салтанат тушунилади. Шу билан биргаликда, бир қатор тадқиқотчилар Жуан-жуан хоқонлиги ва Эфталитлар давлатини ҳам аслида битта давлат бўлиб, уларнинг асл номи Авар хоқонлиги бўлган, деб санайдилар [Қаранг: Golden 2002: 61–65, 88].

либ, Шарқий Туркистон ва Еттисув уларнинг чегара худудларини ташкил қиларди.

Ўша кезларда Марказий Осиёга шарқдан қўшни худуд – Хитойда Шимолий Вэй (Тоба; 385–556) сулоласи ҳукмрон эди. Минтақага жануби-шарқдан қўшни худудда эса ўз даврининг энг йирик сиёсий кучларидан бири Эронда Сосонийлар империяси мавжуд бўлиб, Хуросонда ўз мавқеини ўрнатиш учун доимо Эфталитлар билан рақобатда эди. Сосонийлар ҳам худди Хитойга ўхшаб минтақада янги бир давлатнинг пайдо бўлишини хайрихоҳлик билан кутиб олади ва тез орада Турк хоқонлиги билан алоқа ўрнатиб, унинг Эфталитларга қарши сиёсатини қўллаб-қувватлай бошлайди.

Турк хоқонлигининг ташкил топишида илк ўчоқ вазифасини бажарган Олтой тоғлари атрофидаги сиёсий воқеаларга назар ташланса, қуйидагича ҳолат намоён бўлади: яъни 400- йилларнинг бошларидаёқ ўз бошқарув марказини Дунхуан воҳасининг шимолида барпо қилиб, ғарбий худудлари *Янци* (Куча) воҳасигача, шимолий худудлари *Ханхай* (Байкал)гача чўзилган, шарқда эса Ўтукан водийси ўлароқ Мўғулистоннинг марказий худудлари ва жанубда «Буюк Кум чўли»ни ўз ичига олиб, атрофдаги майда ҳукмдорликларни ўзига бўйсундирган Жуан-жуан хоқонлиги мазкур худудларда яшовчи 50 га яқин уруғ-қабиладан иборат *Гаогюй/Теле* каби йирик туркий қабилалар қаторида ашина қабиласи устидан ҳукмронлик қиларди [МИДКНГД 1984: 269]. Бундан кўринадики, ушбу қабиланинг илк макони бўлмиш Турфон воҳасининг шимоли ва кейинчалик уларга маскан бўлган Олтой тоғларининг жанубий этаклари Жуан-жуанларнинг марказий худудига яқин жойлашган эди.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, қуйидагича савол туғилади: Турк хоқонлиги аслида қандай шарт-шароитлар негизида вужудга келган? Умуман олганда, хоқонлик ташкил топиши арафасида ашина туркларининг тарихи, яъни улар илк яшаган худуд – Олтой

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ

тоғлари атрофида кечган тарихий жараёнлар кам ўрганилган бўлиб, бу мавзунинг ёритилиши кўплаб муҳим масалаларнинг ҳал этилишига олиб келган бўлур эди. Хитой йилномаларида қайд этилишича, IV–VI асрлар мобайнида Олтой тоғларининг жанубий этакларида истиқомат қилувчи *ту-кюе* (турк) номига эга этник гуруҳ Жуан-жуан хоқонлиги тобелигида бўлиб, ушбу қабила вакиллари ўз касб-корига кўра, чорвадор-кўчманчилар эмас, балки темирга ишлов берувчи кончи (шахтер) ўтроқ аҳоли, яъни ҳозирги тил билан айтганда металлурглар эди. Уларнинг ишлаб чиқариш соҳаси Марказий Осиё шартларига кўра фавқулодда камёб ва фойдали соҳага ихтисослашган эди.

Бундан кўринадики, ўз даврида Марказий Осиё кенгликларини эгаллаб турган Жуан-жуан хоқонлигининг иқтисодий эҳтиёжлари ва кўшинининг қурол-аслаҳа таъминоти металлург Ашина турклари маҳсулоти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу қабила вакиллари Олтойдаги конлар атрофида яшовчи ўтроқ аҳоли эди. Дарвоқе, хитой йилномаларида Турк хоқонлиги ташкил топгунгача бўлган давр мобайнида ашина қабиласи ғорда яшаган қабила сифатида қайд этиладики, бу уларнинг кончилик билан шуғулланиб, конга яқин жойда истиқомат қилгани билан алоқадор бўлса керак.

С.Г. Кляшторный фикрича, туркларнинг ашина қабиласи бир муддат Шимолий Лянь сулоласи (401–439) таркибида бўлиб, хитой йилномаларида акс этган ривоятларга кўра, уларнинг келиб чиқиши Шарқий Туркистон билан боғлиқдир [Кляшторный 2006: 390–394]. Ушбу маълумотлар асосида тадқиқотчи Ашина туркларининг бошланғич тарихини икки даврга бўлади: Ганьсу–Гаочан (мил. III аср – 460 й.й.) ва Олтой (460–551). Хитой олими Ма Чаншоу илгари сурган тахминга кўра эса, сянъбилардан мағлубиятга учраган ашина қабиласи вакиллари Гаочан (Турфон) воҳасига қочишади ва Богда-ула тоғидаги (Урумчининг шимоли-шарқидаги тоғ) ғорларга бекинишади, кейинчалик Шимолий Лянь



давлати таркибига кириб, бу ерда мохир металлурглр сифатида ном қозонишгач, Жуан-жуанлар ўзларининг Гаочандаги қисқа ҳукмронлиги даврида (460- й.й.) уларни темир конларига бой Олтой худудига кўчириб келтиришади [Кляшторный 2006: 291–293]. Далилларга кўра, Олтой тоғларидаги ғорлар кейинчалик ҳам «*уруг зори*», «*аждодлар зори*» сифатида қадрланган ва турк хоқонлари ҳар йили бу ғорларга келиб, қурбонлик маросимларини адо этишган [Бичурин 1950, I: 230–231]. Америкалик олим Д. Синор фикрича, «*уруг зори*» деб аталадиган мазкур жойлар аслида конлар бўлган [Sinor 1990: 296]. Бу фикрни Рашидиддин ва Абулғози Баҳодирхон асарларида туркий халқларнинг аждодлари келиб чиққан жой сифатида зикр этилган Арқанакун ғори ҳақидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди [Рашид-ад-дин 1952: 152; Абулғозий 1992: 28–29; Бичурин 1950, II: 223–227].

Демак, ашина қабиласи жуан-жуанлар қўл остида бўлган пайтда уларга темир ва ундан ясалган буюмларни ўлпон сифатида тўлаб туришган. Тўланадиган буюмлар орасида ҳужум ва мудофаа қуроллари ҳамда от анжомлари алоҳида ўрин эгаллаган.

Ашина туркларининг қўшинлари Бумин етакчилик қилган пайтда кучаяди ва 533 йилда ушбу қабила вакиллари илк маротаба Хитой чегарасига келиб, бу ердан пахта ва ипак газламалар сотиб олишади. 545 йилда Шимолий Чжоу сулоласи императори уларга суғдий Ань Нопаньто (суғд. Нахбанд) исмли шахсни элчи қилиб жўнатади. Бу ҳақда «Суй-шу»да қуйидагича сатрлар учрайди: «*(Турклар) ўрдасидаги барча бир-бирини қутлаб, шундай дейишди: мана энди бизга буюк давлатдан элчи келди: тез орада давлатимиз юксалади*» [Бичурин 1950, I: 228]. Ўз навбатида Бумин 546 йилда совға-саломлар билан Хитойга элчи юборади. Шу тариқа, Ашина турклари халқаро эътирофга эга бўлишади. Бу бир маънода улар учун илк халқаро муносабатлар ўрнатилиши эди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, ушбу воқеларнинг барчаси ашина қабиласи Жуан-жуанлар қўл остида пайтда содир бўлган эди. Бундан келиб чиққан ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, Олтойдаги Ашина туркларидан хануз Жуан-жуан хоқонлигини ағдариб ташлашдан олдин улар орасида «давлат» ёки шунга яқинроқ бир тушунча бор эди. Бунинг тасдиғи сифатида шуларни кўрсатиш мумкин: биринчидан, хитой элчиси келиши муносабати билан улар ўзаро бир-бирини табриклашганда «давлатимиз» иборасини қўллашганки, демак улар ўз уюшмасини сиёсий атама бўлмиш «давлат» сўзи билан аташган; иккинчидан, Ашина туркларининг мустақил халқаро алоқалар олиб бориш ваколати бўлгани ҳақидаги маълумотнинг учраши шундан дарак берадики, улар амалда мустақил бўлишган ва фақат номигагина ўз сюзеренларига бўйсунган. Бироқ Ашина туркларидан қай тарзда бунга эришганлар? Ҳар ҳолда бу уларнинг иқтисодий муносабатларда амалда мустақил бўлиб олишгани билан алоқали бўлиши керак. Биринчи навбатда стратегик маҳсулот, аниқроғи, металлургия маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйганликлари улар учун муваффақият қозонишларига шароит яратган.

Шу ўринда, хитой манбаларида Бумин хоқоннинг дастлаб *ябғу* унвони билан тилга олинганлиги масаласига диққат қаратсак. Маълумки, бу унвон қадимда кўчманчи давлатлар бошқарув тизимида мустаҳкам ўрин эгаллаб, доимо бош ҳукмдорга нисбатан эмас, кичик давлат уюшмаси ҳукмдорига ёки иерархияда сюзерен – хоқондан кейинги иккинчи ё учинчи мавқеда турувчи вазиладор шахсга нисбатан қўлланилган. Бунинг тасдиғини юечжи қабилалар иттифоқининг 5 уруғи бошқарувчилари, хунларга тобе усун ҳукмдорлари ва жуан-жуанлар қўл остидаги ашина қабиласи бошлиқлари мисолида кўриши мумкин [Бичурин 1950, I: 220–221; II: 184, 321–322].

Кўчманчилар учун «қабилалар иттифоқи» шаклида

ишлатилаётган атама остида аслида уларнинг муайян давлатларини тушуниш керак бўлади. Чунки улар генеологик жиҳатдан тайёр қолипланган ва ташкилотга асосланган бўлиб, анъанавий бошқарув тузилмаси мавжуд эди. Бундай давлатлар умрининг катта қисмида марказлашмаган бўлиб, фақат баъзан айрим уруғ (клан) лар катта қийинчиликлар билан ўз давлатини жипслаштиришга эришган ҳолда уларнинг мудроқ босган имкониятларини тўлиқ қувватга келтириш учун фойдаланишган. Қоидага кўра, қабиланинг ёки қабилалар гуруҳининг бу шаклда бўйсундирилиши, уларнинг ўз бошқарувчи (хоқон, хон)ларидан маҳрум бўлиши ёки ушбу бошқарувчилар ўзларини хоқоннинг тобеси маъносида «кул» эканлигини эътироф этишида ўз ифодасини топарди [Кляшторный 1986: 336–337]. Бўйсундирилган қабилаларнинг аслзодалари ўзлари ҳукмронлик қилаётган қабила ичида ўз ҳокимиятини сақлаган ҳолда ғолиб давлат бошлиғига итоат этишган ва улар устидан олий ҳукмдор/хоқон масъул вакиллар воситасида назорат ўрнатилган. «Кул» қабилаларнинг ерлари уларни бўйсундирганлар томонидан тортиб олиниб, ўзлари бошқа худудга мажбурий кўчирилиши мумкин бўлган [Кляшторный 1986: 336–337].

Жуан-жуан, Турк хоқонлиги ва Уйғур хоқонлиги миносида Марказий Осиёдаги кўчманчи империялар таркибида *ябғуликлар* мавжуд бўлганлиги, улар ўз сиёсий ҳокимиятига эга бўлса ҳам, бироқ империянинг вассали эканлиги ифодаси сифатида олий ҳукмдор – хоқонга ўлпон тўлашгани маълум бўлади. Бироқ, бундай ябғуликларнинг ҳаммаси ҳам хоқонлик, яъни империя даражасигача кўтарила олмаган. Демак, Ашина турклари Олтойда яшаган пайтларида ўз ябғулигига эга бўлишган ва жуан-жуанларга тобе сифатида ўлпон тўлашган, деб айтиш мумкин.

Энди, Ашина туркларининг ябғуликдан хоқонлик (империя)гача кўтарилиш босқичига тўхталсак. Маълумки, 552 йилнинг бошида Бумин жангда жуан-жу-

анларнинг ҳарбий кучларига зарба беради, уларнинг хоқони Анагуай эса ўз жонига қасд қилади. Хитой йилномаларида келтирилишича, шу йили *Тумын* (Бумин)<sup>2</sup> ўзига *Йели кехан* (турк. Эл/Элик-хоқон) унвонини қабул қилади, унинг аёли эса *хотун* мартабасига кўтарилади [Бичурин 1950, I: 228]. Ўша даврнинг ёзилмаган қонунларига кўра, «Буюк дашт»да фақат битта хоқон бўлиши мумкин эди. Шу боис, Жуан-жуан хоқонининг ўлими ва шу билан боғлиқ равишда ушбу давлатнинг йиқилишидан кейин Бумин тахтга чиқади ва унинг давлати тўлиқ мустақил салтанат – хоқонликка айланади. Шунга айрича урғу бериш керакки, Ашина турклари жуан-жуанлардан давлатчилик анъаналарининг кўплаб жиҳатларини мерос қилиб олишади.

Хитой йилномаларидан маълум бўлишича, давлатнинг олий бошқарувчиси унвони сифатида «хоқон», хоқоннинг бош аёли унвони сифатида эса «хотун» унвонлари Ашина туркларига уларнинг собиқ хўжайинларидан мерос эди [Бичурин 1950, I: 228; Golden 2002: 119]. Ҳатто, соф туркий сўз асосида шаклланган *эркин*, *элтабар* каби унвонларнинг хитой йилномаларида *сыцизинь*, *силифа* шаклларида Турк хоқонлигидан аввал ҳам Жуан-жуанлар давлати бошқарув тизимида учраши тадқиқотчилар учун «турклар ушбу унвонларни ҳам жуан-жуанлардан қабул қилишган», деб санашларига имкон берди [МИДКНГД 1984: 279–280, 414]. Шу ўринда, мазкур унвонларнинг Жуан-жуанларда учрашини ушбу хоқонлик аҳолисининг муҳим бир қисмини туркий этнослар ташкил қилгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Буни Жуан-жуан хоқонлигининг ташкил топишида туркийлар қатнашганлиги ва хитой йилномаларида уларнинг тили қоришиқ бир тил (эхтимол, турк – мўғул – манжур ва ҳ. к.) сифатида таърифланиши ҳам

<sup>2</sup> *Тумын* хитой йилномаларидаги ушбу ҳукмдор исми қадимги турк битиктошларида Бумин шаклида учрайди. Ушбу ҳукмдорнинг асл исми Туман бўлиши мумкин. Хусусан, Х. Кўрўғли Рашидиддиннинг «Жоме ут-таворих»идаги “Ўғузнома”да келтирилган Туманни Турк хоқонлиги асосчиси бўлиши мумкин, деб қарайди [Қороғлы 1976: 79].

тасдиқлайди [МИДКНГД 1984: 47-48].

Шу тариха 552 йилда Марказий Евроосиёнинг илк империяси бўлмиш Турк хоқонлиги пайдо бўлади. Хоқонликка хос давлатчилик анъаналарининг кейинги тараққиёти бошқа кўплаб омиллар таъсирида ривожланади. VI–VIII асрларда Марказий Евроосиёдаги геополитик вазият бевосита 4 та империя: Византия, Сосонийлар Эрони, Турк хоқонлиги ва Суй ва Тан Хитойи билан боғлиқ бўлган. Бу вазият нафақат ўз даври ёзма манбаларида ўрин олган «дунёнинг тўрт империяси» концепциясида, балки сарой деворий расмлари (*мас.* Афросиёб/Самарқанд, Кушония/Қаттақўрғон ва ҳ. к.)да ўз аксини топган [Байпаков 1998: 24]. Шунингдек, бу йилномаларда акс этган Хитой хоқонлиқни ўзига тенг давлат ҳисоблаб, унга рақиб сифатида қарагани ҳақидаги маълумотлар асосида ҳам ўз тасдиғини топади [Бичурин 1950, II: 230–231].

Бир сўз билан айтганда, хоқонлик империялар характердаги давлат бўлиб, ўша даврда дунёнинг энг йирик империялари бўлмиш на Хитой, на Сосонийлар Эрони ва на Византия уни батамом мағлуб эта олишган. Фақат бунга хоқонликка ўхшаш давлат уюшмаси бўлмиш Уйғур хоқонлиги Ашина туркларининг ушбу давлати ҳокимиятига барҳам бериб, ўрнини эгаллашга муваффақ бўлади ва шу тариха собиқ хоқонлик ҳудудининг маълум бир қисми, яъни Марказий Осиё минтақасининг шимоли-шарқий қисми (Олтой–Жанубий Сибир–Узоқ Шарқ–Шимолий Хитой)да янги бир туркий ҳокимият ўрнатилади. Дарвоқе, араб мутафаккири ва тарихчиси Ибн Халдун (XIV аср) ёзганидек, кўчманчилар томонидан барпо этилган ҳар қандай навбатдаги империя шаффоф бўлиб, ҳар бир кўчманчи империя ўзидан олдингиси ўрнида вужудга келади ва у ўз навбатида эртами-кеч ўрнига келувчи бошқа бир кўчманчи империяга йўл беришга маҳкумдир [Ibn Haldun 1991: 90–91, 94–99].

Турк хоқонлигининг ташкил топиши арафасида Марказий Осиёдаги этносиёсий аҳволни ёритувчи маълум

## **ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

мотларни яхлитлайдиган бўлсак, бу даврда минтақада иккита йирик сиёсий куч – шимоли-шарқда Жуан-жуанлар, жануби-ғарбда эса Эфталитлар давлати ҳукм суриб, биринчиси бир неча ўнлаб кўчманчи этносларни, иккинчиси эса бир қатор воҳа ҳукмдорликларини ўзига бўйсундирган эди. Жуан-жуанлар қўл остида бўлган – Ашина турклари 550- йиллар атрофида ўз мустақиллигини эълон қилиб, қисқа муддат ичида бир неча қабилаларни бирлаштирган ҳолда ўз хўжайинларининг ҳокимиятига барҳам беради ва дастлаб ўз она маконларидан бири бўлмиш Жанубий Олтойда, кейинроқ эса Ордос ва Ўтукан (Мўғулистон)да ўз қароргоҳини тиклайдилар. Орадан кўп ўтмай 555 йилга келиб, шимолда қирғиз ерларини (Жанубий Сибир), жанубда эса Шарқий Туркистон воҳа давлатларини қўлга киритган хоқонлик қўшинлари ғарбга юриш қилиб, 560- йилларда Эфталитлар давлатига барҳам беради. Шу йўсинда, ушбу давлатлар қўл остидаги бир неча ўнлаб қabila ва воҳа ҳукмдорликларини ўзига бўйсундирган хоқонлик минтақанинг энг йирик империясига айланади.

Турк хоқонлигининг ташкил топишида бирданига шу каби уч омил рол ўйнагани аён бўлади:

1) мустақиллик учун кураш натижасида ўзаро уюшув;  
2) иқтисодий мустақиллик (темир эритиш ва унинг савдосини йўлга қўйиш, мустаҳкам қурулларга эга бўлиш);

3) халқаро муносабатларни йўлга қўйиш (Хитой билан дипломатик алоқалар ўрнатиш, Теле қабилалар иттифоқининг қўллаб-қувватлашига эришиш);

4) иқтидорли шахс (лидер)ларнинг етишиб чиқиши (Бумин, Истами).

Ашина қабиласининг ушбу давлати кичик сиёсий уюшмадан Евросиёдаги энг йирик империяга айланишида эса қуйидаги омиллар ётади: 1. Эски хўжайинларининг ҳокимиятига бутунлай барҳам бериш учун уларни охиригача таъқиб этиш (дастлаб Жуан-жуанларга зарба бериб, уларнинг бир тармоғи ёки иттифоқдо-

ши бўлмиш Эфталитлар давлатини тугатиш, сўнгра эса уларнинг ғарбга қочган бошқа бир тармоғи – Аварларнинг изидан қувиб, Шарқий Европага қадар бориш); **2.** Ўтмишдошлари (чамаси, этник ёки хўжалик типи жиҳатидан аждодлари) барпо этган йирик давлатларни қайта тиклашга уриниш ёки улардек бўлишга интилиш (асосан, ўз чегараларини собиқ Хунлар, Кушонлар, Хитонитлар ва Эфталитлар давлатларининг ҳудудларида белгилаш).

Қисқаси, Марказий Евросиё минтақасидаги илк империя бўлмиш Турк хоқонлиги давлат сифатида шаклланиш жараёнларининг айрим масалаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, хоқонлик аслида бутунлай соф кўчманчи давлат бўлмасдан, унинг ташкил топиши ўтроқ халқлар таъсирида эмас, аксинча, ўзаро ички бирикув ва мустақиллик учун кураш каби омиллар натижасидир.

### **1.3. Ғарбий Турк хоқонлиги: юзага келиши, юксалиши ва қулаши**

“Ғарбий Турк хоқонлиги” ибораси остида Буюк Турк хоқонлигининг ғарбий қисми: Олтой тоғларининг ғарбидан то Қора денгиз шимолигача, Волга – Урал бўйларидан то Шимолий Ҳиндистонгача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган салтанат тушунилиб, асосан, хронологик жиҳатдан иккита туркий сулола – Ашина хонадонни (568-704/740)<sup>3</sup> ва Тургаш хоқонлиги (699-766) даври билан белгиланади. Замонавий тарихшуносликда Ғар-

---

<sup>3</sup> Ғарбий Турк хоқонлигининг ўртага чиқиши ва барҳам топиши йилларига доир тадқиқотчилар орасида бирдамлик йўқ. Фақат хоқонликнинг хронологик даврини 568-740 йиллар билан белгилаш маъқулроқ. Хоқонликнинг Эфталитларни енгиши ва Аварларга қарши ғарбга – Шарқий Европага юриши 560- йилларнинг иккинчи ярмида (568 йил атрофида) юз берган бўлиб, бу эса Ғарбий қанот бошқарувининг таъсис этилиши ва унга Истами ябғу тайинланиши тахминан 568 йилда амалга ошган, деб қараш имконини беради.

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

бий Турк хоқонлиги ва Тургаш хоқонлигига алоҳида давлатлар сифатида қаралмоқда. Хоқонликни “Шарқий Турк хоқонлиги” ёки “Ғарбий Турк хоқонлиги” тарзида аташ аслида ўз даври манбаларида кенг ўрин олмаган. Асосан, хитой йилномаларида Турк хоқонлиги *Dong Tu-jue* (“Шарқий турклар”) ва *Xi Tu-jue* (“Ғарбий турклар”) шаклида иккита ном остида берилади [Бичурин 1950, I: 279]. Шунингдек, йилномаларда Ғарбий хоқонлик “Ўн қабила турклари” ёки “ябғу турклари” каби номлар билан ҳам қайд этилади [Chavannes 1903: 219]. Қадимги турк битиктошларида эса хоқонликнинг ғарбий қисмига нисбатан *On Oq* (“Ўн қабила”) ёки *On Oq budun* иборалари ишлатилиб, ҳукмдорлар *On Oq qağan* тарзида тилга олинади [Кляшторный 1985: 165]. Сугдий ҳужжатлардаги *хун* (хун) атамаси эса Шарқий Турк хоқонлигига нисбатан қўлланилган, деб изоҳланади [СДГМ 1962, II: 120].

Аслида, Ғарбий хоқонлик Турк хоқонлигининг таркибий бир қисми бўлиб, салтанат Шарқий ва Ғарбий ўлароқ икки асосий қисмга тақсимланиб бошқарилар ва анъанага кўра, Шарқий қисм бош қанот (марказий ҳокимият) мавқеида, Ғарбий қисм эса унинг таркибий қаноти (бўйсунувчи ҳокимият) сифатида эди. Хоқонлик ташкил топган дастлабки пайтларда ҳокимият бир бутун бўлиб, кейинчалик мазкур қанотлар ташкил этилган эди. Баъзи тадқиқотчиларга кўра, 563 йилда Турк хоқонлигининг бош ҳукмдори Муқан хоқон (553–572) марказий бошқарувни Ўтуканга кўчириб, пойтахтни шу ерда қургач, айна йилда ғарбий қанотга масъул Истами Юлдуз водийсини қароргоҳ сифатида танлаб, хоқон унвонини олади [Екзем 2003: 2]. Бунгача ўтган 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида Турк хоқонлигининг бошқарув маркази ягона бўлиб, баъзи тадқиқотчилар фикрича, у Беш-балиқ (Турфон) атрофида, баъзиларга кўра эса, Олтой тоғларининг жанубишарқидаги даштликда жойлашган эди [Osawa 2009: 48]. Хитой йилномаларида *Шидянми* (Истами)нинг дастлаб *шанюй* (Муқан хоқон)



га ҳамроҳлик қилгани, кейинчалик унинг ҳокимиятига “Ўн қабила” номи берилгани қайд этилади [Chavannes 2007: 69]. Византия манбаларига кўра, турк хоқони (Муқан) *Стемвис* (Истами)ни ўзига иттифоқчи қилган [Moravcsik 1958: 291]. Ушбу маълумотлар хоқонлик бошқарувчиларининг мамлакатни махсус иккига тақсимлаб, икки қанот шаклидаги бошқарувни йўлга қўйишгани билан боғлиқ.

Хоқонликнинг бундай бўлиниши марказий ҳокимиятнинг инқирозга учраши билан боғлиқ бўлмай, балки қадимги туркларга ва Марказий Евросиёнинг бошқа халқларига хос давлатчилик анъаналари билан алоқадордир. Марказий Осиё тарихида ўтган ўнлаб империяларнинг маъмурий бўлиниш принципи иккига (қанотларга) ёки учга (қанотлар ва марказга) бўлиниш хос эди [Трепавлов 1993: 134–135; Крадин 2000: 21–32]. Хоқонлик пайдо бўлишининг илк даврлариданоқ Евросиё кенгликларининг катта қисмини эгаллаган давлат сифатида анъанага кўра икки маъмурий қисмга – Шарқий ва Ғарбий қанотга бўлинган эди. Яъни Марказий Осиёдаги *кўчманчи империялар*нинг бундай бўлиниш тартиби уларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири эди. Бироқ ҳокимиятнинг қанотларга бўлиниши кўп ҳолларда ички зиддиятларга олиб келган. Шу боис, хитой манбаларида хоқонликнинг бундай шакли ҳукмдорлар орасидаги жанжаллар натижаси сифатида талқин этилади. Албатта, кўчманчи империяларда юксалиш ва чўкиш, фуқаролар уруши ва айирмачилик ҳаракатлари содир бўлиб, улар кўпинча давлат тақдирини ҳал қилгандек кўринса-да, аслида ҳукмрон уруғнинг қонуний бошқаруви мавжуд экан, давлат яшашда давом этган.

Баъзи олимлар фикрича эса, хоқонликнинг Шарқий ва Ғарбий қисмлари бошқарувчилари орасида “Буюк хоқонлик” мақомини олиш учун бошланган кураш даври – 583 йилга тўғри келиб, шу пайтдан бошлаб Ғарбий қанот Ғарбий Турк хоқонлигига айланган эди [Golden 2002: 109]. Кўпчилик тадқиқотчилар қабул қилган фи-

крға кўра, Ғарбий хоқонликнинг том маънода алоҳида давлатга айланиши Истамининг ўғли **Тарду хоқон** (хит. *Дату-кехан*: ғарбда – 576–583; шарқда – 600–603) ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бир гуруҳ олимлар эса “Суй-шу”даги маълумотга асосланиб, Ғарбий Турк хоқонлигининг ташкил топишини шарқда бош хоқонликни қўлга кирита олмаган, **Муқан хоқон** (553–572) нинг ўғли *Або Далобян* (\*Апа Турум/Тўраман: 583/4–587) билан алоқали, деб ҳисоблайдилар. Яъни, Шарқий хоқонликдан сиқиб чиқарилгач, у Тардуни ғарбдаги мулкдан узоқлаштиришга муваффақ бўлади (шу сабабли Тарду шарқда ҳокимиятни қўлга киритиш учун ҳаракат бошлайди) ва шу тарзда ғарбда бир муддат ўз сулоласини барпо қилади [Wang 1982: 124–132, 143–147; Golden 2002: 109]. Қисқа бир муддат Ғарбий хоқонликдаги ҳокимият ҳам Шарқий хоқонликдаги сингари Истамининг эмас, унинг оғаси – **Бумин** (551–552)нинг авлодлари қўлига ўтади. Апа хоқондан кейин Буминнинг эвараси **Нири** (*Нили*; 587–599), ундан кейин **Чўра** (*Чуло*: 599–610) Ғарбий турк хоқонлари бўладилар. Бироқ кейинчалик Истами хонадони яна ҳокимиятни ўз қўлларига олишади.

Бу воқеа 610- йилларда, Истамининг эвараси **Шегуй** (611–617) Чўра хоқонни ҳокимиятдан четлатиб, Ғарбий хоқонлик бошқарувини эгаллаши даврига тўғри келади [Osawa 2002: 84; Golden 2002: 109]. Шегуйнинг вафотидан сўнг Ғарбий хоқонлик унинг иниси **Тун ябғу-хоқон** (618–630) қўли остига ўтади. Эҳтимол, Ғарбий қанот бошқарувчиларининг *ябғу-хоқон* унвонида ҳокимият юрита бошлашлари айнан шу йилларга тўғри келса керак.

Гарчи Ғарбий турк хоқонларининг барчаси манбаларда *ябғу-хоқон* унвони билан қайд этилмаса-да, хитой йилномаларидан Тун ябғу-хоқондан кейин яна 3 нафар ҳукмдор ушбу қўшалок унвон билан тилга олинганига гувоҳ бўлиш мумкин: Истамининг авлоди бўлмиш **Сир ябғу-хоқон** (*Сы шеху-кехан*; 631–633), **Ишба-**

**ра ябғу-хоқон** (*Шаболо шеху-кехан*; 640–641), II. Тун ябғу-хоқон (695–700). Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувчиларининг ўзларини тўғридан-тўғри *хоқон* деб атамасдан, бир муддат *ябғу-хоқон* шаклидаги қўшалок унвон билан ҳокимият юргизишлари уларнинг Шарқдаги бош ҳукмдор – хоқоннинг устунлигини тан олишларини ифодалаган бўлиб, афтидан бу анъанага ҳар доим ҳам амал қилинавермаган. Чунки Ғарбий қанот бошқарувчиларидан бир нечасининг ҳали ушбу қанот *Хоқонлик* мақомига эриша олмаган пайтларда, ҳатто *Ябғулик* паллаларида ҳам ўзларини “хоқон” деб атаганликлари манбалардан маълум. Жумладан, Ғарбий қанот бошқарувига масъул, Истамининг ўғли Тарду 576 йилда отаси вафот этгач, ушбу бошқарувни мерос олган бўлса-да, Шарқдаги бош ҳукмдорлар билан низога бориб, ўзини “хоқон” деб атайди [Бичурин 1950, II: 242]. Бу унинг исми хитой йилномаларида *Дату кехан*, Чочда зарб қилинган тангаларда *trδw x 'y 'n* (Тарду хоқон) шаклида учрашида ҳам ўз тасдиғига эга [Бабаяр, Кубатин 2005: 98, 102]. Шунингдек, *Ябғулик* палласида Ғарбий қанотни бошқарган Нири (587–599), Чўра (599–610), Шегуй (611–617) каби ҳукмдорларнинг хоқон унвон билан ҳокимият юритганликлари асосан хитой йилномалари, қисман эса суғдийча Или битиктошидан маълум [Бичурин 1950, I: 279, 281; Osawa 2002: 80–81].

Шу ўринда, марказий ҳокимият Шарқий хоқонлик мавжуд бўлиб турган бир пайтда ушбу ҳукмдорларнинг *хоқон* унвонига эга бўлишлари изоҳ талаб қилади. Эҳтимол, марказда тез-тез юз бериб турадиган сиёсий заифликларидан фойдаланган баъзи Ғарбий қанот бошқарувчилари ўзларини «хоқон» деб эълон қилишгандир. Фақат Шарқий хоқонлик мавжуд бўлган пайтда Ғарбий қанот бошқарувчиларининг ҳаммаси ҳам ўзларини том маънода хоқон деб атай олмаган шекилли, манбаларда улардан баъзилари асосан *ябғу* ёки *ябғу-хоқон* – *шеху-кехан* (хитой), *Σιζιβουλος* (юнон), *жебу хаган* (арман), *жибғу* (грузин), *Синжепук* (ўрта форс), *Син-*

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

*жибу хоқон* (араб, форс), *йа-бго хаган* (тибет) шаклларида учрайди [Chavannes 1903: 226–228; Moravcsik 1958: 130–131, 290].

Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан Чоч воҳасида бостирилган тангаларда унвонлар иерархиясига амал қилинган ҳолда дастлабки пайтларда, яъни Ғарбий қанот *Ябгулик* статусида экан, фақат *жабғу* унвони билан, кейинги босқич – *Ябғу-хоқонлик* палласида эса *жабғу-хоқон* унвони билан танга зарб қилдиришган. Қачонки, Шарқий Турк хоқонлиги давлат сифатида барҳам топгач, Ғарбий қанот том маънода мустақил давлат хоқонликка айланган ва бошқарувчилари *хоқон* унвонида танга зарб қила бошлашган. Хусусан, яқин йилларда Тошкент воҳасида VI–VIII асрларга оид Ғарбий Турк хоқонлигига тегишли тангаларнинг аниқланиши хоқонлик билан боғлиқ бир қатор муаммоли масалаларнинг ҳал қилинишига имкон берди.

Тангалардаги суғдий ёзувли жумлаларнинг томонимиздан *žpʷw* “жабғу”, *trδw x'γ'n* “Тарду хоқон”, *срʷw x'γ'n pny* “Жабғу-хоқон тангаси”, “... жабғу-хоқон” ва *βʷu twp срʷw x'γ'n* “Илоҳий Тун жабғу-хоқон” шаклида ўқиб чиқилиши Ғарбий турк хоқонлари ўз номидан танга зарб қилдиришган деган мазмундаги фикрга асос берди. Тангаларда Тарду хоқон, Тун ябғу-хоқон каби конкрет ҳукмдор номларининг аниқланиши хоқонликнинг танга зарби масаласининг ҳал этилишида яна бир қадам бўлди. Шу пайтгача кўпчилик тадқиқотларда VI–VIII асрларга тааллуқли Ўрта Осиё тангаларининг бир қисмини “Қадимги турк тангалари” гуруҳи ташкил қилиши таъкидланса-да [Смирнова 1981: 5, 14, 59; Baratova 1999: 281–283], уларнинг қайси ҳукмдорларга ёки сулолаларга тегишлилиги масаласи ҳал қилинмаган, ҳатто, “хоқонлик танга зарб қилдирганми ёки аксинча” мазмундаги фикр деярли ўртага қўйилмаган, кўпчилик тадқиқотчилар орасида эса илк туркий тангалар Тургаш хоқонлиги (699–766) томонидан босилган мазмундаги фикр ўринлашиб қолганди [Salman 1998:

Тамға шакли (**𐰽**), унвон (*жабғу*), иконографик ўзига хосликлардан келиб чиқилса, тангалардан бир қисми хоқонликнинг **илк босқич тангалари**, яъни *Ябғулик* даврига тааллуқли бўлиб чиқадики, уларнинг зарб қилдирилиш хронологиясини тахминий ўлароқ 560- йиллар охири – VI аср сўнгги чорагига қўйиш мумкин. *Жабғу-хоқон* унвонли тангалар эса ҳам унвон, ҳам тамға шакли (**𐰽**) билан хоқонликнинг **иккинчи босқич тангалари** бўлганидан дарак беради. Шунингдек, Ғарбий турк хоқонларининг расмий унвони *ябғу/жабғу-хоқон* бўлгани яна бир қарра ўз исботини топади. Бу типдаги тангалар Ғарбий Турк хоқонлигининг *Ябғу-хоқонлик* палласига оид бўлиб, уларнинг даврий хронологиясини VII аср боши – 30-йиллари билан белгилаш мақсадга мувофиқ. Тангаларнинг сезиларли бир қисми Тун ябғу-хоқон (618–630)га оид бўлиб, айнан шу ҳукмдор даврида хоқонликнинг жануби-ғарбий ўлкаларга эътибори кучаяди. Йилномаларда унинг хоқонлик марказини *Ши* (Чоч) шимолидаги *Цянь-цюань* (Мингбулоқ)га кўчириб, ғарбий ўлкалар устидан ҳукмронликни мустаҳкамлаб, *Босы* (Эрон) ва *Гибин* (Каписа-Кобул)ни ўз назоратига олгани айтилади [Бичурин 1950, I: 283].

Чоч воҳасида зарб қилинган хоқонлик тангаларининг катта бир қисмини хоқон унвонли тангалар ташкил этиб, улар иконографик ва тамға шакли (**𐰽**) жиҳатидан юқорида кўриб чиқилган жабғу ва жабғу-хоқон унвонли тангаларга жуда яқинлиги ва кўплаб миқдорда топилиши билан алоҳида ажралиб туради. Уларда фақат хоқон унвони учраши, тамғанинг қўшимча элементлар олгани, тасвирлардаги дастлабки шакл (прототип) анчагина ўзгарган ҳолда учраши улар хоқонликнинг сўнгги, **учинчи босқич тангалари** бўлганидан дарак беради. Бу тангаларда жабғу ва жабғу-хоқон унвонлари учрамаслиги, уларнинг Ғарбий қанотнинг *Хоқонлик* палласига ўтиши билан боғлиқ, деб очиқлаш имконини беради. Демак, 630- йиллар бошида Тан империяси Шарқий

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ

Турк хоқонлигига барҳам бергач, Ғарбий қанот (яъни Ябғу-хоқонлик) марказий ҳокимиятнинг вориси ўлароқ мустақил хоқонликка айланади ва ҳукмдорлар энди “хоқон” деб аталиб, шу унвонда танга чиқара бошлайдилар.

Қисқаси, ёзма манбалар ва нумизматик материаллар асосида Ғарбий Турк хоқонлиги Турк хоқонлигида Ғарбий қанот бўлиб, давлат сифатида шаклланиш жараёнида *Ябғулик* (VI аср 60- йиллари – сўнгги чораги) – *Ябғу-хоқонлик* (VII аср боши – шу асрнинг 30- йй.) – *Хоқонлик* (630- йй.дан 740- йй.гача) каби 3 босқични босиб ўтганини кузатиш мумкин.

### **Ғарбий Турк хоқонлигининг юксалиш ва чўкиш давлари**

Ғарбий Турк хоқонлиги дастлабки 50 йилдан ортиқ давр – 568–630 йиллар оралиғида Ғарбий қанот мақомида, яъни Ябғулик ва Ябғу-хоқонлик пайтида уни Истами (568–576), Тарду (576–583), Або Далобян (\*Апа Турум; 583–587), Нири (587–599), Чўра (603–611), Шегуй (611–617), Тун ябғу-хоқон (618–630) каби 7 нафар ҳукмдор бошқарган бўлиб, бу даврда у сиёсий жиҳатдан асосан юксалиш даврини бошдан кечирди. Бу унинг йил сайин ҳудудлари кенгайиб, Шимолий Кавказ ва Қора денгиз даштлари, Хуросон ва Шимолий Ҳиндистон ҳудудларини ўз таркибига киритишда яққол кўзга ташланади. Истами даврида то Амударёгача етиб борган хоқонлик чегаралари у ва ўғли Тарду даврида ғарбда Шимолий Кавказ ва Қора денгиз бўйларигача, Шегуй ва Тун ябғу-хоқон даврида эса жануби-ғарбда Шимолий Ҳиндистон ва Хуросонга, ғарбда эса Жанубий Кавказгача кенгайди.

Тун ябғу-хоқонни ўлдирган амакиси *Мохэду* (Баҳодур) 630 йилда тахтни эгаллайди. Қарийб 30 йиллик бир давр ичида хитой йилномаларидан маълум бўлишича, хоқонликни *Мохэду* (\*Баҳодур (630–631), *Сы Шеху кехан* (Сир ябғу-хоқон; 631–633), *Нишу Дулу* (\*Низук Дулу; 633–634), *Шаболо Хилиши* (\*Ишбара Хили Шер

(634–638), *Юйгу Дулу* (\*Юоқуқ Дулу; 638–642), *И Кюйли Ши Би* (\*Эл Кулуг Шер Йелби; 640–641), *Иби Шаболо Шеху кехан* (\*Йелби Ишбара ябғу-хоқон; 641–642), *Иби Шегуй* (\*Йелби Шегуй; 642–649), *Ашина Хэлу* (\*Улуғ; 651–657) каби ҳукмдорлар бошқаришади [Бичурин 1950, I: 284–289; Кляшторный 1985: 165–168]. Бу даврда хоқонликнинг янги ўлкаларни эгаллашга интилиши деярли тўхтаб, хоқонлар орасида тахт талашувлари авж олади. Хитойнинг Шарқий Туркистондаги хоқонликка қарам вассал ҳукмдорликларга даъвоси кучаяди ва хоқонликнинг бу ердаги ҳокимияти заифлашиб боради. 650- йилларда Ашина Хэлу қисқа бир муддат хоқонлик мавқеини тиклайди ва Хитойга қарши муваффақиятли жанглар олиб боради. 657 йилда хитой лашқарбошиси Су Дин-фань унга қарши сафарга чиқиб, қароргоҳ *Цюан-цян* (Мингбулок)қа етиб келади ва бир қатор жанглардан сўнг хоқонни Чу дарёси бўйида мағлубиятга учратади. Хэлу *Ши* (Чоч) ҳукмдори *Шуней Ше* (шад)нинг хузурига қочиб, у ердаги Суду (Уштуркат) шаҳрига бекинади. Шаҳар ҳокими *Инье даган* (Инал тархон) уни тутиб, хитой кўшинларига топширади [Бичурин 1950, I: 292].

Ашина Хэлу тор-мор этилгач, Тан империяси Ғарбий хоқонликдаги мавжуд анъаналар асосида “янги маъмурий тақсимот”лар жорий қилиб, 3 ҳарбий волийлик (протекторат) таъсис этади: 1) Шарқий Туркистонни ҳам ўз ичига олган *Гуньлин*, 2) Тяньшан тоғларининг шимолидаги кенг минтақани ўз ичига олган *Менгчи*, 3) Тяньшаннинг ғарбидаги ўлкалар, яъни Эронгача бўлган худудлардан иборат *Аньси* волийликлари. Бирок улардан фақат дастлабки иккитасида ҳақиқий Хитой устунлиги мавжуд бўлади. Ушбу воқеалардан кейинги ўнйилликларда ҳам Ғарбий хоқонлик мустақил бир давлат сифатида бўлмаса-да, Тан империясига қарам давлат тарзида мавжуд бўлади. Тан императорлари “Ўн Ўқ” бошқаруви тартибини бузмасдан, беш *Нушиби* қабиласининг бошига Ашина Бужчен (657–667)ни хоқон

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ

тайинлаб, қароргоҳи Суябда бўлган *Менгчи* (Хаочжи) гарнизонини, беш *Дулу* қабиласининг бошига Ашина Мише (657–662)ни хоқон тайинлаб, қароргоҳи Таласда бўлган *Гуньлин* гарнизонини ташкил этишади. Аслида, уларнинг иккаласи ҳам Тан императорлари тайинлаган “қўғирчоқ хоқонлар” бўлиб, айти пайтда Хитойга қарашли ушбу гарнизонларнинг ҳарбий волийси эдилар [Бичурин 1950, I: 292–293; Екрем 2003: 111]. Шу тариқа, Ғарбий хоқонликни 657 йилдан то 740 йилгача бошқарган 10 га яқин хоқон Хитойга тобе ўлароқ ҳукм суришади.

Ғарбий Турк хоқонлиги Ғарбий қанот сифатида 560- йилларда шакллана бошлаган бўлиб, унинг 630-йилларгача бўлган *Ябгулик* ёки *Ябгу-хоқонлик* мақомидаги дастлабки 60 йилини “юксалиш даври”, 630–657 йиллар оралиғини “мустақил хоқонлик”, айти пайтда ички низолар даври, 657–740 йиллар оралиғини эса “таназул даври” ёки Хитой қарамоғидаги “қўғирчоқ хоқонлар ҳукмронлик қилган давр” шаклида таснифлаш мумкин. Юксалиш палласида у ҳудудий жиҳатдан кенгайиш, янги ўлкаларни эгаллаш (Шимолий Кавказ, Қора денгиз бўйлари, Хуросон, Шимолий Ҳиндистон), вассаллар устидан ўз ҳокимиятини кучайтириш (маҳаллий ҳукмдорларга *элтабар* унвонини бериб, улар устидан ноиб – *тудун* тайинлаш), ташқи алоқаларда устунлик қозониш (Сосонийлар Эронини бир неча бор мағлуб қилиш, Византия билан иттифоқ тузиш, Хитой билан тенг даражада дипломатик алоқалар ўрнатиш) каби муваффақиятларга эришади. Иккинчи паллада эса хоқонлик, асосан, ўз ички масалалари билан ўралашиб қолиш (хоқонлар ўртасида ўзаро тахт талашувлар, *Дулу* ва *Нушиби* каби ички қанотлар орасидаги зиддиятлар), баъзи чекка ҳудудлар назоратининг қўлдан чиқиши (Шимолий Кавказ, Қора денгиз бўйлари, Шарқий Туркистон) ва тобе қабилаларнинг мустақилликка интилишлари (*се-янто*, *қарлуқ*, *тургаиш* ва б.) сингари воқеликларни бошдан кечиради. Учинчи паллада эса, Ғарбий хоқон-



лик айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, ташқи таъсирларнинг ошиши (хоқонларнинг Хитой томонидан тайинланиши, араб истилоси натижасида Хуросон ва Амударё – Сирдарё оралиғида хоқонлик нуфузининг пасайиши) ва ички зиддиятлар кучайиши (Тургашларнинг марказий ҳудудларни эгаллаб олиши ва б.) каби том маънодаги таназзул палласига киради. Ниҳоят 740 йилда Ашина сулоласининг сўнгги вакили Ашина Синнинг тургашлар томонидан ўлдирилиши натижасида барҳам топади.

**“Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув тизими:** маъмурий-худудий тузилмалар, марказий ҳокимият ва вассал ҳукмдорликлар.

1) **Ғарбий-маъмурий ҳудудлар.** Бу ҳудуд хоқонликнинг асосан кўчманчи аҳолисидан иборат бўлиб, у марказий ҳудуд (“давлат улуси”/метрополия)ни ташкил этган. Яъни Етгисув – Юлдуз водийси – Жунғория текислиги.

2) **Тобе ҳудудлар.** Хоқонликка бўйсунувчи вассал (“элтабарлик” ва “эркинлик”)лар бўлиб, ҳар бири ўз бошқарувчи сулоласига эга воҳа ҳукмдорликлари ва қисман кўчманчи сиёсий уюшмалар эди. Яъни Шарқий Туркистон, Амударё-Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудлар, Хуросон ва Шимолий Ҳиндистондаги ўтрок воҳа ҳукмдорликлари ҳамда Жануби-Ғарбий Олтой, Иртиш ҳавзаси, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси, Волга – Урал бўйи, Шимолий Кавказ, Қора денгизнинг шимолий ҳавзасидаги кўчманчи ва ярим кўчманчи қабила уюшмалари.

Ғарбий Турк хоқонлигининг ушбу марказий ҳудудида яшовчи аҳолининг маъмурий бўлиниши худудий эмас, уруғ-қабилавий бўлиб, хоқонлик уларни бошқаришда кўпроқ қайси уруғ, қабила ёки қабилалар иттифоқига мансублигига қараб, улар устидан хоқонлик вакили ноиб тайинлар, ноиблар воситасида уларнинг ўз уруғ бошлиқларини назоратда тутиш орқали бошқарув амалга ошириларди.

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

а) Маъмурий-худудий бирликлар. Асосан хитой йилномаларидан маълум бўлишича, Ғарбий Турк хоқонлиги аҳолисининг асосий ядросини ташкил қилган кўчманчи этнослар қуйидаги худудларда истиқомат қилишган:

**I.** Марказий Етгисув: Тяншан тоғларининг шимоли-ғарбий этакларининг ўрта қисми, маркази Суяб шаҳри ва унинг атрофидаги ярим ўтроқ, ярим кўчманчи худудлар. Ушбу худуд Иссиққўлнинг ғарбий ҳавзаларидан бошланиб то Таласгача чўзилган бўлиб, унда ўнлаб шаҳарлар ўрин олган эди. Улар аҳолисининг асосий қисмини тужжор суғдий ва туркийлар ташкил қилар, бир қисми эса, асосан, Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг турли воҳалари аҳолисига мансуб тужжорлардан иборат эди;

**II.** Талас дарёсининг ғарби Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари. *Канцзюй* (Чоч?)нинг шимолида *аде* (адиз), *хэже*, *боху*, *бэйган*, *жюйхай*, *хэбэйси*, *хэясо*, *суба*, *емо*, *кэда* сингари Теле қабилалар иттифокига мансуб туркий қабилалар истиқомат қиларди.

**III.** Талас дарёси ҳавзалари. Бу ерда *Нушиби* қабилалар иттифокининг 5 нафар қабиласи яшарди. Бу худуднинг шимоли-шарқий қисмида Чу дарёси жойлашиб, у *Нушиби* ва *Дулу* каби қабилалар иттифоқларининг ўзаро чегараси эди;

**IV.** Чу дарёсининг шимоли-шарқий ҳавзаларидан то Или дарёсигача бўлган худуд. Бу ерда *Дулу* қабилалар иттифокига мансуб 5 та қабилалар истиқомат қиларди;

**V.** Или дарёси ҳавзасида *Дулу* қабилалар иттифоқи аъзоси *тургаиш* қабиласи яшарди;

**VI.** Олтой тоғларининг жануби-ғарбий этакларидан ғарбда, Иртиш дарёси ҳавзасида *қарлуқ* қабиласи яшаб, унинг жануби-шарқида Тарбағатай тоғлари жой олган эди;

**VII.** Тарбағатай тоғлари этакларида *Дулуларга* мансуб *чумуқун* қабиласи яшарди;

**VIII.** Тяншан тоғларининг шимоли-шарқий чеккаси-

даги худудлар. Ушбу худуд Кумул воҳасининг шимоли-ғарби, Турфон воҳасининг шимоли, Жунғория текислигининг жануби-шарқий қисмлари билан чегараланиб, Телеларга мансуб *шиби*, *булочи*, *иши*, *субо*, *нахо*, *укуан*, *юхихуан* каби катта-кичик қабила ва уруғлар истиқомат қиларди [Таşaғил 2004: 45, 140]. Улардан шарқда *се-янтто* номли қабила жойлашиб, Телелар таркибида эди. Беш-балиқдан шимоли-шарқда, Барқўлнинг ғарбида *чюе* (чигил?) қабиласи яшарди [Бичурин 1950, I: 357–358; Таşaғил III: 99].

IX. Юлдуз водийсини ўз ичига олувчи, Тяншан тоғларининг шимолидан бошлаб, ғарбда Иссиққўлга-ча, шарқда Жунғория текислигигача чўзилган худуд. Бу худуддаги Кунгес, Текес, Сайрам, Манас каби дарёлар ҳавзаларида Дулуларга мансуб *шунши*, *шешети*, *хулугу* (\*улуғўк) ва *чуми* (\*чумул) қабилалари яшарди;

X. Балхаш қўлининг шимоли – Иртиш дарёси ҳавзаларида яшаган туркий кимак қабилалари иттифоқининг худуди [Кумеков 2004: 87–92; Golden 2002: 167].

**“Давлат улуси” ва “қанотлар”.** Ғарбий Турк хоқонлигининг ўзига хос марказий сиёсий-маъмурий худуди (“давлат улуси” / “государственный удел” / метрополия) бўлиб, унинг марказида Еттисув жой олганди. Хоқонликка қарашли ушбу “давлат улуси”нинг чегаралари географик жиҳатдан шимолда Балхаш қўли, шимоли-шарқда Или дарёси ҳавзалари, шарқда Жунғория, жануб ва жануби-ғарбда Тяншаннинг шимолий этаклари, ғарбда эса Талас дарёси ҳавзаларигача чўзилган эди. Ғарбий хоқонликнинг энг кучайган даври – VII аср биринчи чорагида Қора денгиз шимоли, Хуросон, Шимолий Ҳиндистон худудларигача бўлган кенг худудни ўз ичига олган империя бўлиши баробарида ўзининг марказий худудига эга бўлиб, у Еттисув ва унинг яқин атрофлари билан чегараланарди.

Ҳар бири 5 қабилани ўз ичига олувчи Дулу ва Ну-*шиби* қабилалар иттифоқи асосида ташкил этилган ва “Ўн Ўқ” деб номланган икки қанотдан иборат ҳарбий-

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ

маъмурий тузилма Ғарбий Турк хоқонлигининг марказий худуди – “давлат улуси”ни ташкил қилиб, у хоқонликнинг ҳарбий-сиёсий таянчи бўлган, деб ҳисоблаш лозим. Ушбу қабилалар хоқонларни сайлашда ҳам ўз таъсир доирасига эга бўлиб, бу ҳар иккала қанотга мансуб қабилаларнинг ўзларига тарафдор хоқонни тахтга ўтказиш учун ўзаро низолашувга боришларига ҳам олиб келган [Бичурин 1950, I: 287, 291–293].

### “Давлат улуси”нинг маъмурий-худудий чегаралари

Ғарбий Турк хоқонлигида махсус улус – бевосита хоқонликка қарайдиган ҳудуднинг муайян чегаралари мавжуд эди. Еттисув – Юлдуз водийси – Жунғория текислиги ҳудудларини ўз ичига олган бу улус Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларидан табиий-географик жиҳатдан алоҳида бўлиб, унинг табиий чегаралари ғарбда Шимоли-Ғарбий Тяншан тоғлари – Таласдан то шарқда Шимоли-Шарқий Тяншан – Беш-балиқ (Турфон)гача, жануби ушбу тоғ тизмаларининг шимолидан то шимоли-шарқда Балхаш кўли, Или ҳавзалари, Тарбағатай тоғлари билан чегараланар эди. Жанубда у Тяншан тоғининг жануби-шарқи, жануби ва жануби-ғарбидаги воҳалар, ўз навбатида бирор воҳа ҳукмдорликлари бўлган Кумул – *Гаочан* – Қорашаҳр – Куча – Кошғар – Фарғона – Чоч – Тарбанд – Исфижоб (Сайрам) билан чегарадош эди. “Давлат улуси” шимоли-шарқда Иртиш дарёси ҳавзаларида яшовчи вассал *қарлуқ* қабилалари ва Жунғориянинг шарқий қисмларидаги *се-янто* қабила-си ҳамда Олтой тоғларининг жануби-шарқий қисмидан бошланувчи Шарқий Турк хоқонлиги ва жануби-ғарбда Ўрта Сирдарё ҳавзаларидаги қабилалар билан чегарадош эди. “Давлат улуси”нинг шимолида эса Жунғория Олатови ва Жанубий Сибирнинг ғарбий қисми жой оларди.

**Ҳоқонлик таркибидаги вассаллар.**

1) хоқонликнинг марказий ҳудудларига яқин жойларда яшовчи, кўчманчи ҳаёт ҳукмрон дашт, тоғ ва тоғ олди ҳудудлари: Жунғориянинг шимоли, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси ва Ғарбий Олтойда яшовчи вассал кўчманчи қабила бошқарувлари. Бу гуруҳга кўчманчи ҳаёт устувор бўлган Волга–Урал бўйи, Шимолий Кавказ ва Қора денгиз бўйи ҳудудлари ҳам киради;

2) **ўтроқ турмуш тарзи устувор воҳалар:** Шарқий Туркистон, Амударё–Сирдарё оралиғи, Хуросон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон;

Ҳоқонлик таркибидаги ўтроқ воҳалар қуйидаги ўлкаларда жойлашган эди:

**I. Шарқий Туркистон:** 1) Кумул, 2) Турфон, 3) Қорашаҳр, 4) Куча, 5) Кошғар, 6) Хўтан;

**II. Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудлар:** 1) Чоч, 2) Фороб/Ўтрор, 3) Исфижоб, 4) Фарғона, 5) Уструшона, 6) Суғд (Самарқанд, Маймуғ, Кушония, Панч, Кеш, Нахшаб ва б.), 7) Бухоро, 8) Тўхористон, 9) Хоразм;

**III. Шимолий Ҳиндистон ва Афғонистон:** 1) Гандхара, 2) Кашмир, 3) Кобулистон, 4) Зобулистон;

**IV. Шимолий-Шарқий Эрон – Жанубий Туркманистон** (Хуросон): 1) Дехистон, 2) Гургон, 3) Марв.

Шартли равишда келтирилган ушбу тақсимотдан хоқонлик таркибига кирган воҳа ҳукмдорликларининг сони 20 дан ортиқ бўлгани маълум бўлади. Шу билан бирга, мазкур ҳукмдорликларнинг таркибида ўнлаб кичик ҳукмдорликлар мавжуд бўлиб, хоқонлик улар устидан ҳам алоҳида назоратчилар тайинлаган. Масалан, Тўхористонда 20 дан ортиқ, Суғдда 10 га яқин кичик ҳукмдорликлар устидан.

Ғарбий Турк хоқонлиги ўз вассаллари, яъни асосан воҳа давлатларини бошқаришда қуйидагича **усуллардан** фойдаланган:

1) **Бевосита** – вассаллар назоратига шаҳзода – *тегинлар юбориши*. Хоқонликнинг кўпроқ илк даврларига

## **ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

тааллуқли бу усул етарлича узвийлик касб этмаган бўлиб, вассалларнинг барчасига ҳам жорий қилинмаган. Афтидан, асосан, стратегик жиҳатдан муҳим воҳалар бошқарувида ўзгариш қилинишга уриниб кўрилган ва маҳаллий ҳукмдор ўрнини Ашина хонадони вакиллари эгаллаган (Чоч, Фарғона, Тўхористон, Кобулистон);

**2) Билвосита** – Воҳа ҳукмдорлигининг маҳаллий сулоласи устидан назорат қилиш – маҳаллий ҳукмдорга *элтабар унвонини бериш* ва *тудун тайинлаш* (назоратчи ноиб). Бу усул кенг ёйилган бўлиб, афтидан, барча воҳа ҳукмдорликларига жорий қилинган ва узвийлик касб этган.

Ушбу усуллар ҳар доим ҳам кутилгандек натижа бермаган шекилли, хоқонлик вассаллар бошқарувида куйидагича **воситалардан** фойдаланган:

1) Нисбатан кучлироқ воҳа ҳукмдорлиги билан ниқоҳ муносабатларини йўлга қўйиш – вассал ҳукмдорни куёв қилиш, яъни “кўрагонлик тизими” (Гаочан, Куча, Кошғар, Хўтан, Самарқанд, Марв); 2) Стратегик аҳамиятга эга жойларда қўшин сақлаш ёки гарнизон қуриш (Гаочан); 3) Нисбатан кичикроқ воҳа ҳукмдорлиги бошқарувида хоқонлик сиёсий ҳаётида ўз ўрнига эга бирор туркий қабила ёки уруғ вакилларини тайинлаш (Кумед, Панч, Хуттал ва ҳ.к.); 4) Ашина қабиласи ёки унга иттифоқдош қабила ва уруғлар вакилларини вассал ҳудудларга тайинлаш.

Шу йўсинда, Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан вассаллар бошқарувида қўлланилган усул ва воситаларни давр тақозосига кўра, мавжуд шарт-шароитлар, эҳтиёжлар ва ўзаро манфаатдорлик асосида ташкил этилган эди, деб ҳисоблаш мумкин. Хоқонлик вассалларга муносабатида ўзидан олдин ўтган Хун, Жуан-жуан, Эфта-лит каби кўчманчи асосли давлатлар тажрибасига таянган бўлсада, бу масалада ҳам ўзининг ижтимоийсиёсий характеридан келиб чиққан ҳолда, маълум воситалар ишлаб чиқиб, муайян ўзгартиришлар ва янги амалиётларни йўлга қўйган.

## II- БОБ. ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ

### 2.1. Ғарбий Турк хоқонлиги бошқаруви: танга-пул тизими

Иккаласи ҳам келиб чиқиши битта хонадондан – туркий Ашина сулоласи вакиллари томонидан бошқарилган бўлса-да, маркази Ўрхун ҳавзалари (Мўғулистон) ўлароқ, Жанубий Сибир, Олтой тоғларининг шарқидан тортиб то Узоқ Шарқ ва Шимолий Хитойгача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган, кўчманчи турмуш тарзи ҳукмрон Шарқий Турк хоқонлигидан фарқли ўлароқ Ғарбий Турк хоқонлиги, асосан, ўтроқ турмуш тарзи устивор ҳудудларни ўз ичига олар эди. Маркази Етти-сув ўлароқ, энг кучайган пайтда кунчиқарда Шарқий Туркистон, кунботарда Шимолий Қора денгиз бўйлари, Шимолий Кавказ, шимолда Волгабўйи ва Урал тоғлари, жанубда Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон ҳамда Шимоли-Шарқий Эрон (Хуросон) ҳудудларини ўз ичига олган Ғарбий Турк хоқонлигига айнан қачон, қаерда, қайси ҳукмдор томонидан асос солингани масаласи ханузгача ўз ечимини топмаган. Шунингдек, ушбу хоқонликнинг бошқарув марказлари қаерларда бўлгани ва унинг тарих саҳнасидан қачон тушиб қолгани ҳақида ҳам тадқиқотчилар орасида бирдамлик йўқ.

Ғарбий хоқонликнинг том маънода мухтор (автоном) сиёсий тузилма ҳолатини қачон олгани борасида баҳсли қарашлар бор. Бир қатор тадқиқотчиларга кўра, Ғарбий хоқонликнинг ташкил топиши Турк хоқонлигининг асосчиларидан бири, Истами ябғу даврига – 552–576 йилларга, баъзи олимлар фикрича эса, буюк хоқонлик мақоми учун кураш бошланган даврга – 583 йилга тўғри келади [Golden 2002: 109]. Таниқли турколог П. Б. Голден фикрича, Истами Ғарбий хоқонликнинг та-

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

мал тошини қўйган бўлса-да, бу пайтда у мустақил бир сиёсий тузилма бўлмасдан, сиёсий устунлик - иқтидор Шарқдаги бош хоқонда эди [Golden 2002: 106]. Кўпчилик тадқиқотчилар қабул қилган фикрга кўра, Ғарбий хоқонликнинг том маънода алоҳида давлатга айланиши Истамининг ўғли Тарду хоқон (*Дату-кехан*; Ғарбийда – 576–583; Шарқийда – 600–603) ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бир гуруҳ олимлар эса, Суй-шу (VII аср) йилномасидаги бир маълумотга асосланиб, уларнинг аслини Шарқда хоқонликни қўлга кирита олмаган, Муқон хоқон (553–572)нинг ўғли *Ано Дало-бян* (Апа Тўраман; 583–587) билан алоқали ҳисоблайдилар. Яъни, Шарқий хоқонликдан сиқиб чиқарилган Апа хоқон Тардуни Ғарбдаги мулкдан узоклаштиришга муваффақ бўлади (шу сабабли Тарду Шарқда ҳокимият излаш учун ҳаракатга кечади) ва шу тарзда Ғарбда бир муддат ўз сулоласини ташкил қилди [Wang 1982: 124–132, 143–147; Golden 2002: 109]. Яъни қисқа давр Ғарбий хоқонликдаги ҳокимият ҳам Шарқий хоқонликдаги сингари Истамининг эмас, унинг оғаси - Турк хоқонлигининг асосчиси Бумин (551–552)нинг авлодлари қўлига ўтади. Апа хоқондан кейин, Муқон хоқоннинг невараси Нири (*Нили*, Янгсу тегиннинг ўғли; 587–599), ундан кейин Чура (*Чуло*, Нирининг ўғли; 599–611) Ғарбий турк хоқони бўладилар. Кейинчалик, яна Истами хонадони вакиллари иқтидорни қўлга олишади. Бу воқеа 610–йилларда Чура хоқонни Истамининг эвараси Шегуй (Тардунинг невараси; 611–617) ҳокимиятдан четлатиб, Ғарбий хоқонлик бошқарувини ўз қўлига олиши даврига тўғри келади [Osawa 2002: 84; Golden 2002: 109]. Шегуйнинг вафотидан сўнг Ғарбий хоқонлик унинг иниси Тун ябғу-хоқон (Тонг шеху-кехан; 617–630) қўли остига ўтади. Гарчи, Ғарбий турк хоқонларининг барчаси манбаларда *ябғу-хоқон* унвони билан қайд этилмаса-да, хитой йилномаларидан Тун ябғу-хоқондан кейин яна икки нафар ҳукмдор ушбу қўшалок унвон билан тилга олинганини кўриш мумкин. Жумла-



дан, Истамининг авлоди бўлмиш Сир ябғу-хоқон (*Сы шеху-кехан*; 631–633) ва Ишбара ябғу-хоқон (*Шаболо шеху-кехан*; 640–641) сингари Ғарбий хоқонлик ҳукмдорлари унвонида бунга гувоҳ бўламиз [Шювен 1995: 34; Таşaғил 1999: 64–67].

Аслида, Турк хоқонлиги ўрнида Шарқий ва Ғарбий хоқонликларнинг ташкил топиши ҳодисаси – бу қадимги туркий давлатчилик анъанасига хос, давлатнинг шарқий ва ғарбий қисмларга тақсимланиб бошқарилиши билан алоқали бўлиши керак. Хитой йилномаларидан *Тумин* (Бумин) хоқон вафотидан кейин бош ҳукмдор – хоқон сифатида унинг биродари Истами эмас, ўғли Қора (*Коло*; 552–553), кейинчалик иккинчи ўғли Муқан (553–572) тайинланиши воқеаларидан ҳам маълум бўладики, Истами ғарбий қисмни бошқаришга маъсул қилинган ва шу боис бўлса керак, у *ябғу* ёки *ябғу-хоқон*, яъни бир маънода “вице-кирол” унвонига тўғри келадиган унвон билан юритилар эди [Шювен 1995: 34]. Аслида, *ябғу* унвони қадимги турк битиктошлари ва хитой йилномаларидаги маълумотлардан аён бўлишича, хоқонлик бошқарув иерархиясида бош ҳукмдор - “хоқон”дан кейин иккинчи ўринда турадиган шахсга нисбатан қўлланилган [Бичурин 1950, I: 229; Таşaғил 2003: 97]. Дастлаб, *ябғу* унвонига ҳукмдор хонадон аъзолари - хоқоннинг оға-инилари, амакилари, жиян ва ўғиллари эришган бўлсалар, кейинчалик бу унвон Шарқий Туркистондаги хоқонликка бўйсунувчи баъзи воҳа ҳукмдорликларида ҳам қўлланила бошлагани маълум [Бичурин 1950, II: 291, 293, 295, 302–303; Chavannes 1903: 104, 117, 126; Таşaғил II: 81; Skaff 2002: 103, n. 27].

Кўринишидан, Турк хоқонлиги барпо этилган дастлабки йилларда, ниҳоятда кенгайган давлат ҳудудини бошқариш учун, бошқарувнинг анъанавий қоидаларига кўра, давлат икки маъмурий-сиёсий қисмга бўлинган ва Истамига *ябғу* унвони берилиб, хоқонликнинг ғарбий қисмларини бошқариш топширилган эди [Chavannes

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

1903: 219–221; Golden 2002: 103]. У ҳолда Истамининг авлодлари ҳам *ябғу* деб юритилмасдан, *ябғу-хоқон* тарзида қўшалок унвон билан аталишини қандай очиқлаш мумкин?

Ўрхун обидаларида хоқонликнинг ғарбий қаноти бўлмиш Тардуш<sup>4</sup> хукмдорлари *ябғу* унвони билан юритилганини ҳисобга олиб, баъзи тадқиқотчилар *ябғу-хоқон* иборасини “Ғарбий қанотнинг хоқони” маъносида тушуниш керак, деб очиқлайдилар [Tuguşeva 2002: 154].

Ғарчи, тўлақонли асосга эга бўлмаса-да, айтиш мумкинки, Ғарбий хоқонлик ҳам икки (баъзан ундан ортик) қисмга бўлиб бошқарилган ва уларнинг бошқарувчилари *ябғу* унвонига эга бўлган. Агар шундан келиб чиқилса, Ғарбий Турк хоқонлигида бош хукмдорлар ўзларининг улардан, яъни, ябғулардан мансаб жиҳатидан устунлигининг аломати сифатида *ябғу-хоқон* унвонини қўллаган бўлиши мумкин, деб ҳисобласа бўлади. Ғарбий хоқонлик хукмдорларининг аксарияти тўғридан-тўғри *хоқон* деб юритилмаганининг боисини эса, уларнинг нисбий бўлса-да марказга боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шу билан бирга, айрим Ғарбий турк хукмдорларининг манбаларда *ябғу-хоқон* унвонида қайд этилмаганлиги ҳисобга олинса, ҳозирча ушбу атаманинг том маъноси очиқ қолмоқда [Tuguşeva 2002: 154]. Бироқ, ғарбий қисм бошқарувчиларига нисбатан ушбу қўшалок унвон ишлатилганини тасдиқлайдиган бошқа далилларнинг ҳам мавжудлигини назардан қочирмаслик керак. Жумладан, Турк хоқонлигининг иккала қисми ҳам бир муддат Хитой империясига қарам бўлиб қолган пайтда, Олтой ва Тяншан тоғлари оралиғидан то Ўтукан (Мўғулистон) водийсигача бўлган ҳудудда хукм сурган Сир-тардуш хоқонлиги (*хит.* Се-яньто; 627–

---

<sup>4</sup> *Тардуш* - хитой йилномаларида Яньто шаклида қайд этилган ушбу этноним баъзи тадқиқотчилар фикрича, Ғарбий ёки ўнг қанот Кўк турк/Ашиналар учун қўлланилган [Golden 2002: 118].

647) ўз бошқарувини икки қисмга бўлиб, шарқий қисм ҳукмдорига *тўлас?-хоқон* (хит. тулиши-кехан), ғарбий қисм ҳукмдорига эса *ябғу-хоқон* (шеху-кехан) унвонини бергани хитой йилномаларида қайд этилади [Бичурин 1950, I: 342; Таşaғил 2003, II: 38]. Бу эса, ўша давр туркий давлатчилик тизимида давлатни Шарқий - марказий бошқарув ва Ғарбий - марказга бўйсунувчи хокимият тарзида тақсимлаб идора қилиш анъанаси мавжуд бўлганидан ҳамда уларнинг ҳукмдорлари унвон жиҳатидан фарқланганидан дарак беради.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувида “ябғу-хоқон”лар турганини тасдиқловчи маълумотларнинг нафақат ўша давр ёзма манбаларида, балки, нумизматик материалларда ҳам сақланиб қолганини кўрсатмоқда. Чунончи, шу кунларда тарафимиздан VI–VIII асрларга оид Ғарбий Турк хоқонлигига тегишли тангаларнинг аниқланиши, мазкур хоқонлик билан боғлиқ бир қатор муаммоли масалаларнинг ҳал қилинишига имкон берди. Хусусан, яшин йилларда Тошкент воҳасидан топилган тангалар сафига қўплаб яхши сақланган мис тангаларнинг келиб қўшилиши ва улардаги суғдий ёзувли жумлаларнинг томонимиздан *trδw x 'y 'n* “Тарду хоқон”, *срүү x 'y 'n рпу* “Жабғу-хоқон тангаси” ва *тwn срүү x 'y 'n рпу* “Тун жабғу-хоқон тангаси” ёки *βγυ тwn срүү x 'y 'n* “Илоҳий Тун жабғу-хоқон” шаклида ўқиб чиқилиши, Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмдорлари ўз номидан танга зарб қилдирганлар, деган фикрга келишимизга асос берди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керак, гарчи шу пайтгача амалга оширилган тадқиқотларда VI–VIII асрларга тааллуқли Ўрта Осиё тангаларининг бир қисмини “қадимги турк тангалари” гуруҳи ташкил қилиши таъкидланса-да, уларнинг қайси ҳукмдорларга ёки сулолаларга тегишлилиги масаласи ҳал қилинмаган эди. Юқорида айтиб ўтилганидек ҳатто, “Турк хоқонлиги танга зарб қилдирганми ёки аксинча?” мазмунидаги фикр деярли ўртага қўйилмаганди. Кўпчилик тадқиқотчилар орасида илк туркий тангалар Тургаш хоқонлиги

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАМҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

(699–766) томонидан чиқарилган, деган фикр ўрнашиб қолганди [Salman 1998: 131].

Кейинги йилларда, айнан VI–VIII асрларга, яъни Турк хоқонлиги ҳукмронлиги даврига тўғри келувчи юзлаб нумизматик материалларнинг топилиши ва уларда хоқонликка хос унвонларнинг деярли барчаси учраётганлиги бу масалани синчиклаб тадқиқ қилишни талаб қилиб қўйди.

Биринчидан, “Тарду хоқон” унвонли тангаларнинг топилиши бу масаланинг қайта кўриб чиқилишига тurtки бўлди. Бу турдаги тангаларнинг бир томонида лангарсимон тамға ва унинг устида суғдий ёзувда *trδw* “Тарду” (*Av*), тескари томонида эса, *x’u’n* “хоқон” (*Rv*) жумлалари жой олган (1. Расм, 1-2). Бирок, уларда бошқаларидан фарқли равишда, лангарсимон тамғанинг акс этишини қандай изоҳлаш керак мазмунидаги савол туғилади. Фикримизча, унинг жавобини Тарду хоқон фаолиятининг кейинги даврлари билан танишиш орқали топиш мумкин. Юқорида ҳам кўриб ўтилганидек, 580- йилларнинг бошида хоқонликнинг Ғарбий қанотини мустақил қилишга эришган Тарду хоқон 580- йилларнинг ўрталарида бу ердаги ҳокимиятдан маҳрум бўлгач, Шарққа кетади ва у ерда муваффақиятлар қозониб, марказий (Шарқий) ҳокимиятни эгаллайди ва 600–603 йилларда бир муддат Шарқий ва Ғарбий хоқонликларни бирлаштиради ва “буюк хоқон” бўлиб қолади. Тарду хоқон номи билан чиқарилган тангалар айнан шу даврда зарб қилинган бўлиши ҳам мумкин. Дарвоқе, Шарқий хоқонлик маркази бўлмиш Ўрхун водийси (Мўғулистон)да яқин йилларда олиб борилган археологик қазिशмалар жараёнида Билга хоқон обидаси (730- йиллар) атрофидан топилган балбал (тош ҳайкал) сиртида лангарсимон тамғанинг айнан ўхшашининг учраши [Kuzuoglu, Gökçek 2005: 54, Resim 21] ҳам мазкур тамға Шарқий (марказий) хоқонлик билан алоқадор бўлиши мумкин, деган фикрни кучайтиради.

Шу билан бирга, Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари

масаласини ҳал этишда Тошкент воҳасидан топилаётган “жабғу-хоқон” унвонли тангалар алоҳида ўрин тутади. Бу турдаги тангаларнинг бир томонида ўнг томонга йўналган отлиқ тасвири (*Av*), тескари томонида эса, ўзига хос тамға бўлиб, унинг атрофида суғдий ёзувда айланасига ёзилган *срүү х'γ'n рпу* “Жабғу-хоқон тангаси” иборалари мавжуд (1. Расм, 3-4) [Бабаяров 2005: 198, 202, рис. 2, 1-2]. Ушбу тангада жабғу-хоқон унвонининг учраши, унинг Ғарбий Турк хоқонлиги билан алоқадорлигини кўрсатади. Чунончи, юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, хитой йилномаларида, асосан, Ғарбий хоқонлик ҳукмдорлари *шеху-кехан* – “ябғу-хоқон” унвони билан қайд этилади. Шунингдек, жабғу/ябғу ёки ябғу-хоқон унвонлари турли тиллардаги манбаларда *Σιζιβουλος*, *Ζιέβηλ* (Византия), *жембуху*, *жебу хаган* (арман), *жибғу* (грузин), *Синжибу хоқон* (араб), *Синжепук* (ўрта форс) шаклларида учрайдики, уларни тадқиқотчилар Истами ябғу ва унинг авлодлари бўлмиш Ғарбий турк хоқонлари билан алоқали ҳисоблайдилар [Chavannes 1903: 226–228; Moravcsik 195: 130–131, 290; Golden 2002: 103; Гумилев 1967: 158–159].

“Жабғу-хоқон” унвонли тангаларнинг ким томонидан ёки, айнан, қайси Ғарбий турк хоқони томонидан қачон ва қаерда зарб қилдирила бошланганлиги масаласига тўхталадиган бўлсак, уларнинг, асосан, Тошкент воҳасидан топилаётганлиги, ушбу тангаларнинг Чоч худудида бостирилгани эҳтимолини кучайтиради. Бироқ, уларнинг қайси ҳукмдорга мансублиги масаласини ечиш бирмунча мушкул. Чунки, юқорида кўриб ўтилганидек, Ғарбий турк хоқонларидан бир нечаси ябғу-хоқон унвони билан ҳукм юритган. Шунингдек, Ғарбий хоқонлик ҳукмдорларининг расмий унвони *ябғу-хоқон* бўлган, деган мазмундаги фикрларни ҳам назардан қочирмаслик керак. Маълумки, манбаларда Истами (552–576)дан бошлаб то охириги Ғарбий турк хоқонларидан бири бўлмиш Ишбара (640–641)гача ҳукмронлик қилган ҳукмдорлар ҳақида гап борганда, кўпинча улар

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ

исми билан эмас, фақатгина унвони билан «ябғу-хоқон» ёки «жабғу-хоқон» тарзида тилга олинади. Бу эса, ушбу тангаларнинг Истами давридан бошлаб чиқарилганми ёки унинг авлодларидан бири давридами масаласини кундаланг кўяди.

Шунга қарамай, *жабғу-хоқон* унвонининг тангаларда учраши, ушбу тангаларнинг, айнан, Ғарбий Турк хоқонлигига тааллуқли эканлигидан дарак беради. Шу билан бирга, ушбу хоқонлик ҳукмдорларининг расмий унвони ябғу/жабғу-хоқон бўлгани яна-да ўз исботини топади. Айниқса, улар орасида “Тун жабғу-хоқон” унвонли тангаларнинг учраши, бу тангаларнинг Ғарбий хоқонликка оидлигини шубҳа остида қолдирмайди.

Тошкент воҳасидан топилаётган нумизматик материаллар орасида *βυυ twп срγw x'γ'n* “Илоҳий Тун жабғу-хоқон” жумлалари ва «Жабғу-хоқон» унвонли тангаларники билан бир хил тамға акс этган тангалар анча кўп учрайди. Жумладан, ушбу турдаги тангаларнинг учта асосий типи: 1) чордона қуриб ўтирган ҳукмдор (1. Расм, 5-6), 2) қўшалок портретли (хоқон ва хотун) (1. Расм, 7-8), 3) устида ярим ой ва юлдуз акс этган от тасвирли (1. Расм, 9-10) тангалар зарб қилинган аниқланди [Бабаяров, Кубатин 2005: 97–105]. Фикримизча, ушбу тангалар Ғарбий Турк хоқонлигининг энг машҳур ҳукмдори **Тун ябғу-хоқон** (618–630) томонидан зарб қилдирилган бўлиши керак. Чунончи, Ғарбий хоқонликнинг жануби-ғарбий ўлкаларга эътибори кучайиши, айнан, Тун ябғу-хоқон даврига тўғри келади. Хитой йилномаларида таъкидланишича, у Ғарбий хоқонлик марказини *Ши* (Чоч) давлатининг шимолидаги *Цянь-цюань* (Мингбулок) мавзесига кўчиради ва барча Ғарбий ўлкалар устидан ҳукмронликни мустаҳкамлайди ҳамда *Босы* (Эрон), *Гибин* (Кашмир–Каписа–Кобул)ни назорат остига олади [Бичурин 1950, I: 283]. Бу пайтда Ғарбий Турк хоқонлиги худуди Шарқий Туркистон, Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Хурсон, Шимолий Кавказ, Шимолий Қора денгиз бўйлари-

ни ўз ичига олган йирик салтанатга айланади.

Ғарбий турк хоқонларига хос тангалар қаторига Фарғона водийси (Қува)дан топилган тангаларни ҳам қўшиш мумкин. Аҳамиятлиси шуки, Тошкент воҳасидан топилган тангалардан фарқли ўлароқ, Қува тангаларидаги жумлалар турк-рун (*Av*) ва суғд ёзувида (*Rv*) битилганлигидир (1. Расм, 11-12). Уларда учрайдиган ҳукмдор тасвирлари ва тамғаларнинг Тошкент воҳасининг мазкур тангаларидаги тасвирлар ва тамғалар билан айнан ўхшашлиги Ғарбий турк хоқонларига тааллуқли тангаларнинг водийда ҳам кенг муомалада бўлганини кўрсатади. Айтиш мумкинки, ушбу тангаларнинг бир гуруҳи Фарғона водийсида зарб қилинган бўлиши ҳам мумкин. Мазкур тангаларда жой олган тамғалар Ғарбий хоқонликнинг ҳокимият рамзларидан бири бўлганлиги эҳтимоли катта. Чунки, бу шаклдаги тамғаларнинг, Чоч ва Фарғона водийси туркий тангаларидан ташқари, Тўхористоннинг ўша даврдаги айрим туркий тангаларида ҳам учраши бундан далолат бермоқда.

Ушбу тангаларнинг иконографик жиҳати ҳам уларнинг хоқонлик билан алоқали эканлигини кўрсатади. Хусусан, улардаги ҳукмдор тасвирлари қадимги туркийларга хос қиёфада (елкагача тушган узун соч, соқолсиз, кенг юмалоқ юз, бироз қисик кўз) акс этган. Бу тасвирлар Ғарбий турк хоқонлари ҳақида манбаларда келтирилган маълумотлар билан мос келади. Жумладан, 629–645 йилларда Ғарбий ўлкаларга сафар қилган хитой роҳиби Сюан Цзан Тун ябғу-хоқоннинг ҳузурида бўлган эди. Сайёҳ ўз асаридида хоқонни бош кийимсиз, узун сочлари елкага тушиб турган ва яшил тўн кийган ҳолатда тасвирлайди [Гумилев 1967: 164; Тугушева 1991: 5–6]. Шунингдек, Тошкент воҳасидан топилаётган тангалар орасида Тун ябғу-хоқон тангаларига ўхшаш, бир томонида ёнма-ён турган қўшалок тасвир; бош кийимсиз, узун сочли ҳукмдор (хоқон) ва уч мугузли бош кийим кийган малика (хотун) тасвирлари ва тескари томонида *ZNH pny kr/krnw zpyw crδnk*

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

“Бу танга *kr/*забардаст жабғу Чирданакка оид” жумла-лари акс эттирилган тангалар (1. Расм, 13-14) диққатни жалб қилади. Маълумки, қадимги туркий давлатчилик анъаналарига кўра, ҳукмдорнинг аёли *хотун* унвонига эга бўлиб, давлат бошқарувида фаол иштирок этган ва саройда хоқондан кейинги ўринда турган [Golden 2002: 121; Бобоёров 2005: 501–502]. Хоқон билан ёнма-ён турган хотун тасвири тангаларнинг учраши, туркий давлатчилик тизимида аёлларнинг мавқеи қай даражада бўлганидан дарак беради. Шунингдек, диққатни тортадиган хусусиятлардан бири - кўшалок тасвири тангаларда хотун уч мўгузли (шоҳли) бош кийимида тасвирланишидир.

Бу типдаги тангаларни биринчилардан бўлиб ўрганган Э.В. Ртвеладзе ва Л.С. Баратовалар фикрича, ушбу тасвирилар Марказий Осиёнинг бир қанча ҳудудларидан (асосан, Олтой, Мўғулистондан - *Ғ.Б.*) топилиган тош ҳайкал ва бошқа буюмларда ҳам учрайди [Ртвеладзе 1976: 26–27; Баратова 2005: 418–419]. Хусусан, Л.С. Баратованинг таъкидлашича, тангалардаги бу тасвир, қадимги туркийлар эътиқодича, болалар, жангчилар, ҳомилдорлик ва ҳосилдорлик ҳомийси бўлган илоҳа Умай билан боғлиқдир [Баратова 2005: 419]. Ҳозирги Жанубий Сибир туркийларида мавжуд бўлган ривоятга кўра, Умайнинг макони Тоғли Олтойдаги уч чўккили Белуха тоғида жойлашган бўлиб, уч мўгузли қалпоқ Умай рамзидир. Хоқонлик расмий тарихнавислигининг ёрқин намуналари бўлмиш қадимги турк битиктошларида ҳам хотун Умайга менгзатилади. Кул Тегин битиктошида (732 й.) жой олган ушбу сатрлар бунга мисол бўла олади: “*Умайтег ўғум қатун қутинга иним Кул Тегин эр ат булди* – Умайдек онам – хотун кут (бахт) ига иним Кул Тегин эр оти топди (йигит бўлди)” [Orkun 1987: 44].

Хотуннинг Умайга менгзатилишини бошқа типдаги тангаларда учрайдиган тасвирилар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, Чоч тангалари орасида олд томонида бири ўнг



томонга қараб, бири тўғрига юзланиб ўтирган ҳолатда тасвирланган ҳукмдор ва малика тасвирлари ва тескари томонида *пу зрѣу кр срѣнк* «Забардаст? жабғу Чирда-накнинг пули» жумлалари мавжуд. Ушбу тангаларнинг орқа томонида эса, юқорида келтирилган тангалардаги-га ўхшаш тамға (*Rv*) жой олган (1. Расм, 15-16). Муҳими шундаки, тўғрига қараган малика ҳам уч мугузли қалпоқ кийган бўлиб, ҳомиладор аёл тарзида акс этирилган. Бу эса унинг Умай шаклида тассаввур этилганига яна бир бора гувоҳлик беради.

Яна бир хусус шуки, тангаларда аёл тасвирининг акс этиши қадимги туркий давлатчилик анъанасида етакчи ўрин эгаллаган омил – давлат бошқарувида *хотун* мансуб бўлган уруғнинг рамзийлаштирилишидир. Маълумки, Турк хоқонлигида хотунлар мансуб бўлган туркий Ашида уруғи вакиллари хоқонликнинг асосчиси бўлмиш Ашина уруғи билан биргаликда ҳокимият бошқарувида фаол иштирок этганлар [Торланбаева 2004: 29–34].

Тангаларда акс этган қадимги туркий давлатчилик анъаналаридан яна бири – Тун ябғу-хоқон тангаларининг бир гуруҳида чордона қуриб ўтирган ҳукмдор тасвирининг жой олишидир. Чордона қуриб ўтирган ҳукмдор тасвири, баъзи олимлар фикрича, қадимги туркларга хос бўлиб, санъатшуносликда бу тарз “турк ҳукмдори ўтириши” деб номланади.

Хўш, ушбу тангалардан кўпчилигининг Тошкент (Чоч) воҳасидан топилишининг боиси нимада? Ғарбий турк хоқонларига тааллуқли тангаларнинг хоқонлик маркази бўлмиш Еттисув худудидан эмас, айнан Чоч худудидан топилиши қандай тарихий асосларга эга? Аввало, бу “ушбу тангалар Тошкент воҳасида зарб қилдирилган” деб фикр билдиришга имкон беради. Агар хитой йилномаларига синчковлик билан назар ташланса, Ғарбий хоқонлик бошқарув марказининг бир неча бор Чоч худудига кўчирилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, Истами ябғу 560- йилларда Ғарбда, Эфта-

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

литларга қарашли худулардан биринчилардан бўлиб Чоч воҳасини қўлга киритади [Буряков 2002: 12]. 605 йилда эса Ғарбий турк хоқони Шегуй (611–617) Чочнинг маҳаллий ҳукмдорини ўлдириб, бу ерни улус (удел) сифатида тўғридан-тўғри ўз тасарруфига олади ва бошқарувга хоқонликнинг бошқарувчи хонадонидан бўлмиш Тегин Тянчжи (*Теле Тянчжи*; 605–609)ни тайинлайди [Бичурин 1950, II: 313; Chavannes 1903: 141]. Шунингдек, хитой йилномаларида Ғарбий турк хоқони Чуло (Чура; 603–610) ўз давлати худудида яна иккита “кичик хоқон” тайинлаб, улардан бирининг қароргоҳини *Ши-го* (луг. Чоч давлати)нинг шимолида таъсис қилади ва бутун ўтроқ ҳукмдорликларни ушбу кичик хоқон воситасида бошқаради [Бичурин 1950, I: 279; Таşaғил I: 89]. Тун ябғу-хоқон (618–630) эса, юқорида ҳам кўриб ўтилганидек, ўз ҳукмдорлигининг дастлабки йилларидаёқ қароргоҳини Чочга, унинг шимолидаги *Цянь-Цюань* (Мингбулок) мавзесига кўчиради. Шунингдек, яна бир Ғарбий турк хоқони, Истамининг бешинчи буғин авлоди бўлмиш **Ашина Улуғ** (*Хэлу*; 651–657) ўз қароргоҳини худди шу мавзегга ташийди [Бичурин 1950, I: 289; Таşaғил 1999: 71]. Бундан ташқари, Ғарбий хоқонлик ҳукмдорларидан яна бир нечаси хоқонликдаги ўзаро тахт талашувлар пайтида Чочга сиғингани маълум. Жумладан, хитой йилномаларида **Эл-Билга Турк хоқон / Йелби Тулу хоқон** (*Иби Дулу кехан*; 638–642)нинг 640- йилларда Чочга қочиб, *Кохотун-чэн* (Хотункат) шаҳрида паноҳ топгани қайд этилади [Бичурин 1950, I: 288; Chavannes 1903: 58].

Хитой йилномаларидаги турк хоқонларининг Чочда юритган фаолиятига доир маълумотларни бошқа тиллардаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, араб географлари асарларида ҳам Шош (Чоч) воҳасида Жабғукат номли шаҳар борлиги ва улар қадимда Чоч ҳукмдорларининг ҳарбий қароргоҳи бўлгани зикр қилинади [Байтанаев 2004: 67–70, пр. 25]. Гарчи, қайси Ғарбий турк хоқони томонидан мазкур шаҳарга асос солинга-

нига доир маълумотлар манбаларда учрамаса-да, уни Тун ябғу-хоқон қурдирган, деб тахмин қилиш мумкин. Шунингдек, Чоч воҳасида Хотункат номли шаҳарнинг барпо этилиши ҳам хоқонлик бошқарув тузумига хос анъана билан бевосита боғлиқ бўлиши керак. Айниқса, Хотункат шаҳрининг Жабғукат билан билан ёнма-ён жойлашгани ва уларнинг иккаласи ҳам деярли бир вақтда пайдо бўлгани диққатга сазовордир.

Қисқаси, ушбу тарихий далилларга таяниб Ғарбий Турк хоқонлигининг илк тангалари Чоч воҳасида зарб қилдирилган, деб айтиш мумкин. Хоқонлик тангаларининг кўпчилиги Турк хоқонлиги даврида воҳанинг энг йирик шаҳарлари (Қанқатепа, Хонобод ва ҳ.) қолдиқларидан топилаётгани уларнинг Чоч воҳасида зарб қилдирилганидан дарак беради. Бизнингча, хоқонлар Чочни ўз тасарруфига олгач, бу ердаги танга-пул зарби анъанаси билан танишадилар ва ўз тангаларини бостира бошлайдилар. Бу қарашни тасдиқлайдиган омиллардан яна бири эса, Еттисувда танга зарби Чочга нисбатан анча кеч даврга, кўпроқ VII асрнинг охири – VIII асрнинг бошларига тўғри келишидир. Маълумки, Чочнинг танга зарб қилиш анъанаси милоднинг илк асрлари, асосан III–IV асрларга тегишли бўлиб, илк бор Қанғ давлати ҳукмдорлари томонидан чиқарила бошлаган [Ртвеладзе 2002: 235–236].

Чоч воҳасидан топилган Ғарбий Турк хоқонлигига тааллуқли тангалар Қанғ даври тангаларидан бир қатор хусусиятлари (иконографик, палеографик, вазн ва ҳажм жиҳатлари)га кўра катта фарқ қилади. Ташқи таъсирлар яққол кўзга ташланиб турадиган Қанғ тангаларидан фарқли ўларок, уларда қадимги туркий давлатчилик анъаналари кенг ўрин олган.

Демак, Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари масаласининг ҳал этилиши, бир қатор мунозарали фикрларнинг ўз ечимини топишига имконият яратади. Хусусан, Чоч, Фарғона, Суғд, Бухоро, Тўхористон, Кобул, Зобулистон, Гандҳара воҳаларида мавжуд бўлган хоқонликка

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ

тобе хукмдорликлар томонидан зарб қилинган суғдий, бақтрий, паҳлавий ва браҳмий ёзувли тангаларда *хоқон, хотун, ябғу, тегин, элтабар, тудун, тархон, тутуқ* каби кўплаб туркий унвонларнинг учраши, уларнинг Ғарбий Турк хоқонлиги билан бевосита ёки билвосита алоқадор эканини кўрсатади. Жумладан, «Тун жабғу-хоқон» жумлалари билан зарб қилинган қўшалок портретли тангаларга ўхшаш, фақат тамға шаклига кўра фарқ қилувчи суғдий ёзувли Фарғона ва Суғд воҳаси тангалари ҳамда бақтрий ёзувли Тўхористон (Чағониён) тангалари [Ртвеладзе 2002: 222–223], шунингдек, «тегин чачинак» («Чоч тегини»), «тудун чачинак» («Чоч тудуни») иборалари акс этган Чоч, “хоқон” унвонли Фарғона, «Алп-хоқон тутуқ» унвонли Ўтрор, «хоқон», «ябғу», «тегин», «тархон» унвонли Тўхористон, «тегин-шоҳий» иборалари ўрин олган Кобул-Гандҳара тангалари ва бошқаларнинг [Göbl 1967: 140–141, 143, 167–168, 182, 192; Harmatta, Litvinsky 1996: 376–377] нафақат туркий унвонларда зарб қилингани, балки, аксариятининг иконографик жиҳатдан (хукмдор киёфаси, соч шакли, тамға ва турли рамзий белгилар) туркий характерда эканлиги, уларнинг, айнан, Ғарбий Турк хоқонлиги билан боғлиқ равишда чиқарила бошлаганини кўрсатади. Яъни Турк хоқонлиги бошқарув тизимига хос бўлган ушбу унвонларнинг тангаларда акс этишини Ғарбий хоқонлик билан алоқали равишда пайдо бўлган туркий сулолалар фаолияти билан боғлаш учун асос бор. Бу эса, хоқонликка хос бошқарув шаклининг нафақат марказий ҳокимиятда, балки унга тобе бошқарувларда ҳам қўлланилганидан дарак беради.

Шунга ҳам урғу бериш керак, ушбу хукмдорликлар ўтроқ турмуш тарзи хукмрон бирор воҳа давлати ўлароқ, ўз танга-пулларига ва ички бозорларига эга эди. Уларда зарб қилинган тангалар ушбу хукмдорликларнинг ўз худудида муомалада бўлган бўлиб, Ғарбий Турк хоқонлиги даврида халқаро пул вазифасини, айнан, қайси тангалар бажарганлиги масаласи очик қолмоқда.

Ҳоқонларга оид тангаларнинг бу вазифани ўтаганлиги ёки аксинчалигини аниқлаш келажакдаги тадқиқотларга қолаётир.

Нумизматик материалларга таяниб, Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарув тизимининг айрим жиҳатларига қисқача тўхталиб кўз югуртириш шуни кўрсатадики, бу пайтда хоқонлик ўша даврнинг йирик салтанатлари бўлмиш қўшни Сосонийлар Эрони, Византия ва Хитой каби ўз танга-пул тизимига эга бўлган. Демак, дастлаб кўчманчи муҳитдан келиб чиққан Ғарбий Турк хоқонлиги асосчилари тез муддатлар ичида ўз бошқарувини ўтроқ воҳаларга тадбиқ қилиб, катта муваффақиятларга эришган давлат сифатида билинади. Буни юқорида имкон қадар кўриб чиқилган нумизматик материаллар ҳам тасдиқлаб турибди.

## **2.2. Чоч – Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув марказларидан бири**

Ҳар қандай давлат уюшмаси, у хоҳ ўтроқ этнослар томонидан барпо этилган бўлсин, хоҳ унга кўчманчи қабилалар асос солган бўлсин, ўз бошқарув марказини ҳар томонлама қулай жойда ташкил этишга уринган. Ўз географик жойлашувига кўра Еттисув худди шундай худудлардан бири ҳисобланиб, Ғарбий Турк хоқонлигининг асосий бошқарув маркази вазифасини бажаришдан олдин ҳам бу ўлка милоддан аввалги мингйилликнинг сўнгги асрларида Усун каби нисбатан йирик кўчманчи давлат уюшмасининг, кейинроқ эса бир қатор катта-кичик қabila уруғлар томонидан ташкил этилган этно-сиёсий уюшмаларнинг бошқарув маркази вазифасини бажариб келган. Бундан ташқари, Чоч воҳасининг шимоли-шарқида жойлашган ва унга қўшни ўлароқ, мазкур худудда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар воҳага ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаган.

Ҳозирги кун тарихшунослигида Еттисув Ғарбий

## **ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

Турк хоқонлигини 560-700 йилларда Ашина сулоласи бошқарган пайтда ҳам, 699-756 йиллар оралиғида Тургаш хоқонлиги ҳукм юритган паллада ҳам, ҳар иккала сулоланинг бошқарув маркази бўлиб тургани тўғрисидаги қарашлар кенг ёйилган. Ҳақиқатан ҳам ушбу ўлкадаги пойтахт шаҳарлардан бири Суяб Ашина сулоласининг, Навокат эса Тургаш хоқонлигининг бошқарув маркази бўлганлиги масаласи ҳам ўша давр ёзма манбаларидаги маълумотлар, ҳам археологик тадқиқотлар асосида ўз тасдиғини топган [Clauson 1961: 1–13; Камышев 2002: 20]. Бироқ, кўпроқ хитой, юнон (Византия) тилидаги манбалар, қисман эса араб-форс тилидаги манбалардаги баъзи маълумотлар Ғарбий турк хоқонлари ўз қароргоҳи сифатида нафақат Еттисувдаги шаҳарларни танлашгани, балки вақти-вақти билан ўз бошқарув марказларини Юлдуз водийси (Шарқий Туркистон) ва Чоч воҳасига кўчиришганидан дарак беради. Кейинги йилларда топилаётган нумизматик материаллар ҳам бу масалани аниқлашда муҳим ўрин тутди.

Ғарчи, хитой йилномаларининг уч жойида Ғарбий турк ҳукмдорлари ўз қароргоҳини Чочнинг шимолидаги мавзеда курганликлари ҳақида эслатилишидан, араб географлари асарларида эса Жабғукат номли воҳанинг қадимий ҳарбий қалъа шаҳри сифатида қайд этилишидан тадқиқотчилар хабардор бўлишса-да, воҳанинг хоқонлик сиёсий маркази бўлганми ёки аксинчалиги масаласи эътибордан четда қолган.

Бу масалани тадқиқ этишдан олдин уни ечишда ёрдам берадиган ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳолатга назар ташласак. 552 йилда Олтой тоғларининг жанубий этакларида Ашина туркларининг ўз хужайинлари Жуан-Жуан хоқонлигига қарши бош кўтариши ва ушбу давлатни ағдариб, қисқа муддат ичида унинг қўл остидаги ҳудудларни ўз ичига олган, маркази Ўрхун водийси (Мўғулистон) бўлган Турк хоқонлиги асос солишлари, орадан кўп ўтмай эса Эфталитлар давлатига барҳам бериб, ҳудудини Амдурёгача узайтириши ва Узоқ Шарқ-

дан то Шимолий Кавказ ҳамда Шимолий Қора денгиз бўйигача бўлган ҳудудлар битта давлат қўл остида бирлаштирилиши натижасида Ўрта Осиёнинг Эфталитларга қарашли воҳа ҳукмдорликлари хоқонлик таркибига ўтади. Шу пайтдан бошлаб, хоқонликнинг Олтой тоғидан бошланувчи ғарбий қисмида, марказга (Ўрхун водийсига) бўйсунувчи Ғарбий қанот ташкил этилади ва унинг маркази дастлаб Оқтоғ (Юлдуз водийси), сал кейинроқ эса Суяб (Еттисув) шаҳри бўлиб қолади. Кейинчалик ушбу қанот замирида, Ғарбий Турк хоқонлиги вужудга келади. Гарчи, Фарғона, Ўтрор, Уструшона, Суғд, Бухоро, Хоразм, Тўхористон каби ўтроқ ҳукмдорликлардан бири сифатида Чоч ҳам 560- йиллардан бошлаб Ғарбий қанот таркибида бўлса-да, хоқонлик дастлабки йилларда ушбу ҳукмдорликларнинг маҳаллий бошқарувларга тегинмасдан, мавжуд сулолаларни ўз ўрнида қолдиради ва улардан ўлпон олиб туриш билан чекланади.

Ушбу воҳа ҳукмдорликларидан ҳар бирининг муайян ҳудуди ва чегаралари бўлиб, Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида пайтда хоқонлик уларнинг ҳудудий таркибига ўзгартиришлар киритганига доир тўғридан-тўғри маълумотлар учрамайди. Хусусан, хитой сайёҳи роҳиб Сюан Цзан (629–646) хоқонлик таркибидаги ҳукмдорликларнинг аксариятига қадам ранжида қилган чоғида, уларнинг жойлашув ўрни, ҳудудий айлана масофаси, яъни эни-ю бўйи тўғрисида маълумот беради. Жумладан сайёҳнинг Чоч ҳақида “*Чже-ши мамлакатининг айланаси минг ли атрофида бўлиб, ғарби Йе дарёси (Сирдарё)га туташган. [Ушбу мамлакатнинг] шарқий ва ғарбий томони тор, шимолий ва жанубий томони эса кенгдир*” [Екзем 2003: 121–122] шаклида ҳудудий тавсифлари бўлсин ёки бошқа ҳукмдорликларга доир маълумотлари хитой йилномаларида ҳам деярли бир хил такрорланади. Хуллас, хоқонлик уларнинг маъмурий тузилиши ва ички бошқарув тартибини аввалгидай қолдирганидан келиб чиқилса, ҳарҳолда уларнинг анъ-

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ

анавий хууд ва чегаралари сақланган, деб айтиш мумкин.

Бошқа томондан хитойликлар ўз йилномаларида ушбу ҳукмдорликларнинг географик жойлашуви ҳақида гап борганда, аксарият ҳолларда уларнинг “Ўрталик мамлакат” (Хитой)нинг пойтахти Чаньан шаҳридан ёки Ғарбий турклар (Ғарбий Турк хоқонлиги марказий хуудидан қанчалик узоқликда жойлашганини мезон қилиб олишади. Жумладан, хитойча “Бей-ши” йилнома-сида Фарғона ҳукмдорлиги ҳақида: “Бохан (Фарғона) Пиёз тоғлари (Помир)дан ғарбда 500 ли (250 км) масофада жойлашган... шимоли-шарқда эса тукюе (турк)лар ўрдаси 2000 ли (1000 км) масофададир” [Бичурин 1950, II: 274] ёки “Бей-ши” ва “Суй-шу” йилномаларида Кошғар ҳукмдорлигига доир “Шимоли-ғарбда Пиёз тоғларига тутаиш... ғарбда Бохан (Фарғона)нагача 1000 ли... шимоли-ғарбдан тукюе (турк)лар ўрдасигача 1000 ли атрофида” [Бичурин 1950, II: 258, 284] шаклида маълумотлар учраса, “Тан-шу” йилнома-сида Чоч ҳақида гап борганда “Ши (Тош) ҳукмдорлиги ... пойтахт (Чаньан)дан 9000 ли, шимоли-шарқда Ғарбий туркларгача чўзилган, шимоли-ғарбдан Бола (Фороб/Ўтроп) билан тутаиш” [Бичурин 1950, II: 313; Chavannes 1903: 140–141] каби далиллар келтириладики, улар асосида Ғарбий Турк хоқонлигининг ўз маъмурий-жўғрофий хуудиди бўлганлиги ва унинг маркази Етгисув бўлиб, шарқий чегаралари тахминан Олтой тоғининг ғарбий этаклари ва Иртиш дарёси хавзалари, ғарбий чегаралари Талас дарёси хавзалари, жануби ва жануби-ғарбий чегаралари Чоч – Фарғона – Кошғар ҳукмдорликларига, яъни Тангритоғ (Тяншан)нинг шимолий этаклари билан ўралган эди.

Қисқаси, Ғарбий Турк хоқонлиги энг кучайган даври, VII асрнинг биринчи чорагида чегаралари Қора денгиз шимоли, Хуросон, Шимолий Ҳиндистон, Тибет хуудларигача бўлган кенг хуудни ўз ичига олган империя бўлиши билан биргаликда, ўзининг марказий



худудига эга эди ва у Еттисув ҳамда атрофлари билан чегараланарди. Қолган ҳудудлар эса хоқонликнинг бевосита эмас, билвосита худуди моҳиятида эди ва дастлабки йилларда асосан хоқон томонидан юборилган ноиб – тудунлар назоратидаги маҳаллий сулолалар томонидан бошқариларди. Ҳатто, Исфижоб (Сайрам), Бола (Фороб) каби Сирдарёнинг ўрта ҳавзасидаги вилоятлар ҳам хоқонликка тобе алоҳида воҳа ҳукмдорликлари бўлиб, ҳам географик жойлашуви, ҳам тарихий анъанага мувофиқ, Еттисувдан кўра кўпроқ Чочга яқинлашар, вақти-вақти билан Чоч ҳукмдорлиги таркибига кирар эди [СДГМ 1962, II: 82; Sims-Williams, Grenet 2006: 103–107].

Энди, Чоч воҳасининг бир муддат Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарув марказларидан бирига айланиши масаласига келсак. Ғарчи, хитой йилномалари воҳани хоқонликнинг марказий худуди сифатида тилга олмаган бўлсалар-да, юқорида қисқача тўхталиб ўтилганидек, бу ер бир неча бор хоқонлик ўз қароргоҳини барпо этган жой сифатида қайд этилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, Истами ябғу 560- йилларда ғарбда, Эфталитларга қарашли худудлардан биринчилардан бўлиб Чоч воҳасини қўлга киритади [Буряков 2002: 12]. 605 йилда эса Ғарбий турклар амалдорларидан бири, кейинчалик хоқон бўлган Шегуй (611–617) Чочнинг маҳаллий ҳукмдорини ўлдириб, бу ерни улус (удел) сифатида тўғридан-тўғри ўз тасарруфига олади ва бошқарувга хоқонликнинг бошқарувчи хонадонидан бўлмиш Тегин Тянчжи (*Теле Тянчжи*; 605–609)ни тайинлайди [Бичурин 1950, II: 313; Chavannes 1903: 141].

Шу ўринда Чоч тарихи билан боғлиқ бир масалага тўхталиб ўтиш зарур. Шегуй 611 йилда хоқон бўлишидан анча олдин, хоқонлик бошқарувида шад мартабасини эгаллаб турган пайтда, эҳтимол 600- йилларнинг бошларида Чоч воҳасини ўз чекига тушган улус (удел) сифатида олган эди. Хоқонлик бошқарув тизмида мавжуд таомилга кўра, «шад» унвони хоқоннинг ўғил-

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ

лари ва жиянларга, яъни шаҳзода – тегинларга берилар ва улар ўзининг кўшинига эга бўлиб, бирор ўлканинг бошқарувиغا тайинланар эди [Togan, Kara, Baysal 2006: 80]. Хуллас, 605 йилда Чочнинг маҳаллий ҳукмдори тобе бўлишига қарамай хоқонликнинг юксак мартабали амалдоридан бири Шегуй билан низолашиб қолгач, бу ер Шегуйга улус қилиб берилганмиди ёки ундан олдин ҳам воҳа унга қарашли улус эдими, муаммоли.

Айнан шу йилларда воҳада хоқонликнинг бошқарувчи хонадони – Ашина сулоласидан бўлган Тегин Тяңчжидан бошлаб, то VIII асрнинг ўрталаригача бу ерда бош сулола мақомида бўлган Чоч Тегинлари (605–750) ҳукмронлигининг илк йиллариданок, воҳа Ғарбий хоқонликнинг марказий бошқаруви билан бевосита алоқадор бўла бошлаганди [Бабаяров 2007: 46–49]. Хусусан, “Тан-шу” йилномасида Ғарбий турк хоқони Чуло (Чура; 603–610) ўз давлати худудида яна иккита “кичик хоқон” тайинлаб, улардан бирининг қароргоҳини *Шиго* (луғ. Тош давлати)нинг шимолида таъсис қилади ва бутун Ху ўлкаларини, яъни ўтроқ ҳукмдорликларни “кичик хоқонлик” воситасида бошқаради [Бичурин 1950, I: 279]. Ушбу “кичик хоқонлик”нинг айнан қайси санада, Чуло хоқон бошқарувининг қайси йилида ташкил қилингани аниқ бўлмаса ҳам, унга асос солинган давр тахминан 605 йилдан кейинги йилларга, у билан Шегуй орасига нифоқ тушиб, ўз давлатининг ғарбий қисмларида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга эҳтиёж сезган бир пайтга тўғри келса ажабмас.

Муҳими бу эмас, янада аҳамиятлуроғи хитой йилномаларида Чуло хоқон Чочнинг шимолида “кичик хоқонлик” таъсис қилди, деб қайд этилар экан, воҳанинг айнан қайси жойини назарда тутганлигидир. Бойси, қадимдан Чочнинг худуди анъанавий тарзда шимоли-шарқда Тарозгача, шимоли-ғарбда эса Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларигача, аниқроғи Тарбанд (Фороб/Ўтрор-Шавғар)гача бўлган худудларни ўз ичига олар, шимолий худудлари деганда эса Исфижоб (Сайрам), Чим-

кент каби вилоятларни ўз ичига олувчи Тарбанд ва Тароз оралиғидаги вилоятлар тушуниларди. Бунинг мозийси ҳатто милоддан аввалги даврларга бориб тақалардики, манбаларда хитойликлардан енгилган Хун императори Чжичжи Қанғ ҳукмдоридан ёрдам сўраб, милоддан аввалги 40-30 йилларда ўз аскарлари учун Талас дарёси бўйида қалъа курдиргани эслатилади [Бичурин 1950, I: 93; Зуев 2002: 93]. Ҳатто VIII асрнинг ўрталарида ҳам *Да-ло-сы* (Талас/Тароз)<sup>5</sup> шаҳрида Чоч ҳукмдорлари мунтазам равишда ўз гарнизонини сақлаши “Тан-шу” йилномасида қайд этилади [Chavannes 1903: 144; Chavannes 2007: 196]. Тарозни Чочга тегишли деб билиш анъанаси, эҳтимол, Қанғ давлати (мил. ав. III – мил. III асрлар) бу мавзени ўз ҳудудига олган даврлардан бери давом этиб келган шекилли, маълум маънода ушбу давлатнинг издошларидан бири бўлган Чоч ҳукмдорлиги бошқарувчилари бьдоимо бу ерга ўз эътиборини қаратиб келишган.

Ўтмишда Чочнинг шимоли-шарқдаги чегараси Тароз шаҳри ва атрофларига бориб туташганлигидан хитой муаррихлари ҳам хабардор бўлган шекилли, кўп ҳолларда Тароздан шарқда, Мерке атрофидаги Мингбулоқ мавзесини ҳам Чоч ҳукмдорлигининг шимолида кўрсатишган. Жумладан, Ғарбий Турк хоқонлигининг энг қудратли ҳукмдорларидан Тун ябғу-хоқон (618–630) ўз ҳукмдорлигининг дастлабки йилларидаёқ қароргоҳини воҳанинг шимолидаги *Цянь-Цюань* (Мингбулоқ) мавзесига кўчиради ва бу ердан туриб, Ғарбий ўлкалар устидан назоратни кучайтиради [Бичурин 1950, I: 283]. Тун ябғу-хоқоннинг сиёсий марказ моҳиятидаги қароргоҳни Еттисувдан Чоч воҳасига кўчиришдан мақсади ҳарҳолда воҳанинг стратегик жиҳатдан муҳим бир ерда жойлашгани билан боғлиқ бўлса керак. Чунончи, Чоч ўзининг жуғрофий жойлашувига кўра, Марказий Осиёнинг шимоли-шарқидаги кўчманчи-чорвадор

<sup>5</sup> *Талас/Тароз* – Н.Я. Бичурин баъзан ушбу шаҳар номини Хынлос шаклида келтиради [қар. Бичурин 1950, II: 314].

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ

элатлар билан минтақанинг жануби-ғарбидаги ўтроқ-деҳқон халқлар орасида сиёсий-маданий ва тижорий алоқалар учун кўприк вазифасини ўтарди. Айниқса, бу ҳудуд хоқонлик таркибига кириб, воҳада тижорий ҳаёт гуркираб ўса бошлаши, хоқонларнинг эътиборини тортмасдан қолмасди. Шу билан биргаликда, Чоч воҳасида қароргоҳ қуриш – бу ҳам кўчманчилар устидан, ҳам ўтроқ воҳалар устидан ҳам назоратни янада қулайлаштиришга олиб келарди. Тун ябғу-хоқон ҳам Чочнинг шу каби жиҳатларни назарда тутган шекилли, хитой йилномаларида таъкидланишича, бу ердан туриб у қўл остидаги катта-кичик ҳукмдорликлар бошқарувчиларининг ҳар бирига «элтабар» унвонини тақдим этади ва уларни назорат қилиш учун бирор нафардан «тудун» юборади. Элтабар унвони Турк хоқонлигида юқори даражали унвонлардан бири эди ва маъноси “бирор эл ёки давлатнинг бошқарувчиси” мазмунида [Togan, Kaga, Baysal 2006: 85], тудун унвони ҳам хоқонликнинг бошқарув тизимига хос унвонлардан бири ўлароқ “бўйсундирилган ўлкалардан солиқ йиғишни ташкил қилувчи ва маҳаллий ҳукмдор устидан назорат қилувчи”, яъни ноиб маъносида эди [Толстов 1938: 72–81]. Демак, тобе ҳукмдорларга ҳам юқори унвон бериш, ҳам улар устидан бирор назоратчи тайинлаш каби ислоҳатларни амалга ошириш билан Тун ябғу-хоқон вассаллари устидан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ниятида бўлган.

Чочнинг ўзига хос жиҳатлари Тун ябғу-хоқондан олдин ўтган хоқонларнинг ҳам назаридан четда қолмаган. Аввало, у ўз қароргоҳини Чочнинг шимолига кўчириш билан ўзидан бирмунча муддат олдин Чура хоқон (603–610) амалга оширган ишни айнан такрорлайди. Аҳамиятлиси шуки, Чоч воҳаси Ғарбий Турк хоқонлиги учун қарийб яна ярим аср давомида стратегик аҳамиятга эга бўлган шекилли, 651–657 йилларда хоқонликнинг Ашина сулоласидан бўлган сўнгги мустақил ҳукмдори, Истами ябғунинг бешинчи бўғин авлоди Ишбара хоқон Ашина Улуғ ҳам ўз қароргоҳи сифатида Минг-булокни танлайди [Бичурин 1950, I: 289; Таşağil 1999: 71].

Бундан ташқари, кўринишидан Ғарбий қанот ҳукмдорлари буйруғи билан воҳанинг маркази Бинкент (ҳозирги Тошкент) шахрининг яқингинасида Жабғукат номли шаҳар қад кўтаради. Жабғукат шахрнинг пайдо бўлишини тўғридан-тўғри ҳоқонлик билан боғлашнинг асосида эса бир ёқдан археологик тадқиқотлар натижасида шаҳарнинг VI–VII асрларда барпо қилингани аниқланиши [Буряков 1975: 74–75]<sup>6</sup> бўлса, бошқа ёқдан ушбу шаҳар номининг луғавий жиҳатдан “Жабғу шахри”, яъни “Ҳукмдор шахри” маъносини билдириши ётади. Маълумки, туркий халқларда қадимдан пойтахт ёки қароргоҳ шаҳар номини ҳукмдорнинг унвони билан аташ анъанаси мавжуд эди. Жумладан, Хазар ҳоқонлиги (650–965) пойтахти Хонбалиқ (“Хон шахри”) деб номланган бўлса, кейинчалик мўғуллар Хитойни эгаллагач, бу ернинг пойтахти Пекинни туркий анъанага мувофиқ худди шундай ном билан атай бошлашганди.

Демак, Чоч воҳасидаги шаҳарнинг Жабғукат деб аталишида ҳам қадимги туркий анъана ётади, деб айтишга асос бор. Айнан шу асрларда жабғу унвони бир муддат Ғарбий Турк ҳоқонлигининг бош ҳукмдорларига нисбатан қўлланилгани ва улардан бир нечаси айнан Чоч воҳасига ташриф буюргани назарда тутилса, Жабғукатнинг ҳоқонлик билан алоқали равишда пайдо бўлгани масаласида шубҳага ўрин қолмайди. Шу ўринда араб географлари асарларида “Жабғукат – Чоч ҳукмдорларининг қадимда ҳарбий қароргоҳи бўлган” шаклидаги маълумотлари ушбу шаҳарнинг нима мақсадда барпо қилингани яна ойдинлаштирувчи моҳиятдадир [al-Istakhri 1967: 345; Hudud al-‘Alam 1970: 117, 357]. Шу ўринда, араб географлари асарларида Жабғукат билан деярли ёнма ён жойлашган Хотункат<sup>7</sup> номли шаҳарнинг

<sup>6</sup> *Жабғукат* – бу шаҳарнинг ўрни ҳозирги Тошкент шахрининг шимоли-шарқида, Дурман қишлоғидан қарийб 4 км масофада жойлашган Оқ-ота ёдгорлигига тўғри келади, деб ҳисобланади [Буряков 1975: 74–75].

<sup>7</sup> *Хотункат* – бу шаҳарнинг ўрни ҳозирги Тошкент шахрининг шимоли-шарқида, Дурман қишлоғидан 4 км жанубда жойлашган, Оқ-ота тепалигининг жанубидаги Туғайтепа ёдгорлигига тўғри келади [Буряков 1975: 73–74].

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ

қайд этилиши, ҳатто ушбу шаҳар номининг хитой йилномаларида араб географларидан анча олдин, Ғарбий турк хоқонларидан Эл-Билга Турк хоқон / Йелви Тулу хоқон (*Иби Дулу кехан*; 638–642) 640- йилларда Чочга кочиби, *Кохотун-чен*<sup>8</sup> (луғ. “Хотун шаҳри”)га сиғиниши муносабати билан номи учраши ҳам диққатга сазовордир [Бичурин 1950, I: 288; Chavannes 1903: 58]. Аҳамиятлиси, ушбу шаҳар номи остида ҳам қадимги туркий анъана – давлат бошқарувида бош ҳукмдор хоқон билан биргаликда, доимо унинг аёли - «хотун» унвонли малика жой олиши анъанаси ётганлиги кўриниб турибди. Бу аввало қадимдан туркий халқлар кенг тарқалган ҳудудларда Хотун-балиқ, Хотунсин, Хотун-арт, Хотунсув номли топонимлар учрашида ўз тасдиғини топса, иккинчидан Хотункат шаҳрининг айнан Жабғукат шаҳри билан ёнма-ён жойлашган шаҳар сифатида эслатилишининг ўзиёқ, унинг хоқонлик билан алоқали равишда қад ростлаганини кўрсатади. Шунингдек, археологик тадқиқотлар ҳам ушбу шаҳарнинг VI–VII асрларда вужудга келганини тасдиқлаши ҳам Хотункатнинг хоқонлик билан эканига шубҳага ўрин қолдирмайди.

Демак, Жабғукат – Хотункат параллели – бу хоқонлик сиёсий марказида ҳукмдор ўрдаси (ёки чодир) билан ёнма-ён малика ўрдасининг жой олиши анъанасининг Чоч воҳасида ёнма-ён шаҳар кўринишида акс этишидир, деб айтиш мумкин. Шу тариқа воҳада Хотункат шаҳрининг мавжудлиги ҳам Чоч бир муддат Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув маркази бўлганининг далилидир, деб ҳисоблаш мумкин.

Шунингдек, X аср араб географлари Шошнинг пойтахти Бинкетнинг маҳалла, кўча ва дарвозалари номларини қайд этганда, уларнинг орасида Кўй-и Хоқон номи ҳам учрайди [Бартольд 1963: 228; Муҳаммаджо-

---

<sup>8</sup> Бичурин ушбу шаҳар номини асл ҳолатида келтирмай, ўгириб “город Ханьша” тарзида берган. Бу эса О.И. Смирнова каби баъзи тадқиқотчиларни истисно қилганда, мазкур шаҳар номининг Хотункат билан алоқадорлиги ҳақида фикр юритишларидан чалғитган [қар. Смирнова 1971: 65].

нов 1988: 43]. “Ҳоқон кўчаси” маъносидаги ушбу жой номининг пайдо бўлиши ҳам Ғарбий Турк хоқонлиги билан алоқали бўлиши мумкин.

Агар Чоч воҳасида VI–VIII асрлар оралиғида зарб қилинган тангаларнинг сезиларли бир қисми Ғарбий Турк хоқонлигига тегишли бўлиб чиқмаганда эди, воҳанинг хоқонлик бошқарув марказларидан бири бўлганлиги масаласи етарлича тасдиқланмасдан қолаверарди. Кейинги йилларда Тошкент воҳасидан топилаётган нумизматик материалларни синчиклаб ўрганишимиз натижасида хоқонлик томонидан қарийб 20 типда танга зарб қилингани аниқланган бўлиб, улардан 4 та типда суғдий ёзувда “жабғу”, 5 та типда “жабғу-хоқон”, 5 та типда эса “хоқон” унвони ўрин олган, қолганлари ё анэпиграфик (4 та тип) ёки ёзувлари ҳалигача тўлақонли ўқиб чиқилмаган (2 та тип). Аҳамиятлиси, ушбу тангалар орасида 2 нафар ҳукмдор исми учраб, улардан бирида 576–603 йилларда ҳукм сурган Ғарбий турк ҳукмдори Тарду хоқоннинг номи, иккинчисида эса 618–630 йиллардаги ҳукмронлиги давомида Ғарбий Турк хоқонлигини энг қудратли давлатга айлантирган Тун ябғу-хоқоннинг номи акс этган [Бабаяр, Кубатин 2007: 9, 11–12].

Энг муҳими шуки, Турк хоқонлигининг марказлари бўлмиш на Ўрхун водийсида, на Еттисувда хоқонлик билан алоқадор тангалар топилмагани учун шу пайтгача тадқиқотчилар орасида “хоқонлик танга-пул тизими-га эга бўлмаган” мазмундаги фикр устунлик қиларди. Ниҳоят Тошкент воҳасидан Ғарбий Турк хоқонлигига тааллуқли юзлаб нусхада мис тангаларнинг топилиши бу масалага ойдинлик киритиши баробарида ушбу хоқонликнинг давлат сифатида шаклланиш жараёнларини ҳам очиб берди. Яъни Ғарбий хоқонликнинг шаклланиш жараёнларини изчил ёритиш имконини бермайдиган тафсилотларга эга асосан хитой ва қисман бошқа тиллардаги манбалар маълумотларини Тошкент воҳаси нумизматик материаллари тўлдирадиган моҳи-

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ

ятдадир. Ғарбий Турк хоқонлиги шаклланиш босқичларида учта босқични босиб ўтган бўлиб, илк босқичда Турк хоқонлигининг Ғарбий қаноти ўлароқ, бошқарувчилари «ябғу» унвони билан ҳукм юритар ва марказий ҳокимият моҳиятидаги Шарқий хоқонликка бўйсуншарди, яъни **Ябғулик даври** – VI асрнинг 60-йиллари ва охириги чораги; иккинчи босқичда эса Ғарбий қанот ўз сиёсий фаолиятида деярли мустақил бўлиб, Шарқий хоқонликка номигагина бўйсунувчи сиёсий бирлик ўлароқ, бошқарувчилари «ябғу-хоқон» унвонида ҳукм юритишарди, яъни **Ябғу-хоқонлик даври** – VII асрнинг бошлари – VII асрнинг 30- йиллари; ниҳоят учинчи босқичда Шарқий Турк хоқонлигига 630 йилда Хитойнинг Тан сулоласи томонидан барҳам берилгач, Турк хоқонлигининг вориси сифатида Ғарбий қанотнинг мустақил давлат – хоқонликка айланиши ва унинг бошқарувчилари олий ҳукмдорликни ифодаловчи хоқон унвони билан ҳокимият юргиза бошлаган даври – VII аср 30- йиллари – VIII асрнинг иккинчи чораги. Демак, Чоч ўз тангаларида нафақат жабғу → жабғу-хоқон → хоқон каби унвонлар узвийлиги ёки иконографик, палеографик ва тамғалар шакли (☉ – ☊ – ☋) сингари хусусиятлари билан юқорида келтирилган Ғарбий Турк хоқонлигининг шаклланиш босқичларини ўзида акс эттиради, балки бир муддат ушбу хоқонликнинг бошқарув марказларидан бири бўлиб туриши баробарида хоқонлик учун давлат рамзларидан бўлган танга-пул зарб қилишга мос ҳудуд бўлиб хизмат қилади.

Қисқаси, бир-биридан фарқли тиллардаги ёзма манбаларда ўрин олган маълумотлар ва нумизматик материаллар Чоч воҳасининг маълум давр мобайнида Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув марказларидан бирига айланганидан дарак беради. Воҳанинг ҳам бошқарув маркази бўлиши, ҳам стратегик ва иқтисодий жиҳатдан муҳимлиги Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмдорларига ўз танга-пулларини айнан Чоч воҳасида зарб қилдиришлари учун замин яратади.



## **III-БОБ. ХОҶОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ СУЛОЛАЛАР: ТАРИХ ВА НУМИЗМАТИКА**

### **3.1. Илк ўрта асрларда Амударё – Сирдарё оралиғида танга-пул тизими**

Ўзбекистон ҳудуди – Марказий Осиё тарихида нафақат илк шаҳарсозлик маданияти ва давлатчилик анъаналари вужудга келган ҳудудлардан бўлиб, минтақадаги дастлабки маҳаллий танга-пуллар зарб қилинган айнан шу ерда қилинган.

Товар айирбошлашнинг энг қулай воситаси сифатида танга-пуллардан Юнон-Бақтрия (мил.ав. IV – II аср) ҳамда Кушон салтанати (мил.ав. II – мил. III аср) даврида фойдаланила бошлаган. Милодий минг йилликнинг илк асрларидан бошлаб Суғд, Хоразмда ҳам танга зарб этиш йўлга қўйилган. Улар билан деярли бир вақтда маркази Чоч воҳасидаги Қанғ давлати (мил.ав. III – мил. III аср)да товар айирбошлаш муносабатлари натура шаклида эмас, танга-пул воситасида амалга оширила бошлаган. Милодий VII–VIII асрларга келиб Фарғона ва Уструшона ҳукмдорлари ҳам ўз тангаларини зарб қилишга киришганлар.

Бунга қадар минтақа аҳолиси олди-сотди, савдо-сотиқ ишларини тери, дон-дун, чорва моллари, қимматбаҳо буюмлар ва ҳоказоларни ўзаро алмаштириш орқали бажарган бўлиб, бундай усул ўзига хос муайян қийинчиликлар туғдирар эди. Шу жиҳатдан олганда, ўзаро савдо ва товар айирбошлаш муносабатларида муайян бир металл – мис ва олтиннинг воситачи ролни ўйнай бошлаши инсоният тарихидаги энг катта ютуқлардан бири бўлганини эътироф этиш зарур.

Амударё ва Сирдарё оралиғи ҳамда унга туташ ҳудудлардаги Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро,













**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**











Тўхористон ва Хоразм каби тарихий-маданий вилоятлар алоҳида сиёсий-маъмурий тузилмалар – воҳа ҳукмдорликлари бўлиб, ҳар бири мустақил статусга эга эдилар. Улардан ҳар бири ўз ҳукмдор сулоласи, меросий ҳокимияти, бошқарув маркази (пойтахти), конунчилиги, ўз қўшини, муайян ҳудуди ва чегараси ҳамда танга-пул тизимига эга бўлиб, ўзига хос ҳокимият рамзлари бор эди. Ҳатто, уларнинг баъзиларида конфедератив шаклдаги бошқарувлар ҳам мавжуд эди. Хусусан, Тўхористон ва Суғдда шундай ҳолат яққол кўзга ташланарди. Иккаласида ҳам ҳар бир вилоят ёки туман алоҳида кичик ҳукмдорликлар бўлиб, уларнинг деярли барчаси юқоридагидай статусга молик эдилар (сулола, ҳукмдор, ҳудуд, чегара, танга-пул тизими ва б.). Жумладан, Тўхористон, хитой роҳиби Сюан Цзан (629–645) маълумотида, 27 та кичик ҳукмдорлик (Термиз, Чағониён, Хуттал, Кумед, Кободиён, Шуғнон, Вохон, Балх, Гузгон ва бошқалар)дан ташкил топганди ҳамда барчаси Турк хоқонлигига бўйсунарди [Бичурин 1950, II: 321; Chavannes 1903: 157]. VII асрнинг иккинчи чорагида ўлкада хоқонлик билан алоқали, Ашина хонадонидан бўлган *Ябгулар* бошқаруви таъсис этилгач, мазкур ҳукмдорликлар ушбу Тўхористон ябгулари сулоласини тан олган ҳолда бир-бирларидан мустақил равишда бошқарувда давом этадилар.

Милоднинг илк минг йиллиги ўрталарига келиб ушбу воҳа ҳукмдорликларининг қарийб барчасида танга зарбининг йўлга қўйилиши фақатгина иқтисодий зарурият билан боғлиқ бўлмай, балки ҳамма даврларда бўлгани каби пул зарб қилиш маълум маънода давлат мустақиллигини ҳам ифодаларди. Айнан шу сабабли илк ўрта асрларда мамлакатимиз ҳудудида зарб қилинган тангаларда ҳар бир ҳукмдорликнинг ўзига хос белгиси – тамғалар ўрин олган. Воҳа ҳукмдорликлари, ҳатто конфедератив шаклдаги ҳукмдорлик таркибидаги айрим майда ҳокимликлар ҳам ўз тамғаларига эга бўлиб, улар нафақат тангаларда, балки сопол ва металл

буюмлар сиртида ҳам ўз аксини топган. Аслида муайян бир тамға бирор ҳукмдорликни ифодаловчи рамзий белгига айланган бўлса-да, уларни бирон бир мамлакат ёки ўлканинг қадимдан ўзгармай келган анъанавий нишони (герби) деб бўлмайди. Чунки, минтақадаги сиёсий вазият билан боғлиқ ҳолда ҳар бир даврда ўзига хос рамзий белгилар бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилган. Айниқса, Қушон салтанати ва Қанғ давлати давридаги тамғалар билан илк ўрта асрлардаги тамғалар орасида анча фарқлар бор. Илк ўрта асрларга келиб, воҳалардаги ҳар бир ҳукмдорлик ўзига хос тамғага эга бўлган. Бу даврга хос тамғаларни бирор бир мамлакатнинг эмас, у ерни бошқариб турган сулоланинг рамзий белгиси сифатида баҳолаш мантиқлироқ. Масалан, VII–VIII асрларда Чоч воҳасида учта бошқарувчи сулола мавжуд бўлиб, улардан ҳар қайсисининг ўз тамғаси мавжуд эди. Улардан қайси бири айнан Чоч ҳукмдорлигининг рамзий белгиси эканини аниқлаш қийин. Ушбу тамғалар кўпинча сулолага асос солган уруғларга тегишли бўлган.

Шунга урғу қаратиш керакки, баъзан бирор ҳукмдорликда мавжуд сулола вакили ўзидан олдин ҳукмронлик қилган қариндоши (отаси, акаси ёки яқинларидан бири)дан ҳокимиятни мерос қилиб олар экан, анъанавий тамғага бирон бир қўшимча белги илова қилгани кўзга ташланади. Бу асосан Самарқанд ихшидлари, Панч ҳукмдорлари тангаларига хосдир. Бу даврда мамлакатимиз худудида мавжуд бўлган воҳа ҳукмдорликларининг асосан тангалар сиртида ва қисман эса бошқа буюмларда учрайдиган рамзий белгилари – тамғалар ва унвонлар қуйидагича бўлган (қаранг. Илова 1):

1. Чоч:   ; *хуву, тегин, элтабар, тудун.*
2. Фарғона:  (вариантлари; , , ); *хоқон.*
3. Уструшона: ; *MR'Y.*
4. Суғд:
  - а) Самарқанд: ; *хоқон, MLK'.*
  - б) Панч:  (вариантлари , ); *MR'Y.*

- в) Кеш: ; *ахурнат*.  
г) Нахшаб: ; *хуву*.  
5. Бухоро: ; *пухар хув кава*.  
6. Тўхористон:  
а) Тўхористон ябғулиги: ,  (?); *ябгу*.  
б) Чағониён:  (?); *хув*.  
в) Термиз: ; -.  
7. Хоразм: , ; *MR'Y MLK'*.  
8. Ўтрор:  ( ; Алп-хоқон тутук.

Кўпроқ иқтисодий эҳтиёжлар воситаси сифатида зарб этилган мазкур тангалардаги маълумотлар ўз даври сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритишда ўзига хос ўрин тутуди. Жумладан, уларда ўрин олган ҳукмдор исми ва унвони, турли хил рамзий белгилар (тамға ва ҳк.) кўпроқ сиёсий ҳаётни ёритишга ёрдам берса, иконографик (тасвир ва сюжетлар) ва палеографик жиҳатлари, ясаиш техникаси, металл тури ва бошқалар уша даврдаги маданий-иқтисодий ҳолатни тасаввур қилишга хизмат қилади.

Бу давр тангалари асосан О.И. Смирнова, Э.В. Ртвеладзе, В.А. Лившиц, Е.В. Зеймаль, Б.И. Вайнберг каби тангашунос олимлар томонидан тадқиқ этилган. Бу соҳада тадқиқот олиб борган Э.В. Ртвеладзе, Л.С. Баратова, А. Мусакаева, А.В. Кузнецов, Ғ. Бобоёров, А. Кубатин ўз ишларида асосий эътибор Чоч воҳаси тангаларига қаратишган. Фарғона, Уструшона, Суғд, Хоразм тангалари ҳозирча етарли ўрганилмасдан қолмоқда.

Нумизматик материалларнинг тарихий манба сифатида аҳамияти шундаки, ёзма манбаларда учрайдиган айрим нуқсонлар (хусусан, маълумотнинг етқазилиш даражаси, тил ва ёзув хусусиятларининг фарқлилиги натижасида исм, унвон ва атамаларнинг аслиятдан узоқлашиши ва б.) туфайли юзага келадиган англашмовчиликлар уларда кўп учрамайди. Шу жиҳатдан олганда, танга-пулларни ишончли ва собит тарихий манба сифатида баҳолаш мумкин.

Мамлакатимиз ҳудудида давлатчилик тарихини акс


эттирувчи тангаларни бир неча гуруҳга бўлиб ўрганиш муҳим. Шулардан бири Чоч воҳаси тангаларидир.

## 1. Чоч воҳаси тангалари











Илк ўрта асрлар Чоч тарихини ёритиш учун асосан хитой йилномаларида, қисман эса суғдий ва бошқа тиллардаги ёзма манбаларда акс этган маълумотларга мурожаат қилинади. Бугунги кунда қўлга киритилаётган нумизматик маълумотлар ушбу манбалар маълумотларини тўлдирибгина қолмай, воҳа тарихи билан боғлиқ бир қатор масалаларга аниқлик ҳам киритмоқда.

Чоч тарихини асосан ёзма манбалар асосида ўрганган тадқиқотчилар VII–VIII асрларда бу ерни маҳаллий сулола ва туркий *Тудунлар* сулоласи бошқарган, деган хулосага келишган эди. Бироқ, нумизматик материалларнинг қайта кўздан кечирилиши айна даврда воҳада 3 та сулола мавжуд бўлганидан дарак бермоқда. Айниқса, тангаларда акс этган унвонларнинг ёзма манбалардаги унвонлар билан ўзаро ҳамоҳанг келиши катта ютуқ бўлди.

Изланишлар давомида VI–VIII асрлар оралиғида, яъни қарийб 200 йил мобайнида зарб қилинган Чоч тангаларининг деярли 50 га яқин тип ва вариантлари мавжуд бўлганлиги аниқланди. Бу албатта ўша даврдаги тарихий воқеликлар билан боғлиқ бўлиши керак. Хўш, Чоч воҳасида шу қадар кўп турда танга бостирилишининг тагида қандай тарихий воқеликлар ётади?

Чоч тангаларининг палеографик ва иконографик жиҳатларидан, шунингдек унвонлар тизими (титулатура) ва бошқаларидан келиб чиқиб, уларни воҳага “тўғридан-тўғри тегишли” ва “билвосита тегишли” тангалар, деб ажратса бўлади. Жумладан, VII–VIII асрларда ҳукм сурган Чоч ҳукмдорлари тангалари асосан 3 гуруҳга ажратиш мумкин. Айниқса, воҳанинг бош ҳукмдор сулоласи бўлмиш *Чоч тегинлари* тангалари, тамғаси - ; иккинчи даражали сулола мавқеидаги Чоч

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

тудунлари *тангалари, тамғаси* - ; ва воҳада нисбий хоқимиятга эга маҳаллий сулола тангалари, тамғаси -  (1- расм. 4-6). Бундан ташқари, Тошкент воҳасидан топилаётган айнан шу асрларга тааллуқли тангалардаги тамғага қараб таснифлайдиган бўлсак, яна 4 та асосий ва уларнинг вариантлари моҳиятидаги тамғалар билан тангалар зарб қилингани маълум бўлади. Ўз вақтида Э.В. Ртвеладзе илк ўрта асрларга тааллуқли Чоч тангаларида 6 хил тамға учраши, бу эса воҳада шунча кичик хоқимликлар - уделлар мавжуд бўлганидан дарак беришини ёзган эди [Ртвеладзе 1982: 31–38; Ртвеладзе 2002: 242–256]. Шунингдек, тадқиқотчи Чоч тангаларида Кабарна, Банокат, Тунуканд (Тункат), Фарнкат ва ҳоказо каби жой номларини топишга ҳаракат қилган ва уларни воҳанинг муайян хоқимликлари - уделларининг марказлари сифатида талқин қилган эди. Бирок, бугунги кунда Чоч нумизматикаси бўйича қўлга киритилган ютуқлар бу фикрнинг янглиш эканини кўрсатаётир [Ртвеладзе 2006; Шагалов, Кузнецов 2006; Бабаёров 2007]. Ҳозирда Чоч воҳасида зарб қилдирилган тангалар 7 гуруҳдан иборат эканлиги аниқланган бўлиб, улардан 3 таси бевосита Чоч сулолаларига тегишли (, ,  шаклли тамға билан), қолган 3 таси эса Ғарбий Турк хоқонлигига оид бўлиб чиқди ( шаклли тамға ва унинг вариантлари:  (1- расм. 1-3) ҳамда ,  шаклли тамғалар билан) [Бабаёров 2007: 23–24, 45, 55, 80]. Фақат улардан бир гуруҳи ( шаклли тамғали) ёзуви ҳалигача тўлиқ тикланмаганлиги сабабли, айнан қайси сулолага тааллуқли экани номаълум бўлиб қолаётир.

Қисқаси, Чоч воҳаси тангаларида қуйидагича туркий унвонлар учраб, улар ёзма манбалар асосида ўз тасдиғини топди:

1) *Тегин*. Бу унвон билан ҳам 3 типда тангалар босилган. Хитой йилномаларида 605 йили Ғарбий турк хоқони *Ши* (Чоч)га Тегин Тянчжи исмли вакил жўнатганлиги, 609 йилда у Чоч ҳукмдори сифатида Хитойга элчи жўнатгани қайд этилади [Бичурин 1950, II: 272–273, 282].

Шунингдек, уларда 740- йиллар мобайнида бир неча бор Хитойга ўз элчиларини юборган Чоч хукмдори тегин унвони билан тилга олинади [Chavannes 1903: 142].

2) **Тудун.** Бу унвон билан 3 типда тангалар зарб қилинган. Хитой йилномларида 640–750 йиллар орасида *Ши* (Чоч)ни бошқарган 4 нафар тудун ҳақида маълумот учраса [Бичурин 1950, II: 313–314], суғдий А-14 рақамли ҳужжатда *tōwn* [СДГМ 1962, II: 82–83], Табарийнинг «Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарида «Шош малиги тудун» иборалари учрайди [«История» ат-Табари 1987: 268]. Абу Райҳон Беруний ҳам “қадим Шош хукмдорларининг унвони тудун” бўлгани ҳақида ёзади [Беруни 1957: 111].

3) **Элтабар.** Бу унвон билан 2 тип танга зарб қилинган. Маълумки, Ғарбий турк хукмдори Тун ябғу-хоқон (618-630) ўз хукмдорлигининг дастлабки йилларидаёқ қароргоҳини Чочнинг шимолига кўчиргани ва Ғарбий ўлкалардаги маҳаллий хукмдорларга элтабар унвони бериб, улар устидан назорат қилиш учун биттадан тудун жўнатгани ҳақидаги маълумот хитой йилномларида қайд этилади [Бичурин 1950, I: 283]. Демак, бу маълумот ушбу воҳага ҳам тааллуқли бўлиб, Чоч хукмдорлари маълум муддат ушбу унвонга эга бўлишган. Айрим изланувчилар “Тан-шу” йилномасида учрайдиган маълумотлар асосида 714 йилда Хитойга қарашли *Бэйтин* (Бешбалиқ) шаҳрини эгаллаш учун Қапған Бекчўр хоқон (691–716) томонидан юборилган ўғли шаҳзода Тўнга Тегин кумондонлигидаги Турк хоқонлиги кўшинлари бошида Чоч хукмдори \*Қабар Элтабар ҳам бўлганини таъкидлайдилар [Beckwith 1993: 79]. Хусусан, Чоч тегинлари тангасидаги тамға билан *элтабар* унвонли тангалар тамғасининг деярли бир экани бу тип тангаларни *Тегинлар* сулоласи зарб қилган, деб тахмин қилишга имкон беради.

Демак, Чоч воҳаси тангалари ўша давр тарихий воқеликларини ўзида тўлақонли акс эттирган бўлиб, улар ёзма манба маълумотларига мос келади. Улар асо-

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ

сида бу даврда воҳани *чачинак хуёу* («Чоч ҳукмдори») унвони билан асосан қуйидагича 3 та сулола бошқарганлиги аён бўлади:

1. Бош сулола - *Чоч тегинлари* (605–750). *Тегин* унвонининг Турк хоқонлигида шахзодаларга нисбатан қўлланилгани ҳисобга олинса, шунингдек, воҳаниннг ушбу сулоласига хоқонлик томонидан асос солингани ва хитой йилномаларида улар Чочда бош сулола эканлигига доир ишоралар учрашидан келиб чиқилса бу фикр ўз тасдиғини топади.

2. Иккинчи даражали сулола – *Чоч тудунлари* (640–750). *Тудун* унвони Турк хоқонлигида тегиндан бирмунча қуйида турувчи ва хоқонлик хонадонига мансуб бўлмай, хоқонлар томонидан вассал ўлкалар назорати учун юборилган амалдорларга нисбатан қўлланилган. Хитой йилномаларидаги маълумотлар мазмунидан, гарчи тудунлар воҳа бошқарувида етакчи бўлсалар-да, бироқ ҳуқуқий жиҳатдан иккинчи даражали сулола бўлганлиги маълум бўлади. Тудунларнинг тўғридан-тўғри хоқон вакиллари бўлиши улар ваколатининг ошишига сабаб бўлган, чамаси.


3. “Чоч ҳукмдори” унвони ва **Ў** кўринишидаги тамға билан ўз тангаларини зарб қилдирган ва юқорида келтирилган сулолаларга тобе маҳаллий сулола. Ушбу сулола вакиллари узоқ вақт мобайнида 10 га яқин тип ва вариантларда танга бостирган бўлиб, бу эса уларнинг номинал бўлса-да, ўз ҳокимиятини сақлаганидан дарак беради.


## II. Фарғона водийси тангалари



Мавжуд нумизматик материаллар асосида, ҳозирчалик Фарғона водийсида танга зарб қилиш анъанаси милодий VII асрда йўлга қўйилган, деб тахмин қилинади. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан Фарғона водийсининг ислондан аввалги тангалари ўз тури ва миқдорига кўра нисбатан камчиликни ташкил этади. Ҳозирча асосан



водийнинг бу даврга тегишли Ахсикент, Қува, Мунчоктепа ва шунга ўхшашбир неча шаҳар қолдиқларидан топилган тангаларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

I. Туркий қиёфали ҳукмдор тасвирили ўнг томонида туркий-руник ёзув, орқа томонида эса  шаклли тамға ва унинг атрофида суғдий жумла ўрин олган тангалар. Ҳар иккала томондаги ёзувлар ҳалигача тўлақонли ўқилмаган (1- расм. 7);

II. Юқоридагига ўхшашроқ тасвирили танга. Танганинг орқа юзасида  шаклли тамға ва унинг атрофида суғдий ёзувли *prn βγυ x' [y'n]* «Илоҳий қут (соҳиби) хоқон» жумлалари жой олган (1- расм. 8);

III. Ўртаси квадрат тешикли, суғдий ёзувда *x'y'n* «хоқон» унвони ва  ёки  шаклли тамға ўрин олган тангалар [Смирнова 1981: 338–341] (1- расм. 9);

IV. Ўртаси тешик, бир чеккасида суғдийча *рпу* «танга/пул» ёки *prn* «қут» жумлалари ўрин олган, нисбатан сифатсиз тангалар [Баратова 2007: 46].

Энди, ушбу тангаларнинг зарб этилиши билан боғлиқ тарихий воқеликларга тўхталсак. Маълумки, Турк хоқонлиги кўшинлари 560- йилларда Эфталитларга қарши юриш қилиш мобайнида биринчилардан бўлиб, Фарғонани эгаллайди. Кўринишидан, дастлабки пайтларда водийнинг маҳаллий сулоласи хоқонликка тобе ўлароқ ўз ҳокимиятини сақлаб қолади. Кейинчалик эса, Ғарбий турк хоқонлари Чочда бўлганидек, ўзларининг марказий ҳудуди – Еттисувга жануби-ғарбдан қўшни ва вассали бўлмиш Фарғона бошқарувига ҳам яқиндан аралаша бошлайдилар. Жумладан, «Тан-шу» йилномасида Чжен-гуань даврида (627–649) Ғарбий турклардан *Ган Мохэду* (\*Тўн Баҳодур) *Боханна* (Фарғона)нинг Киби исмли ҳукмдорини ўлдиргани ва ҳокимият *Аше-на* (Ашина) *Шуни* исмли шахс қўлига ўтгани таъкидланади [Бичурин II: 319]. Бир қатор тадқиқотчилар уни Ғарбий Турк хоқонлигининг Ашина хонадонига мансуб шахзода, деб ҳисоблашади [Chavannes 1903: 148]. Йил-

номада келтирилишича, Ашена Шунининг ўлимидан кейин унинг ўғли *Эбочжи* ҳокимиятни кўлга олади ва марҳум Кибининг қариндоши (биродари?) Аляоцанни вассал ҳукмдор қилиб тайинлайди. Йебочжи *Гйесай* (Косон) шаҳрида, Аляоцан эса *Ху-мин* (Қуба?) шаҳрида туриб фаолият юрита бошлашади. Шундан кейин 656 йили Эбочжи Хитойга совға-саломлар билан элчи юборганлиги қайд этилади [Бичурин 1950, II: 319]. Демак, бу пайтда Фарғонада келиб чиқиши хоқонларга тақалувчи сулола ташкил топган бўлиб, хоқонлик водийни бевосита ўз вакиллари орқали бошқара бошлаган, шу билан бирга, маҳаллий сулола фаолиятига ҳам барҳам берилмаган.

Водийдаги Ашина сулоласи вакиллари ўз мавқеини анчагача сақлаб қоладилар. Хусусан, хитой сайёҳи Хой Чао (726 й.) Фарғонада иккита ҳокимият мавжудлиги, бири Сирдарё шимолида (маркази Косон?) *Тукюе* (турк)лар ҳокимияти, жанубида эса *Даши* (араб)лар бошқаруви борлиги ҳақида маълумот беради [Бернштам 1952: 193]. “Тан-шу” йилномасидан маълум бўлишича, Фарғонани 738–751 йиллар давомида *Асилань дагань-чжу* (Арслон тархон-чур) исмли туркий ҳукмдор бошқаради [Бичурин 1950, II: 319]. Ушбу ҳукмдордан олдинги ва кейинги бир неча Фарғона бошқарувчилари исмининг таркибий қисми сифатида хоқонликка хос «чўр» унвони учраши ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, Табарий ўз асарида қароргоҳи Исфарада жойлашган тахт вориси Балаза ҳақида ёзиб, у кейинчалик Фарғона ҳукмдори бўлган Журнинг отаси эканини қайд этади [“История» ат-Табари 1987: 185]. Бу исм аслида туркий чўр унвони билан алоқадор бўлиши мумкин.

Айни пайтда, VII–VIII асрларга тааллуқли Фарғона тангаларида “хоқон” унвони билан бирга, Турк хоқонлиги тамғасига (𐰉) ўхшаш архар шаклли тамға жой олган (𐰏). Бу ҳар ҳолда водийда Ашина хонадонининг бир тармоғи ҳукм сургани билан алоқалидир. Мазкур тангаларнинг ўртаси квадратсимон тешик бўлиб,

Ўрта Осиёда бу типдаги тангаларни зарб қилиш анъанаси асосан Ғарбий Турк хоқонлиги Хитойга бир муддат қарам бўлиб қолган пайтдан, аниқроғи, 650- йиллардан бошлаб кенг ёйилган эди. Демак, Фарғонадаги хоқонликка алоқадор сулола вакиллари шу пайтдан эътиборан, хитой тангаларига тақлидан тангалар зарб қилдира бошлашади. Бунгача Фарғонада ҳам Чочда босилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларига иконографик жиҳатдан яқин ўхшашликка эга тангалар зарб қилинган бўлиб, тамға шакллари тангаларнинг водийни бошқарган Ашина сулоласига оидлигини тасдиқлайди. Шунингдек, асли фарғоналик бўлган Миср Ихшидийлари сулоласи (935–969) ҳукмдори Туғуч ибн Чуқ ибн Йелтегин Ахшид ибн Фурон ибн Фури ибн Хоғон шажарасида Бурон, Бўри каби туркий исмлар билан бирга, хоқонликка хос олий унвонларни эслатадиган Йелтегин, Хоқон сингари исмлар учрайдики [Тоған 1981: 178–179, 481], бу эса Фарғона ҳукмдорларининг келиб чиқиши Ғарбий турк хоқонларига тақалади, деган тахминни янада кучайтиради.

Шунингдек, А-14 рақамли суғдий ҳужжатда *βry'n'k twttk* (“Фарғона тутуғи”) иборасининг учраши [СДГМ II: 80–85] бу ерда яна бир туркий *Тутуқлар* бошқаруви бўлганидан дарак беради. Тутуқ унвони хоқонлик бошқарув тизимида асосан ҳарбий маъмурият бошлиғига нисбатан қўлланилганини назарда тутилса, Фарғонадаги сулолаларни ва маҳаллий сулолани назоратда тутиш учун хоқонлик бу ерда тутуқлик ҳокимияти жорий қилган бўлиб чиқади. Тутуқларнинг хоқонларга бевосита боғлиқ амалдор бўлганини кўрсатадиган далил мазкур суғдий ҳужжатдаги «*Хоқонга ва Фарғона ҳукмдорига ёзилган номани Фарғона тутуғига топширдим*» шаклидаги маълумотлар [Смирнова 1981: 324–335] асосида ўз тасдиғини топади.

Шу ҳам борки, фақатгина Фарғона водийси тангаларида суғдий ёзув билан биргаликда турк-рун ёзуви учрайди, бу ўз тарихий асосига эга. Маълумки, мам-

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ

лакатимиз худудидан топилаётган қадимги туркий битиклар акс этган топилмаларнинг асосий қисми Фарғона водийсига тўғри келади. Тангаларда ушбу ёзувнинг ўрин олиши эса туркий тилнинг маъмурий бошқарувда қўлланилганидан дарак беради. Қисқаси, бу даврда Фарғона водийсида зарб қилинган тангаларнинг катта бир қисмини водийда ўз сулоласига асос солган Ашина хонадони вакиллари зарб қилган бўлсалар, бир қисмини хоқонлик назоратчилар сифатида водийда турган ноиблар хоқонлар номига бостиришган, деган тўхтамга келиш мумкин.

### III. Уструшона тангалари

Илк ўрта асрларда Уструшона Чочнинг жануби, Фарғонанинг жануби-ғарби ва Суғднинг шимоли-шарқида жойлашган алоҳида бир ҳукмдорлик бўлиб, ўз жойлашувига кўра воҳа (ҳозирги Жиззах ва Сирдарё вилоятлари) ҳамда тоғли (Туркистон тизмалари) қисмлардан иборат эди. Уструшонада танга зарб қилдириш ҳам Суғд ва Чочдан анча кеч бошланган бўлиб, милодий VI–VII асрларга тўғри келади. Уструшона тангаларининг бошқа воҳа ҳукмдорликларниқидан тафовут қиладиган жиҳати, уларда ўрин олган ҳукмдор тасвири ўзига хос киёфада, фарқли бош кийимида (тож?) тасвирланишидир. Шунингдек, минтақанинг бу давр тангаларидан фақатгина Уструшона тангаларида фил тасвири учрайди. Гарчи, бу даврда зарб қилинган Ҷ шаклдаги тамғали тангаларда суғдий ёзувда Раханч, Чирдмиш, Сатачари каби ҳукмдор номлари (1- расм. 10-12) учраса ҳам [Смирнова 1981: 324–335], улардан биронтаси ёзма манбаларда акс этган Уструшона ҳукмдорлари исмларига тўғри келмайди. Яъни, тангаларда жой олган мазкур исмлардан ҳеч қайсиси шу пайтгача ёзма манбаларда учратилмади.

Уструшона тангаларида ҳукмдор номи билан бирга оромийча гетерограммада *MR'Y* унвонининг учраши диққатга сазовордир. Чунончи, бу даврда ушбу унвон

фақат Панч ва Хоразм тангаларида кўринади. Кези келганда айтиб ўтиш зарур, бу тип тангаларда уларнинг зарб қилинган жойи ёки қайси ҳукмдорликка оид эканига доир бирор ишора учрамаса ҳам, тадқиқотчилар асосан тангаларнинг мазкур тарихий вилоят ҳудудида жойлашган қадимий шаҳар харобаларидан топилишидан келиб чиқиб уларни “Уструшона тангалари” деб атаб келардилар. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида мазкур тангаларнинг янги бир типни аниқланди (1- расм. 12) ва ундаги жумлалар *sttcry 'wstwršnc MR'Y..* “Уструшона ҳукмдори... Сатачари” шаклида ўқилди. Бу эса мазкур тангалар гуруҳининг айнан Уструшона ҳукмдорлигига тегишли эканини кўрсатади.

Илк ўрта асрлар Уструшона сиёсий тарихига оид араб манбаларида 738 йилда бу ерни Харабуғра исмли ҳукмдор бошқарганлиги қайд этилади [“История” ат-Табари 1987: 251]. Устига-устак, хитой йилномаларида 740- йиллар воқеалари муносабати билан Кабудон ҳукмдори *Гэло-пуло* тилга олинади. Маълумки, ҳар иккала ҳукмдорлик яқин кўшни бўлиб, тадқиқотчилар мазкур Харабуғра ва *Гэло-пуло* исмларининг асли туркий Қора Буғра эканини таъкидлашади ва уларни битта шахс бўлган, деб ҳисоблашади [Смирнова 1981: 425, 428]. Бир қатор тадқиқотчилар тангалар ва ёзма манбалардаги ҳукмдор исмларининг фарқлигидан келиб чиқиб, илк ўрта асрларда Уструшонани иккита сулола бошқарган, деб ҳисоблашади. Яъни VI–VIII асрларда Уструшонани Турк хоқонлигига тобе маҳаллий сулола вакиллари бошқарган бўлса, VIII аср бошларидан эса бу ерни туркий сулола бошқара бошлаган [Грицина 2000: 43].

#### **IV. Суғд воҳаси тангалари**

##### **а) Самарқанд.**


Илк ўрта асрларда Суғд Самарқанд (марказ), Панч (Панжикент), Кеш (Шахрисабз), Нахшаб (Қарши) каби

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

нисбатан йирик ва Кушония (Каттакурғон), Маймурғ, Кабудон, Фай каби кичик мулклардан ташкил топган бўлиб, улар орасида фақат йириклари ўз тангапуллари зарб қилдирган.

Самарқанд ихшидлари томонидан VII аср иккинчи ярмидан VIII аср ўртасигача зарб қилдирилган хитой тақлиди тангаларда суғдий ёзувда Шишпир (640- йй.) , Авархуман (650- йй.), Тукаспадак (690- йй.), Тархун (700–710), Ғурак (710–738), Турғар (738–750) каби хукмдорлар исми ўрин олган бўлиб [Смирнова 1981: 35–43], улар ҳақидаги маълумотлар асосан хитой ва араб манбаларида, қисман эса суғдий ҳужжатларда учрайди. Бироқ, ушбу хукмдорлардан аввал VI асрлар ўрталаридан то VII аср 40- йилларигача хукм сурган Самарқанд хукмдорларининг исми тангаларда жой олган ёки аксинчалиги номаълум. Гарчи хитой йилномаларида *Шифуби* (590- йй.) ва *Кюймучжи* (610- йй.) номлари учраса ҳам, қайси тангалар айнан уларга тегишлилиги аниқ эмас. Фақат ҳалигача “эгаси” аниқланмаган 3 тип ўшбу шаклдаги тамғали Самарқанд тангаси учраб, баъзи жиҳатлари уларнинг мазкур хукмдорларга, ё бўлмаса, 640-йилларгача, яъни Шишпирдан олдин Самарқандни бошқарган хукмдорлардан бирига тааллуқли эканидан дарак бераётир.



Ўз вақтида О.И. Смирнова томонидан бир гуруҳи *twr'k xwβ* «кудратли хукмдор» ёки “Турлар хукмдори” деб ўқилган [Смирнова 1981: 21] ушбу тангаларнинг *twrnyn xwβ* “Турон хукмдори” шаклида тузатилиб ўқилиши бу масалани қайтадан қараб чиқишни талаб қилди. Айниқса, Суғд тангаларининг бир неча турларида *x'y'n xwβ twrnyn* “Турон хукмдори хоқон” жумласининг аниқланиши (1- расм. 13) бу масалага ойдинлик киритувчи маълумотларга эгаллиги билан диққатни тортади. Бу танга О.И. Смирнова томонидан *ywβ twrnyn ynš'n* “Эзгу нишон (соҳиби) хукмдор Мук/рнин” шаклида ўқилган [Смирнова 1981: 21–22] , бироқ кўпчилик тадқиқотчилар бу талқинга қўшилмаган эдилар.

Муҳими шундаки, бу тип тангалардаги ҳукмдор тасвирлари туркий қиёфада бўлиб, улар орасида умумий ўхшашлик мавжуд. Бундан ташқари, уларнинг барчасида *twrnun* сўзининг учраши диққатни тортади. Агар бу сўз ўша пайтда туркийлар ҳукм сурадиган ўлка сифатидаги Турон номи бўлиб чиқса, мамлакатимиз тарихи билан боғлиқ бир қатор масалаларнинг ечилишига олиб келади. Бошқа томондан эса, Самарқанд тамғаси билан зарб қилинган тангада *хоқон* унвонининг учраши ўз изоҳини талаб қилади. Эҳтимол, Самарқанд ҳукмдорлари турк хоқонлари номидан танга чиқаргандир. Хитой йилномаларидан маълум бўлишича, VI аср охирлари – VII аср бошларида Кан (Самарқанд) ҳукмдорлари хоқонлар билан яхши алоқа ўрнатган бўлиб, шу боис ўз атрофидаги ҳукмдорликлар орасида устун мавқе қозонган эдилар. Жумладан, Тарду хоқон (576–603) ўз қизини Шифуби исмли, Тун ябғу-хоқон (618–630) эса Кюймучжи исмли Самарқанд ҳукмдорига қизини узатган эди [Бичурин 1950, II: 271, 311]. Балки, ушбу ҳукмдорлар никоҳ муносабатлари эътирофи сифатида хоқонлар номидан мазкур тангаларни чиқаргандир. Дарвоқе, айнан шу даврларга тааллуқли, деб тахмин қилинувчи  шаклдаги тамғали, туркий қиёфали ҳукмдор ва малика тасвирли тангаларда (1- расм. 14) *x'itwnh* «хотун» унвони учрайдики [Смирнова 1981: 359], улар айнан шу никоҳ ришталари туфайли Самарқанд ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган бўлиши мумкин. Бу тангаларнинг *жабғу*, *жабғу-хоқон* ва *хоқон* унвонлари билан босилган қўшалок портретли (ҳукмдор ва малика тасвирли) Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари билан иконографик жиҳатдан яқин ўхшашликка эгаллигини ҳам назардан қочирмаслик лозим.











Ушбу тангалардан кейин Самарқандда зарб қилинган ҳукмдор тасвирли тангалар ўрнини хитой тақлиди ўртаси тўртбурчак тешикли тангалар эгаллайди (1- расм. 15). Бу ўша даврдаги тарихий воқеликлар билан алоқали бўлиб, 630 йилда маркази Ўрхун/Ўту-

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

кан (Мўғулистон) бўлган Турк хоқонлигининг шарқий (марказий) қисмига Хитойнинг Тан империяси томонидан зарба берилган, айна йилларда маркази Еттисув бўлган Ғарбий Турк хоқонлиги (бу пайтда Ғарбий қанот *Ябгу-хоқонлик*) устида эса Хитой нуфузи кучаяётган бир палла эди. Хуллас, хоқонликнинг ўз вассаллари устидан бўлган назорати бирмунча заифлашган пайтда Самарқанд ҳукмдорлари ўз тангаларини Хитой таъсирида зарб қила бошлайдилар. Шунга қарамай, хоқонликнинг Самарқанддаги таъсири VIII аср биринчи ярмигача сақланиб қолгани маълум.

Хитой йилномаларидан маълум бўлишича, VII асрнинг иккинчи ярмидан то шу асрнинг охиригача бўлган вақт мобайнида Самарқанд ҳокимиятида бир неча бор сулола алмашинувлари юз беради. Ушбу воқеликлар нумизматик материалларда ҳам акс этган бўлиб, бу анъанавий Самарқанд тамғаси (  ) билан биргаликда фарқли тамға (  ) ўрин олганида ўз тасдиғини топади.

**б) Панч.**

Сугднинг ўз даврида мавқеи юқори ҳукмдорликларидан бири бўлган Панч (Панжикент)да VII аср ўрталаридан бошлаб танга зарб қилингани маълум. Панчнинг илк тангаси деб ҳисобланувчи ўртаси тўртбурчак тешикли хитой тақлиди тангада *pncu MR'Y sm'wky'n* “Панч ҳукмдори Чамукйан” жумлалари ўрин олган бўлиб, танганинг орқа томонида эса ,  шаклли тамғалар мавжуд (1- расм. 16). Қизиғи шундаки, улар Чочда зарб қилинган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларига хос тамғалар билан яқин ўхшашликка эга. Жумладан, ўк шаклли биринчи тамға Тарду хоқон (576–603) тангасидаги (  ) тамғага яқин келса, иккинчи тамға *βуу twwn x'γ'n* “Илоҳий Туун хоқон” жумлали Чоч тангасидаги  шаклли тамғага анчагина мос тушади (*таққосланг.*  -  /  ;  /  -  ). Бу эса мазкур сулолалар орасида қандайдир боғлиқлик бор эмасмикин, деган саволни кўндаланг кўяди. Панчнинг бундан кейинги тангалари-



да эса юқоридаги (𐰽) тамғага ўхшаш тамғалар (𐰽, 𐰾) учраб, уларда *pncu MR 'Y bylk*” *γwb* «Панч хукмдори подшо Билга» жумлалари акс этган [Лившиц 1979: 57–58]. Тадқиқотчилар тангадаги Билга исми билан Муғтоғи суғдий ҳужжатларида 693–708 йилларда Панчни бошқарган хукмдор сифатида қайд этилган *sk'un swr bylk*” (Чакин Чўр Билга)ни тенглаштирадилар. Кўпчилик тадқиқотчилар фикрича, ушбу хукмдорнинг келиб чиқиши туркий бўлиб, Деваштичдан олдин Панчни бошқарган [Отахўжаев, 2001: 40–42]. Шунингдек, унинг ўрнига ўтирган суғдий хукмдор Деваштич (709–722) номидан танга бостирилгани шу пайтгача маълум эмас. Аксинча, Билгадан кейин зарб қилинган Панч тангаларида *pncu nndβnprwh* “Панч қироличаси Нана” жумлалари учраб, суғдшунослар бу ҳолатни “танга Билганинг кизи номидан зарб қилинган, Деваштич хукмдорлар хонадонидан бўлмагани учун ўз аёли номини акс эттирган”, деб изоҳлайдилар. Дарвоқе, Деваштичнинг шажараси келтирилган манбада унинг аждодларидан бир нечасининг исми Шур шаклида қайд этилади. В.А. Лившицнинг фикрича, бу исм аслида туркий *чўр* унво­нига алоқадор бўлиб, Деваштичнинг Чакин Чўр Билгага куёв бўлиши билан боғлиқ [Лившиц 1979: 66–67].

Қисқасм, ҳам нумизматик материаллар, ҳам ёзма манбалар VII аср иккинчи ярми – VIII аср биринчи чорагида Панч хукмдорлигини туркий-суғдий қоришиқ сулола бошқарганини тасдиқлайди.


### в) Кеш.

Суғд конфедерациясининг йирик қисмларидан бири Кеш хукмдорлиги бўлиб, бу ер ўзининг анчагина қадимий танга зарбига эга эди. Маълум муддат Кеш хукмдорлари Суғдда етакчилик қилганлиги ҳақидаги ёзма маълумотларни нумизматик материаллар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, VII аср ўрталарига оид баъзи Самарқанд тангаларида Кеш хукмдорлигига хос трискелес шакли (𐰽) тамға учрайди [Смирнова 1981: 37–38]. Дарвоқе,

640-йилларда Самарқандни бошқарган Шишпир асли кешлик ҳукмдор бўлган, деб талқин қилинади.

Кешда зарб қилинган тангаларнинг бир қанча типда *kşu'n'k xwβ "xwrp't* “Кеш ҳукмдори Ахурпат” жумласи учрайди (1- расм. 17). Таъкидлаш жоизки, бу тип тангаларни биринчилардан бўлиб ўқиган О.И. Смирнова суғдий жумлани *ryβ'n'k ywβ "xwrpt* “Рағфан ҳукмдори Ахурпат?” тарзида талқин қилганлиги боис бир қатор англашмовчиликлар юзага келган [Смирнова 1981: 306]. Бу исм хитой йилномаларида 720- йилларда Хитойга элчи юборган *Ши* (Кеш) ҳукмдори *Ахубидо* шаклида қайд этиладиган исм [Бичурин 1950, II: 316] билан тенглаштирилади. Ахурпат исми эса суғдийча унвон бўлиб, “охур (сайис)хона бошлиғи” деган маънони билдиради.



#### г) Нахшаб.

Суғд конфедерациясининг яна бир йирик аъзоси Нахшаб ҳам ўзининг танга-пул тизимига эга эди. Бу давр Нахшаб тангаларининг маълум қисмини бир томонида туркий қиёфали ҳукмдор тасвири, бир томонида эса от тасвири ва унинг атрофида суғдий жумлалар (“кут (соҳиби) ҳукмдор”) акс этган тангалар ташкил этади. Нахшаб тангаларининг бошқа гуруҳида бир томонида от тасвири ва ёзув (*βуу хwβ* “илоҳий ҳукмдор”), иккинчи томонида эса  шаклли тамға ва унинг устида ёзув ўрин олган (1- расм. 18). Мазкур ёзувни тадқиқотчилар *'šknδk* “*Aşkandak*” шаклида ўқишган [Смирнова 1970: 180; Кочнев 1999: 46]. Уларнинг фикрича, араб манбаларида 730- йилларда Насаф испахбоди сифатида тилга олинган ал-Ашканд исми бу тангада акс этган [Кочнев 1999: 46]. Хитой йилномаларида 738 йилда Тургаш ҳукмдори Тухосян Қут-чурга қарши лашкарбоши Баға Тархоннинг ёнида жой олган *Ши* (Кеш) ҳукмдорининг номи *Сигинти* шаклида учрайди [Chavannes 1903: 46; Смирнова 1970: 281]. Ушбу ҳукмдор исмининг асли Ашканд бўлиб, у айна вақтда Нахшаб ҳукмдори бўл-

ган. Хитой йилномаларида унинг Кеш ҳукмдори сифатида тилга олиниши ўша пайтда Нахшабнинг яқин қўшнилари устидан мавқеи ошгани билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Нахшабда туркий қиёфали ҳукмдор тасвирининг учраши ўша давр тарихий воқеликлари билан боғлиқ. Хусусан, 560- йилларда Нахшаб атрофида Эфталитларга қарши асосий зарбани берган Турк хоқонлиги бу ҳудудда ўз қўшинларини жойлаштиради [Chavannes 1903: 228–229]. Натижада Нахшабнинг бошқарув маркази бўлган жой (Ерқурғон)дан жануб (Шуллуктепа)га кўчади ва янги сулола вакиллари бу ердан туриб воҳани бошқара бошлайдилар. Археолог Р. Сулаймонов фикрича, ушбу сулола вакилларининг келиб чиқиши туркий бўлган [Сулейманов 2000: 69]. Ушбу сулола олдинги маҳаллий сулоладан фарқли тангалар зарб қила бошлаган ва уларда ўзига хос анъаналарни акс эттирган.

## V. Бухоро тангалари

Илк ўрта асрларда Суғддан алоҳида ҳукмдорлик бўлган Бухоро бошқа бир қатор воҳа ҳукмдорликлари сингари бир неча кичик ҳокимликлардан ташкил топган эди. Марказий ҳокимият Бухородан ташқари, яна Пойкент, Вардона ва бошқа бир қанча майда ҳукмдорликлар ўз ички ишларида анча мустақил сиёсат олиб боришган. Бу ҳолат нафақат ўша давр ёзма манбаларида, балки нумизматик материалларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, *rwγ' r γwβ k' v'* “Бухоро ҳукмдори подшо” [У.Б. Хенинг ўқиши, қар. Смирнова, 1970: 159] жумлалари ўрин олган Бухорхудотлар сулоласига тегишли кумуш тангалардан (1- расм. 19) ташқари воҳада яна бир неча турдаги мис тангалар зарб этилгани бундан дарак беради. Улар орасида  (вариант. ) шаклли тамғали тангада, қисик кўзли, кенг юмалоқ юзли туркий қиёфадаги ҳукмдор тасвир учрайди (1- расм.

20). Бу эса ўша даврда воҳа бошқарувида хоқонлик билан алоқали вакиллар турганлиги билан боғлиқ бўлса керак, деган тахминга имкон яратади.

Тадқиқотчилар орасида Бухоро ҳукмдорлари (тамғаси **Ж**) билан Чочнинг маҳаллий сулоласи (тамғаси **З**) қай даражададир қариндошликка эга, деган фикрлар мавжуд. Агар хитой йилномаларида *Ши* (Чоч), *Ан* (Бухоро) ва бошқа 9 га яқин ҳукмдорликнинг ўзаро қариндошлиги ва улар маркази *Кан* (Самарқанд) бўлган Чжаову хонадонига бориб тақалиши ҳақидаги маълумотдан келиб чиқилса, бу ўхшашликлар бежиз бўлмайди. УШ ўринда айтиб ўтиш керак, ушбу бошқарувчи хонадоннинг келиб чиқиши масаласи ҳалигача очиқ қолмоқда.

Бу даврда воҳадаги бошқарувда суғдий-туркий анъаналарнинг омухталашганини кўриш мумкин. Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асаридан маълум бўлишича, бухоролик зодагонлар маҳаллий ҳукмдор Абруйнинг зулмига қарши турк хоқони Биёғу (Ябғу)дан ёрдам сўрагач, хоқон ўз ўғли Шери Кишварни бу масалани ҳал қилиш учун юборади [Наршахий 1991: 91]. Тадқиқотчилар фикрича, асл исми Эл-Арслон бўлган мазкур шахзода келган VI аср охириги чорагидан бошлаб VIII аср биринчи ярмигача воҳа Турк хоқонлиги таркибида бўлади [Ғуе 1954: 108, п. 28]. Агар бу давр мобайнида воҳани бошқарган Бухорхудотлар сулоласи вакиллари исмига назар ташланса, Хотун, Туғшода, Арслон каби туркий исм ва унвонларга дуч келиш мумкинки, бу эса юкорида айтиб ўтилганидек, Бухородаги туркий-суғдий бошқарув анъаналари синтезидан дарак беради.

Бошқа воҳа ҳукмдорликларига нисбатан бу давр Бухоро тангаларида унвонлар кўп дуч учрамайди. Шунингдек, Бухоронинг баъзи тангаларида қисқа жумла (*пу* “танга”) ва анъанавий тамға (**Ж**) ўрин олган хитой тақлиди ўртаси тешик тангалар ҳам зарб қилина бошлайди (1- расм. 21). Айтиб ўтиш керак, воҳа тарихига доир нумизматика материаллар ва ёзма манбаларни ўзаро таққослаб амалга оширилган тадқиқотлар кам.








Бирок, кейинги йилларда Бухоро воҳасига алоқадор кўплаб мис тангалар топилаётганлиги бу масалани янада изчилроқ тадқиқ этишни талаб қилиб қўймоқда.







## VI. Тўхористон тангалари


Амударёнинг юқори ҳавзасида жойлашган, шимолда Ҳисор, шарқда Бадахшон, жанубда Ҳиндикуш ва Куҳи Бобо (Банди Туркистон), ғарбда эса Куҳитанг тоғлари орасидаги худуд илк ўрта асрларда Тўхористон деб аталиб, у Термиз, Чағониён, Куфтан, Шуман, Ахарун, Вашгирд, Рашт, Хуттал, Вахш, Қубодиён, Каррон, Шугнон, Воҳон, Бадахшон, Қумед, Помир, Гузгон, Гарчистон, Валх, Қундуз, Симингон, Руб, Ғаз ва яна бир қатор катта-кичик тарихий вилоятларни ўз ичига оларди. VII–VIII асрларда санаб ўтилганлар вилоятларнинг ҳар бири алоҳида ярим мустақил майда ҳукмдорликлар сифатида билинар ва уларнинг барчаси Тўхористон ябғулари сулоласига бўйсунар эди. Шу тариқа Тўхористонни суғдга ўхшаш, бироқ бирмунча фарқ қилувчи конфедератив характердаги нисбатан йирикроқ ҳукмдорлик ҳисоблаш мумкин. Айни пайтда ўлка Турк хоқонлигига бўйсунар ва *Ябғулар* сулоласи келиб чиқишига кўра Ашина хонадонига мансуб эди [Бичурин 1950, II: 321].

Нумизматик материаллар ҳам ёзма манбалар сингари ўлканинг мазкур хусусиятини ўзида акс эттирган. Хусусан, Тўхористондаги ҳукмдорликлардан 10 га яқини ўз тангаларини зарб қилдирган бўлиб, улардан бир қисми бактрий, бир қисми эса суғдий тилли эди. Ушбу тангалар орасида Ғарбий Турк хоқонлиги ва Самарқанд тангаларига ўхшаш қўшалок портретли  $\delta$  ромбсимон тамғали тангалар алоҳида ажралиб туради (1- расм. 25). Тадқиқотчилар томонидан шу пайтгача Чағониённинг туркий ҳукмдорларига тааллуқли бактрий ёзувида босилган, деб ҳисобланувчи ушбу тангалар аслида суғдий ёзувда бостирилгани аниқланди ва ундаги жумлалар *prn xwβ* “кут (соҳиби) ҳукмдор” шаклида ўқиб чиқил-

ди [Babayar 2007: 193]. Бу турдаги тангаларнинг баъзи вариантларида хукмдор ва малика тасвири атрофида суғдий жумла ўрин олган бўлиб, уни сўроқ ишорати остида *txw'r'k xw(βw)/(cp)γw* “Тўхор хукмдори/жабғу” тариқасида ўқимокдамиз [*қаранг.* www.zeno.ru. No. 27992]. Агар бу талқин бошқа нумизматик материаллар асосида янада ўз исботини топса, у ҳолда бу танга Чағониён хукмдорларига эмас, Тўхористон ябғуларига оид бўлиб чиқади. Айтиб ўтиш керакки, шу пайтгача тадқиқотчилар фақат паҳлавий ёзуви билан “ябғу” унвони акс эттирилган тангалар (1- расм. 24) мавжудлигидан хабардор эди ва уларни Тўхористон ябғуларига тегишли, деб ҳисоблашарди [Esin 1972: 348–350; Harmatta, Litvinsky 1996: 371].

Тўхористонда босилган, бироқ ҳалигача айнан қайси хукмдорликка оидлиги тўлақонли аниқланмаган Сосоний тақлиди тангалар эса бу давр Тўхористон тарихининг муҳим жиҳатларини очиб бериши мумкин (1- расм. 23). Чунончи, бу тип тангаларда Ғарбий турк хоқонларига тааллуқли баъзи Чоч тангаларидаги 2 та тамға билан яқин ўхшаш тамғалар учрайди (*таққосланг.* Тўхористон:  /  ,  – Чоч:  ,  ). Бундан ташқари, кам ўрганилган баъзи Тўхористон тангаларида Ғарбий Турк хоқонлигининг *Ябғу-хоқонлик* даври (VI аср охирилари – VII аср 30- йилларигача) тангаларига хос тамғалар учраши диққатга сазовордир (1- расм. 22:  -  ). Эҳтимол, бу тангалар ҳам Тўхористондаги *Ябғулар* сулоласи томонидан зарб қилингандир. Зотан, ушбу сулола вакиллари келиб чиқишига кўра Ғарбий турк хоқонларига бориб тақалар эди.

Тўхористондаги хукмдорликлардан бири Термиз ҳам ўз танга зарбига эга эди. Термиз тангаларининг бир томонида туркий қиёфали хукмдор тасвири, орқа томонида ўксимон  тамға ўрин олган бўлиб (1- расм. 26–27), улар Ғарбий Турк хоқонлиги ва Панч тангаларидаги тамғалар билан яқин ўхшашликка эга ( /     ).

Бақтрий ёзувли Тўхористон тангалари орасида (расм 28)  шаклли тамға ва унинг атрофида *tadono tarxano bagdaiggo varobido* “Барча бахтга соҳиб ҳукмдор Тудун-тархон» жумлалари акс этган тангалар учрайди [Humbach 1996: 247–251]. Мухими шундаки, Табарий ўз асарида 737 йилги воқеалар муносабати билан, Хутталнинг асли бомиёнлик бўлган Тудун-тархон исмли туркий ҳукмдорини қайд қилади [“История” ат-Табари 1987: 256]. Бу эса мазкур тангалар ушбу ҳукмдор томонидан зарб қилдирилган бўлса керак, деган тахминга имкон яратади.





Тўхористонда босилган тангалардан яна бири Сосоний тақлиди тангалар бўлиб, уларда суғдий ёзувда “хоқон” ёки “тегин” унвонлари босма (надчекан/контр-марк) тарзда ўрин олган (1- расм. 29). Тадқиқотчилар бу тип тангаларни хоқонлик томонидан VI аср охирларида Тўхористонда зарб қилдирилган илк тангалар бўлиши мумкин, деб ҳисоблайдилар [Баратова 2002: 21–23].

Тўхористоннинг Вахш вилоятида босилган, деб тахмин қилинувчи ўртаси юмолоқ тешикли тангалар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг бир қисмида бақтрий ёзуви ёки тамға жой олган (1- расм. 30).

Хуллас, ҳали етарлича ўрганилмаган Тўхористон тангалари ёзма манбалардаги маълумотларни тасдиқлайдиган маълумотларни ўзида акс эттиради. Аҳамиятлиси шундаки, бу давр тангаларининг муҳим бир қисмини туркий характерли тангалар ташкил қилади. Дарвоқе, хитой, бақтрий ва араб манбаларидан маълум бўлишича, ўлкадаги мавжуд 27 та кичик ҳукмдорлик орасида нисбатан йириклари Термиз, Чағониён, Балх, Бадғис, Хуттал, Вахш, Вахон, Шуман, Ахарун, Қубодиённи туркий сулолалар бошқаришган [Гафуров 1972: 227; Гойбов 1989: 30–31; Бобоёров 2002: 10–11]. Эндиликда бу нафақат ёзма манбаларда, балки нумизматик материалларда ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

## VII. Хоразм воҳаси тангалари

Илк ўрта асрларда Хоразм мамлакатимизнинг бошқа худудларига нисбатан фарқлироқ ўз бошқарув тарзига эга ҳукмдорлик эди. Айниқса, Суғд ва Тўхористондан фарқли ўлароқ, бу ерда нисбатан марказлашган сулола ҳукм сурган. Бу ҳам ёзма манбалар, ҳам нумизматик материаллар асосида ўз тасдиғига эга. Хусусан, тангаларда қадимги Хоразм давлатчилиқ анъаналарига хос рамзлар жой олиши, стандарт ўлароқ *MR'Y MLK'* тарзида қўшалоқ унвон учраши диққатга сазовордир. Шунингдек, уларга ҳукмдор қалпоғи устида ўз даври мифологияси билан боғлиқ турли эътиқодий тимсоллар: туя, бургут каби ҳайвон тасвирларининг акс этиши хосдир (1- расм. 31–33).

Воҳанинг исломдан аввалги нумизматикаси Б.И. Вайнберг томонидан ўрганилган бўлиб, қадимги хоразм ёзувлари акс этган тангаларни тадқиқ этиш мобайнида тадқиқотчи ёзма манбаларда, айниқса Абу Райҳон Беруний асарларида қайд этилган 22 нафар Хоразм ҳукмдоридан бир қанчасининг исмини топишга муваффақ бўлган [Вайнберг 1977: 57, 60, 81; Беруни 1957]. Улар орасида *wzk'nšw'r* (Азқачвар, араб манбаларида Чағон) исмли ҳукмдор фаолияти Хоразм тарихига тааллуқли бир қатор масалаларни келтириб чиқаради. Чунончи, мазкур ҳукмдорга тегишли, деб тахмин қилинадиган тангада ўша давр Хоразм тангаларига хос  шаклли тамгадан (1- расм. 31) фарқ қилувчи  шаклли тамга жой олган бўлиб (расм 32), бу эса у Хоразмнинг бошқарувчи сулоласига мансуб бўлмай, асли чағониёнлик туркий сулолага мансуб ҳукмдор, мазмундаги фикрлар билдирилишига сабаб бўлди [Гудкова 1964: 120]. Масаланинг қизик томони, ушбу тамга Ғарбий Турк хоқонлигининг VII асрнинг иккинчи чорагида зарб қилина бошлаган тангаларидаги тамғаларга жуда яқин келади (таққосланг.  - ). Маълумки, бу даврда Чағониён, Хуттал, Кумед, Воҳон каби Тўхористоннинг ўнлаб



кичик хукмдорликлариди туркий сулолалар хукм сурган бўлиб, ўлканинг бир қанча тангаларида хоқонлик тамғасига ўхшаш тамғалар жой олган.

Кейинги йилларда Хоразмнинг исломдан аввалги даврига тааллуқли кўплаб янги нумизматик материаллар топилмоқда. Фақат бу соҳада тадқиқот олиб борувчи мутахассислар ниҳоятда кам. Шунинг учун Хоразм тангаларининг давлатчилик тарихини ўрганишда манба сифатидаги ўрни етарлича тадқиқ этилмасдан қолмоқда.

### **3.2. Чоч тегинлари ва Чоч тудунлари сулолалари**

560- йилларда Эфталитларга зарба берган Турк хоқонлиги қўшинлари Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро ҳудудлари билан бирга Чоч воҳасини қўлга киритган бир паллада бу ерда Эфталитларга тобе сулола мавжуд эди. Айни йилларда Сосонийлар билан ёвлашган ва Шимолий Кавказда ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган хоқонлик дастлаб янги ҳудудларнинг ички бошқарувига аралашмаган шекилли, VI аср охирларигача нафақат Чочда, балки бошқа воҳа хукмдорликлар сиёсий ҳаётида бирор жиддий ўзгариш бўлгани кўзга ташланмайди. Бирок, VII аср бошларига келиб, хоқонликнинг Чочга нисбатан тутган сиёсати кескин ўзгаради. Бу ернинг ерли бошқарувчиси, чамаси Чжаову сулоласи вакили Нйе хоқонлик вакиллари томонидан ўлдирилади ва воҳанинг бошқаруви тўғридан-тўғри хоқонлик билан алоқадор сулола қўлига ўтади.

Шу ўринда “Бей-ши”, “Суй-шу” ва “Тан-шу” каби хитой йилномаларида Чочга алоқадор равишда учрайдиган қуйидагича маълумотлар учраб, улар мазмунидан хоқонлик даврида Чоч бошқарувида ўзгаришлар юз бергани, хоқонликнинг бошқарувчи хонадони – Ашина сулоласи вакиллари воҳадаги бошқарувни бевосита ўз қўлларига олгани англашилади:

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

“бир вақтлар (Хитойдаги Да-йе даври (605–616 йй.) нинг бошларида) Ши-го (Чоч ҳукмдорлиги) ва Тукюе (Турк хоқонлиги) орасида ихтилоф содир бўлди. Шегуй хоқон ўз қўшини билан отланиб, ушбу ҳукмдорликни тор-мор қилди (ҳукмдор Нйе ўлдирилди) ва у (Шегуй хоқон) Тегин Тяньчжини ноиб сифатида ушбу ҳукмдорликни бошқаришга буйруқ берди... Бешинчи Да-йе йили (609 й.) да Тяньчжи Хитой саройига ўз хурмат-эҳтиромини билдириш мақсадида ҳадялар билан биргаликда элчи юборди. Шундан кейин (анча вақтгача) элчи келмади” [Бичурин 1950, II: 273, 282, 313; Chavannes 2007: 193].

Ушбу маълумотлардан аён бўладики, 605 йилга келиб, Чоч воҳаси сиёсий ҳаётида катта ўзгариш рўй берган ва хоқонлик томонидан ўша йилда воҳа бошқарувига тегин унвонига эга Тяньчжи исмли шахс ноиб сифатида тайинланган. Демак, Чочнинг собиқ ҳукмдори Нйенинг ўлдирилиши оқибатида воҳанинг хоқонликка тобе маҳаллий сулоласи, эҳтимол Чжаову хонадонининг бир тармоғи бўлган сулола ўрнини бошқа бир хонадон эгаллаган ёки маҳаллий сулола ўз мавқеини йўқотиб, тобе сулолага айланган. Тегин Тяньчжининг 609 йилда Чоч ҳукмдори сифатида Хитой саройига элчи юбориши, унинг бу ерда мустаҳкам ўрнашиб олгани ва ўз сулоласига асос солганидан дарак беради. Буни ҳам хитой йилномаларида 740–750 йиллар орасида Чочнинг бош ҳукмдори сифатида тегин унвонли шахснинг тилга олинishi, ҳам VII–VIII асрларда воҳада зарб қилинган *tk'un c'sunk xwβw* “Чоч ҳукмдори тегин” жумлалари билан зарб қилинган тангалар ҳам тасдиқлайди [Бабаяров, Кубатин 2006: 194–198].

Гарчи, хитой йилномаларида Чоч тегинларининг келиб чиқиши ҳақида тўғридан-тўғри маълумот учрама-са-да, ўша давр воқеликларидан келиб чиқиб, уларни Турк хоқонлигининг асосчи уруғи – Ашина хонадонига мансуб бўлишган, деб ҳисоблаш мумкин. Аввало, бунга Тегин Тяньчжининг исми ва унвони туркий бўлганлиги,

айниқса ушбу сулола вакиллари хоқонлик бошқаруви-га хос - *тегин* унвонига эга бўлишгани бундан далолат беради. Маълумки, тегин - Турк хоқонлиги бошқарув тизимида хоқонларнинг ўғиллари ва жиянларига, яъни, шахзодаларга бериладиган унвон эди [Бичурин 1950, I: 229; Таşaғил 2003: 113]. Ю.Ф. Буряков фикрича, *Дэлэ Тянчжи* (Тегин Тянчжи – *Ф.Б.*) Ашина уруғидан бўлган ва унинг Чочга келиши билан бу ерда туркий сулола хукмронлиги бошланади [Буряков 2002: 12]. Бизнингча ҳам ушбу фикрда жон бор бўлиб, ушбу шахс Ашина хонадонининг бир тармоғи - Ғарбий турк хоқонлари (Истами ябғу авлодлари)га мансуб бўлган. Чунки, ўша кезларда фақат Ашина хонадони вакиллари *тегин* унвонига эга бўлишар ва хоқонлик шахзодаларни бирор ўлка бошқарувига тайинлаш орқали жойлардаги ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳаракат қиларди. Тегин Тянчжининг Чоч бошқарувига айнан Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувчиларидан бири Шегуй хоқон (611–617) томонидан тайинланиши ҳам бунга гувоҳлик беради.

Юқорида кўриб ўтилганидек, 605 йилги воқеадан бир неча йил кейин Тянчжи 609 йилда Хитойга чочлик элчиларни юборади. Демак, ушбу шахзода бу вақтга келиб, Чоч ҳукмдорига айланган ва бу ердан туриб ўз элчиларини юбориш ҳуқуқига эга бўлган. Шу билан биргаликда, хитой йилномаларида 640- йиллардан то 750- йилларгача бўлган вақт мобайнида воҳада ҳукмдорлик қилган 4 нафар Чоч ҳукмдорининг исми тудун унвони билан тилга олиними, суғдий А-14 хужжатида (720- йиллар) *tδwn* (тудун) унвонли шахс Чочга алоқадор сиёсий масалаларни ҳал қилувчи амалдор сифатида учраши, Табарийда эса “*Тудун малик аш-Шош*” (“Шош ҳукмдори Тудун”) иборалари қайд этилиши, Беруний ҳам “тудун” сўзини Шошнинг қадим ҳукмдорлари унвони тариқасида кўрсатиши, айнан Тегинлар сулоласи билан деярли бир вақтда воҳада Тудунлар сулоласи мавжуд бўлган, деб ҳисоблашга имкон беради. Қолаверса,

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

VII–VIII асрларга тааллуқли тангаларда *tđwn c 'cynk xwβ* “Чоч ҳукмдори Тудун” иборасининг учрашининг ўзиёқ бу фикрни тасдиқлайди.

Чоч воҳасида айни вақтнинг ўзида алоҳида-алоҳида *Тегинлар* ва *Тудунлар* каби сулолалар мавжуд бўлиши, воҳада қўшхокимиятчилик бўлганидан дарак бермайдими? Агар ёзма манбаларга синчиқовлик билан назар ташланса, шунингдек, масалага Турк хоқонлигининг ўз вассалларини бошқаришда қўллаган усул ва воситалар моҳияти жиҳатидан ёндашилса, бу ҳолат қўшхокимиятчилик билан эмас, хоқонлик бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб чиқади. Маълумки, *тудун* унвони Турк хоқонлигининг бошқарувчи хонадонига бевосита алоқадор бўлмаган, асосан бўйсундирилган ўлкаларнинг ҳукмдорлари устидан назорат қилиш ва у ерлардаги солиқ йиғишга маъсул қилинган вакилларга нисбатан ишлатилган [Толстов 1948: 260]. Бу эса тегин – Чоч ҳукмдори, тудун эса уни назорат қилиш учун хоқонлик томонидан юборилган вакил – ноиб, деб ҳисоблашга имкон беради. Хоқонлик нафақат Чочда, балки ўз қўл остидаги ўнлаб воҳа ҳукмдорликларини бошқаришда уларнинг эски маҳаллий сулолаларини сақлаб қолган ҳолда, уларнинг бир қисмига ўз хонадонни вакилларини тайинлаши баробарида улар устидан назоратчи вакиллар – *Тудунлик* ёки шунга ўхшаш бир ноиблик жорий қилган эди. Жумладан, Фарғонанинг асосий бошқарувчилари ўларок Ашина хонадонига мансуб сулола ташкил топиши билан бирга, маҳаллий сулола ҳам сақланиб қолган, шу билан биргаликда *Ту-туқлик* бошқаруви йўлга қўйилган эди [СДГМ 1962, II: 80–85; Смирнова 1981: 58].

Шунга ўхшаш ҳолат Тўхористон бошқарувида ҳам кўзга ташланади. Хусусан, Тўхористон ўлкадаги бош сулола мавқеидаги Ашина хонадонига мансуб *Ябғулар* томонидан бошқарилиши баробарида, айрим кичик ҳукмдорликларда ерли сулолалар бошқаруви сақланиб қолган, бироқ уларни назорат қилувчи ва солиқ йиғими-

ни ташкил қилувчи вакил сифатида тудунлар юборилган эди. Жумладан, бактрий тилли бир неча хужжатда Тўхористон таркибидаги кичик бир ҳукмдорлик бўлмиш Руб (Шимолий Афғонистон)да маҳаллий сулола вакиллари тилга олиниши билан биргаликда, доимий равишда *тудун* унвонли амалдор тилга олинади [Sims-Williams 2000: 95–96]. Ҳар ҳолда тудунлар хоқонликнинг жойларга тўғридан-тўғри юборилган вакиллари бўлиб, улар вассал ҳукмдорлик ва марказий ҳокимият орасидаги мувофиқликни тартибга солиб турган. Акс ҳолда Чоч, Фарғона, Тўхористон каби ҳукмдорликлар бошқарувида хоқонлик билан бевосита алоқадор, келиб чиқиши Ашина хонадонидан бўлган сулолалар туриши билан биргаликда, уларни ҳам назорат қилиш учун ноиб – тудун тайинланишини бошқача изоҳлаш мушкул.

Хитой йилномаларда 740- йилларда бир неча маротаба Хитойга элчи юборган Чоч ҳукмдори *Ши-го ван Тэлэ* “Чоч ҳукмдори Тегин” шаклида тилга олинса, у билан айни йилларда мазкур империя саройига элчи жўнатган яна бир ҳукмдор *Ши-го Фу-ван Тутунь* “Чоч ҳукмдори муовини Тудун” тарзида тилга олинади [Chavannes 1903: 142]. Бундан кўринадики, *тегин* – Чочнинг ҳукмдори, *тудун* – Чоч ҳукмдорининг муовини (ёки иккинчи даражали ҳукмдор)дир. Йилномалар мазмунидан ушбу тудуннинг исми Инай Кулуг эканлиги маълум. Шунингдек, 713–740 йиллар давомида Чоч сиёсий ҳаётида фаол қатнашган Баҳодур (Мохэду) тудун хитой йилномаларида турлича нисбатлар билан келадики, бу ҳам мазкур масалага аниқлик киритса керак, деб ўйлаймиз. Жумладан, француз шарқшуноси Э. Шаванн хитой йилномаларида Баҳодур тудун билан боғлиқ жумлани *roi étranger du royaume de Che* - «Ши/Чочнинг хорижий ҳукмдори» шаклида ўгиради [Chavannes 1904: 62]. Демак, Чоч билан боғлиқ *тудун* унвонли иккала шахсдан бири (Баҳодур; 713–740) “хорижий ҳукмдор”, иккинчиси (Инай Кулуг; 740- йй.) эса “ҳукмдор муовини” сифатида тилга олиниши тудунларнинг том маънодаги

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

Чоч хукмдорлари бўлмаганини кўрсатади. Шуни айтиб ўтиш керакки, Чоч тудунларининг бундай аталиши асосида легитимация (ҳокимиятни қонунийлаштириш) масаласи ётади. Чунончи, бу воқеалардан анча олдин – 605 йилда Чочнинг бошқарувига *тегин* унвонли ҳоконлик вакили тайинланган бўлиб, ушбу сулола вакиллари тўғридан-тўғри Ашина хонадонидан эканлиги улар ҳокимиятининг қонунийлигини таъминларди.

Шундай бўлишига қарамай, хитой йилномаларида 640–740 йилларда Чоч билан боғлиқ воқеалар баёнида тегинлар эмас, асосан тудунларнинг эслатилиши ва А-14 рақамли суғдий ҳужжатда Чочга тегишли масалаларда тудун асосий шахс сифатида гавдаланиши ўз изоҳини талаб қилади. Шу ўринда, бу масалага бевосита алоқадор араб тилли манбалар (Табарий, Беруний асарлари)да Шош хукмдорлари - “*тудун малик аш-Шош*” шаклида маълумотлар учрашини [“История” ат-Табари 1987: 268; Беруни 1957: 111] ҳам назарда тутиш керак. Аввало, бу масалада хитой йилномаларида илк бор тилга олинган Чочга алоқадор *тудун* тўғридан-тўғри воҳанинг хукмдори сифатида эмас, балки Ғарбий турк хоқонларидан бири Элби Тулу (Иби Дулу) хоқон ўз рақиби, яна бир Ғарбий турк хоқони бўлмиш Ишбара ябғу-хоқон (Шаболо шэху-кехан)га қарши юборилган чочлик ҳарбий амалдор сифатида қайд этилганини инобатга олиш зарур [Бичурин 1950, I: 287.].

Ғарчи, *Тегинлар* сулоласи ўзларининг келиб чиқишига кўра хоқонликнинг бошқарувчи хонадони – Ашина уруғидан бўлиши ва бу уларга то 750- йилларгача воҳанинг бош хукмдор сулоласи бўлиб қолишлари ҳукукини берган бўлса-да, -бунга хитой йилномаларидаги Ши-го ван Тэлэ (“Чоч хукмдори Тегин”) ва тудун билан алоқали Ши-го Фу-ван (“Чоч хукмдори муовини”) иборалари гувоҳлик беради- амалдаги ҳокимият Тудунлар сулоласи қўлида бўлган. Юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, ҳар ҳолда 650- йилларгача тудунларнинг бевосита хоқонлар вакили бўлишлари, 650- йилларнинг охириги

йилларидан бошлаб эса хитойликларнинг ишончини қозонишлари, уларга мавқе жиҳатдан устунлик яратган бўлиши керак. Шунингдек, келиб чиқиши жиҳатидан хоқонлик билан алоқадор бўлган Тегинлар сулоласи Хитой учун ишончсиз бўлиб, Тан империяси Чоч устидан назоратни таъминлашда хоқонлик билан қариндошлик алоқалари бўлмаган тудунларга таяниши мантқиқлироқ эди. Ғарбий турк хоқонлари наздида юқори нуфузга эга бўлган Чоч тудунини (640- й.) ҳисобга олмаганда, ундан кейинги учала Чоч тудунининг (Тун тудун, Баҳодур тудун, Инай тудун Кул) Хитой билан мустақкам алоқа ўрнатишлари асосида ҳам шу масала ётса керак. Демак, хитойликлар 658 йили маркази Тункат (Ганьгэ) шаҳри бўлган Давань губерниясини ташкил этар экан, у ерга Чочнинг *Тегинлар* сулоласи вакилларини эмас, тудунларни бошқарувчи қилиб тайинлашлари бежиз бўлмаган.

Айрим далиллар истисно қилинса, манбаларда VIII аср биринчи ярмидаги Чоч билан боғлиқ бирор сиёсий воқеада Тегинлар сулоласи иштирок этганига доир маълумот учрамайди. Гарчи, 750 йилда Тан империяси билан ихтилофга бориб, оқибатда хитойликлар томонидан саройига олиб кетилган ва у ерда ўлдирилган Чоч ҳукмдорининг исми ва унвони келтирилмаса-да, уни Тегинлар сулоласидан бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Йилномалардан маълум бўлишича, хитойликларнинг бундай муомаласидан кейин улар билан алоқани узиб, Тан империясини асосий душмани деб билган мазкур Чоч ҳукмдорининг ўғли *На Гюй Чабиши* араблардан ёрдам сўрайди ва 751 йили Талас атрофида мусулмонлар ва Тан империяси кўшинлари орасидаги жангда хитойликлар катта зарбага учрайди [Бичурин 1950, II: 314; Chavannes 2007: 194–195]. К.И. Беквиснинг фикрича, хитой йилномаларида *Чабиши* шаклида учрайдиган ушбу Чоч ҳукмдорининг исми Чабиш шаклида тикланади ва у аслида исм бўлмай, туркий *чабиш* (човуш) унвони билан алоқадордир.

Тадқиқотчининг фикрича, ушбу ҳукмдор Чочнинг иккинчи даражали ҳукмдори Инал (Инай) Тудун Кулугнинг ўғли бўлиб, Тургаш хоқонлигига алоқадор ҳукмдорликнинг бошқарувчиси сифатида Тургаш хоқонларининг Хитойга қарши иттифоқчиси эди [Beckwith 1993: 137–138]. Бироқ у ва унинг 751 йилда иттифоқчилари Тургаш хоқони ва тибетлик лашкарбошилар билан биргаликда хитой саркардаси Гао Сянчжи томонидан қўлга олиниб, пойтахт Чанъанга олиб кетилади ва у ерда император фармони билан пойтахтдаги “Кай-Юан дарвозаси” олдида қатл этилади. Шундан кейин марҳум Чоч ҳукмдори Чабишнинг ўғли хитойликларга қарши Самарқанддаги Араб гарнизони бошлиғи Зиёд б. Солих ал-Хузайнага ёрдам сўраб мурожаат қилади ва натижада 751 йилда бўлиб ўтган машҳур Талас жанги юз беради [Beckwith 1993: 139]. Кўринишидан, ғолиб чиққан араб кўшинлари бу жангда ўзларига ёрдам берган воҳа ҳукмдорликлари қаторида Чочни ҳам ўз қарамоғига олиб, уни тобе ҳукмдорликка айлантиради.

Шу ўринда Чочнинг бошқарувчи сулоалари билан боғлиқ яна бир масалага тўхталиб ўтиш зарур. Америкалик тадқиқотчи Ж.К. Скэфф Чоч тудунларининг туркий эканлиги ва бу улардан бир қанчасининг исми туркий эканлигида ҳам кўзга ташланишини ёзиш билан бирга, хитой йилномаларида Инай тудун Кюйлэ (Цзюйлэ) шаклида учрайдиган Чоч ҳукмдори исмининг туркий эмаслигини таъкидлайди [Skaff 2002: 103, p. 23]. Аслида ушбу исмдаги Кюйлэ Турк хоқонлиги иерархиясида кўп учрайдиган эпитет-исм бўлмиш *küliüg* “шон-шарафли, машҳур, донгдор” [ДТС 1969: 326] сўзининг хитойча берилишидир. Бундан ташқари, бу давр тибет манбалари бўйича йирик мутахассис К.И. Беквиснинг фикрича, ушбу Чоч муовин/ёрдамчи ҳукмдорининг исми туркий бўлиб, унинг асли Инал Тудун Кулуг шаклида тикланади [Beckwith 1993: 124]. Хуллас, Чоч тудунларининг деярли барчаси туркий исмга



эга бўлишган, яъни: *Ган тутунь* (**Тўн тудун**<sup>9</sup>; 658 й.), *Мохэду тутунь* (**Баходур тудун**; 713–740 йй.), *Инай тутунь Кюеле* (**Инай тудун Кулуг**; 740- йй.) [Бичурин 1950, II: 313–314; Chavannes 1903: 140; Малявкин 1989: 270; Смирнова 1981: 431].

Бу давр Чоч ҳукмдорлиги бошқарув тизимида мавжуд унвонларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Турк хоқонлиги бошқарув тизимига хос анъаналар воҳада ҳам бирмунча ўз аксини топган. Аввало, ёзма манбалар ва нумизматик материалларнинг бир-бирига мос келиши, яъни воҳада тегинлар ва тудунлар бошқарувининг мавжудлиги буни тасдиқлайди. Шунингдек, хитой ва араб манбаларидан маълум бўлишича воҳада хоқонликка хос *шад* ва *тархон* унвонлари ҳам амалда бўлган. Хитой йилномаларидан аён бўлишича, Ғарбий Турк хоқонлигининг сўнгги мустақил ҳукмдорларидан бири, Истами ябғунинг бешинчи бўғин авлоди бўлмиш Ашина Хэлу (Улуғ) ва унинг ўғли *Шиюнь* 657 йилда Тан империяси лашкарбошиси *Су Дин-фан* томонидан тормор этилгач, паноҳ истаб *Ши* (Чоч) ҳукмдори *Шу-жу шад* (Бичуринда: *Шунэу Ше* [Бичурин 1950, I: 292]) хузурига сиғинишади [Ögel 1963: 42]. Улар Чочда эканлигида *Суду* (Шутуркет?) шахрининг ҳокими Инал тархон (хит. *Инье Дагань*)нинг олдига боришади. Бошида ота-болани яхши кутиб олган Инал тархон, кейинчалик уларни ушлаб, Шу-жу шадга топширади. Ўз навбатида Шу-жу шад Ашина Хэлу ва унинг ўғлини хитой генерали қўлига топширади, генерал эса уларни Хитой императори хузурига жўнатади.

Ушбу маълумотдан кўринадики, *шад* унвонли ҳукмдор Чочнинг асосий бошқарувчиси бўлган, *тархон* эса

<sup>9</sup> *Ган тудун* – А.Г. Малявкиннинг фикрича, ушбу исмнинг туркийчаси Тон-тудун [Малявкин 1989: 270]. Ю.А. Зуевга кўра эса Ган тудун исмининг маҳаллий асли Канг-тудун бўлиб, Қанг давлати номи билан алоқалидир [Зуев 2002: 101]. Бирок, Ю.А. Зуевнинг фикрига кўшилиб бўлмайди. Сабаби, бу воқеа Қанг давлатидан анча кейинги пайтга тўғри келганидек, Канг (Қанғ) ва Ган (аслида Тун) атамалари хитой йилномаларида бутунлай фарқли иероглифларда ифодаланган.

воҳадаги шаҳарлардан бирининг бошқарувчиси сифатида ушбу ҳукмдорга бўйсунган. Мазкур Шу-жу шад Чочда 605 йилдан бери ҳукмронлик қилиб келаётган *Тегинлар* сулоласига мансуб бўлганлиги эҳтимоли юқори. Зеро, Турк хоқонлиги даврида *тегин* ва *шад* унвонлари фақат хоқонликнинг бошқарувчи хонадонига мансуб амалдорларга, аниқроғи шаҳзодаларга нисбатан қўлланилгани назарда тутиладиган бўлса масала янада ойдинлашади. Масаланинг яна бошқа бир аҳамиятли томони шундаки, Чоч ҳукмдорларининг бу пайтга келиб хоқонлик бошқарувида учинчи ўринда турадиган шад ва тегин унвонларига эга бўлишидир. Боиси, бу вақтда ушбу унвонлар хоқонликнинг марказий бошқарувидан ташқари, воҳа ҳукмдорликлари орасида фақат Фарғона (630–810), Тўхористон Ябғулиги (620–750), Кобул Тегиншоҳлари (640–870) сулолалари бошқарувида мавжуд эди [Бобоёров 2003: 3–10; Джуманиязова 2018: 15–19]. Тўхористон ҳукмдорлари ҳам Ашина хонадонига мансуб бўлганлиги сабабли ушбу унвонларни олиш ҳуқуқига эга бўлишган. Аслида Турк хоқонлиги бошқарув тизимининг марказий бошқарувига хос бўлган шад унвони асосан хоқонлик хонадонига мансуб шаҳзода - тегинларга нисбатан қўлланилган бўлиб, улар мустақил ўз қўшинига эга бўлиб, бирор ўлкага ноиб қилиб тайинлангач шад деб атала бошлаганлар [Togan, Kara, Baysal 2006: 80]. Демак, Чочнинг бош ҳукмдорлари Ашина хонадонига мансуб бўлганликлари учун ҳам *тегин* ва ундан юқорироқ турувчи *шад* унвонини олишга ҳақли бўлишган.

Кейинги йилларда кўплаб нумизматик материалларнинг топилиши ва уларнинг муваффақиятли равишда ўқиб чиқилиши ҳамда ёзма манбалар билан солиштирилиши натижасида Чоч воҳаси илк ўрта асрлар ижтимоий-сиёсий тарихининг бир қанча масалаларини ҳал қилишда катта ёрдам бераяпти. Хусусан, уларга таяниб, VI–VIII асрларда Чочни бошқарган сулолалар, уларнинг этник келиб чиқиши, эга бўлган унвонлари, ҳукмдор-

ларнинг бошқарув йиллари каби масалалар ўз ечимини топа бошлади. Жумладан, кейинги йилларда Тошкент воҳасидан топилаётган тангаларнинг асосий қисмини туркий *тегин*, *элтабар* ва *тудун* унвонли тангалар ташкил қилаётгани ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, олд томонида узун сочли ҳукмдор тасвири, тескари томонида эса суғдий ёзувда *ZNH pny tk'un c'synk xwβw* ёки *ZNH pny tkyn c'synk xwβ* “Бу танга Чоч ҳукмдори Тегинга оид” иборалари акс этган тангаларнинг бир неча вариантлари учрайди. Шунингдек, ўнг томонида тож кийган ҳукмдор тасвири, орқа томонида эса VII–VIII асрларга тааллуқли Чоч тангаларида кўп учрайдиган паншахасимон тамға ва унинг атрофида *stcry tōwn c'synk xwβ* “Чоч ҳукмдори Тудун Сатачари” жумлалари акс этган тангалар ҳам воҳа тангаларининг катта бир қисмини ташкил этади. *Тудун* унвонли тангалар сирасига тасвирсиз, бир томонида паншахасимон тамға, бошқа томонида эса *xwβ tōwn knwn βy'nwt* «Илоҳий қонун таянчи ҳукмдор Тудун» тангаларни ҳамда аверсда узун соқолли инсон қиёфасини эслатувчи бош кийим кийган ҳукмдор ва реверсда паншахасимон тамға ва унинг атрофида *c'synk xwβ tōwn* “Чоч ҳукмдори Тудун” иборалари жой олган тангаларни киритиш мумкин. Ушбу тангаларда “чачинак” (*луғ.* “Чочнинг, Чочга хос”) сўзларининг учраши уларни зарб қилдирган ҳукмдорлар Чоч воҳасининг асосий бошқарувчилари бўлганидан дарак беради [Бабаяров 2007: 34–36].

Турк ҳоконлиги даврида воҳада тегин ва тудун унвонли туркий сулолалардан бошқа маҳаллий сулола ҳам бўлганми ёки мазкур сулолалар вужудга келиши билан уларнинг ҳокимиятига барҳам берилганми? каби саволлар ҳам ҳал этилиши Чоч тарихининг ечилиши лозим бўлган масалалардан биридир. А-14 рақамли суғдий ҳужжатдаги *c'synk xwβw* (“Чоч ҳукмдори”) ибораси айнан қайси Чоч ҳукмдорига тегишли - бу ҳам ўз ечимини кутаётган масалалардандир. Агар ҳужжатдаги “тудун” ва хитой йилномаларида келтирилган иккинчи

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

даражали ҳукмдор (*Ши-го фу-ван*) - тудун битта шахс ёки улар битта сулола вакиллари эканлиги ҳисобга олинса, йилномаларда Чочнинг асосий ҳукмдори сифатида, яъни *Shi-guo Wang T'ele* “Чоч ҳукмдори Тегин” тариқасида келтирилган шахс билан суғдий ҳужжатдаги *c'sunk xwβw* бир эканлиги анчагина ўз тасдиғини топадиганга ўхшайди. Бироқ, ушбу ҳужжат ёзилган вақт 720- йилларга, хитой йилномасида келтирилган маълумотлар эса 740- йилларга тўғри келиши масалани бироз чигаллаштиради. Шунингдек, бу масалани ҳал этишда *Чоч тегинлари* ва *Чоч тудунлари* сулолаларидан фарқли сулолага тегишлилиги аниқ кўриниб турган, туркий унвонларсиз, фақатгина ҳукмдор ёки сулола исми ва *c'sunk xwβw* (Чоч ҳукмдори) иборалари ўрин олган **Ў** ва **Ҳ** шаклли тамғали тангаларни ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади [Бабаяров 2007: 40–63].

Ушбу тангалардан қайси бири А-14 ҳужжатдаги *c'sunk xwβw*га тегишли ёки аксинчалиги ҳам ечилиши анча мушкул масаладир. VI–VIII асрларда зарб қилинган тангаларнинг Чоч тегинлари ва Чоч тудунлари тангалари билан бир вақтда, параллел равишда зарб қилингани ҳам анчагина аниқ. Агар **Ў** шаклдаги тамғалиларни 605 йилда Тегин Тянчжи томонидан тор-мор қилинган Чочнинг маҳаллий сулоласига тегишли танга, деб ҳисобласак, унда ушбу сулоланинг Чоч тегинларига бўйсунган ҳолда ўз ҳокимиятини давом эттиргани аён бўлади. Қолаверса, **Ҳ** шаклдаги тамғали, бошқа *c'sunk xwβw* тангаларидаги тамға шаклининг Чоч тудунларига тааллуқли тангаларники билан деярли бир хиллигини қандай изоҳлаш мумкин? Улар алоҳида-алоҳида сулолаларга тегишлими ёки аксинча? Бироқ, ҳозирда-ноқ бир саволни кўндаланг қўйиш мумкинки, юқорида келтирилган Чоч тангалари (*c'sunk xwβw tk'yn*, *c'sunk xwβw tdwn* ва *c'sunk xwβw* (**Ҳ** тамғали) тангалари)даги ҳукмдорларнинг қиёфа жиҳатидан бир-бирларига жуда ўхшашлиги уларнинг этник яқинлигини кўрсатмайди-ми? Шунингдек, бу давр Чоч тангаларининг фарқли

тамғалар билан зарб қилингани ва улардаги унвонлар ҳамда ибораларнинг фарқлиги воҳада VII–VIII асрларда турли сулолалар мавжуд бўлганидан, уларнинг баъзилари бош, баъзилари эса иккинчи даражали ёки тобе (қуйи) мавкедаги сулолалар эканлигига далолат бермайдими?

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, гарчи тадқиқотчилар томонидан Чочда *Тегинлар* ҳокимияти ҳақида гап юритилмаган бўлсада, воҳада *Тудунлик* ҳокимияти билан бир вақтда яна бир маҳаллий сулола бўлгани ҳақида фикрлар айтилган бўлиб, улар ҳалигача етарлича ўз тасдиғини топмаган. Хусусан, В.А. Лившиц А-14 рақамли суғдий ҳужжатга асосланиб, воҳада қўшҳокимиятчилик бўлган, яъни бир томондан Хитой императорлиги ёки Шарқий Турк хоконлиги ноиби, қароргоҳи Тарбанд (Ўтрор) бўлмиш тудун ҳокимияти ва иккинчи томондан қароргоҳи Шош бўлмиш маҳаллий ҳокимият мавжуд бўлганини илгари суради [СДГМ II: 81–83]. Бу борада тадқиқотчи А-14 ҳужжатдаги қуйидаги сатрлар асосланади:

*“Ва жаноб, мен бу ерга, Чоч ҳукмдори ҳузурига келдим. Жаноб, хатларни ҳам топширдим, оғзаки (“тил билан”) (айтилиши) лозим бўлган. Мурожсаатномани ҳам тўлиқ, оқизмай-томизмай (“қолдиқсиз”) баён этдим. Тудунга ҳам, унинг ёрдамчисига ҳам. Ва жаноб, хоқонга (мўлжалланган) хатни ҳам, Фарғона ҳукмдорига мўлжалланган хатни ҳам Фарғона тутуги (лашкарбошиси) қўли билан Фарғона ҳукмдори томон жўнатдим. ... Жаноб, тудундан ва унинг ёрдамчисидан хат ва оғзаки жавоб олдим... қайта Чоч томон қайтиб келдим... Жаноб, Тудун тазик (араб)лар билан битимга биноан чекинди... хабарларга биноан Хун (турк)лар ҳеч кўринмайди, чунки улар юқорига қараб кетишди ва ҳалигача ҳеч ким қайтиб келгани йўқ. Жаноб тудун Тарбанд билан битим тузган эди. У ердаги барча жойларни олди”* [СДГМ 1962, II: 78–79; Исҳоқов 1992: 5–6; Grenet, Vaissiere 2002: 170].

Ҳужжатнинг Чоч билан боғлиқ кейинги сатрларида фақат “тудун” ҳақида гап боради. Ушбу сатрларни таҳлил қилган В.А. Лившиц, бу ерда иккита шахс ҳақида гап боришини олға суриб, ҳужжатда “Чоч ҳукмдори” ва “Чоч тудуни” тилга олинганини таъкидлайди. Тадқиқотчига кўра, Деваштичнинг элчиси Фатуфарн Чочнинг ҳар иккала бошқарувчиси ҳузурида бўлган [СДГМ 1962, II: 82–88]. С.Г. Кляшторный фикрича эса, хатнинг мазмуни бундай хулоса чиқаришга имкон бермайди ва аксинча гап битта шахс ҳақида бораётганидан дарак беради, яъни; Чоч ҳукмдорини Фатуфарн дастлаб мақомига кўра - “Чоч ҳукмдори”, сўнгра эса унвонига кўра - “тудун” деб номлайди. Тадқиқотчи ўз фикрининг тасдиғи сифатида Табарий айни шу ҳукмдорни “Шош подшоҳи” ва “тудун” деб аташини мисол қилиб келтиради [Кляшторный 1964: 160]. Бирок, юқорида кўриб ўтилганидек, ҳар иккала олимнинг ҳам фикрлари мунозарали бўлиб, айнан суғдий ҳужжат ёзилган пайтда воҳада асосан иккита сулола етакчилик қилиб, Чоч тегинлари – бош, Чоч тудунлари – иккинчи даражали сулола эди. Фақат амалдаги ҳокимият Тудунлар сулоласи кўлида бўлиб, Тегинлар эса кўп йиллардан бери қонунан Чочнинг бошқарувчилари бўлиб келганлиги учун бош сулола ҳисобланар, ҳокимиятга даъвогарлик эса номига эди. Шу билан биргаликда, афтидан воҳанинг хоқонликкача бўлган маҳаллий сулоласи ҳокимияти ҳам сақланган бўлиб, ушбу сулола вакилларининг бошқаруви рамзий маънода эди.

Чочнинг исломдан аввалги ҳукмдор сулолалари ҳақида сўз юритилганда кўпчилик тадқиқотчилар бирёқламаликка йўл қўйишган бўлиб, бу воҳа сиёсий тарихига доир бир қатор янглиш фикрларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Жумладан, В.А. Лившиц А-14 рақамли суғдий ҳужжатни таҳлил қилиш мобайнида Э. Шаванн томонидан ўгирилган хитойча маълумотлардаги *Shi-guo Fu-Wang* “Чоч ҳукмдори муовини Тудун” иборасини тўлиқ олган ҳолда, *Shi-guo Wang T'ele*, яъни

“Чоч хукмдори Тегин” жумласидаги [Chavannes 1903: 142, n. 1; Chavannes 1904: 67, 69–70, 74, 92] “тегин” сўзини тушириб қолдирган [СДГМ 1962, II: 82–84]. Э. Шаванн томонидан илмий муомалага киритилган ушбу маълумотдан тўлиқ фойдаланган О.И. Смирнова эса ўз тадқиқотининг “VII–VIII асрлар Ўрта Осиё сулолаларининг синхроник жадвали” қисмида Чоч хукмдорлари сифатида *Дэлэ* (тегин) ва тудун –“вице-король” ҳақида маълумот келтиради [Смирнова 1970: 287]. Хитой йилномаларидаги “Дэлэ” (тегин)ни 713–740 йилларда Чоч хукмдори сифатида қайд этилган *Мохэду тутунь* (Баходур тудун) билан бир шахс, деб янглиш фикр юритганини ҳисобга олмаганда, О.И. Смирнова ўзининг кейинги ишларида тудунни Чочнинг “иккинчи мавқедаги” хукмдори сифатида қайд этилганини таъкидлаши диққатга сазовордир [Смирнова 1981: 52, 430–431]. Бироқ, олиманинг бу фикрлари анча йилларгача эътиборсиз қолдирилди ва натижада бу масала ўз ечимини топмасдан келди. Ҳатто, кейинги йилларда исломдан аввалги Марказий Осиё тарихига доир ўз тадқиқотларини эълон қилган З. Штарк ҳам Э. Шаванн келтирган мазкур маълумотга тўхталиб, *тудун* ҳақидаги маълумотни тўлиқ келтирса-да, *Shi-guo Wang T'ele* иборасидаги *T'ele* (Тегин)ни тушириб қолдириб, *Shi-guo Wang тарзида беради* [Stark 2002: 374–375, к. 68].

Биз ўз изланишларимизда унинг бу ишини қусурли ҳисоблаб, танқидий ёндашганимиздан сўнг [Бабаяров 2007: 58; Kamoliddin, Babajar 2008: 72] у ўз тадқиқотида хитой йилномаларида 742 йилда Чоч хукмдорларидан бири тегин унвони билан учрашини қайд эта бошлади, фақат уни туркий деб ҳисоблашимиз мунозарали экани ва Чоч хукмдорининг ушбу унвонга эга бўлиши ўша даврнинг “мода унвон”лари (Titelmode) билан алоқали эканини таъкидлаб ўтди [Stark 2008: 225, к. 1250]. Бироқ, 605 йилда хоқонликнинг воҳага тегин унвонли ноиб юборгани (Тегин Тянчжи), VII–VIII асрларда зарб қилинган Чоч тангаларининг катта бир қисмида




**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

ушбу унвон ўрин олганлиги (*c'synk xwβw tk'yn*) улардаги ҳукмдор тасвирининг туркий қиёфадалиги, тамға шаклининг Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларидаги тамғага ўхшашлиги (𐰽 / 𐰽 𐰽 / 𐰽) бу даврда воҳада бош сулола сифатида Тегинлар сулоласи турганлигини ва улар келиб чиқиши жиҳатидан Ашина хонадонига тааллуқли экани аён бўлади [Бабаяров 2007: 34–36]. Қолаверса, хитой йилномаларида бу унвонни фақат Турк хоқонлиги бошқарувчи хонадони, яъни Ашиналар сулоласига мансуб шахзодалар олиш ҳуқуқига эга бўлгани таъкидланади [Бичурин 1950, I: 229].

3. Штаркнинг бу фикри Турк хоқонлиги даврида бир қатор воҳа ҳукмдорликлар бошқарувчиларининг тегин унвонида қайд этилишига таянилган бўлиб, тадқиқотчи шу туфайли ҳам ушбу унвонни “мода унвон”лар тоифасига киритган бўлса керак. Фақат манбаларни синчиклаб ўрганиш шундан дарак берадики, мазкур воҳа ҳукмдорликлари бошқарувчиларининг келиб чиқиши хоқонликка алоқадор бўлган тақдирдагина ушбу унвонга эга бўлишган. Юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, худди шу даврда Чочдан ташқари Тўхористон, Кобулистон, Дехистон ва Фарғона каби ҳукмдорликлар бошқарувида тегин унвон ёки ҳукмдор исмининг бир қисми тариқасида учрайди. Қолган ҳукмдорликларнинг унвонлар тизимида бу ҳолат кўзга ташланмайди. Маълумки, 620- йилларда Тўхористонни дастлаб тегин, кейинчалик ябғу унвонига эга бўлган Ашина хонадони вакиллари бошқара бошлаган [Бичурин 1950, II: 321–322; Таşaғил 2003: 88], 627–649 йиллар орасида эса Фарғонада Ашина хонадонининг бир тармоғи ҳокимиятни эгаллаган [Бичурин 1950, II: 319], 640 йиллар атрофида эса Кобулда туркий Тегиншоҳийлар сулоласи фаолиятга бошлаган эди [Джуманиязова 2018: 17–19].

Қисқаси, нумизматик маълумотлардан аён бўлишича, VI–VIII асрларда Чоч воҳаси ҳукмдорларига тааллуқли тангалар асосан 3 гуруҳдан иборат бўлган [Бабаяров 2007: 40, 52, 73]. Жумладан, воҳанинг бош ҳукмдор су-



лоласи бўлмиш Чоч тегинлари тангалари, тамғаси -  ; иккинчи даражали сулола мавқеидаги Чоч тудунлари тангалари, тамғаси -  ; ва воҳада нисбий ҳокимиятга эга бўлган маҳаллий сулола тангалари, тамғаси - .

Илк ўрта асрлар Чоч воҳасида кечган сиёсий жараёнлар ва бу ерда мавжуд бўлган ҳукмрон сулолалар тарихига қисқача кўз ташлаш шуни кўрсатадики, бу даврда Чоч алоҳида бир сиёсий уюшма, муайян бир воҳа ҳукмдорлиги бўлган. Агар ушбу ҳукмдорлик VII аср биринчи чорагида Тошкент воҳаси ҳудудини ўз ичига олган нисбатан кичик ҳукмдорлик бўлса, айнан шу асрнинг 40- йилларига келгач қучая бошлайди ва VIII аср атрофларида ўз ҳудудини Ўтрор, Исфижоб (Сайрам), Тарозгача кенгайтирган йирик ҳукмдорлик сифатида ўзини намоён қилади. Маълумки, 630- йиллар атрофида воҳага ташриф буюрган Сюан Цзян (627/629–645) ўз қайдларида Чочни нисбатан кичик тарзда 1000 ли кенгликда тасвирлаб, Исфижоб, Тароз, Ўтрор вилоятларини ундан алоҳида қилиб кўрсатган эди [Зуев 2002: 269–272]. Бирок, баъзи хитой манбаларида Чоч ғарбдан *Бола* (Фороб – Ўтрор) билан ҳамхудудлиги қайд этилган бўлса, “Тан-шу” йилномасида VIII аср биринчи ярмида Чочнинг шимоли-шарқий ҳудуди Тароз ва Мингбулоқни, яъни Ғарбий Еттисувни ўз ичига олган ҳудуд сифатида келтирилиши, суғдий А-14 хужжатида эса Чоч тудунига Тарбанд (Фороб – Шавғар) қарашли эканини ҳисобга олсак, бу даврда Чоч ҳукмдорлиги анча кенгайганлиги аён бўлади.

Демак, VII асрнинг 40- йилларига келиб бу ерда тудунлар фаолият юрита бошлагач, Чоч ҳукмдорлигининг мавқеи ўсган. Афтидан, Ғарбий турк хоқонлиги марказида ўзаро тахт-талашувлар ҳамда Хитой империясининг хоқонлик устидан айнан шу йилларда устунлик ўрнатиши натижасида юзага келган вазиятдан Чоч ҳукмдорлари фойдаланиб қолган кўринади. Хусусан, Чоч тудунининг 640- йилларда *Иби Дулу* (Элби Тулу?) буйруғи билан хоқонлик маркази Еттисувга бориб, бошқа бир хоқон бўлмиш *Шаболо Шэху* (Ишбара ябғу)ни

## **ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

Ўлдириши хоқонлик наздида Чоч ҳукмдорлиги мавқеининг ошишига замин тайёрлаган бўлса керак. Бундан ташқари, Чоч ҳукмдорлари Тароз вилоятини меросий мулк сифатида қараган бўлишлари мумкин. Чунончи, милондинг бошларидаёқ Тароз шаҳри Қанғ давлатининг мулки бўлган [Бичурин 1950, I: 93]. Ушбу давлатнинг марказий ҳудудида ташкил топган Чоч ҳукмдорлиги бу даврга келиб ҳам Тарозга меросий мулк сифатида қараган, деб ҳисоблаш мумкин.

Демак, юқорида кўриб чиқилган маълумотлар шундан дарак берадики, илк ўрта асрларда Сирдарё ва Амударё оралиғи ва унга қўшни ҳудудлардаги воҳа давлатлари орасида Чоч воҳаси ўз мавқеига эга алоҳида ҳукмдорлик бўлган. Бу пайтда Чочнинг ўз бошқарувчи сулоалари бўлиб, улар минтақа сиёсий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлишган ва бир қатор сиёсий иттифоқларда иштирок этишган. Хусусан, Ғарбий Турк хоқонлиги сиёсий ҳаётига сезиларли даражада аралашган, Хитой империяси билан элчилик алоқалари ўрнатган, арабларга қарши коалицияларнинг фаол иштирокчисига айланган Чоч ҳукмдорлиги минтақа тарихида ўзига хос ўринга эга. Айниқса, Чоч билан Ғарбий Турк хоқонлиги орасидаги муносабатлар жуда қалин бўлиб, бу нафақат воҳада хоқонлик билан алоқали равишда иккита туркий сулола ташкил топгани мисолида кўринади, балки бу ер маълум бир муддат хоқонликнинг бошқарув марказларидан бирига айлангани бундан далолат беради.

### **3.3. Фарғонада Ғарбий Турк хоқонлигининг бир тармоғи: Ашина сулоласи**

Илк ўрта асрларда Марказий Осиё, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчилик тарихида Турк хоқонлиги (552–744) ўзига хос ўрин тутади. Ўз даврида дунёнинг энг йирик салтанатларидан бири ўлароқ биллинган хоқонликда, айниқса, унинг кунботардаги қано-

ти бўлмиш Ғарбий Турк хоқонлигида (568–740) кечган сиёсий жараёнлар мамлакатимиз ва унга туташ ўлкалар билан боғлиқдир. Турли тиллардаги ёзма манбалар ва археологик топилмалар ўлкамизда хоқонлик билан боғлиқ муҳим воқеликлар юз берганини кўрсатмоқда. Улардан бири – хоқонликка асос солган Ашина хонадонининг бир неча тармоғи Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ўлкаларда ўз сулоласини ташкил этишидир. Чоч, Тўхористон ва Фарғона водийсида ўз бошқарувини ўрнатган ушбу сулолалар тарихимизда ўзига хос из қолдирди. Улар орасида айниқса Ашина сулоласининг Фарғона тармоғи бўйича етарлича изланишлар олиб борилмаган.

Хитой йилномалари ва бошқа тиллардаги айрим маълумотлар, шунингдек, эпиграфик ва нумизматик топилмалар Фарғонада келиб чиқиши хоқонликка бориб тақалувчи бошқарув бўлганидан дарак берса-да, бу масала бўйича ҳалигача чуқур изланишлар олиб борилмагани кўзга ташланади. Водий ўтмишига бағишланган тақиқотларнинг кўпчилигида илк ўрта асрларда Фарғонада бир неча катта-кичик бошқарувлар бўлгани, улардан бири Ихшидийлар сулоласи бу ерда етакчилик қилганига урғу берадилар. Фарғонадаги ушбу сулолалар фаолияти: сиёсий тарихи, исм ва унвонлари, этник келиб чиқиши сингари масалалар эса ҳалигача тўлақонли ёритилмасдан қолмоқда. Тўғри, айрим олимлар, шу жумладан, А.Н. Бернштам, О.И. Смирнова, А. Асқаров, А. Анорбоев, Б. Матбобоев, Л.С. Баратова каби археолог тарихчилар ўз изланишларида бу масалага у ё бу даражада тўхталиб ўтишган [Бернштам 1951: 22–26; Смирнова 1970; Асқаров 2007: 34–37; Матбобоев 2009; Анарбаев 2013; Баратова 2007: 43–50], бироқ бу ердаги Ашина сулоласи бўйича кўпчиликни қониқтирадиган бир тўхтамга келинмаган. Кейинги йилларда эса айрим тадқиқотчиларимиз (Ғ. Бобоёров, А. Кубатин, М. Хатамова), шунингдек, чет эллик тадқиқотчилардан америкалик Ж.К. Скэфф, германиялик З. Штарк,

франциялик Ф. Грене, Э. де ла Весиерлар Фарғонадаги Ашина сулоласи бўйича ўз қарашини билдирган бўлиб, бу борада айрим тортишувли фикрлар учраса-да, ялпи олганда улар бир-бирини тўлдиради [Skaff 2002: 369–370; Grenet, Vaissiere 2002: 157, 167–170; Stark 2008: 221–223; Бобоёров 2012: 7, 11, 42, 45; Кубатин 2016: 22, 91, 103–104; Хатамова 2018: 23]. Биз ўз тадқиқотларимизда VII–VIII асрлар Фарғона тангаларидан бир туркумида турк-рун ва сугдий ёзувда “хоқон” унвони учраши, ҳукмдор тасвирининг туркий кўринишга эгаллиги, Ашина хонадони тамғасининг ўрин олиши, шунингдек, ёзма маълумотларга таяниб, бу ерда Ғарбий Турк хоқонлигининг бир тармоғи ўз бошқарувига асос солганини олға сурганмиз [Vabayar 2008: 135–146; Бабаёров 2019: 124–134]. Ж.К. Скэфф ва З. Штарклар эса кўпроқ хитой йилномаларидан келиб чиқиб, шунга яқинроқ қарашларни билдиришган.

### **Ёзма манбаларда Фарғона Ашина сулоласи**

Исломдан олдинги Фарғона ҳукмдорлигини бошқарган сулолалар, улар эга бўлган унвон ва эпитет (сифат) лар бўйича ёзма манбаларда тўлақонли маълумотлар деярли сақланиб қолмаган. Бу борада кўпроқ хитой йилномаларида қуйидагича қисқа маълумотлар учрайди:

*«Фахан (Фарғона) давлатининг бошқарув маркази Кунлин (Помир)нинг кунботарида 500 ли (чамаси 250 чақирим) узоқликда бўлиб, у қадимда Кюйсүз деб аталар эди. Бошқарувчисининг хонадон исми Чжаову (Жамук), оти Алици ... Кўшининг сони бир неча минг киши. Шимоли-шарқдан Сулэ (Кошгар)гача 1000 ли, кунботарда Судуйшан (Уструшона)гача 500 ли, шимоли-ғарбда Ши (Чоч)гача 500 ли, шимоли-шарқда эса Тукюе (Ғарбий Турк хоқонлиги) ўрдаси 2000 ли, кунчиқарда Гуа-чжоу (Дун-хуан)гача 3500 ли узоқликдадир. Дае даври (605–618 йиллар)да элчи юбориб, ерли маҳсулотлардан совғалар юборган» (“Бей-ши”, “Суй-*

шу”) [Бичурин 1950, II: 274, 285; Хўжаев 2014: 24];

“Нин-юан, аслида Баханна ёки Бохан (Фарғона), Вэй сулоласи даврида Пуолуона деб аталган. Бошқарувчиси Чжэнчжусу-хэ (Инжу-угуз / Сирдарё) шимолидаги Сигян (Ахсикент) шаҳрида туради. Хукмдорлари Вэй ва Жин сулолалари давридан авлоддан-авлодга бошқариб қилиб келадилар... Чжэн-гуан даври (627–649 йиллар)да Кан Мохэду (\*Тўн Баҳодур)<sup>10</sup> хукмдор Кибини ўлдирди, Ашина Шуни унинг шаҳрини қўлга киритди. Шуни ўлгандан сўнг унинг ўғли Эбочжи (марҳум) Кибининг укасига хукмдор унвонини бериб, Хумин (Қува?) шаҳрида бошқарувга тайинлади, Эбочжи Гесай (Косон) шаҳрида бошқарувга ўтирди. Сян-цин даврининг бошланишида (656) Эбочжи элчи юбориб, совгалар тортиқ қилди. (Император) Гао-цзун унга кўп илтифот кўрсатди. (Ушбу даврнинг) 3- йили (658 й.)да Кэсай шаҳри “Сюшюн вилояти” деб аталди ва унга бош ҳарбий амалдор (хит. ду-ду, эски туркча “тутуқ”) Аляоцан ҳоким (циши) қилиб тайинланди” (“Син Тан-шу”) [Бичурин 1950, II: 319; Малявкин 1989: 188–189; Хўжаев 2014: 27–28].

Юқорида келтирилган йилномалардан ташқари суғдий ва араб-форс манбаларида бу борада қисқача маълумотлар учрайди. VIII аср бошларида ёзилган Муғтоғи суғдий ҳужжатларидан 2 таси – А-14 ва В-17 да *βry'nk MLK'* “Фарғона хукмдори”, *βry'nk twttk* “Фарғона тутуғи” тўғрисида сўз боради [Grenet, Vaissiere 2092: 167-168]. IX–XII асрларга тегишли араб-форс манбаларида эса исломдан олдинги Фарғона бошқаруви бора-

<sup>10</sup> Кан Мохэду – А.Г. Малявкин “Кан” иероглифи (𐰽𐰺𐰍) аслида “Дунь” (𐰽𐰺𐰍) ёзилиши керак бўлиб, туркийчаси “Тон” (Тўн) бўлган, яъни “Тўн Баҳодур” эди, деб ёзади (Малявкин 1989: 166-167, 188). “Тўн” сўзи эски туркчада “илк”, “тўнғич”, “бош” маъноларини билдирган ва ҳоконликнинг унвонлар тизмида юқори эпитет (сифат)лардан бири бўлган. Кўпчилик тадқиқотчилар Кан Мохэду исмини шу кўринишда келтирсалар-да, А. Хўжаев уни “Чуаймо-Хэду” ўларок келтиради [Қаранг. Хўжаев 2014: 27].

сида бирмунча маълумотлар учраб, улар мазмунидан “ихшид” Фарғонанинг бош сулоласи унвони бўлгани англашилади. X асрда яшаган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Хоразмий ўз асари “Мафотиҳ ал-улум” (“Илмлар калити”)да қуйидагича ёзади: “*Ихшид – Фарғона ҳукмдорларининг исми, иерархия бўйича ундан кейингилари الصوارتكين (Свор-Тегин/Чўр-Тегин)*<sup>11</sup> *деб аталади*” [Bosworth 1965: 6–7; Баходиров 2009: 114]. Ибн Ҳалликон “Вафоёт ал-аён ва анбау ал-замон” асарида IX аср илк ярмида Самара (Бағдод)да ҳарбий бошлиқлардан бўлиб, келиб чиқиши Фарғона Ихшидийларидан бўлган Чуфф (Чук) ибн Йал-Тегин тўғрисида *aşluhu min awlād mulūk Farğāna* “асли Фарғона ҳукмдорлари авлодидан” деб ёзади [Stark 2008: 223]. Шунингдек, хитой ва араб-форс манбаларидан “чўр” унвони Фарғона бошқарувчиларидан бир нечасининг унвони бўлгани англашилади [Бичурин 1950, II: 319; Смирнова 1970: 256].

Қуйида кенгрок кўриб чиқилганидек, Чоч, Суғд ҳукмдорликларидан фарқли ўлароқ Фарғона тангаларида “хоқон”дан бошқа унвон учрамайди. Айниқса, “ихшид” ёки унга тенглаштира бўладиган бирор унвонга Фарғона тангаларида дуч келмаймиз.

Қисқаси, хитой, суғдий, араб-форс тилидаги ёзма манбалардан келиб чиқилса, илк ўрта асрларда Фарғонанинг ўз маҳаллий бошқаруви бўлиб, ҳукмдорларнинг бошқарув маркази – пойтахти, “ихшид”, “тегин”, “чўр”, “тутук”, “тархон” каби ўзига хос унвонлари бўлган. Келтирилган 5 та унвондан 4 таси туркий, 1 таси эроний негизли эди (“ихшид”). Бу унвон Фарғонадан ташқари Самарқандда ҳам қўлланилган бўлиб, шун-

<sup>11</sup> *Свор-Тегин* – бизнингча, ушбу исм (тўғрироғи, унвон)нинг биринчи бўлаги “Свор” эски туркча “чўр” унвони билан боғлиқ бўлиб, араб ёзувида “ч” ундоши бўлмаганидан араб муаррихлари бу сўзни “шур”, “жур”, “сул”, “жвор” кўринишларида ёзишган (қаранг. Лившиц 1979: 66–67; “История” ат-Табари 1987: 185; Смирнова 1970: 256 ва б.). Бу қарашимизни ушбу унвоннинг арабча (س)син билан эмас, (ص)сод харфи берилиши ҳам кучайтиради. Араблар бошқа тиллардаги “ч” ундошини кўпинча “сод” билан ёзишган.

дан келиб чиқиб тадқиқотчилар илк ўрта асрлар учун кўпроқ “Фарғона Ихшидийлари сулоласи”, “Самарқанд Ихшидийлар сулоласи” ибораларини ишлатадилар.

Фарғонанинг ерли сулоласи (чамаси, Ихшидийлар) V–VI асрларда Эфталитлар давлатига (520–665) бир-мунча қарам, бироқ ўз ички бошқарувида эркин бўлган. VI аср 60- йилларида Фарғона Турк хоқонлиги қўл остига ўтгач эса VII аср илк чорагигача улар хоқонликка бўйсунувчи бош сулола ўлароқ ўз бошқарувини давом эттиради. Бироқ “Тан-шу” йилномасидаги “*Чжэн-гуан даври (627–649 йиллар)да Кан Мохэду (\*Тўн Баҳодур) ҳукмдор Кибини ўлдирди, Ашина Шуни унинг шаҳрини қўлга киритди. Шуни ўлгандан сўнг унинг ўғли Эбочжи (марҳум) Кибининг укасига ҳукмдор унвонини бериб, Хумин (Кува?) шаҳрида бошқарувга тайинлади, Эбочжи Гесай (Косон) шаҳрида бошқарувга ўтирди. Сянцин даврининг бошланишида (656) Эбочжи элчи юбориб, совгалар тортиқ қилди*” деган маълумот водий бошқарувида ўзгариш бўлгани, ерли сулола ўрнини келиб чиқиши Ашина сулоласига тақалувчи шахс қўлга киритганини кўрсатади.

Бу ўзгариш “Тан-шу”да “Чжен-гуань даврида (627–649)” бўлиб ўтгани айтилса-да, айрим маълумотларга таянилса, бу алмашинув 630- йилларда юз берган. Йилномаларда бу йилларда Ғарбий турк хоқони Тун Ябғу-хоқонни (618–630) ўлдириб, хоқонлик тахтини эгаллаган амакиси Мохэду (\*Баҳодур; 628/630–631) орадан кўп ўтмай қариндоши Нишу (\*Низук) томонидан ўлдирилганига урғу берилади [Бичурин 1950, II: 319]. Қисқагина ҳукм сурганига қарамай у бошқарувда бир қатор ўзгаришлар қилишга улгуради. Шунинг учун, гарчи хоқонлик тепасида “Баҳодур хоқон” унвонли бир неча ҳукмдор ўтганлигига қарамай, Фарғонада сулола алмашинуви айнан унинг бошқарув йилларида юз берган, дейиш ўринлироқ. Шунингдек, “Чжен-гуань даври - 627–649 йиллар”да Ғарбий хоқонликда ундан бошқа Баҳодур исмли хоқон бўлгани аниқ эмас.

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

*Кан Мохэду* (\*Тўн Баҳодур) Фарғонада *Кибини* ўлдиргач, водийдаги бошқарув *Ашена Шуни* кўлига ўтгани англашилади. Айрим тадқиқотчилар исмидан келиб чиқиб, унинг Ғарбий Турк хоқонлиги – Ашина хонадонидан эканини, яъни шахзода бўлганини олға сурадилар [Chavannes 1903: 148]. Буни унинг Фарғонани эгаллаши айнан ушбу хоқон фаолияти билан боғлиқлиги ҳам кўрсатиб турибди. Демак, Ғарбий хоқонликнинг олий бошқарувчисига айланган Тўн Баҳодур хоқон теварак ўлкалар бошқарувида ўзгаришлар қилар экан уларга яқин қариндошлари – ўз ишончли кишиларини ноиб ўлароқ юборган.

Йилномада келтирилганидек, Эбочжи бошқарувни қўлга олгач, ўзи *Гесай* (Косон) шаҳрида ўринлашиб, ерли сулола вакили Аляоцанни *Хумин* (Куба?)да бошқарувга тайинлагач, 656 йилда Хитойга совға-саломлар билан элчи юборгани эслатиб ўтилади [Бичурин 1950, II: 319]. Демак, Ашина Шунининг ўғли Эбочжи Фарғона бошқарувчиси сифатида Хитойга элчи юборгани бу ерда хоқонлик билан тўғридан-тўғри боғлиқ бошқарув ўрнатилганини кўрсатади. Эски сулола вакили Аляоцан эмас, айнан Эбочжи томонидан Фарғона ҳукмдори сифатида ўлкан бир салтанатга элчи юборилиши ҳам бежиз бўлмаган.

Ушбу элчиликнинг 650- йиллар ўртасида жўнатилиши минтақада юз берган сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ эди. 656 йилда Хитойдаги Тан сулоласи кўшинлари Ғарбий Турк хоқонлигини бўйсундириш учун Ашина Хэлу хоқон (\*Улуғ хоқон; 651–657) изидан Еттисувга, сўнгра Чочга келган, бу ерда уни ушлаб, пойтахт Чанъанга олиб кетган эди [Бичурин 1950, I: 289]. Бироз сўнгра 658 йилда хитойликлар томонидан Чочда, Фарғонага яқин ерда – *Гангэ / Дунцзе* (Тункат)да “Даван” деб аталувчи губерния ташкил этилган ва бошқарувига *Кан тудун* (\*Тўн тудун) исмли туркий ноиб қўйилган эди [Малявкин 1989: 83, 166, 188]. Фарғонада эса Ашина хонадони вакили *Эбочжи* ўтирадиган *Кесай* (Косон) шу



йили хитойликлар томонидан *Сю-шюн* вилояти, деб ўзгартирилиб, бу ернинг назоратига Аляоцан тайинланади. Қизиғи шундаки, хитойликлар ҳар иккала ҳукмдорлик – Чоч ва Фарғонада янги жорий қилинган губерния ва бошқарувларда Ашина сулоласининг эмас, *Кан тудун* (\*Тўн тудун) ва Аляоцан каби бошқа сулоланинг вакиллари ўз ноиблари ўлароқ тайинлайди. Бу шунчаки тасодиф бўлмай, гарчи Тан империяси Ғарбий Турк хоқонлигини ўзига бўйсундирган бўлса-да, Ашина хонадонига ишончсизлик билан қарагани билан боғлиқ эди. Демак, Ашина хонадонининг бирор тармоқлари бўлмиш Чоч Тегинлари (605–750) ва Фарғона Ашина сулоласининг бошқарувдаги ўрни бир муддат кучсизлашган кўринади.

Фарғонада Ашина сулоласи бўлгани фақатгина хитой йилномаларидан эмас, балки араб-форс манбаларидаги айрим далилларда ҳам ўз тасдиғига эга. Келиб чиқиши фарғоналик бўлган Миср Ихшидийлари сулоласи (935–969) бошқарувчиларининг исми араб манбалар учраб, улардан кўпчилиги туркий негизлидир. Ибн Ҳалликоннинг “Вафоёт ал-аъён ва анбау ал-замон” асарида улардан бирининг тўлиқ шажараси берилган: *Туғуч ибн Чуқ ибн Йел-тегин Ахшид ибн Фурон (Бўрон) ибн Фури (Бўри) ибн Хогон (Хоқон) ал-Фарғоний* [Тоған 1981: 178-179; Камолиддин 2012: 21]. Айрим тадқиқотчилар ушбу шажарада *эл-тегин*, *хоқон* каби унвон, Туғуч, Чуқ, Бўрон, Бўри сингари туркий исмлар учрашига ва араб тарихчилари ҳам Миср Ихшидийларини туркий деб кўрсатганига таяниб [Bosworth 2006: 11; Bosworth, Clauson 1965: 6–7], ушбу сулолани туркийлар билан, шу жумладан, Турк хоқонлиги билан боғлайдилар. Араб истилосидан олдин Марказий Осиёда “тегин” Ашина хонадонидан бўлган шахзодалар унвони бўлганидек, “хоқон” унвонини ҳам ушбу хонадон вакиллари кўллашга ҳақли эдилар. Демак, Фарғона араблар томонидан босиб олиниб, ерли сулола вакиллари Мисрга олиб кетилган бўлса-да, улар ўз келиб чиқишининг

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ





хотираси ўлароқ айрим туркий унвонларни қўллашда давом этган ёки уларни ўз фарзандларига исм сифатида берган бўлиб чиқади.

Араб-форс ва суғдий тилли манбаларда исломдан олдин Фарғонани бошқарган ҳукмдорлар унвони сифатида учрайдиган “ихшид”, “тегин”, “тутук”, “чўр” унвонларининг кўпчилиги туркий негизли бўлиб, Турк хоқонлиги билан боғлиқ эди. Шу ўринда юқорида келтирилган 4 та туркий унвондан биттаси – “тегин”нинг Турк хоқонлиги унвонлар тизимига хос, фақатгина Ашина хонадонидан бўлган шахзодалар учун қўлланилган унвон эканлигига урғу қаратсак. Бирор манба ёки тадқиқотда тўғридан-тўғри айтиб ўтилмаса-да, айрим далилларга таяниб, водийда ўз бошқарувини ўрнатган Ашина Шуни ва унинг издошлари бу унвонга эга бўлишган, дея оламиз. Бу қарашимизга Муҳаммад ал-Хоразмий томонидан “ихшид” Фарғона ҳукмдорининг, *Свор-Тегин* (*Чўр-Тегин*) эса ундан кейин турувчиларнинг унвони ўлароқ тилга олинishi [Bosworth, Clauson 1965: 6–7; Баходиров 2009: 108–117], араб манбаларида Аббосийларнинг Самарадаги туркий кумонларидан бири, насли Фарғона ҳукмдорларига тақалувчи *Йал-Тегин* (Эл-тегин; IX аср биринчи ярми), IX асрда Бағдодда яшаган, Фарғона ҳукмдорлари авлодидан *Хоқон* (ваф. 848) ва унинг ўғилларидан бири – *Тегин ибн Хоқон* [Камолиддин 2012: 21], шунингдек, асли фарғоналик Миср Ихшидийлари шажарасида “эл-тегин” унвонининг учраши туртки бўлди [Togan 1981: 178-179; Stark 2008: 223]. Қизиғи шундаки, Фарғона Ашина сулоласи каби келиб чиқиши Ғарбий Турк хоқонлигига тақалувчи Чоч Тегинларининг (605–750) ҳам бош унвони “тегин” бўлиб, бу хитой йилномалари ва Чоч тангалари орқали ўз тасдиғига эга [Бабаяров, Кубатин 2006: 194-198].

Кези келганда араб манбаларидаги ушбу маълумотлардан Фарғона ҳукмдорлари шажарасида киши исми ўлароқ “хоқон” унвони учрашига ҳам тўхталиб ўтиш керак. Ҳар ҳолда Фарғонадаги Ашина сулоласи вакил-



лари бу унвонга эга бўлмасалар-да, ўзларининг келиб чиқиши турк хоқонларига тақалиши хотирасига ўз фарзандларини шу ном билан атаган кўринади. Юқорида эслаб ўтилган фарғоналик Хоқон исмли кишининг ўғил ва набиралари: ал-Фатҳ ибн Хоқон (ваф. 862), Яхё ибн Хоқон (ваф. 854), Бағлавур ибн Хоқон, Тегин ибн Хоқон Абу-л-‘Аббос Аҳмад ибн Хоқон ал-Фарғонийлар Аббосийлар саройида юксак лавозимларни эгаллаган эдилар [Қамолиддин 2012: 23]. Демак, Ибн Ҳалликон келтирган шажара бошида Хоғон (Хоқон) исми туриши ҳам Фарғонада Ашина сулоласи хоқонларга тақалишини кўрсатади.









Хитой йилномалари, суғдий ҳужжатлар ва араб-форс тилидаги тарихий асарлардан келтирилган ушбу маълумотлардан кўринадики, исломдан олдин Фарғона водийсида бир неча сулола бўлиб, улар орасида 2 та сулола – Фарғона Ихшидийлари ва Ашина сулоласи етакчилик қилган. Бироқ шу ўринда бир чигал масала – юқорида келтирилган шажарада “Йел-тегин Ахшид” учраши “Фарғонанинги Ашина сулоласи бошқарувчилари “ихшид” унвонини қўллаган бўлиб, Фарғона Ихшидийлари шуларнинг ўзи эмасмикан?” деган саволни кўндаланг кўяди. Бу унвон Фарғонанинги эски ерли сулоласига тегишли экани, Ашина хонадонининг Фарғона тармоғи бошқарувчилари эса “тегин” (эҳтимол, “чўр”, “тархон”) унвонларига эга бўлгани буни чигаллаштиради. Шунингдек, Муҳаммад ал-Хоразмий “Ихшид” ва “Свор-Тегин”ни Фарғонанинги айри-айри бошқарувчилари унвони ўлароқ келтиради. Бу масала келажакда чуқур изланишлар орқали ўз ечимини топишига урғу берган ҳолда, Ашина сулоласи бошқарувчилари “ихшид” унвонини қабул қилган бўлишлари эҳтимолдан йироқ эмаслигини айтиб ўтамиз. Чамаси, она юртларидан узоқда бўлган Миср Ихшидийлари “ихшид” ёки “Ихшидий”лар иборасига қадим Фарғона ҳукдорларининг сулолавий номи хотираси сифатида қараб, уни рамзий ўлароқ қўлланишда давом этишган кўринади.

Қисқаси, ёзма ва нумизматик материаллар VII–VIII асрларда Фарғона водийсида бир неча катта-кичик бошқарувлар бўлса-да, улар орасида бош сулола – Ашина хонадони бўлганини кўрсатади. Илк ўрта асрларга тегишли Фарғона тангаларининг кўпчилиги “хоқон” унвонли тангалар экани, шунингдек, 650- йиллар ўртасида Хитойга элчи юборган ҳукмдорнинг ушбу хонадондан бўлиши буни тасдиқлайди. Шу ўринда Фарғона тангаларининг деярли барча турларида хоқонликка хос тамға ўрин олганини ҳам кўзда тутиш керак бўлади:  /   
, , . Куйида кенгроқ кўриб чиқилганидек, бошқарувчи хонадонларнинг келиб чиқишини аниқлашда улар томонидан бостирилган тангалар, айниқса, уларда ўрин олган сулолавий белги - тамғалар ўзига хос ўрин тутади [Бабаёров 2008: 139; Бабаёров 2019: 126–130].

### Ашина сулоласига тегишли Фарғона тангалари

Фарғона водийсида танга-пул тизими илк ўрта асрлар, аниқроғи, чамаси VI–VIII асрларда бошланган бўлиб, Чоч, Суғд ва бошқалардан фарқли ўлароқ Фарғона тангаларининг тури кўп эмас. Уларнинг бир туркумини ҳукмдор тасвири, бир туркумини эса ўртаси тўртбурчак тешикли тангалар ташкил этади. Ҳар иккала туркум тангаларда суғдий ёзувда *х'у'н* “хоқон” унвони ўрин олган бўлиб, тадқиқотчилар уларни “Қадимги турк тангалари туркуми”га киритадилар [Смирнова 1981: 58–59; Баратова 1998: 41–43]. Фарғона тангаларидаги ёзувлар ўқиб чиқилганидан бери қарийб ярим аср ўтган бўлишига қарамай, уларнинг айнан қайси сулола ёки ҳукмдор томонидан бостирилгани тўғрисида жўяли бир фикр айтилмаган. Тўғри, бундан анча йиллар олдин ҳам М.Е. Массон, О.И. Смирнова, Л.С. Баратова каби нумизматлар ўз изланишларида VI–VIII асрлардаги Чоч, Фарғона, Суғд тангаларига нисбатан «Қадимги турк тангалари» иборасини ботбот қўллаган бўлсалар-да, бироқ уларнинг айнан қайси туркий сулолага тегишли

экани очик қолиб келаётганди [Массон 1951: 91–104; Смирнова 1981: 5; Баратова 1998: 41–43]. Яқин йилларда юритилган археологик қазишларда қадимий шаҳар қолдиқларидан бири – Қувада 2 дона мис танга топилиши ва уларда эски турк-рун ва суғдий ёзувда “хоқон” унвони, тескари томонида эса  /  кўринишидаги тамға учраши аниқланди (1-расм. 7-8). Бу эса Фарғона тангалари қайси сулолага тегишли эканини аниқлашга ёрдам берибгина қолмай, балки водийдаги бош ҳукмдор сулоланинг этник келиб чиқиши борасида бир тўхтамга келишга имконият яратди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, кейинги йилларда олиб борган изланишларимиз VI–VIII асрларда Чочда 20 турдан ортиқ тангалар бостирилгани, уларнинг кўпчилиги Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан , ,  кўринишидаги тамға ва “жабғу”, “жабғу-хоқон”, “хоқон” сингари унвонлар, “Турк хоқон”, “Тун жабғу-хоқон”, “Ишбара жабғу-хоқон” каби исм ва унвонлар билан бостирилган тангалар эканлиги аниқланди. Қизиғи шундаки, улар орасида “Турк хоқон” ва “жабғу” унвонли, VI аср сўнги – VII аср бошларига тегишли турларида  кўринишидаги тамға учраб, Қувадан топилган тангалардаги тамғанинг ўзгинасидир:  - . Шу билан биргалиқда, ҳар иккала танга туркумида “хоқон” унвони учраб, бу эса Чочда ўз тангасини бостирган Ғарбий Турк хоқонлиги билан Фарғонанинг бош сулоласи орасида яқин қариндошлик бўлганини кўрсатади. Шунингдек, тангаларнинг ўнг томонидаги тасвирлар деярли бирдай: узун сочли, соқолсиз, думалоқ юзли ҳукмдор<sup>12</sup> (1- расм. 2–3, 7–8). Шунга ўхшаш ташқи кўриниш ва тамға бичимлари (/) Ашина хонадонининг бир



<sup>12</sup> Тангалардаги ҳукмдор тасвирлари қадимги туркийларга хос киёфда (елкага тушган узун соч, соқолсиз, кенг юмалоқ юз, бироз қисик кўз) акс этган. Бу тасвирлар Ғарбий турк хоқонлари ҳақида келтирилган маълумотлар билан мос келади. Жумладан, 629 йилда Тун ябғу-хоқоннинг ҳузурида бўлган хитой роҳиби Сюан Цзан хоқонни бош кийимсиз, узун сочлари елкасига тушиб турган ва яшил тўн кийган ҳолатда тасвирлайди [Қаранг: Тугушева 1991: 5–6].

тармоғи бўлмиш Чоч Тегинлари (605–750) тангаларида ҳам кўзга ташланади (1- расм. 5–6) [Бабаяров 2019: 338, 355–358].

Фарғона тангаларининг Чочдаги Ғарбий хоқонлик тангаларидан фарқи – водий тангалари турк-рун ва суғдий ёзувда, Чочда эса фақатгина суғдий ёзувдадир. Бу ҳам шунчаки тасодиф бўлмай, Чоч ва бошқа ўлкалардан фарқли ўлароқ Фарғонада қадимги турк ёзуви кенг қўлланилгани билан боғлиқдир. Хоқонлик қўл остидаги Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ўнлаб ўлкалар орасида турк-рун ёзувли топилмаларнинг кўпчилиги Фарғона водийсига тўғри келиши ҳам бу ерда хоқонликка туташувчи сулола турган, деган қарашни кучайтиради.

Чамаси 650- йиллардан кейин, яъни Ғарбий Турк хоқонлиги Хитойга бўйсунгандан сўнг бостирилган, ўртаси тўртбурчак тешикли, бир томонида суғдий ёзувда “хоқон”, орқа томонида эса *βry'n* “Фарғона” сўзлари ўрин олган Фарғона тангаларида **𐰇, 𐰈** кўринишидаги тамғалар учраб, улар **𐰇 / 𐰈** кўринишдаги тамғанинг ўзгарган турларидир (1- расм. 9). Бундай ўзгаришлар Ғарбий Турк хоқонлиги (Чоч) тангаларида ҳам кузатилади.

“Хоқон” унвони исломдан олдинги Ўтрор ва Самарқанд тангаларида ҳам учраб [Бабаяров, Кубатин 2014: 98–100; Бобоёров 2018: 3–15], улар айрим ўзига хосликларига кўра Фарғона ва Чоч тангаларини ажралиб туради. Фарғона ва Чочники каби бирдай унвон ўрин олганига қарамай, улардаги тамғалар бутунлай бошқача эканлиги кўзга ташланади: **𐰇** - Ўтрор, **𐰈** - Самарқанд (1- расм. 10–12, 13–15). Буни Ўтрор ва Самарқанд ҳукмдорларининг ўз хўжайинлари – Ғарбий турк хоқонлари номидан танга чиқаргани, Чоч ва Фарғонада эса хоқонлар ёки уларнинг яқинлари ўз номидан танга бостиргани билан боғлаб тушунтирса бўлади. Шунга ўхшаш ҳолат Тўхористон тангаларида ҳам учраб, Ашина хонадонининг яна бир тармоғи – Тўхористон Ябғулари (620–750)

[Джуманиязова 2018; 15–17] бир туркум тангаларида (айримлари “хоқон” унвонли, айримлари унвонсиз) кўринишидаги тамға ўрин олган. Ушбу тамға айникса, Чочда бостирилган “Тун жабғу-хоқон”, “Жабғу-хоқон” ва “Ишбара жабғу-хоқон” унвонли хоқонликнинг иккинчи босқичи (Жабғу-хоқонлик: VII аср боши – шу аср 30- йй.) тангаларидаги тамға -  /  билан бир экани кўзга ташланади (1- расм. 4, 16–18). Демак, Турк хоқонлиги даврида “хоқон” унвонли танга чиқариш 2 та омилга боғлиқ бўлган: 1) хоқонликнинг бошқарувчи хонадонига тақалувчи сулолалар бу унвонни ва сулола белгиси (тамға)ни кўйишга ҳақли бўлишган (Чоч, Фарғона, Тўхористон); 2) ўз сулола белгисини кўйиб танга чиқарар экан хоқонликка бўйсунуши ифодаси ўлароқ “хоқон” унвонига ўрин беришган (Самарқанд, Ўтрор).

Қисқаси, Фарғона тангаларида “хоқон”дан бошқа унвон учрмаслиги бу ерда Ихшидийлар сулоласи эмас, Фарғонанинг бош ҳукмдорлари сифатида Ашина сулоласи ўз тангасини бостирганини кўрсатади.

### Хоқонлик даврида Фарғонада кечган сиёсий воқеликлар

560- йилларда хоқонлик қаноти остига ўтган Фарғонада орадан 80 йилча вақт ўтгач, 630- йиллари бошқарувда ўзгариш юз беради. Шундан кейин яна 100 йил ўтганда ҳам бу ерда Ашина хонадони бошқаруви сақланиб қолади. 726 йилда Шимолий Ҳиндистон, Кобул ва Тўхористонда бўлган хитой сайёҳи Хой Чао (726) Фарғонада 2 та ҳокимият борлиги, бири Сирдарёнинг шимолида *Тукюе* (турк)лар бошқаруви, жанубида эса *Дашу* (араб)ларга бўйсунувчи бошқарув борлигини эслатиб ўтади [Бернштам 1952: 193]. Хой Чао келишидан бир неча йил олдин, 715 йилда Қутайба ибн Муслим бошчилигида араб қўшинлари Фарғонага юриш қилган, бу ернинг бошқарувчиси урушда енгилгач, Куча

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

(Шарқий Туркистон)га қочиб, ёрдам сўраган, араблар эса Фарғона бошқарувига الطار (Алутар) исмли бирини ўз тобеси ўлароқ тайинлаб қайтган эдилар [Смирнова 1970: 255]. Демак, Хой Чао келган 726 йилда Сирдарёнинг шимолида турклар, жанубида арабларга қарам бошқарув ўрнатилган эди.

“Тан-шу” йилномасида Фарғонани 738–751 йиллар давомида *Асилань дагань-чжу* (\*Арслон тархон-чўр) бошқаргани айтиб ўтилади [Бичурин 1950, II: 319; Chavannes 1903: 149]. Ўз вақтида О.И. Смирнова 720-йилларда Фарғонани бошқарган Алту-чўрни туркий деб қараб, у ва унинг ўғли исмида туркий чўр (چور) унвони унвони учраши, бу эса уларни туркий бўлган, дейишга имкон беришини ёзганди [Смирнова 1970: 256]. Шу ўринда яна бир бор Фарғона водийсида бир неча катта-кичик ҳукмдорлик бошқарувда бўлгани, улардан энг йириги Фарғона Ашина сулоласи, иккинчиси эса юкорида эслатиб ўтилган бошқарувчиларининг исми ёзма манбаларда *Аляоцан*, *Аляода* (хитой.) / *Алутар* (араб. الطار) ўлароқ тилга олинган [Смирнова 1970: 255] ерли сулола бўлганини кўрсатиб турибди.

Арслон тархон-чўрдан олдинги ва кейинги бир неча Фарғона ҳукмдорлари исмида хоқонликка хос чўр унвони учраши ўз-ўзидан бўлмаса керак. Табарий ўзининг “Тарих ар-русул ва-мулук” асарида қароргоҳи Исфарада жойлашган тахт вориси Балаза ҳақида ёзиб, у кейинчалик Фарғона ҳукмдори бўлган Журнинг отаси эканига урғу беради [“История” ат-Табари 1987: 185]. Ушбу исм аслида туркий чўр унвонининг арабча ёзилиш бичимларидан бири эди. Шунга ўхшаш Аббосийлар қўшинида хизмат қилган туркий кумондонлардан 2 таси - *Билга-чўр ал-Фарғоний* (860- йй.) ва *Мангу-чўр ал-Фарғоний* исмларида ушбу унвон изларига дуч келамиз [Sümer 1999: 483, 492]. Аббосийлар қўшинига келиб чиқиши аслзодалардан, яъни собиқ бошқарувчи хонадонлардан бўлган туркий ёшларни тортиш кенг ёйилган бўлиб, араб манбаларида бу борада кўплаб да-



лиллар учрайди.

Фарғонада “чўр” унвони кенг тарқалиши ҳам Турк хоқонлиги билан боғлиқ кечган кўринади. 716 йилда Турк хоқонлиги бошқарувини эгаллаган Қапған хоқон (692–716) Бек-чўр / Бугу-чўр (хит. *Мо-чжо*) унвонига эга эди [Бичурин 1950, I: 295–296; Chavannes 2007: 115]. Унинг бошқарув йилларида хоқонлик қўл остидаги ўлкаларда шу ва шунга ўхшаш унвонлар кўрина бошлайди: 710–738 йилларда Самарқанд бошқарувчиси Ғуракнинг ўғилларида бир – Маймурғ хоқими Бек-чўр / Бугу-чўр (хит. *Мо-чжо*) [Бичурин 1950, II: 311; Chavannes 1903: 136, к. 5], сугдий хужжатда тилга олинган 693–704 йиллардаги Панч бошқарувчиси *sk'un swr budk*” (Чакин Чўр Билга) ва б. [Лившиц 1979: 66–67; Отахўжаев 2001: 40–42]. Турк хоқонлиги тизимида бошқарувчи хонадон аъзоларига эга унвонлар – “хоқон”, “ябғу”, “шад” ва “тегин”дан куйида, “эркин”, “тархон”, “тутуқ” унвонларидан юқори турган “чўр” кўпроқ ҳарбийлар унвони бўлиб, йирик элатлар (уруғ, қабила) бошқарувчилари ёки бўйсундирилган ўлкаларга тайинланган вакилларга берилган [Таşaғил 2003: 107]. Бугунги кунда ушбу сўзнинг излари туркий тиллардан ўзбекчадаги “жўра” (оғайни), “жўр бўлмақ” сўзларида ва шу маънога яқинроқ қирғизча “чоро” сўзларида сақланиб қолган.

Фарғонада хоқонлик билан боғлиқ яна “тутуқ”, “тархон” каби унвонлар бўлган. Хитой йилномаларида уларнинг ҳар иккаласи хоқонлик бошқарув тизимида юқори ўрин эгаллаб, биринчиси “ҳарбий волий, ноиб”, иккинчиси эса бошқарувда фаол қатнашган ва бир қатор имтиёзларни қўлга киритган амалдорлар унвони бўлган. Кўринишидан улар Фарғонадаги ерли сулоларни хоқонлик номидан назорат қилишган.

Демак, бир неча қарам ўлкаларда, шу жумладан, Чочда бўлганидек, Фарғонада Ашина сулоласи бошқаруви ўрнатилган бўлса-да, хоқонлик бу ерни назоратда тутиш учун бошқа воситаларни ҳам қўллаган кўринади.

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ

А–14 рақамли суғдий ҳужжатда ўз ҳукмдори Деваштич (708–722) томонидан Чочга юборилган Суғд элчиси Фатуфарн «*Хоқонга ва Фарғона ҳукмдорига ёзилган номани Фарғона тутуғига топширдим*» деб ёзади [СДГМ 1962, II: 80–85]. Бундан эса “тутук”лар Фарғона бошқарувчисидан куйи, бироқ хоқонга боғлиқ амалдор бўлгани англашилади. Тутук унвонига хоқонлик бошқарув тизимида кўпроқ ҳарбий бошлиқлар эга бўлганидан келиб чиқилса, Суяб (Еттисув)да ўтирган турк хоқонлари Фарғонадаги Ашина сулоласини ва бошқа ерли сулолаларни назоратда тутиш учун бу ерда Тутуқлик тизими жорий қилган бўлиб чиқади.

Турк хоқонлигининг Марказий Осиёдаги бошқаруви қарийб 200 йилни ўз ичига олиб, бу йилларда ўзаро келишмовчиликлар туфайли бир неча хоқоннинг ўзларига бўйсунувчи ўлкаларга сиғинганликлари ёзма манбаларда сақланиб қолган. “Тан-шу” йилномасида 639 йилда Ғарбий турклардан Шоболо Хэлиши (\*Ишбара Алпшад) Дулу хоқондан енгилгач Боханна (Фарғона)га қочиб, шу ерда ўлгани эслатилади [Бичурин 1950, I: 287; Таşaғил 1999: 66]. Шунингдек, ўзини «Ўн Ўқ хоқони», яъни Ғарбий турк хоқони деб эълон қилиб, Хитойнинг Шарқий Туркистондаги Ань-си ҳарбий волийлигига ҳужум уюштира бошлаган *Ашина Тучжи*<sup>13</sup> (671–679) уни қўллабқувватлаган Тибет билан иттифоқ тузади [Бичурин 1950, I: 294]. Бироқ хоқонлик ва Тибетнинг бирлашган қўшинлари 694 йилда хитой қўшинларидан енгилади [Бичурин 1950, I: 295; Малявкин 1988: 321]. Шундан сўнг Ашина Туйцзи Хитойдан нисбатан узоқроққа чекинган шекилли, унинг кейинги фаолияти Фарғонада давом этгани кўзга ташланади. 690- йиллар сўнггида хитой қўшини бошлиғи *Куо Киен-куан* Фарғонага ҳужум уюштириш тўғрисида буйруқ олиб, бу ерни талон-тарож қила бошлагач, фарғоналиклар Туйцзини бошлиқ сифатида танлаб, унинг йўлбошчи-

<sup>13</sup> Ушбу хоқон исмини Н.Я. Бичурин Суйцзы шаклида берган [Бичурин 1950, I: 295].

лигида хитойликларга қарши курашгани борасида сўз боради [Chavannes 2007: 246–247]. Бундан ташқари, у фарғоналиклар<sup>14</sup> ва Тибетнинг ёрдами билан Шарқий Туркистон ва Етгисувдаги Хитойга қарашли «Тўрт гарнизон»ни қўлга киритиш курашига бошчилик қилади.

Турк хоқонлигининг Чоч, Фарғона, Суғд, Тўхористон билан биргаликда араб босқинига қарши курашида ҳам фарғоналиклар фаол қатнашадилар. В-17 сонли Муғ тоғи суғдий хужжатида Суғдда бўлиб турган хwp “турк” кумондони (ёки қароргоҳи) ва унинг ёнидаги “Фарғона ҳукмдори” тўғрисида сўз боради [СДГМ 1962, II: 80–84; Исҳоқов, Бобоёров, Кубатин 2014: 82]. Араб манбаларида ҳам бу иттифоқ эслатилиб, у айрим узилишлар билан 740- йилларгача чўзилади. Уларда Тўхористон, Бухоро, Суғд (Самарқанд, Панжикент), Чоч, Фарғона ҳукмдорлари бошини бириктирган киши ўларок «хоқон», «турк хоқони» ёки «туркаш хоқони» тургани эслатиб ўтилади [СДГМ 1962, II: 80–84].

Турк хоқонлигининг сўнгги йиллари – 740- йилларда ҳам Фарғона ва хоқонлик орасида ўзаро бирдамлик сақланиб қолади. Хитой манбаларидан бири “Цуан Тан-вен”да 741 йилда *Тукюе* (турк) хоқони *Бигя Кутулу* (\*Билга Кутлуғ)нинг Хитой императорига янги йил

<sup>14</sup> Тибет манбаларида туркийлар билан боғлиқ *Другу йул* (луғ. “Турклар ўлкаси”) топоними ишлатилиб, тадқиқотчилар бу атама остида бутун Ғарбий Турк хоқонлиги ҳудуди, баъзан Тўхористон ва Гандхарани, яъни Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонни ҳам ўз ичига олган ҳудуд тушуниланган, деб тушунтирадилар [Угау 1979: 281]. Тибетча маълумотларни таҳлил қилган Л. Петеч 700 йилги воқеалар муносабати билан тилга олинган Другу йул атамаси остида эса айнан Фарғона назарда тутилган, деган тўхтамага келади. Унга кўра, Фарғонада туриб, хитойликларга қарши курашга бошчилик қилган Ашина Туйцзи тибет манбаларида *Топ уа-bgo khagan* (Тўн ябғу-хоқон) деб тилга олинган киши билан бир бўлиб, у 694–695 йиллар ва 699–700 йилларда Тибет ҳукмдорига ўз эҳтиромини билдириб турган, 700 йилда у Другу йулга юборилган. Айрим тадқиқотчиларга кўра, Ашина Туйцзи – Тун ябғу-хоқон 700 йилдан бошлаб Фарғонада қисқа муддат бошқарувда бўлган [Угау 1979: 281]. Ушбу ҳукмдор Ғарбий Турк хоқонлигида Тун ябғу-хоқон исми иккинчи киши бўлиб, уни II Тун ябғу-хоқон, деб аташ мумкин.

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

кутлови юбориб, бундан буён у ва *Боханна* (Фарғона) хукмдори биргаликда императорнинг душманларига қарши ёрдам беришини ёзгани тилга олинади [Liu Mau-Tsai 2006: 318, 542].

Арслон Тархон-чўр 739 йилда Талас водийсига юриш қилиб, бу ерда Ғарбий Турк хоқонлиги ўрнини эгаллаган тургаш хоқони *Тухосян Гучжо* (\*Кут-чўр)ни тормор қилади [Бичурин 1950, II: 319]. 744 йилда Хитой императори уни “*Нинюан* (Фарғона) бошқарувчиси” деб таниши билан бирга сарой маликаларидан бирини келин қилиб узатади [Бичурин 1950, II: 319; Бернштам 1951: 25]. А.Н. Бернштам айрим маълумотларга таяниб, унинг тўлиқ туркий исми Арслон Эл Тиргук Алп Бургчан Алп Тархон бек бўлган, деб ёзади [Бернштам 1951: 25]. Йилномаларда 771 йилда Фарғона бошқарувчиси *Чжуңцзе* ўғли *Сюйни* император саройига юборгани эслатиб ўтилади [Бичурин 1950, II: 319; Бернштам 1951: 25].

Бундан кўринадики, Фарғона VIII аср илк ярмида арабларга қарам бўлиб қолса-да, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида ўз бошқарувини сақлаб қолган туркий сулола 740- йилларда анчагина кучайиб, Еттисув ва Шарқий Туркистондаги сиёсатга ҳам аралашади. Айниқса, Фарғона бошқарувчиларининг анча узоқ Ўрхун водийси (Мўғулистон)даги турк хоқонлари билан бирдамлиги хоқонликнинг сўнгги йилларигача сақланиб қолгани диққатни ўзига жалб қилиб, ўша йилларда Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ худудлардаги ўнлаб хукмдорликлар аллақачон ўз бошқарувини кўлдан бой бериб, арабларга бўйсунган, улардан айримлари сулола сифатида туғаб кетган эди. Бу ҳам Фарғонада Ашина хонадонининг бир тармоғи бошқарув жилловини тутиб тургани билан боғлиқ бўлса керак.

Демак, Фарғонада 630- йиллар – VIII аср иккинчи яримларида хукм сурган Ғарбий Турк хоқонлигининг бир тармоғи бўлмиш Ашина сулоласи ўз даврида Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ўлкалардаги кат-

та-кичик воҳа ҳукмдорликлар орасида ўз ўрнига эга бўлиб, ҳам қўшни ҳукмдорликлар – Чоч, Суғд, ҳам йирик салтанатлар бўлган Турк хоқонлиги ва Хитой билан тифиз сиёсий ва дипломатик алоқалар олиб борди. Фарғонада бу сулоланинг бошқарув тепасига келиши водийда туркий аҳоли қатламининг янада кучайишига, иш юритиш ва ёзишмаларда қадимги турк-рун ва суғдий ёзувларни қўллаш каби хоқонликка хос маданиятнинг ёйилишига, танга-пул бостиришнинг йўлга қўйилишига ва туркий давлатчилик тизимининг чуқурроқ илдиз отишига шароит яратди.

### 3.4. “Турон ҳукмдори хоқон” унвонли Самарқанд тангалари

Яқин йилларда бир қатор тадқиқотчилар томонидан исломдан олдин, тўғрироғи милодий VI–VIII асрларда бостирилган суғдий ёзувли Самарқанд тангаларининг сезиларли бир қисмида қадимги туркча *x’u’n* “хоқон” унвонининг ўрин олгани аниқланди. Бу эса нафақат Самарқанд ёки Суғд, балки Марказий Осиё тарихи билан боғлиқ бир қатор чигал масалаларнинг ўз ечимини топишига олиб келди. Айниқса, исломдан олдинги Самарқанд тангаларининг битта типига суғдий ёзуви *x’u’n* “хоқон” ўқиб, у тангани Турк хоқонлиги билан боғлаб тушунтиришимиз натижасида бу масалада янги-ча қарашлар билдирила бошлади. Айрим япон олимларининг Самарқанд тангалари устида изланишлар олиб боришлари ва бундай тангаларнинг яна бир қанча турида “хоқон” унвони учрашини аниқлашлари эса ушбу тангаларнинг қайси бошқарувчи хонадон томонидан қачон ва қай мақсадда бостирилгани ва бунинг негизида қандай тарихий воқеликлар ётгани масаласини яна бир бор кўриб чиқишни кўндаланг қўйди.

Суғдшунос О.И. Смирнова 1960- йилларда ўнг юзида узун сочли ҳукмдор боши тасвирли, орқа юзасида эса Ƴ

шаклли тамға ва унинг теграсидаги суғдийча жумлани *twrk xwβ* “Хукмдор Турак” ёки “Қудратли хукмдор” деб ўқиган бўлиб, биз эса уларни *twrnyn xwβ* “Турон хукмдори” ёки “Хукмдор Турнин” ўлароқ тузатиб ўқишимиз натижасида исломдан олдинги Самарқанд тангаларининг қандай тарихий воқеликлар билан боғлиқ бир қатор саволларнинг ўз ечимини топишига туртки бўлди. Қуйида кўриб чиқиладиган Самарқанд тангалари ҳам аслида ушбу гуруҳ тангалари сирасидандир.

### 1. “Хоқон” унвонли тангалар

I тип.



Av



Rv

1

1. **Av.** Сочи елкасигача тушган, бодомсимон кўзли, думалоқ юзли хукмдор боши тасвири. **Rv.** Марказда ў шаклидаги исломдан олдинги Самарқанд хукмдорларига тегишли тамға ва унинг айланасида суғдийча *xwβ* “хукмдор” (устида), *twrnyn* “Турон(нинг) / Турнин” (сўлда) ва *x'γ'n* “Хоқон” (ўнгда) сўзлари ўрин олиб, учала сўз биргаликда “Турон хукмдори Хоқон” ёки “Хукмдор Турнин. Хоқон” маъносидадир. Ўлчови: 18,8 mm; Оғирлиги: 29,7 gr; Метали: мис; Топилган ери: Афросиёб (Самарқанд); Бостирилган даври: VI асрнинг сўнгги ўн йилликлари – VII асрнинг биринчи ярими?



Av


Rv

2

2. **Av.** Сочи елкасигача тушган, бодомсимон кўзли, думалоқ юзли ҳукмдор боши тасвири. **Rv.** Марказда  $\text{Ϛ}$  шаклидаги тамға ва унинг айланасида суғдийча  $xw\beta$  “ҳукмдор” (устида),  $twrny$  “Турон(нинг) / Турнин” (сўлда) ва  $x'\gamma'n$  “Ҳоқон” (ўнгда) сўзлари ўрин олган. Ўлчови: 18,8 mm; Оғирлиги: 29,7 gr; Метали: мис; Бостирилган даври: VI асрнинг сўнгги ўнйилликлари – VII асрнинг биринчи ярими?

II тип.

1. вариант.



Av

Rv


3

3. **Av.** Тўғрига юзланган, сочи қулоғидан тепароқдан кесилган, бодомсимон ёки қисикроқ кўзли, бироз думалоқ юзли ҳукмдор боши тасвири. **Rv.** Марказда  $\text{Ϛ}$  шаклидаги тамға ва унинг теграсида эса суғдийча ёзувда соат мили йўналиши бўйлаб ёзилган (13-00'дан бошланувчи)  $x'\gamma'n twr(nyn)$  [ $xw\beta$ ] “Турон ҳукмдори Ҳоқон” ёки “Ҳукмдор Турнин. Ҳоқон” сўзлари учрайди (япон олими Ш. Хирано чизими бўйича). Ўлчови: ?; Оғирлиги: 18 gr; Метали: мис; Бостирилган даври: VI асрнинг сўнгги ўнйилликлари – VII асрнинг биринчи ярими?

- ушбу тангадаги ёзувлар япон олимлари Ш. Хирано ва Ё. Ютакалар томонидан қуйидагича ўқилган:  $x'\gamma'n$

“Хоқон” (сўл томондагиси), *prn* “кут” (ўнг томондагиси) (Hirano 2016: 12).

2. variant.



4. **Av.** Сочи қулоғидан тепароқдан кесилган, бодомсимон кўзли, бироз думалоқ юзли ҳукмдор боши тасвири. **Rv.** Марказда  $\text{𐰽}$  шаклидаги тамға ва унинг теграсида эса кўзгуда кўрилганда тўғри ўқиладиган (тескари ёзувли), соат мили йўналишидаги (10-30’дан бошланувчи) суғдийча  $x' y' n \ twr(nun)$  [xwβ] “Турон ҳукмдори Хоқон” ёки “Ҳукмдор Турнин. Хоқон” сўзлари учрайди (япон олими Ш. Хирано чизими бўйича). Ўлчови: ?; Оғирлиги: 14 gr; Метали: мис; Бостирилган даври: VI асрнинг сўнгги ўнйилликлари – VII асрнинг биринчи ярими?

- бу тангадаги ёзувни ўқишга уринган Ш. Хирано ва Ё. Ютакалар унинг юқоридаги тангага ўхшашлигини, бироқ том ўлароқ ўқий олишмаганини айтиб ўтишган (Hirano 2016: 12).


III. Тип.

1. вариант



5. **Av.** Сочи қулоғидан тепароқдан кесилган, бодомсимон кўзли, бироз думалоқ юзли ҳукмдор боши тасви-



ри. Хукмдорнинг сўл томонида суғдий ёзувда [x']y'n “Хоқон” унвони акс этган (Ш. Хирано ва Ё. Ютакаларнинг ўқиши). **Rv.** Тўғрига юзланган хукмдор (малика) тасвири ўрин олган. Унинг сўл томонида  шаклидаги исомдан олдинги Самарқанд тамғаси, ўнг томонида эса суғдийча ёзув ўрин олган бўлиб, уни Ш. Хирано ва Ё. Ютакалар *xw(tyn)h* “Хотун” деб ўқишган (Ш. Хирано чизмаси). Бу ёзув бироз фарқлироқ ёзилган [x']y'n “Хоқон” сўзи ҳам бўлиши мумкин, бироқ *x'twnh* “Хотун” унвонининг янглиш ёзилган варианты бўлиш эҳтимоли юқорироқ. Ўлчови: ?; Оғирлиги: 21 gr; Метали: мис; Бостирилган даври: VI асрнинг сўнгги ўнйилликлари – VII асрнинг биринчи ярими?

## 2. вариант.



Av 6

**6. Av.** Юқоридаги 4- тангага ўхшаш, тўғрига юзланган, сочи қулоғидан тепароқдан кесилган, бодомсимон кўзли, бироз думалоқ юзли хукмдор боши тасвири. Унинг соч турмаги юқоридаги II тип (3-4) тангаларниқидан бироз фарқли ўлароқ тепа қисми юқорига тўғри тўлқинланган шаклда ёки тож кийгандек тасвирланган. Хукмдорнинг сўл томонидаги суғдий ёзув яхши сақланган бўлиб, бундан бир неча йил олдин томонимиздан илк бор (x) 'y' n “Хоқон” шаклида ўқилган эди (2015).

- Танганинг тескари томони (Rv)нинг фотоси билан танишиш имкони бўлмади.

**Самарқанд тангалари бўйича олиб борилган изланишлар**

I. тип тангалардаги суғдийча ёзувни илк бор О.И. Смирнова  $\gamma\beta$  *mwknyn* / *mwrnyn*  $\gamma\delta$  'n(h?) ўлароқ ўқиган ва уни “Қутлуғ нишон (эгаси)  $\gamma\beta$  ~ ” ёки “ $\gamma\beta$  *mwknyn* қут эгаси” тарзида тушуниш кераклигини айтиб ўтган [Смирнова 1981: 21-22, 96-97, No. 33-34]. М. Исҳоқов эса олдинроқ О.И. Смирнова томонидан  $\gamma\delta$  'n(h?) деб ўқилиб, суғдийча “нишон, аломат” сўзлари билан солиштирилган сўзни сўроқ белгиси остида  $\gamma$  '  $\gamma$  'n “хоқон” деб ўқийди ва ўзининг ушбу ўқиши тўғри бўлиб чиқса, бу турдаги Самарқанд тангаларнинг “Қадимги турк тангалари туркуми”га киритиш кераклигига урғу беради [Исҳоқов 2008: 174]. Унинг бу қараши ўз пайтида тангашунослар диққатидан четда қолган ва шу тариқа ушбу тангаларнинг қайси бошқарувчи сулолага тегишлилиги масаласи ўз ечимини топмаган эди.

II. Лурье О.И. Смирнова томонидан ўртага ташланган *mwknyn* / *mwrnyn* ни *t/m-wn/z/r/k-n/z-c/y-n/H* деб ўқиш мумкинлигини ёзиб, *mwrzyn* вариантини сўроқ белгиси остида суғдийча *mwrzk* “small - кичик” (қар. Elam. PN *Maršukka* <\**Mr zu-ka-*,) сўзи билан боғлашга уринган. Шунингдек, у ушбу тангалардаги ёзувлардан бирини *twrzk* “son of *Twr*” (“Турнинг ўғли”, *twr* 'k, #1262, the name of a ruler of an earlier time? (“қадимгироқ даврдаги ҳукмдор исмларидан бири?")) ўлароқ тушуниш кераклигини ҳам айтиб ўтган [Lurje 2010: 251].

### Ёзув бичими (Орфографияси)

Ушбу Самарқанд тангаларининг ёзув тури милодий VI–VIII асрларда бир неча Суғд ҳукмдорликлари: Кеш, Нахшаб, Панч ва яна бир қатор суғдий тилли Марказий Осиё тангаларида бўлганидек ярим югурик (италик) ва югурик (курсив) ёзувлар туркумига киради. Айниқса, “хоқон” сўзининг ёзилиш тарзи ушбу унвоннинг Чоч, Фарғона ва Тўхористон тангаларидаги ёзилиши деярли бир бўлса-да, бироқ Самарқанд тангаларининг I. тип I. вариантыда  $x$  '  $\gamma$  'n сўзининг иккинчи бўғинида ёнма-ён келган иккита ' (alef) ҳарф белгиси учрайди. Бу

эса ушбу сўзни  $x' \gamma' n$  (Qağān) деб ўқишга туртки беради (қаранг. 1. танга). Бизнингча, бу суғдий тилли аҳоли қадимги туркча “хоқон” сўзини шундай талаффуз қилганлиги ёки танга босиш жараёнида қандайдир бир сабаб (техник томондан ё бўлмаса ёзувда янглишув) билан боғлиқ.

Самарқанд тангаларининг I-II. типларида учровчи учинчи сўз I. типда *twrny* ўлароқ аниқ ёзилган, II. типнинг 1. вариантыда бироз ўзгарган, 2. вариантыда эса анчагина ўзгаришга учраган. Ҳар икки вариантда ҳам биринчи ҳарф белгисининг *t*- ундоши эканлиги, 2. вариантда эса иккинчи ҳарф белгисидан бошқа 3-6. ҳарфларнинг тўлиқ сақланиб қолгани, бироқ аслиятдан узоқлашгани кўзга ташланади. Тўғрироғи, биринчи ва учинчи ҳарф белгиларининг орасидаги иккинчи белги *-w*- ундоши учун сиғадиган жой бўлишига қарамасдан унинг тўлиқ ёзилмагани ва айрим излари қолгани кўриниб турибди. Аслида бунга ўхшаш ҳолатга I. тип танганинг 2- вариантыда ҳам дуч келамиз (қар. 1- расм, 2).

### Тасвирлардаги ўзига хосликлар (Иконография)

Тангаларнинг ҳар иккала типи ва вариантларида ҳукмдор тасвирининг кўз шакли ҳам йирик, ҳам бодомсимон ёки бироз қисик кўринишда чизилганлиги англашилиб турибди. Ялпи олганда, бу туркумдаги Самарқанд тангаларида қуйидагича икки турда тасвирлаш кўзга ташланади: 1) узун сочлари елкасигача тушган, кўз қисиклиги анча-мунча сезилиб турадиган, думалоқ юзли ҳукмдор; 2) сочлари унчалик узун эмас, бир бўлаги қулоққача етмасдан кесилган, кўзлари бодомсимон ёки бирозгина қисик, думалоқ юзли ҳукмдор.

Ўзининг шу каби ўзига хосликлари билан ушбу Самарқанд тангалари Чоч ва Фарғона водийсида бостирилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларига яқин ўхшашликка эга (қар. 1-расм). Бу эса ушбу Самарқанд тангаларининг Турк хоқонлигига боғлиқ томонлари борлигини кўрсатади. Шу билан биргаликда, бу туркумга

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ

кирувчи тангалардан барчаси (Самарқанд, Чоч, Фарғона тангалари)нинг иконографияси хоқонлик даврига тегишли археологик топилмалар: Афросиёб (Самарқанд), Панжикент (Панч) ва Болалик-тепа (Тўхористон) каби сарой девор расмлари, Ан-цзя, Михо сингари Шимол-Ғарбий Хитойдан топилган Ғарбий турк бошқарувчиларига тегишли қабртош бўртма тасвирлари ҳамда Евроосиёнинг кенг дала-даштларида кўплаб сақланиб қолган тош ҳайкаллар (балбаллар), қоя расмлари, ёғоч, суяк, сопол ва металл буюмлар сиртига чизилган қадимги турк тасвирлари билан яқин ўхшашликка эгалиги кўзга ташланади (**қар.** 4-расм).

“Бэй-ши”, “Суй-шу” ва “Тан-шу” каби илк ўрта асрларда яратилган хитой йилномаларида *Кан* (Самарқанд) бошқарувчисининг сочини ўриб юриши, ерли аҳоли эса сочини кестириши айтиб ўтилади [Бичурин 1950, II: 271, 281]. Ёзма манбаларда бўлгани каби (хитой, юнон / Византия ва б.), археологик изланишларда аниқланган Турк хоқонлиги даврига тегишли топилмалар (қоя расмлари, тош ҳайкаллар, қабртошлар, суяк, сопол ва металл буюмлар сиртига чизилган тасвирлар)да қадимги турклар, ҳам сочи ўрилган, ҳам сочи елкасигача тушган ҳолатда учраб, Самарқанд тангалари билан ялпи ўхшашликка эгадир (**қар.** 4-расм). Шу ўринда америкалик тадқиқотчи Ж.К. Скэффнинг хитой йилномаларидаги “*Ту-кюэ* (Ашина турклари) ўз устунлигининг ифодаси ўлароқ ўзларига бош этган ҳукмдорлардан улар (турклар)нинг урф-одатларига бўйсуннишни исташлари” каби ҳолатнинг [Skaff 2002: 364–372] Самарқанд тангаларида ҳам ўз ўрнини топганини кўрамыз.

### **“Хоқон” унвонли тангалар бостирилишининг тарихий негизлари**

Ёзма манбаларда бирорта имо-ишора учрамаслиги ва бу туркум Самарқанд тангаларида бирон-бир ҳукмдор исми ўрин олмагани учун ушбу тангаларнинг том ўлароқ қайси ҳукмдор ёки ҳукмдорлар томонидан бо-

стирилганини аниқлаш қийин. Ҳолбуки, “Турк-хоқон”, “Тарду хоқон”, Жабғу-хоқон”, “Тун жабғу-хоқон” ун-вонлари билан Чочда бостирилган тангаларнинг Ғарбий Турк хоқонларининг хос тангалари эканлиги аниқ. Самарқанд тангаларидаги *twrnyn* сўзининг *twrn* (Турон) ва *-yn* (тегишлилик билдирувчи суғдийча сўз кўшим-часи) сўзларидан ўртага чиққан деган кўз қарашимиз янада аниқлик қозонса ушбу тангалар билан боғлиқ бир неча саволларга ечим топилар! Бу ерда тангаларнинг ўзига хос томони – Марказий Осиёнинг исломдан олдинги суғдий ёзувли тангаларига хос қуйидагича жиҳатни кўзда тутиш керак бўлади: сифат (*xwβ / xwβw* “хукмдор”) + хукмдор номи + унвон (оромийча = суғдийча / қадимги туркча) + танга бостирилган давлат / ўлка (топоним). Агар бундан келиб чиқилса, *xwβ twrnyn* *x'γ'n* жумласидаги *twrnyn* сўзи топоним (давлат номи) бўлиши эҳтимоли анча кучаяди. Тангалардаги суғдий сўзларни *xwβ twrnyn x'γ'n* “Хукмдор *twrnyn* хоқон”, ё бўлмаса *xwβ x'γ'n twrnyn* “Хукмдор хоқон *twrnyn*” деб оладиган бўлсак ҳам *twrnyn* сўзининг сиёсий-географик ном бўлиши эҳтимоли ортади.

Хўш, VI–VIII асрларда Самарқандда қандай тарихий воқеликлар юз берганди, бу воқеликларнинг тангаларда “Турон”, “хоқон” каби сўзларнинг учраши билан қандай боғлиқликка эга? Хитойча “Бэй-ши”, “Суй-шу” ва “Тан-шу” йилномаларига кўра, VI аср 60- йилларида Самарқандни ҳам ўз ичига олувчи Кан (Суғд) Ту-жюэ (Турк хоқонлиги)нинг қўл остига ўтган, шу аср 80- йилларида хоқонлик томонидан бу ернинг бошқарувига “тегин” (шахзода) жўнатиш эди [Ғаҗағил 2003: 88]. Ҳар ҳолда у Суғдга хоқонликнинг ноиби ўлароқ тайинланган бўлса керак. Шунингдек, Турк хоқонлиги томонидан бошқа бир қатор воҳа хукмдорликлари бошқарувида йўлга қўйилган тизим – ерли бошқарувчи сулолаларни ўз ўрнида қолдириб, уларни Ашина хонадонидан бўлган тегин ва бошқа вакил (тудун, тутуқ)лар ёрдамида, ё бўлмаса уларга ўз қизларини узатиш орқали назорат

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

килишга уринган. Буни VI аср сўнгги йиллари – VII аср илк ўнйилликларида бошқарувда бўлган Самарқанд ҳукмдорларидан иккитаси Ғарбий турк хоқонларининг қизларига уйлангани тасдиқлаб турибди. “Суй-шу” ва “Тан-шу” йилномаларида Кан (Суғд) бошқарувчиларининг асли Чжаову хонадонига бориб тақалиши айтиб ўтилиши билан бирга Самарқанд ҳукмдори *Ши-фу-би / Ша-ше-би* (Шишпир) Ғарбий Ту-жюе (турк) бошқарувчиси Да-ту кехан (Тарду хоқон – 576–603)нинг қизига, бошқа бир Самарқанд ҳукмдори Гюй-му-чжи эса Ғарбий турклардан Тонг шэ-ху ке-хан (Тун ябғу-хоқон – 618–630)нинг қизига уйлангани тилга олинади [Бичурин 1950, II: 281, 311; Chavannes 1903: 132, 135]. Бу каби тарихий воқеликлар юқорида келтириб ўтилган тангаларнинг ё ушбу йилларда Самарқандга келиб, бу ер бошқарувини хоқонлик номидан назоратда тутган Ашина хонадони ноиблари томонидан турк хоқонлари номидан бостирилган тангалар, ё бўлмаса ўша йилларда хоқонларга куёв бўлган Самарқанд ҳукмдорлари томонидан худди шу мақсадда бостирилган тангалардир, деган қарашни кучайтиради.

VII асрнинг сўнгги – VIII асрнинг илк ўнйилликларида юз берган сиёсий воқеликлар Турк хоқонлиги – Самарқанд алоқаларининг сусайишига олиб келган бўлса-да, улар орасидаги устун (сюзерен) – қарам (вассал)лик муносабатлари сақланиб қолади. VIII аср бошларида араблар Самарқандга бир неча бор босқинчилик юришларини уюштирган бўлиб, Тархун (700–710), Ғурак (710–738) сингари Самарқанд бошқарувчилари турк хоқонларидан ёрдам сўраган эдилар. Айниқса, араблардан енгилгач, уларнинг устунлигини тан олган бўлишига қарамай Ғурак арабларнинг қўшин бошлиқлари билан учрашган пайтида уларга ўзини “*Хоқоннинг қулларидан ва чокар (хос аскар)ларидан бири*” ўлароқ билишига урғу беради [«История» ат-Табари 1987: 225]. Ғуракнинг иккита ўғли бўлиб, улардан бирининг исми туркча Бег-чўр / Бўгу-чўр (“Тан-шу”да *Мо-чжо*; араб

манбаларида Баничур / Бейгчур) Шарқий турк хоқони \*Бек-чўр / \*Бўгу-чўр Қапған (692–716) исми билан бир бўлса, иккинчи ўғли эса туркийча Турғар (“Тан-шу”да *До-хэ*; суғдий ёзувли тангаларда *twry’r*; араб манбаларида Турхар) исмига эга эди [Бичурин 1950, II: 311; Смирнова 1981: 424; Камалиддинов, Мухаммедов 1997: 91–93; Babayarov 2006: 71–73]. Самарқанд бошқарувида Ғурак, Панч (Панжикент)да Деваштич (709–722) турган йилларда турк хоқонлари Суғд ўлкасига бир неча бор ўз қўшинлари билан келиб-кетганликларини кейинги йилларда қўлга киритилган археологик топилмалар ҳам кўрсатмоқда. Яқин йилларда Панжикент сарой қолдиқларидан топилган суғдий ёзувли муҳрда *x’u’n* “хоқон”, Самарқанднинг бошқарув марказларидан бири бўлмиш Кофир-қалъадан топилган бир неча муҳрда эса *x’itwnh* “хотун” унвонларининг аниқланиши бунинг далилидир (*қар.* 3-расм). Қисқаси, 720- йилларга тегишли Муғ тоғи суғдий хужжатлари (“Деваштич архиви”)дан бир нечаси (В-17, В-17)да “хун” (турк) лар қўшини ва “хоқон”дан келган “ёрлик” тўғрисидаги маълумотлар ушбу муҳрлар асосида яна бир бор ўз тасдиғини топмоқда [Исҳоқов, Бобоёров, Кубатин 2014: 81–84].

Бизнингча, VI–VII асрларда “Турон” атамаси Турк хоқонлиги билан боғлиқ равишда учрай бошлаган. Шу ўринда бу атама хоқонликдан олдин ҳам туркийлар ўлкаси ёки турклар бошқарувидаги ўлка маъносида қўлланилганми-йўқми деган савол туғилади. Айтиб ўтиш керак, “Турон” атамаси туркийлар билан боғлиқ ўларок айнан қайси даврда ўртага чиққанлиги борасида турлича қарашлар бор. Эроншунослар бу атама бошланғичда эроний халқларни, аниқроғи Эрондан кунчиқардаги ўлкалар – Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга туташ худудларда яшаган шарқий эроний тилли халқлар учун қўлланилган, деб қарайдилар. Уларга кўра, ўз ўлкасини “Эрон” деб атаган ғарбий эронийлар ўзларидан шимоли-шарқдаги қардошларини, аниқроғи, кўчманчи

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

эронийлар яшайдиган ўлкаларни ялпи ном билан “Турон” деб аташган, кейинчалик, XI–XII асрларга келиб бу ерлар туркийлар томонидан эгаллангач, ушбу атама еларга нисбатан ишлатила бошлаган. Бундан ташқари, “Турон” атамаси узоқ даврлардан бери туркийлар ўлкаси маъносида қўлланилган, деб қаралган ҳоллар ҳам бўлган.

Таниқли эроншунос олим Р. Фрай “Авесто”да учрайдиган “тур” ёки “тура” этнонимини туркийлар билан боғлаб, бошланғичда ушбу этник атама шарқий эронийлар учун қўлланилган бўлса-да, анча қадимдан бери туркийларга нисбатан ишлатила бошлаган, деб ёзади. Унга кўра, “турк” этнонимининг ўзи ҳам ушбу “тур” сўзи негизида ўртага чиққан ва илк ўрта асрларга келгач “турклар” маъносини билдира бошлаган [Frye 1946: 97–131]. Turk / Türk атамасининг илдизи *tur-* / *tür-* бўлиб, унга қадимги туркча кўплик кўшимчаси “-lar”нинг бир тури бўлмиш *-k* қўшилиб (*tur+k = Turlar*) «Türk» этноними келиб чиққан. Эҳтимол, муайян бир этнос учун қадимги турклар ўз тилларидаги кўплик кўшимчасида *Tur-k*, эронликлар эса *Tur-ān* (*ān* – эроний тилларда кўплик ясайдиган кўшимча) атамасини ишлатишган, бунинг негизида эса “Турклар яшайдиган ўлка” маъносида “Турон” топоними келиб чиққан [Фрай 2002: 66–67; Камолиддин 2006: 11].

“Турон” атамасининг туркийлар билан қанчалик боғлиқлиги, бу атаманинг қайси даврларда, илк ўрта асрларда ёки ўрта асрларда, ё бўлмаса анча қадимдан бошлаб “Турклар ўлкаси” сифатида қўлланилганми мазмунидаги саволлар ўз ечимини топиши учун Самарқанд тангалари ва бошқа ёзма маълумотларнинг янада чуқурроқ ўрганилиши керак бўлади. Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ўлкаларда Қорханийлар бошқаруви ўрнатилгач, энди бу атама турклар ўлкаси маъносини олган, деб қараш қанчалик тўғри?

Шу ўринда ўз асарларини Қорахонийлар келишидан олдинроқ ёза бошлаган Абу Райҳон Беруний



(973–1048) Хуросондаги Маздурон<sup>15</sup> топонимини аслида “Марзи Турон” деб келтириши ва унинг “турклар чегараси” маъносида эканлигига урғу бериши қизик [Беруни 1973: 466]. Хатто, Қорахонийлар келишидан бурун яшаб ўтган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (ваф. 997) ўзининг “Мафотиҳ ул-улум” (“Билимлар калити”) номли асарида Беруний келтирган маълумотни ундан анча олдин қуйидагича келтиради: “*Жайхун дарёсининг ҳавзаларини эронликлар Марзи Турон деб атайдилар, яъни туркларнинг чегараси маъносида, бироқ Хуросон аҳолиси уни Марзи Эрон, яъни Ироқ чегараси ўлароқ атайдилар*” [Баходиров 2009: 114]. Айтиб ўтиш керак, бу ерда Ироқ атамаси аслида ўрта асрларда Эрон учун ҳам қўлланилгани билан боғлиқ бўлиб, мусулмон манбаларида “Ироқи араб” ва “Ироқи ажам” каби географик атамалар ўрин олган эди. Улардан иккинчиси араб бўлмаган ўлкалар, кўпроқ Эрон аҳолиси учун ишлатилар эди.

“Турон” атамаси фақатгина географик атама бўлмасдан, киши исми ўлароқ ҳам туркий халқлар томонидан ҳам ўтмишда, ҳамда бугунги кунда қўлланилиб келаётганини айтиб ўтиш керак. VII аср ўрталарида Самарқандга элчи юборган Чағониён бошқарувчиси *twr 'ntš* (Туронтош) исми суғдий ёзувли Афросиёб (Самарқанд) деворий битигида учрайди [Альбаум 1975: 55]. Шунингдек, “Турон” сўзи ўлка ва киши исми ўлароқ тарихий Турон ўлкаси – Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ерлардан ташқари анча узоқда – Олтой тоғлари ва теварагида ҳам учрайди. Илк ўрта асарларга тегишли Иртиш дарёси ҳавзасидан топилган қадимги турк битигида *Alp-Turan* (Алп-Турон) исми ўрин олган. Бугунги кунда ҳам Олтой тоғлари яқинидаги бир шаҳар “Туран” деб аталади. Хитой йилномаларида эса *Tu-jüe* (Турк хоқонлиги) бошқарувчиларидан бири \*Турон хоқон (*Дулань-хан*) ўлароқ тилга олинади [Бичурин

<sup>15</sup> Бу ер бугунги Туркменистоннинг жануби-ғарбий худудидаги Сарахс тоғ тизмаларидаги аҳоли масканларидан биридир.

1950, I: 239-242].

Қисқаси, *xwβ twrnyn* “Турон ҳукмдори” ва *xwβ twrnyn x'γ'n* “Турон ҳукмдори хоқон” сўзлари ўрин олган ушбу Самарқанд тангалари ҳам унвон, ҳамда ҳукмдор тасвири қадимги турклар билан боғлиқ бўлиб, Турк хоқонлигига тўғридан-тўғрига бориб тақалади. Илк ўрта асрлардаёқ “Турон” ва “Туркистон” атамалари деярли битта маънода қўлланила бошланидан келиб чиқилса, бу даврда Турк хоқонлиги учун қўлланилган номларидан бири “Турон” бўлгани ўз тасдиғини топади. Устига-устак, ҳар қандай тангада ўрин оладиган сўзларнинг расмий мақомга эга бўлиши кўзда тутадиган бўлсак, турк хоқонларининг ўз ўлкасини / давлатини “Турон” деб ҳам атаган бўлиб чиқади. Бошқа томондан эса, чамаси ушбу тангалар Самарқанднинг ерли бошқарувчиларига тегишли бўлиб, ўз хўжайинлари бўлмиш турк хоқонлари номидан танга бостириб чиқарар экан, улар билан боғлиқ сўзлар – “хоқон” ва “Турон” атамаларини қўллашни маъқул кўришган.

Демак, VI–VIII асрларда Самарқандда турк хоқонлари томонидан ёки улар номидан бостирилган суғдий ёзувли мис тангаларда “Турон ҳукмдори хоқон” сўзларининг учраши ўз даврининг тарихий воқеликлари билан чамбарчас боғлиқ. Аслида туркийлар ўзлари яшайдиган ўлкаларни бошланғичда ўз она тилига мослаб “Турк эли” деб атаган бўлсалар-да, кейинчалик қўшнилари ва қўл остидаги ўзга этнослар таъсирида “Турон” ва “Туркистон” деб ҳам атай бошлаган дея оламиз. Ушбу тангалардаги *twrnyn* сўзи *twrn* “Турон” ва суғдийча тегишлилик қўшимчаси *-ундан* ясалган бўлиб (“Туроннинг, Туронга тегишли”), уни *xwβ* ва *x'γ'n* сўзлари билан бирга “Турон ҳукмдори Хоқон” деб ўқиш керак. Чамаси бу ерда Турон, географик ва этносиёсий томондан “Турклар ўлкаси / давлати”ни англатган ва “Туркистон” атамаси сингари у Турк хоқонлиги учун ишлатилган. Бунинг негизида илк ўрта асрларда арман, суғдий, паҳлавий (ўрта форс) каби туркийларга қўшни ёки улар

билан ёнма-ён яшаган этносларнинг Турк хоқонлигини айрим ҳолларда “Туркистон” ёки “Турон” деб атаганлиги омили ётади. Бошқа томондан эса Самарқанднинг ерли бошқарувчилари ўз ўлкасини “Турон” деб аташган бўлиб, уни тангаларда акс эттиришган, Турк хоқонлиги эса бу ерни ўз қўл остига олгач ушбу анъанани давом эттиришган, деб тахмин қилса бўлади.

### **3.4. Суғдий ёзувли Тўхористон тангалари**

Илк ўрта асрларда Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ худудлардаги ўнлаб воҳа ҳукмдорликларидан бири бўлган Тўхористон ўлкаси Термиз, Чағониён, Хуттал, Бадахшон, Балх, Гузгон (Жузжон), Кумед (Қоратегин), Вахш, Қўбодиён ва шунга ўхшаш ўнлаб катта-кичик ҳукмдорликлардан иборат эди. Бу даврга тегишли ёзма ёдгорликлар Тўхористонда негизи юнонча бўлган бақтрийча ёзувда иш юритилганини кўрсатади. Буни ушбу тарихий ўлкага тегишли тангалар, девор ёзувлари, сопол, металл ва тош каби материаллардан ясалган турли буюмлар сиртидаги битиклар ва Шимолий Афғонистондан топилган юзлаб бақтрий тилли ҳужжатлар тасдиқлайди. Шунингдек, илк ўрта асрлар Тўхористон тангаларининг бир қисмида суғдий ёзувлар учраб, ўз хусусиятига кўра улар минтақа тарихи билан боғлиқ кўплаб масалаларга ойдинлик киритади.

Кейинги йилларда суғдий ёзувли бир неча турдаги Тўхористон тангаларининг топилиши улар бўйича чуқурроқ изланишлар олиб борилишини талаб қилмоқда. Айниқса, тангаларнинг қайси ҳукмдорликларга тегишлилиги, айнан қандай тарихий воқеликлар билан боғлиқ равишда бостирилгани масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Уларни шартли ўлароқ куйидагича гуруҳ ва вариантларга ажратиб танишиб чиқамиз:

**1- ГУРУХ. Босма ёзувли (контрамаркли)**

тангалар (ушбу гуруҳ тангаларини шартли ўлароқ куйидагича вариантларга ажратиш мумкин):

**1-вариант.** “хоқон” унвонли тангалар



1

2

**1-2 тангалар.** Av. Ҳар иккала танганинг олд юзасида ўнг томонга қараган, икки қанотли тож кийган Сосоний ҳукмдори боши ва унинг устида ярим ой ва қуёш тасвирлари ўрин олган. 1- тангадаги ҳукмдор тасвиридан тепарокда ўнгда суғдий ёзувли контрамарк (босма ёзув) ўрин олган бўлиб, *х'у'п* “хоқон” ўқилади. 2- тангада эса ҳукмдорнинг ўнг томонида паҳлавий ёзувининг излари сақланган. Ҳукмдор тасвиридан сўлда ва куйида суғдийча босма ёзувлар учраб, биринчиси *х'у'п βуу* “Илоҳий хоқон”, иккинчиси эса *δ̄ссу βуу* “Илоҳий (и) дишчи” ёки “Тиш илоҳи” ўлароқ ўқилади. Rv. Тангаларнинг орқа юзасида ўртада оташдон ва унинг атрофида тик турган қоҳинлар, уларнинг тепасида беш қиррали юлдуз ва ярим ой тасвирлари ўрин олган.

**2- вариант.** “хоқон” ва “тегин” унвонли тангалар



3

4

**3-4 тангалар.** Av. Ҳар иккала танганинг олд юзасида юқоридаги ҳукмдор тасвиридан анчагина фарқли қиёфадаги ўнг томонга қараган, икки қанотли тож кийган

Сосонийлар хукмдори боши ва унинг устида ярим ой ва куёш тасвирлари ўрин олган. 3- тангадаги хукмдор тасвирининг ўнг, сўл ва куйида суғдий босма ёзувларлан ўнгдагиси *δ̄ссу βуу* “Илоҳий (и)дишчи” ёки “Тиш илоҳи”, сўлдагиси *tky(n)* “тегин”, куйидагиси эса *x'γ'n βуу* “Илоҳий хоқон” шаклида ўқилади. 4- тангадаги тасвирнинг тўрт ёнида 4 та босма ёзув ўрин олган бўлиб, куйидагича ўқилади: тепадан ўнгдагиси *x'γ'n βуу* “Илоҳий хоқон”, тепадан сўлдагиси *tk'un* “тегин”, куйидаг ўнгдагиси *δ̄ссу βуу* “Илоҳий (и)дишчи” ёки “Тиш илоҳи” ва хукмдор тасвири остидаги ёзув эса *k-'nc* ёки *k-c'n(?)*. **Rv.** Тангаларнинг орқа юзасида юқоридаги тангалардагига ўхшаш тасвирлар ўрин олган. #125489, #151335; Ўлчам: -, 25-29 мм; Салмоғи: 3,6 г., 3.22 г.

### 3- вариант. “тегин” унвонли тангалар



5

6

**5-6 тангалар.** **Av.** Тангаларнинг олд юзасида юқоридаги хукмдор тасвирдан анчагина фарқли қиёфадаги ўнг томонга қараган, икки қанотли тож кийган Сосоний хукмдорлари боши ва унинг устида ярим ой ва куёш тасвирлари ўрин олган. 5- тангада хукмдор тасвирининг тепа қисмида, ўнг ва пастки қисмида контрамарк (босма ёзув)лар жойлашган. Тепа қисмидаги суғдий ёзув *tk'un* “тегин”, ўнгдаси *pyškw(r)* (ҳалигача маъноси аниқланмаган ибора), пастдагиси эса *δ̄ссу βуу* “Илоҳий (и)дишчи” ёки “Тиш илоҳи” шаклида ўқилади. 6- тангадаги босма ёзувлар куйидагича ўқилади: ўнгдаги суғдий ёзув *tk'un* “тегин”, *pyškw(r)* (5- тангадаги билан бир хил ҳалигача маъноси аниқланмаган ибора). **Rv.** Тангаларнинг орқа юзасида юқоридаги тангалардагига ўхшаш тасвирлар ўрин олган. #208970; Ўлчам: ; Салмоғи: 3,38 г., 3,36 г.

4- вариант. “тегин” ва “тархон” унвонли тангалар



**7-9 тангалар. Av.** Тангаларнинг олд юзасида юқоридаги ҳукмдор тасвирларидан анчагина фарқли қиёфадаги ўнг томонга қараган, икки қанотли тож кийган Сосоний ҳукмдорлари боши ва унинг устида ярим ой ва куёш тасвирлари ўрин олган. 7- тангада ҳукмдор тасвири тепа қисмининг ўнг ва чап томонида ҳамда ҳукмдор бошининг олд томонида контрамарк (босма ёзув) лар жойлашган бўлиб, ўнгдагиси *tk'un* “тегин”, чапдагиси *βyу* “Илоҳий”, учинчиси эса *trx'n* “тархон” ўлароқ ўқилади. 8- тангада ҳукмдор елкасининг ўнг ва чап ёнида жой олган контрамарк (босма ёзувлар) шу тарзда ўқилади: ўнгдаги суғдий ёзув *tk'un* “тегин”, чапдагиси *trx'n* “тархон” (Бабаяров 2013: 145, 152). 9- тангада 4 та алоҳида контрамарк (босма ёзув)лар ўрин олган бўлиб, ҳукмдор тасвирининг тепасидаги суғдий ёзув *trx'n* “тархон”, чапдагиси *tkyn* “тегин”, ўнгдагиси *pyškwr*, пастдагиси эса *δ̄сy βyу* “Илоҳий (и)дишчи” ёки “Тиш илоҳи” ўлароқ ўқилади. **Rv.** Тангаларнинг орқа юзасида юқоридаги тангалардагига ўхшаш тасвирлар ўрин олган. -, #28789, #86936; -, 3,38 г. -.

**5-6 вариантлар.** “Илоҳий (и)дишчи?” ёки “Тиш илоҳи” ибораси ва “хукмдор” унвонли тангалар





**10-11 тангалар.** Ав. Тангаларнинг олд юзасида юқоридаги хукмдор тасвир бирмунча фарқли қиёфадаги ўнг томонга қараган, икки қанотли тож кийган Сосоний хукмдори боши ва унинг устида ярим ой ва қуёш тасвирлари ўрин олган. 10- тангадаги хукмдор тасвири-нинг олд (ўнг) томонидаги суғдий ёзув *pyškw(r)*, пастдагиси эса *δ̄ςсу βυυ* “Илоҳий (и)дишчи” ёки “Тиш илоҳи” ўлароқ ўқилади. 11- тангада эса хукмдорнинг бошидан ўнгда бактрий ёзувида “хукмдор”, ундан куйида суғдийча *χωβ* “хукмдор” сўзлари ўрин олиб (тескари ёзилган), хукмдор бошининг орқа томонида ромб кўри-нишидаги тамға учрайди. **Rv.** Танганинг орқа юзасида юқоридаги тангалардагига ўхшаш тасвирлар ўрин олган. -, #43496; -, 2.68 г.; -, 24.0-25.2 мм.

**6- вариант.** Тургаш хоқонлиги тамғаси босилган тангалар



**12-13 тангалар.** Ав. Тангаларнинг олд юзасида юқоридаги хукмдор тасвир бирмунча фарқли қиёфадаги ўнг томонга қараган, икки қанотли тож кийган Сосо-

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

ний ҳукмдори боши ва унинг устида ярим ой ва қуёш тасвирлари ўрин олган. 12- тангада ҳукмдор бошининг ўнг ёнида суғдий ёзув<sup>ла</sup>  $x' \gamma' n$  “хоқон” унвони, ҳукмдор бошидан қуйроқда  кўринишидаги тамға 13- тангада эса ҳукмдор бошининг ўнг ва сўл ёнида  кўринишидаги тамғалар, ҳукмдор бошидан қуйида суғдий ёзувда  $\delta\check{s}u \beta u$  “Илоҳий (и)дишчи” ёки “Тиш илоҳи” сўзлари ўрин олган. **Rv.** Танганинг орқа юзасида юқоридаги тангалардагига ўхшаш тасвирлар бор. #86937, #86934; -, -; -, -.


**2-ГУРУҲ. Тўхористон ҳукмдорликларининг маҳаллий тангалари** (ушбу гуруҳ тангаларини ҳам шартли ўлароқ қуйидагича вариантларга ажратиш мумкин):

**1- вариант. “Фарн хуву** (Қутлуғ ҳукмдор)” унвонли тангалар (орқа томони)



14

15

**14-15 тангалар. Av.** Тангаларнинг олд юзасида тўғрига қараган ҳукмдор ва малика боши ва уларнинг устида ярим ой ва қуёш тасвирлари ўрин олган. **Rv.** Танганинг орқа юзасида  шаклидаги тамға ва унинг атрофида суғдий ёзув жойлашган. 14- тангадаги ёзув тескари ёзилган бўлиб, ойнада қаралганда шу тарзда тўғри ўқилади: тамғанинг ўнг томонидагиси –  $prn$  “фарн” (қут), чап томондагиси –  $xw(\beta)$  “хуву” (ҳукмдор). 15- тангадагиси одатдагидай ёзилган бўлса-да, ёзувлар тўлиқ сақланмаганлиги туфайли тамғанинг ўнг томондагисини ҳозирчалик сўроқ ишорати остида  $prnw-\gamma/'k$  (..) “фарн...” (қут...) ва тамғанинг чапдагисини  $(x)w\beta w$  “хуву” (ҳукмдор) ўлароқ ўқимоқдамиз. -, #194336;




**2- вариант. “Фарн хуви?” (Кутлуғ хукмдор)”** унвонли тангалар (ўнг томони)



16



17

**16-17 тангалар.** Av. Тангаларнинг олд юзасида тўғрига қараган хукмдор ва малика боши ва уларнинг устида ярим ой ва қуёш тасвирлари ўрин олган. 16- тангадаги қўшалок тасвирнинг тагида суғдий ёзув тескари ёзилган бўлиб, ойнада қаралганда тахминан шу тарзда ўқилади: *tyw 'r 'k [xwβ]* “Тўхор хукмдори”? 16- тангадаги қўшалок тасвирнинг чап томонида *xwβ* “хув” (хукмдор) сўзи учрайди. Rv. 16- танганинг орқа юзасида  шаклли тамға ўрин олган бўлиб, ёзув мавжуд эмас, 17- танганинг тескари томонининг расми топилмади. [#27992](http://www.zeno.ru), Smirnova 1981: 504; Ўлчами: 23 мм; Салмоғи: 1,47 г.


3- ГУРУХ. Тўхористон ябғулари? тангалари

1-Вариант. “Фарн” (қут) сўзи ўрин олган тангалар



18

19



**18-19 тангалар.** Av. Тангаларнинг олд юзасида ўн-гга қараган ҳукмдор тасвири ва унинг олд (ўнг) томони-да суғдий ёзувда *prn* “фарн” (қут) ибораси учрайди. Rv. Тангаларнинг орқа юзасида Чоч воҳасида бостирилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларига хос  шакл-ли тамға ўрин олган бўлиб, ёзув мавжуд эмас.

2-Вариант. “Хоқон” (?) унвонли танга




20

21

**20-21 тангалар.** Av. 20- танганинг олд юзасида юқоридаги 1- вариантдаги ўхшаш, бироқ анча фарқли қиёфадаги ўнгга қараган, пешонаси яқинида ярим ой ўрин олган ҳукмдор тасвири ва унинг олд (ўнг) томонида суғдий ёзувда *x'γ'n* “хоқон” (?) унвони мавжуд. Ушбу тангаларнинг олд томонида 18-19 тангаларга тасвирий жиҳатидан яқин, бироқ анчагина фарқли қиёфадаги ўнгга қараган ҳукмдор тасвири учраб, бирорта ёзув кўзга ташланмайди. Rv. 20- танганинг орқа юзасида Чоч воҳасида бостирилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларига хос  шаклли тамға бўлиб, ёзув мавжуд эмас, 21- тангада эса 20- тангадаги тамға билан яқин ўхшашликка эга, бироқ бирмунча фаркланувчи  шаклидаги тамға учрайди. Тамға атрофидаги унчалик яхши сақланмаган суғдийча ёзувни ҳозирча шартли ўлароқ *prn* (*βγγ*) *x'γ'(n)* “Илоҳий кут (соҳиби) хоқон” деб ўқимокдамиз. #221945; #179791; Ўлчами: 18 мм, 23 мм; Салмоғи: 1,86 г, 1,5 г.

**3-Вариант.** Ёзувсиз (анэпиграфик) тангалар (Бу туркумдаги тангаларда бирорта ёзув учрамаса-да, Ғарбий Турк хоқонлиги билан боғлиқ айрим масалаларга оидлик киритадиган томонлари борлигини кўзда тутиб бу ерда келтириб ўтдик).



**22-23 тангалар.** Av. Ўртасида думалоқ тешик ўрин олган ушбу тангаларнинг ўнг томонида Чоч воҳасида бостирилган *c'synk xwβw tk'yn* “Чоч ҳукмдори тегин” унвонли тангалардаги тамғалар билан деярли бир хил  шаклли тамға мавжуд. Rv. Тангаларнинг орқа томо-

нида бирорта белги ёки ёзув йўқ. . #86937: #27691: North  
Tokharestan. Ўлчами: -; 25 мм. Салмоғи: -; 4.2 г

#### 4-ГУРУҲ. Тўлиқ аниқланмаган тангалар

##### 1- Вариант.



24

24- танга. **Av.** Танганинг олд юзасида ↑ шаклидаги исломдан олдинги Термизшоҳлар сулоласи тамғасига ўхшаш тамға ва унинг ўнг томонида вертикал ҳолатда ёзилган суғдийча ёзув ўрин олган. Ёзув нисбатан яхши сақланган бўлишига қарамасдан айнан қандай маънодаги сўз (унвон ёки исм) эканлиги очик қолмоқда. Ёзувни тахминан шу тарзда ўқиш мумкин: 'pβwу / 'wδwу / twδwn? **Rv.** Танганинг тескари томонида устма-уст ёзилган уч қатор суғдий ёзув учраб, улардан ўрта қатордагиси хwβw “хукмдор” ўлароқ ўқилади. Ёзувларни тахминан шу тарзда ўқиш мумкин: 'w... \ хwβw \ cwпуwk / cwруβk? “... хукмдор Чўрбек?”. #117760; Ўлчами: 20.7-22.2 мм; Салмоғи: 2.8 г.

##### 2- вариант.



25

**25-** танга. **Av.** Хитой тангаларига таклидан ўртаси тўртбурчак тешик ва унинг атрофида суғдий ёзувдаги 3 та сўздан иборат жумла ўрин олган. Улардан чапдагиси тахминан  $xw\beta w$  “хукмдор” шаклида ўқилади. Қолганларини ўқиш имконини бўлмади. **Rv.** Танганинг тескари юзасида тўртбурчак тешикнинг чап томонида **†** шаклидаги исломдан олдинги Термизшоҳлар сулоласи тамғасига ўхшаш тамға, ўнг томонида эса суғдий ёзувда ва унинг ўнг томонида вертикал ҳолатда ёзилган суғдийча ёзув ўрин олиб, *prn* “фарн” (кут) ўлароқ ўқилади. #57521; 1.6 г; 17.7 мм.

\*\*\*


### **Суғдий ёзувли Тўхористон тангаларининг ўрганилиши.**

Тўхористон тангалари бўйича олиб борилган илмий изланишлар кўлами унча кенг эмас. Ўтган асрнинг бошларидан то бугунги кунгача кўпроқ Ғарб олимлари бактрий ва пахлавий (ўрта форс) ёзувлари ўрин олган Тўхористон тангаларини ўрганишган бўлиб, ушбу ўлканинг суғдий ёзувли тангалари тадқиқотчилар назаридан деярли четда қолганлиги кўзга ташланади. Бу турдаги тангаларнинг нисбатан оз топилиши ҳам бунинг бош сабабларидан биридир. Тўхористон тангалари бўйича йирик мутахассис Р. Гёбль 1960- йиллардаги изланишларида суғдий ёзувли тангаларга ҳам ўрин берилган эди [Göbl 1967]. Таниқли нумизмат Э.В. Ртвеладзе ҳам исломдан олдинги Тўхористон тангалари бўйича изланишлар олиб бориш жараёнида бактрий ва пахлавий ёзувли тангалар билан бирга айрим суғдий ёзувли тангаларни ҳам келтириб ўтган [Ртвеладзе 1987: 140–145; Ртвеладзе, 2006: 119]. Нумизмат Е.В. Зеймаль ҳам бу масалада айрим қарашларини билдириб ўтган [Зеймаль 1995: 122–127]. Ўлканинг суғдий ёзувли тангаларини, аниқроғи, сиртига суғдий ёзув кейинчалик босилган (контрамаркли) Сосонийлар Эрони тангаларини илк ўлароқ ўрганганлардан бири В.А. Лившиц

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

ва кейинчалик Л.С. Баратова айрим танга ёзувларини  $\gamma' \gamma' n$  «хоқон» ва  $tk' yn / tkyn$  “тегин” шаклларида ўқиб, уларни қадимги турклар билан боғлаган, баъзи тангалардаги суғдий ёзувни  $t\beta' n$  шаклида ўқиган ва уни қадимги эроний элатлар талқинидаги Тиш илоҳи билан солиштирган эдилар [Kljaštornyj, Livšic 1972: 81–82; Баратова, Лившиц 2002: 21–26].

Биз эса бу турдаги янги бир қатор тангаларни аниқлаш билан бирга  $t\beta' n$  сўзини  $trx' n$  “тархон” шаклида ўқиб, уни Турк хоқонлигидаги юқори унвонлар билан боғлаган, бу ўқишимиз таниқли эроншунос Н. Симс-Вильямс томонидан қўллаб-қувватланган эди [Babayarov, Kubatin 2012].

Шунингдек, бир томонида ўннга қараган ҳукмдор тасвири, бир томонида эса Чочда бостирилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларидаги  шаклидаги тамғалар билан деярли бир хил тамға ўрин олган юқорида келтирилган 17-18 тангалардаги суғдий ёзувни  $prn$  “қут”, қўшалок портретли тангалардаги ёзувни эса  $prn$   $xw\beta w$  “Илоҳий ҳукмдор” ўлароқ ўқиган, деярли бир вақтнинг ўзида ҳам Чоч, ҳам Тўхористон тангаларида қадимги туркча унвон ва тамғаларнинг учрашидан келиб чиқиб, географик томондан бир-биридан анча узоқ жойлашган ҳар иккала ўлкада бундай тангалар бостирилишини Турк хоқонлиги фаолияти билан боғлаб тушунтирган эдик [Babayarov 2007: 193; Бабаяров, Кубатин 2010: 3–13; Babayarov 2017: 7, 12].

Ўтган йили нумизмат А. Мусакаева ва археолог А. Бердимуродов Сазағон (Пастдарғом/Самарқанд)дан топилган тангалар хазинасида ўнлаб миқдордаги сиртига суғдий ёзув босилган Сосоний тангалари бўйича махсус мақола ёзиб, бу туркум тангаларнинг бир неча янги типларини аниқладилар. Бироқ улар бу туркум тангаларда суғдий ёзув ва туркий унвонлар учраши айнан қандай тарихий воқеликлар билан боғлиқлиги масаласи кўтарилмади [қаранг. Мусакаева, Бердимуродов 2018: 137–144].

### Тангаларнинг ёзув бичими (орфографияси)









Юқорида келтириб ўтилган тангалардан ёзувларнинг барчаси суғдий ёзувнинг илк ўрта асрларда Суғд ўлкаси ва унга қўшни Чоч, Ўтрор, Уструшона, Фарғона, Еттисув, Шарқий Туркистон ва Мўғулистон худудларида кенг қўлланилган тури – суғдий югурик (курсив) хат турида битилган бўлиб, улар орасида *x'γ'n* “хоқон”, *tk'un* “тегин”, *trx'n* “тархон” каби қадимги туркча унвонлар ва *xwβ / xwβw* “хукмдор”, *prn* “фарн”, *βyu* “илоҳий” сингари суғдийча унвон ва эпитетлар аниқ-тиниқ ёзилганлиги билан ажралиб туради. Юқорида келтирилган тангалардаги эски туркча унвонларнинг, айниқса, “хоқон” унвонининг ёзилиши, 20- танга бунга истисно, Чоч, Фарғона, Суғд (Самарқанд) ва Ўтрорда бостирилган Ғарбий Турк хоқонлигига тўғридан-тўғри ёки билвосита боғлиқ тангалардаги ёзув билан бирдай [Смирнова 1981: 341, 391–393; Ртвеладзе 2006: 58, 78–86; Бабаяров 2007: 40–52].

Улардан бошқа босма ёзувлар (*δšcy*, *pyškw*, *k-'nc* ёки *k-c'n* (?) ) ва қолган яна бир қатор сўзлар ҳозирча тўлақонли ўқиб чиқилмаган сўзлар сирасидандир. Қизиғи шундаки, аниқланган қадимги туркий ва суғдий сўзларнинг ёзилиш шакли Турк хоқонлиги даврида Суғд (Самарқанд), Чоч, Ўтрор, Еттисув, Шарқий Туркистон ва Мўғулистонда яратилган битиктошлар ва тангалар сиртидаги унвонларнинг ёзилиши билан деярли бир хил. Айниқса, Тўхористон тангалари ёзувларининг бир қисми Чочда бостирилган Турк хоқонлиги (552–744) тангалари ва Еттисувда бостирилган Турғаш хоқонлиги (699–766) тангаларидаги суғдий ёзув билан битта қолишга эга. Фақатгина 19- тангадаги “хоқон” унвонининг ёзув бичими юқорида келтириб ўтилган ўлкаларда хоқонлар томонидан ёки улар номига бостирилган тангаларникидан анчагина фарқли ёзилгани пайқалади.

Шу ўринда Тўхористон тангаларида қадимги туркча “тегин” унвонининг Чоч Тегинлари (605–750) танга-

ларидаги каби *tk'un* ва *tkyn* кўринишида турлича ёзилганини ҳам айтиб ўтиш керак [таққосланг. Смирнова 1967: 40; Баратова, Лившиц 2002: 21; Бабаяров 2007: 40–41, 48]. Қадимги туркча “тархон” унвонининг ёзилиши эса ушбу унвоннинг суғдий ва кейинчалик араб ёзуви асосидаги ўрта асрлар форсий ва туркий ёзувларидаги ёзилиш шакли билан уйғунликка эга (t-r-x-a-n).

### Тасвирлардаги ўзига хосликлар (Иконография)

Биринчи гуруҳдаги босма ёзувли (контрамаркли) тангалардаги тасвирлар илк ўрта асрларда Эрон ва унинг теваарагидаги ўлкаларда бостирилган Сосонийлар тангаларидаги турли ҳукмдорлар тасвирлар билан деярли бирдай бўлиб, уларнинг кўпчилик Пероз драхмасидаги тасвирга яқин келади. Иккинчи гуруҳдаги кўшалок портретли Тўхористон (Чағониён?) тангалари эса улардан бутунлай бошқача. Уларнинг чизилиш шакли – кўз ва юз тузилиши, соч турмаги VI-VIII асрларда Чоч, Суғд, Ўтрор ва Бухорода бостирилган қадимги турк тангалариники билан яқин ўхшашликка эга: бироз қисик ёки бодомсимон кўз, думалоқ юзлилик, нисбатан узун соч, бошлари устида тепада юлдуз ёки куёш ўрин олган ярим ой тасвирлари [қаранг. Баратова 2005: 418; Бабаяров 2007: 11, 14, 18-19, 30; Бабаяров 2014: 70-75]. Ушбу 5 ҳукмдорликда деярли бир вақтда бостирилган тангаларда тамғалар фарқли бўлишига қарамай (Чоч -  /  / ; Суғд - ; Ўтрор -  / ; Бухоро - ; Тўхористон - ) ҳам ҳукмдор, ҳам малика (хотун) тасвирларининг бироз қисик кўзли, юмалоқ юзли ўлароқ эски туркларни эслатади. Айримлари Ғарбий Турк хоқонлиги билан (айниқса, Чоч ва Суғд тангалари), айримлари эса хоқонликка билвосита боғлиқ сулолаларга тегишли ушбу тангаларнинг барчасида ҳукмдорнинг узун сочли ва соқолсиз тасвирланганлиги ва шу томони билан ёзма манбалардаги маълумотларга яқин келиши диққатни тортади [Babayarov, Kubatın 2013: 47–58]. Шунга қарамай, Тўхористон тангаларидаги тасвирларнинг ўзига










хос томонлари ҳам кўзга ташланади: биринчидан ушбу тангалардаги эркак тасвирининг мўйлов шакли Термиз тангаларидаги тасвирларга ўхшаб кетса-да, Чоч ва Суғд тангаларидагидан фарқли ўлароқ Тўхористон тангасида аёл уч қиррали қалпоқда тасвирланмаган. Шу ва бошқа томонлари билан ушбу тангалардаги портретлар илк ўрта асрлар Тўхористон тасвирий санъатига мансуб эканлиги англашилади.










Учинчи гуруҳда ўрин олган ўнгга қараган ҳукмдор тасвирлари эса Чоч, Фарғона, Суғднинг қадимги туркий тангаларидан анча-мунча ажралиб туради. Бу турдаги Тўхористон тангаларида биров қисқ кўзлилик, думалоқ юзлилик деярли кўзга ташланмайди. Ҳукмдорлар кўпроқ жингалак сочли, қирра бурунли қилиб тасвирланган бўлиб, шу ва бошқа томонлари билан ушбу тасвирлар илк ўрта асрлар Тўхористон тасвирий санъатини эслатади.



























### Тўхористон тангаларидаги тамғалар

Юқорида келтирилган тангалар туркумининг 5 тасида бири-иккинчисидан ажралиб турувчи тамғалар учрайди. Улар қуйидагича:

1)  2)  /  /  3)  4)  5) .

<sup>1)</sup> Қизиғи шундаки, ушбу тамғалардан 3 таси 6-8 асрларда Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан Чочда бостирилган тангалардаги тамғалар билан деярли бир хил бўлиб, улар ўзаро солиштирилганда қуйидагича ўзаро ўхшашлик кўзга ташланади:

 /  (  ),  /  (  /  ),  /  (Тўхористон).

Тўхористон ва Чоч тангаларидаги тамғалар ўхшашлигига бағишлаб ёзган мақоламизда Чочнинг  /  /  /  /  /  /  /  /  /  /  /  /  кўринишдаги тамғалари билан Тўхористоннинг  /  /  /  /  /  /  /  /  /  /  /  /  кўринишдаги тамғалари ўзаро ўхшашлигига урғу берган (Бабаяров, Кубатин 2010: 3-13; Babayarov 2017: 5-20), шунингдек, ушбу тамғалар ора-

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

сида **Პ** кўринишидаги тамға ва унинг вариантларидан бирининг (**Პ**) қадимги турк ва суғдий ёзувли “хоқон” унвонли Фарғона тангаларида (**Პ**) ва Суғнинг кичик ҳукмдорликларидан бири – Панч тангаларидаги (**Პ** / **Პ**) тамғалар билан ҳам яқин ўхшашлик борлигига тўхталиб ўтган эдик. Шунингдек, Чочда бостирилган олд юзида икки ўрқачли туя тасвири, орқа юзида **Პ** кўринишидаги тамға ва унинг теграсида суғдий ёзувда *prn βуу х’у’п* “Илоҳий кут (соҳиби) хоқон” унвони учрайдиган Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари билан олд юзида кўшалок тасвир (ҳукмдор ва малика), орқа юзида эса **Პ** тамға ва унинг ёнида суғдий ёзувда *prn хивβ* “Илоҳий ҳукмдор” сўзлари ўрин олган Тўхористон, аниқроғи, Чағониён тангаларини ўзаро солиштириб, улар орасида қандайдир бир боғлиқлик борлигига урғу берган эдик.

Қизиги шундаки, Сосонийлар Эрони тангалари сиртидаги босмалар орасида **Პ** кўринишидаги тамға ва бақтрийча ёзув учраши (қаранг. *zeno.ru* - #20913) Чағониён ҳукмдорларининг Тўхористондаги бошқа туркий сулолалар бошқарувчилари каби Сосонийлар тангасининг ўз ҳудудида муомалада бўлишини таъминлашга интиланликларини кўрсатади.

Шу ўринда Э.В. Ртвеладзенинг кейинги йиллардаги изланишларида Тўхористоннинг Гуфтан (Ғарбий Сурхондарё) ҳукмдорлиги тангаларида учрайдиган **Პ**, **Პ**, **Პ**, **Პ** кўринишидаги тамғаларнинг Турк хоқонлиги ва ушбу ўлкадаги туркий сулолалар билан боғлиқлигига урғу берганлигини айтиб ўтиш керак [Ртвеладзе 2006: 119].

Юқорида келтирилган ҳар учала ҳукмдорлик – Чоч, Фарғона ва Панчни ёзма ва нумизматик материаллардан маълум бўлишича келиб чиқиши Турк хоқонлигининг бошқарувчи хонадони – Ашина сулоласига мансуб ёки хоқонлик билан яқин қариндошликка эга туркий сулолалар бошқарган бўлиб (Лившиц 1979: 56–69; Skaff 2002: 364–372; Бабаяров 2007: 34–35; Stark 2008: 210–211, 224–225), улар томонидан бостирилган тангаларда

туркий унвон ва ўхшаш тамғалар ўрин олиш ўзининг тарихий негизларига эга. Демак, Тўхористон тангаларидаги тамғаларнинг кўпчилиги ушбу ҳукмдорликларнинг тамғалари билан яқин ўхшашлиги ҳам юқорида кўриб ўтилганидек бу даврда ўлкани туркий сулолалар бошқарганлиги билан узвий боғлиқдир. Ҳеч бўлмаганда ушбу тангалар орасида **Ϝ** тамғали тангалар Тўхористон Ябғулари сулоласи билан, **Ϙ** кўринишдагиси эса Тўхористондаги йирик ҳукмдорликлардан бири – Чағониён билан боғлиқ бўлса керак. Бундай дейишимизнинг негизида ҳар иккала тамға Ғарбий Турк хоқонлиги (Чоч) тангаларидаги “хоқон” унвонли тангалар билан яқин ўхшашлиги ётади. Бу даврда Тўхористонда Ғарбий Турк хоқонлигининг яна бир тармоғи – Ябғулар сулоласи бошқарувда бўлса, Чағониёнда эса келиб чиқиши хоқонликка бориб тақалувчи сулола бошқарувда эди.

Вахшдан топилган тангаларда ўрин олган тамғалар (**Ϟ**) ҳам ўз тарихий асосларига эга. Хитой ва араб манбаларидан бу даврда Вахш ҳамда унга яқин Шуман ва Ахарун ҳукмдорликлари бошқарувида туркий сулола турганлиги англашилади [Ғафуров 1972: 227; Гоибов 1989: 30–31; Бобоёров 2002: 10–11]. VII–VIII асрларда Чоч Тегинлари (605–750) томонидан бостирилган *tk'un* / *tkyn* “тегин” унвонли тангаларда ҳам юқорида келтирилган 22-23 тангалардаги билан яқин ўхшашликка эга **Ϟ** кўринишдаги тамға ўрин олган бўлиб [Бабаяров 2007: 40–44], ушбу тамға айрим тадқиқотчилар томонидан Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари (Чоч) тамғаларидан бирининг (**Ϟ**) бирмунча ўзгаришга учраган тури деб қаралади. Бу туркумдаги тангаларнинг кўпчилиги тарихий Вахш (Тожикистон) ҳукмдорлиги тупроқларидан топилаётганлиги уларни исломдан олдин бу ерни бошқарган туркий сулола билан боғлашга имкон беради. Шунингдек, бу тамғалар (**Ϟ**, **Ϟ**) Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқа бир тармоғи бўлмиш Фарғонанинг Ашина хонадонига тегишли қадимги турк-рун ва

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

суғдий ёзуви “хоқон” унвонли тангалардаги тамғалар (𐰽) билан яқин ўхшашликка эгаллиги кўзга ташланади [Babayar 2008: 136–146].

Сосоний тангалар устида “хоқон” унвони ва 𐰾 кўринишдаги тургаш тамғаси бирга босилган тангаларни айрим тадқиқотчилар Тургаш хоқонлиги билан боғлаши диққатни тортади.

Тўхористон тангаларидаги, аниқроғи, ушбу ўлкага қарашли Термиз ҳукмдорлигига тегишли тангаларда ўрин олган 𐰽 кўринишдаги тамғанинг Ғарбий Турк хоқонлигининг *trδw x'y'n* “Тарду хоқон” унвонли тангаларидаги тамға (𐰽 / 𐰽) ва Панч ҳукмдорлигининг юқорида келтирилган тангасидаги иккинчи тамғаси (𐰽) билан бирмунча ўхшашлиги бордек кўринади. Бирок бу ўхшашлик тасодифий бўлса керак.

Сосонийлар тангасига сўнградан туширилган босмалар туркумида суғдий ёзувда *x'y'n* “хоқон” унвони ёки *δ̄scy β̄yy* “Илоҳий (и)дишчи” / “Тиш илоҳи” иборалари ва 𐰾 кўринишдаги тамға учраши (12-13 расмлар) эса бир қатор тадқиқотчилар урғу берганидек Тургаш хоқонлиги (699–766) билан боғлиқдир. Ёзма манбаларда Ғарбий Турк хоқонлигининг иттифоқчи уруғларидан бир бўлган тургашларнинг VIII асрнинг илк чорагида Ғарбий Турк хоқонлиги ўрнини эгаллагани ва шу асрнинг 30 йилларида Чоч, Суғд, Бухоро, Тўхористон ҳукмдорликларига бош бўлиб, арабларга қарши сафар уюштиргани ва Тўхористонга келганликлари тилга олинади [Esin 1977: 324; Кляшторный 1985: 165–168]. Демак, Тургаш хоқонлари ҳам Ғарбий турк хоқонлари каби Сосонийлар тангасининг ўз ҳудудида қўлланилишини таъминлаш учун тангаларга ўз тамғасини босган бўлиб чиқади.

Тўхористон Ябғуларининг бошқарув маркази Балх бўлган чоғларда эса тангаларнинг кўпчилиги паҳлавий ёзувида *ybgw bhk'n* “Балх / Бақтрия ябғуси = Тўхористон ябғуси” сўzlари ўрин олган эди [Göbl 1967: 182–183]. Айтиб ўтиш керак, бу туркумдаги тангалар-

ни илк бор ўрганган Р. Гёбл уларни қадимги турклар билан боғламаган бўлса-да, кўпчилик тадқиқотчилар ушбу тангаларнинг Тўхористон Ябғуларига тегишли эканлигини олға суришган [Esin, 1972: 348–350, n. 140; Harmatta, Litvinsky 1996: 367–401].

### **Тангаларда қадимги туркча унвонлар ўрин олишининг тарихий илдизлари**

Хўш, юқорида келтирилган нумизматик материаллар айнан қандай тарихий воқеликлар билан боғлиқ? Албатта, 10 дан ортиқ турдаги тангаларда суғдий ёзув ва туркий унвонларнинг учраши шунчаки тасодиф бўлмаса керак. Аввало, ушбу тангаларнинг кўпчилиги бугунги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидан, бир вақтлар “Тўхористон” ёки “Шимолий Тўхористон” деб билинган тарихий ўлканинг бир қисми бўлмиш бугунги Сурхондарё вилояти ва унинг атроф ҳудудларидан топилаётганлиги уларнинг айнан қаерларда муомалада бўлганидан дарак беради. Бироқ тангаларда учрайдиган ҳукмдор тасвирлари ва рамзий белгилар илк ўрта асрларда Яқин Шарқда йирик сиёсий куч сифатида билинган Сосонийлар Эронига тегишли бўлса, тангалар устидаги босма ёзувлар орфографик жиҳатдан исломдан олдинги даврларда Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳа давлатларидан бири бўлмиш Суғд конфедерацияси, Чоч ва Фарғона тангаларидаги суғдий ёзувлар билан деярли бир бўлса – бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Устига-устак, ушбу тангалардаги унвон (“ҳоқон”, “тегин”, “тархон”) ва тамғаларнинг бир (𐰽, 𐰾, 𐰿, 𐰺) қадимги турклар билан, айниқса, Ғарбий Турк ҳоконлиги билан боғлиқ бўлиб чиқса! Бундан ташқари, Тўхористоннинг марказий бошқаруви (Ябғулар сулоласи) ва ўлканинг бошқа бир қатор ҳукмдорликлар (Чағониён, Термиз, Вахш ва б.) тангаларидаги тамғаларнинг Чоч воҳасида бостирилган тамғалар билан деярли бир эканлигининг негизида нима ётади? Бу каби ўхшашликлар айнан қандай тарихий воқеликлар билан боғлиқ?

Бу каби масалаларга чуқурроқ тўхталишдан олдин Тўхористон тангалари бўйича мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар билан танишиб чиқсак. Суғд тарихи билимдони Б. Маршакнинг фикрича, “Тўхористонда Сосоний типли тангаларнинг устига суғдий ёзув зарб қилиш анъанаси бу ерда Турк хоқонлиги ҳоқимияти ўрнатилган пайтда амалга оширилган. Бундан аввал Эфталитлар даврида Тўхористонда расмий ёзувлар фақат бактрий ёзувида олиб борилар эди. Турк хоқонлиги даврида эса ўлканинг бошида Тўхористон ябғулари турган пайтда VII асрда суғдийча “Тўхорий” (яъни “Тўхористонга оид”) ибораси ёзила бошлаган [Marşak, 2002: 174; Zeymal’ 1994: 245–267; Зеймаль 1995: 122–127]. Турк хоқонлиги ўлкани (Тўхористон)ни қўл остига олгач, ушбу тангалар (Сосоний тангалари)нинг муомалада бўлишига рухсат берувчи ёки юқорироқ курсга эга эканлигини тасдиқловчи ўз тамгаларини босганлар. Пероз тангалари устида “тегин” (Турк хоқонлиги шаҳзодаси) ва “Дешчи Бағи” шаклидаги суғдий жумлалари учрайди. Баъзан бир танганинг устида ушбу икки унвон ҳам биргаликда учрайди. Дешчи Турк хоқонлигига хизмат қилган суғд амалдорларига берилган исм бўлиши мумкин” [Marşak 2002: 174].

Ушбу тадқиқотчининг кўз қарашларига қўшилган ҳолда шунга урғу бериб ўтиш керакки, Пероз ва бошқа Сосоний ҳукмдорлари тасвири контрамарк (босма ёзув)ли тангалар асосан Эфталитлар (420–565) ва Турк хоқонлиги (552–744) даврида Тўхористон ва унга қўшни худудлардаги тарихий шаҳар харобаларида учрайди [қаранг. Мусакаева, Бердимуратов 2018: 137–144]. Босма ёзувларнинг муайян бир қисми бактрий ёзувида, сезиларли бир қисми эса суғдий ёзувда бўлиб, асосан “хоқон”, “тегин” ва “тархон” каби унвонлардан иборат. Шу ўринда савол туғилади “ушбу унвонлар ҳам Эфталитлар давлатида, ҳам Турк хоқонлигида қўлланилган, шу боис мазкур тангаларда босма ёзувларнинг ўрин олиши айнан қайси салтанат билан боғлиқ бўлиши

мумкин?” Демак, юқорида келтириб ўтганимиздек, Б. Маршакнинг Тўхористондаги Сосоний типли тангалар устига суғдий ёзув зарб қилиш анъанаси бу ерда Турк хоқонлиги ҳокимияти ўрнатилган пайтда амалга оширилганлиги, бундан олдин Эфталитлар даврида эса Тўхористонда расмий ёзувлар фақат бақтрий ёзувида олиб борилганлиги борасидаги фикрида жон бордек кўринадди. Шунга қарамай, Эфталитларнинг суғдий ёзувдан фойдаланганми-йўқми масаласи ҳалигача тўлақонли ечилмаганини эътироф этган ҳолда Турк хоқонлигининг ушбу ёзувдан анча кенг фойдалангани, буни хоқонликнинг марказий ҳудудлари бўлмиш Ўрхун (Мўғулистон) ва Етгисув (Жануби-Шарқий Қозоғистон – Марказий Қирғизистон) ҳамда хоқонликка алоқадор туркий сулолалар томонидан бошқарилган Чоч, Фарғона ва Ўттор (Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари)даги туркий унвонли суғдийча ёзувли тангалар ва турли эпиграфик ёдгорликлар тасдиқлашини айтиб ўтишимиз зарур.

Маълумки, Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудлардаги турли тилларда сўзлашувчи ўнлаб ўлкаларни ўз ичига олган Турк хоқонлиги (552–744) сиёсий жиҳатдан энг кучайган даврида Узоқ шарқдан то Қора денгизнинг шимолигачай, Урал тоғлардан Шимолий Ҳиндистон ва Хуросонгача чўзилган Евроосиёдаги ўлкан ҳудудга эгалик қилиб, иш юритиш ва ёзишмаларда асосан қадимги турк-рун ва суғдий ёзувдан фойдаланган. Хусусан, Буғут (Монголия, 581), Или (Шарқий Туркистон, 599) битиктошлари, Чоч/Тошкент воҳасида зарб қилинган Ғарбий Турк хоқонларининг тангаларидаги *зруу* “жабғу”, *сруу х’у’н* “жабғу-хоқон” ва *х’у’п* “хоқон” унвонлари ҳамда икки нафар машҳур хоқон исми – *трдw х’у’н* “Тарду хоқон” (576–603) ва *тwn сруу х’у’н* “Тун ябғу-хоқон” (618–630) исmlарининг ўрин олганлиги [Бабаяр, Кубатин 2005: 98–102; Бабаяров 2007: 9: 7], баъзи Тўхористон тангаларидаги суғдий ёзувдаги ибораларнинг учраши хоқонликда суғдий тилнинг асосий расмий тиллардан бири бўлганлигидан далолат

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

беради (Баратова, Лившиц, 2002: 21–23). Таъкидлаш керакки, суғдий ёзувдан нафақат Турк хоқонлигининг олий ҳукмдорлари, балки Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудларнинг воҳа ҳукмдорликларидаги хоқонлик билан боғлиқ туркий сулолалар тангаларида ҳам кенг фойдаланилган. Чоч тегинлари (605–750) ва Чоч тудунлари (640–750) тангаларида *tk’yn* “тегин”, *tdwn* “тудун”, Фарғонанинг Ашина хонадони тангаларида *x’γ’n* “хоқон” ва Ўтрор тутуқлари (VII–VIII асрлар) тангаларидаги *’δpw twtwx x’γ’n* “Алп хоқон тутук” унвонли тангаларнинг суғдий ёзувда эканлиги бундан яққол кўрсатиб турибди [қаранг. Смирнова 1981: 341, 391–393; Бабаяров 2005: 198; Бабаяров 2007: 40–52, Рт-веладзе, 2006: 58, 78–86].

*δ̄scu β̄γy* ёки *δ̄ycy β̄γy* шаклида ёзилган босма ёзувдаги биринчи сўзни бир қатор тадқиқотчилар қадимги шарқий эроний халқларда муайян бир илоҳа сифатида бўлган “Деси” ёки “Тиш” билан алоқадор ҳисобласалар, бир қатор тадқиқотчилар эса уни қадимги туркий “идишчи” (офтобачи) унвони билан боғлайдилар. Фикримизча, биринчи фикр нисбатан мантиқлироқ бўлиб, илк ўрта асрларда бундай номдаги илоҳа ҳақидаги тасаввур Суғд ва Тўхористон аҳолиси орасида нисбатан кўпроқ тарқалган эди. Аслида *δ̄scu* сўзини қадимги туркча “идишчи” билан тенглаштириш мантиқлироқ кўринса-да, Турк хоқонлиги даврида муайян бир унвон сифатида бундай унвон учрамаслиги [қаранг. Rybatzki 2000: 205–292; Бабаяров 2012: 34–35; Кубатин 2014: 91–95, 188] бу фикрга шубҳа билан қарашни талаб қилади. Агар “эҳтимол, хоқонлик унвонлар тизимида айнан шундай унвон бўлган-у, бир қатор унвонлар каби у ўз даври ёзма манбаларида акс этмай қолгандир” деган савол туғилган тақдирда ҳам, мавқе жиҳатдан хоқонлик бошқарувида анча қуйида туриши керак бўлган бундай унвонга ўша даврда асосан олий мақомдаги амалдор – хоқонга нисбатан қўлланилган *β̄γy* “илоҳий, жаноб” эпитети қўшилиб келган бўлиши анча изоҳ талаб қилади.



Шу ўринда ушбу эпитетнинг асосан Чочда зарб қилинган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларида олий унвон – хоқон (*βγυ twwn x 'γ 'n* “Илоҳий Тун (тунғич) хоқон”) ва ҳукмдор исми (*βγυ twn cpyw x 'γ 'n* “Илоҳий Тун жа-бғу-хоқон”) олдида учраши, хоқонликка билвосита алоқадор Чоч Тегинлари (605–750) ва Чоч Тудунлари (640–750) тангаларида эса “тегин” ва “тудун” унвонлари олдида умуман ўрин олмаганлигини айтиб ўтиш зарур. Бу ҳолат Тўхористондаги босма ёзувли тангаларда ҳам кўзга ташланиб, юқорида келтирилган 3-4 тангаларда *βγυ x 'γ 'n* “илоҳий/жаноб хоқон” ва *δ̄cυ βγυ* “илоҳий Деси / Тиш” ибораларининг учраши, улар билан битта тангада ўрин олган “тегин” унвони эса бунинг акси кўзга ташланишида ҳам ўз ифодасига эга. Демак, хоқонликда юқори мавқега эга тегин “шаҳзода”лар ва тудун “доруға, ноиб”лар ушбу эпитетни ўз унвонларига қўшиб ишлата олмаган бир пайтда қандайдир бир амалдор - “идишчи”нинг ундан фойдалангани ва уни тангаларда акс эттирганини, ҳатто хоқонлар каби ўз унвонлари олдида “илоҳий” сифатини қўшиб ишлатишга журъат этганликларини айтиш анча қийин. Аксинча, ўша давр анъаналарига кўра, илоҳ ва илоҳаларнинг номларини тангаларда акс эттирилар эди (мас. Суғд тангаларида *nn / nny* “Нана” [Смирнова 1981: 48–49, 233–255]).

Асосан хитой йилномаларидан, қисман эса бошқа (византия, араб, форс) манбаларидан аён бўлишича, Турк хоқонлиги 560- йилларда эса Амударё–Сирдарё оралиғидаги Тўхористонгача бўлган воҳа ҳукмдорликларни (Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Хоразм), 580- йилларда эса Тўхористон, Кобулистон ва Хуросоннинг катта бир қисмидаги воҳа ҳукмдорликларини қўл остига олади [Бичурин I: 229; Феофилакт Симокатта : 624; Комар 2009: 100–101]. Араб тарихчиси Диноварий эса Сосонийлар ва хоқонлик Ҳайтал (Эфталит)лар давлатини тор-мор қилиб, унга тегишли ҳудудларни ўзаро тақсимлашгани, турклар Чоч, Фарғона,

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

Суғд ва Бухорони қўлга киритгани, Сосонийлар эса Тўхористон (Чағониён ва ҳ.к.) ҳамда Кобулистонни ўзига олганини қайд этади [Chavannes 1903: 229; Shaban 1971: 482–483]. Шунингдек, хитой йилномаларида Турк хоқонлиги 580- йилларда Суғдга *тегин* тайинлангани, Тўхористонга бир *тегин* юборилиб, унга туташ худудлар ҳам у орқали назоратга олингани тилга олинади [Таşaғiл 1995: 88].

580- йилларида Тўхористон Турк хоқонлиги таркибига киритилган бўлса-да, орадан қарийб 40 йилча вақт ўтгачгина бу ерда хоқонликка тўғридан-тўғри боғлиқ сулола ташкил топади. Хитойча ёзма манбалар (асосан, йилномалар ва Сюан Цзан саёҳатномаси)дан маълум бўлишича, 620- йилларда Тўхористонни хоқонлик номидан бошқараётган Ашина хонадони вакили “ябғу” унвонига эга бўлиб, ўлкани шу йиллардан бошлаб 750- йилларгача бошқарган ўнга яқин ҳукмдор “ябғу” унвонида тилга олинади. Демак, 620- йиллардан то 750- йилларгача бўлган 130 йил давомида Тўхористонда Ашина хонадонининг бир тармоғи бўлмиш турк ябғулари ҳукм суради.

Шунингдек, 630- йилларнинг бошида Ту-хо-ло (Тўхористон)га ташриф буюрган хитой роҳибни Сюань Цзан бу ўлканинг 27 та катта-кичик ҳукмдорликлардан ташкил топгани, улардан ҳар бирининг алоҳида ўз бошқарувчиси борлиги, шу билан биргаликда, уларнинг барчаси Тўхористон ябғусига бўйсунганини таъкидлайди. Роҳибнинг ёзишича, бу пайтда Тўхористон ябғуси Тарду-шад бўлиб, у Ғарбий Турк ҳукмдори Ябғу-хоқон (яъни Тун ябғу-хоқон)нинг ўғли эди. У ўзини “Тўхор ябғуси” деб атаб олгани ҳақидаги маълумот Сюан Цзан саёҳатномасининг қадимги турк (уйғур)ча таржимасида қайд этилади [Тугушева 1991: 68, 202].

Хоқонлик томонидан тўғридан-тўғри бошқарилган воҳа ҳукмдорликларидан бири ҳам Тўхористон эди. Хитой йилномаларида Тухоло (Тўхористон) 27 та майда ҳукмдорликдан ташкил топгани ва уларнинг бар-

часи қароргоҳи *Хо* (Қундуз)да бўлган, келиб чиқиши Ашина хонадонига мансуб шеҳу (турк. ябғу) унвонли ҳукмдорга бўйсунушига урғу берилади [Бичурин II: 321]. Бу пайтда Балх, Термиз, Чағониён, Хуттал, Қумед, Воҳон, Шуғнон, Қубодиён, Вахш, Шуман, Ахарун, Каррон, Руб, Самингон, Шубурғон, Гузгон, Гарчистон, Бадғис каби ярим мустақил ҳукмдорликлардан ташкил топган Тўхористонни туркий ябғулар бошқариши араб манбаларида ҳам бир неча бор қайд этилади [“История” ат-Табари 1987: 124]. Тўхористоннинг ҳоконлик таркибига киритилиши бошқаларга нисбатан бироз кейинроқ, 580- йилларда амалга оширилган бўлиб, бу ердаги назорат ҳам уларникидан анча фарқли эди. Хусусан, сиёсий бошқарув маркази анча узоқда – Етгисувда бўлган ҳоконлик учун Тўхористонда барча майда ҳукмдорликлар бошини бириктириб, уларни итоатда тутиб турувчи, муайян бир сиёсий уюшмага эҳтиёжи бор эди. Шу тариқа, собиқ Эфталитларнинг сиёсий марказлари Қундуз ва Балх ҳоконликнинг таянч шаҳарларига айланади ва ҳоконлар дастлабки йиллардан бошлаб бу ерда ўз ноибларини жойлаштира бошлайдилар.

Юқорида кўриб ўтилганидек, 590- йиллар атрофида Тўхористон ўлкаси бошқарувига Тарду ҳокон (576–603) тегин унвонли ўғлини юборган бўлса, 620- йилларда Тун ябғу-ҳокон ўз ўғли Тарду шадни ўлка бошқарувига тайинлайди. Шу йиллардан то 750- йилларгача Тўхористонни бошқарган сулола вакиллари Тарду шад (620?–630), Тегин-шад (630–645), Ишбара ябғу (645–650), Ашина Учжебо (653–660), Қун? Ишбара ябғу (670–680 (?)), Надунили (700–720), Қутлуғ Тун Тарду (720–730), Сулайман? Қора (хит. Шилимань Гяло (750) каби аксарияти туркий исм ва унвонларга эга эдилар [Бичурин II: 321–322; Chavannes 1903: 155–158; Harmatta, Litvinsky 1996: 373; Ekrem 2003: 138–139]. Бу вақтда бевосита Ашина хонадонига тақалувчи сулолалар томонидан бошқарилган Чоч ва Фарғонадан фарқли ўлароқ Тўхористон ҳукмдорларининг ябғу унвони билан ҳукм

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ:  
ТАРИХИ ВА ТАНҒА-ПУЛ ТИЗИМИ**

юритишлари хоқонлик учун бу ер алоҳида аҳамиятга эга бўлганидан дарак беради. Тўхористондаги мавжуд кичик ҳукмдорликларнинг кўпчилигида хоқонликка билан боғлиқ сулолаларнинг вужудга келиши ҳам шу билан боғлиқ бўлса керак. Хусусан, Термиз, Чағониён, Балх, Бадғис, Хуттал, Вохон, Вахш, Шуман, Ахарун, Кумед, Кубодиён ва бошқалар бошқарувида туркий сулолалар турган [Гафуров 1972: 227; Гойбов 1989: 30–31; Бобоёров 2002: 10–11].


Тўхористон бошқарувида Ашина сулоласининг вакилларининг туриши билан боғлиқ бўлса керак, Еттисувдаги хоқонлардан бир қанчаси ўзаро тахт талашувлар пайтида мағлубиятга учрагач, ушбу ўлкага сиғинганлиги ёки бу ерни ўз таъсир доирасига олишга уринганлар. Масалан, Тун ябғу-хоқоннинг ўғли Сир ябғу-хоқон (631–633), Юқуқ Дулухоқон (638–642), \*Элби Ишбара Ябғу-хоқон (641–642) ва Қапғон хоқон (691–716) каби хоқонлик бош ҳукмдорларининг Тўхористонга интилганликлари ёзма манбаларда ўз аксини топган [Бичурин I: 284–285, 287; Таşaғил 1999: 64].

Тўхористонда, аниқроғи унинг ажрламас бир бўлаги бўлмиш Шимолий Тўхористон – Чағониён ва унинг яқинидаги ўлкаларда, Термиз (?) ва бошқаларида VII – VIII асрларда бостирилган суғдий ёзувли тангаларда қадимги турк ва суғдий унвонлар ўрин олиши Турк хоқонлиги фаолияти билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Шунингдек, Шимолий Тўхористоннинг тарихий Суғд ўлкасига қўшни бўлиши, айниқса, ушбу ўлка таркибидаги Кеш ва Нахшаб каби Жанубий Суғд билан яқин қўшничилиги бу ерда суғдий тилнинг ёйилишида ўзига хос кўприк бўлган. Бизнингча, суғдий тилнинг хоқонлик даврида Марказий Осиё ҳудуди бўйлаб ёйилиши, бу тилнинг сиёсий жиҳатдан расмий тил эканлиги, шунингдек, Турк хоқонлиги савдо-иқтисодий ҳаётида Суғд маъмуриятининг муҳим ўрин тутганлиги (Гумилев, 1967: 45–46) бунга туртки бўлган. Суғдий ёзув ва

тил асосан турк-рун ёзуви ҳукмрон бўлган Мўғулистон, Еттисув, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари, Фарғона ва Шимолий Тўхористон ҳудудларида кенг ёйилиши Турк хоқонлиги даврига тўғри келиши ҳам бу кўз қараши-мизни тасдиқлайди.

Суғдий тил ва ёзувнинг асосий аҳолиси суғдликлар бўлмаган ҳудудларда ҳам кенг тарқалганлиги ушбу тилнинг хоқонликнинг асосий тили вазифасини бажариб, Марвдан то Шимолий Хитой ва Мўғилистонгача ҳудудларда *lingua franca* вазифасини ҳам ўтаганлигини кўрсатади [ОИЯ.СЯ 1981: 348, 349]. Айниқса, Кушон подшолиги давридаёқ юнон алифбоси асосидаги шарқий эроний тиллардан бири – бақтрийча тил ва ёзувдан маъмурий тил сифатида фойдаланилган, таркибига Чағониён, Термиз, Балх, Хуттал, Вахш, Воҳон, Шуман, Ахарун ва яна бир неча майда ҳукмдорликларни ўз ичига олган Тўхористон ҳудудида суғдий тил ва ёзувнинг тарқалиши мазкур ҳудудларнинг хоқонлик ҳудудига қўшиб олинishi [Гафуров 1972: 127, 129; Гоибов 1989: 25, 30–31] билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш керак.

Қисқаси, суғдий ёзуви Тўхористон тангаларининг сезиларли бир қисми тўғридан-тўғри Ғарбий Турк хоқонлиги (568–740), кичик бир қисми эса Тургаш хоқонлиги (699–766) билан боғлиқ. Шунингдек, бу туркумдаги тангаларнинг кўпчилик қисми Тўхористондаги хоқонлик билан боғлиқ туркий ва ғайритуркий сулолаларга тегишлидир.

Сосоний тангаларидаги “хоқон” унвони босилганлари Ғарбий турк ва Тургаш хоқонликларига тегишли тангалар бўлса, “хоқон” ва “тегин” унвонлари бирга учрайдиганлари эса Тўхористондаги хоқонликнинг илк бошқарувчилари (580–620 йиллар) ва келиб чиқиши Ашина хонадонига тақалувчи Тўхористон Ябғулари (620–750 йиллар) билан боғланса керак. Шунингдек, Тўхористоннинг айримларида  кўринишдаги тамға, айримларида эса “хоқон” унвони учрайдиган тангаларини бу ердаги Ябғулар сулоласи билан боғлаш ўрин-

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ

лидир. Демак, келиб чиқиши Ғарбий Турк хоқонлигига бориб тақаладиган Тўхористон Ябғуларининг “Ашина тамғаси” деб атаса бўладиган ушбу тамғани ўз тангаларига қўйган бўлиб чиқади. Шу ўринда уларнинг ўз тангалари бостирад экан хужайинлари бўлмиш Ғарбий турк хоқонларининг бош унвонини акс эттирганликлари ёки бўлмаса улар номидан танга бостирганликлари, айрим ҳолларда эса бирор унвон ёки исмга ўрин бермасдан биргина тамға (𐰽𐰺)ни кўрсатиш билан чекланганлар деб айта оламиз.

Бундан ташқари, бироз юқорида тўхталиб ўтганимиздек, айрим Сосоний тангалар устида ёлғиз “тегин” унвони, айримларида эса “тегин” ва “тархон” унвонлари бирга бостирилган тангалар хоқонликнинг Тўхористондаги илк бошқарувчилари ва уларнинг ёрдамчилари (тархонлар) фаолияти билан боғланса керак.

Тўхористоннинг суғдийча ёзувдаги туркий унвонлари ва туркий тамғалар билан бостирилган қолган тангаларини Чағониён, Термиз, Вахш, Қўбодиён ва бошқаларининг бошқарувчилари билан боғлар экан бу тангаларнинг ҳам Чоч, Фарғона ва Суғд (Панч)да бостирилган эски турк тангаларидаги тамғаларнинг яқин ўхшашликка эгаллиги, ҳам хитой, араб ва форс тилидаги ёзма манбаларда ушбу ҳукмдорликларнинг кўпчилигининг бошқарувида туркий сулолалар турганлиги доир маълумотлар учрашига таянмоқдамиз.

Демак, бошланғичда Олтой тоғлари ва Ўрхун (Мўғулистон) текисликларида ўз давлатини қурган ва йиллар ўтган сайин Шарқий Туркистон, Амударё – Сирдарё оралиғи, Хуросон ва Шимолий Ҳиндистон каби ўтроқ ўлкаларда ўз бошқарувини ўрнатган Турк хоқонлиги ўзидан олдинги кўчманчи негизли бир неча давлат уюшмаларидан фарқли ўлароқ танга бостиришни йўлга қўйган, буни амалга оширад экан эса ўз миллий ёзуви – Ўрхун-Энасой ёзувидан ташқари суғдий, бактрий, хинд ва паҳлавий ёзувлари билан танишишга улгурган. Айниқса, суғдий ёзув ва тил хоқонликда расмий мақомга

*Ғайбулла БОБОЁРОВ*

---

эга бўлганлиги бу кўзқарашимизни кўллаб-қувватлайди. Юқорида бирмунча кўриб чиқилган Тўхористоннинг суғдий ёзувли эски турк тангалари ҳам буни кўрсатиб турибди.

## ХУЛОСА

Қарийб икки юз йил мобайнида Марказий Осиё ва унга қўшни ўлкалар – Волга-Урал бўйи, Шимолий Қора денгиз қирғоқлари, Жанубий Рус ерлари, Хуросон (Шимоли-Шарқий Эрон), Шимолий Ҳиндистон (Покистон), Афғонистон, Шимоли-Ғарбий Хитой ҳудудларида ўз бошқарувини ўрнатган Ғарбий Турк хоқонлиги (568–740) туркий эл-улуслар, шу жумладан, ўзбек халқи давлатчилиги тарихида ўзига хос ўрин тутади. Аслида бу салтанат 552–744 йилларда ҳукм сурган Буюк Турк хоқонлиги, бошқача айтганда Шарқий Турк хоқонлигининг бир бўлаги – Ғарбий қаноти бўлиб, айри бир давлат сифатини олгунгача 3 та босқични – *Ябғулик* (VI аср 60- йиллари – сўнгги чораги) – *Ябғу-хоқонлик* (VII аср боши – шу асрнинг 30- йй.) – *Хоқонлик* (630- йй. дан 740- йй.гача) босиб ўтди.

Хоқонликнинг бундай куч-қудратга эришувида кўплаб омиллар ётиб, улар орасида ушбу салтанатнинг ҳарбий жиҳатдан устунлиги, ЕврооСИё кенгликларидagi ўлкаларда хоқонликдан анча олдин ҳам туркий элатларнинг кенг тарқалганлиги, ўтроқ ва кўчманчи элатларнинг битта байроқ остида бирлаштирилиши, Ипак йўлининг ҳар иккала тармоғи – Шимолий (Шарқий Европа – Волга-Урал бўйи – Орол – Сирдарё ҳавзаси – Еттисув – Шарқий Туркистон – Шимоли-Ғарбий Хитой) ва Жанубий (Хуросон – Амударё ҳавзаси – Шимолий Ҳиндистон – Шимолий Тибет – Ғарбий Хитой) йўналишлари устидан ўз назоратини ўрнатилиши ва бошқалар алоҳида ўрин эгаллайди.

Ғарбий Турк хоқонлигининг бу каби хусусиятлари унинг танга-пул тизимида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, хоқонлик (Ашина сулоласи) қарийб бир ярим аср ичида – VI аср сўнгги чораги – VIII аср илк ярмида Чоч (Тошкент) воҳасида суғдий ёзувда “жабғу”, “жабғу-хоқон” ва “хоқон” унвонлари билан, “Турк-



хоқон”, “Тарду хоқон”, “Тун жабғу-хоқон”, “Ишбара жабғу-хоқон”, “Тўн-хоқон” сингари ҳукмдор исми ва этносиёсий номлар билан мис тангалар бостиради. VII–VIII асрларда эса Фарғона водийсида қадимги турк-рун ва суғдий ёзувда “хоқон” унвонли тангалар бостирилган бўлиб, бу ҳолат водийда Ашина сулоласибир тармоғининг ўз бошқарувини ўрнатиши билан боғлиқ эди. Ҳам Чоч, ҳам Фарғона тангаларида деярли бир хил қиёфадаги ҳукмдор тасвири ва Ашина сулоласи тамғаси учраши бундан дарак беради.

VII–VIII асрларда Самарқандда суғдий ёзувли “Турон ҳукмдори хоқон” ибораси ўрин олган тангалар бостирилиши ҳам хоқонлик билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, бу ердаги бошқарувчилар – туркий-суғдий сулола вакиллари хоқонлар номидан ўз тангаларини чиқаришади. Айни шу асрларда Тўхористон (Жанубий Ўзбекистон)да Сосонийлар Эрони тангалари устига суғдий ёзув билан босма (контрамарк) тарзда қадимги туркча “хоқон”, “тегин”, тархон” унвонлари туширилиб, Ашина асли Тўхористон ябғулари (620–750) шу тариқа ушбу тангаларнинг ўз худудида муомалада бўлишини таъминлайдилар.

Ғарбий Турк хоқонлиги ўзига хос бошқарувни йўлга қўйган бўлиб, бу унинг Олтой тоғларининг кунботар томонларидан Шарқий Европагача чўзилган, кўчманчи яшаш тарзи устивор ўлкалар – Еттисув, Ғарбий Сибир, Волга-Урал бўйи, Шимолий Кавказ, Қора денгиз шимолидаги бир неча ўнлаб элатлар ва ўтроқ ўлкалар – Шарқий Туркистон, Амударё – Сирдарё оралиғи, Хуросон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистондаги 40 дан ортиқ воҳа ҳукмдорликлар бошқарувида қўлланилган усул ва воситаларда кўзга ташланади. Ўнлаб ҳукмдорликларнинг бошқарувчиларига қадимги туркча “элтабар” унвонини бериб, улар устидан ўз вакиллари – “тудун” (ноиб)ларини тайинлаган хоқонлик айрим ўлкалар бошқарувида Ашина сулоласи аъзоларини юбориб, улар орқали тўғридан-тўғри бошқарувни йўл-

## **ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ: ТАРИХИ ВА ТАНГА-ПУЛ ТИЗИМИ**

га қўяди. Бу Чоч Тегинлари (605–750), Фарғона Ашина сулоласи (630–810), Тўхористон Ябғулари (620–750) ва Кобулистон Тегин-шоҳлари (640–870) каби сулолаларнинг келиб чиқиши хоқонликка бориб тақалишида ўз ифодасига эга.

Шунингдек, Ўтрорда “Алп-хоқон тутуқ”, Чочда “тегин”, “элтабар”, “тудун”, Суғдда “хотун”, “билга” (Панч), Тўхористонда “тегин”, “тархон”, “тархон”, Кобулистонда “тегин”, “элтабар сингари хоқонлик бошқаруви тизимидаги унвонлар ўрин олган тангалар учраса, суғдий, бақтрий ва араб-форс тилли манбаларда эса ушбу ҳукмдорликлардан айримлари билан боғлиқ ўнлаб туркий унвонларга дуч келинади. Улар орасидан “ябғу”, “хотун”, “шад”, “тегин”, “тудун”, “тутуқ”, “тархон”, “чўр”, “эркин”, “бек”, “чўпон” сингарилари алоҳида ажралиб туради. Хоқонликнинг марказий бошқарувидаги 100 га яқин унвонлар тизимида (лавозим номи, эпитет) ўрин олган ушбу унвонлар вассаллар бошқарувида ҳам учраши Ғарбий Турк хоқонлигининг ўзига хос бошқарув тизимини ишлаб чиққанидан дарак беради.

Қисқаси, қарийб икки юз йил давомида Марказий Осиё ва унга қўшни ўлкаларда ҳукм сурган Ғарбий Турк хоқонлиги ўзидан бой маданий мерос қолдирди. Бу нафақат ўз даврининг хитой, суғдий, бақтрий, қадимги турк, арман, юнон, тибет, ўрта форс (пахлавий), ҳинд ва араб-форс тилли ёзма манбаларида, балки, Еттисув, Шарқий Туркистон, Амударё – Сирдарё оралиғи, Хуросон, Афғонистон, Покистон (Шимолий Ҳиндистон), Волга – Урал бўйи, Шимолий Кавказ, Қора денгизнинг шимолида ўртага чиқаёган археологик топилмалар (танга-пуллар, мухрлар, битиктошлар, тош ҳайкаллар, металл, суяк, қоғоз ва сопол буюмлар) сиртидаги ёзув ва турли тасвирларда ўз тасдиғини топмоқда. Булар қаторига сарой деворий расмларини ҳам қўшиш керак бўлади. Афросиёб, Кофир-қалъа (Самарқанд), Варахша (Бухоро), Тавка-қалъа (Сурхондарё), Панжикент, Ажи-

*Ғайбулла БОБОЁРОВ*

---

натепа (Тоҷикистон), Бомиён (Афғонистон) каби сарой деворий суратларидаги тасвирлар Ғарбий Турк хоқонлиги даври ижтимоий-маданий ҳаётини ёритувчи ўлмас ёдгорликлардир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Абулғозий. Шажарайи турк. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Б. Аҳмедов. Нашрга тайёрловчилар: Қ. Муниров, Қ. Маҳмудов. – Т.: Чўлпон, 1992.

Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы. – Т., 2013.

Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: Университет, 2007.

Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI – VIII вв. н.э.). – Ташкент, Изд-во Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2007.

Бабаяров Г. Монеты Отрара с изображением парного портрета // «Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари» мавзуидаги Республика VI илмий-назарий конференциясининг материаллари. – Т., 2014. – С. 70–75.

Бабаяров Г. Тамги на монетах оазисов Средней Азии эпохи раннего средневековья /Тамги доисламской Центральной Азии – Tamgas of Pre-Islamic Central Asia. – Самарқанд: МИЦАИ, 2019. – С. 333–263.

Бабаяров Г., Кубатин А. К монетам Чачских правителей тегинов // O‘zbekiston Moddiy Madaniyati Tarixi. – Самарқанд, 2006. №35. – С. 194–198.

Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации доисламских монет Отрара // Ўзбекистон ва Шарқ мамлакатларининг ҳамкорлиги: тарих ва ҳозирги замон. Республика илмий конференцияси тезислари. ЎЗР ФАШИ. – Т., 2014. – Б. 98–100.

Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о новом прочтении и интерпретации некоторых слов и фраз в Енисейских памятниках Е-144, Е-48, Е-37, Ю-10 // Эпиграфика Востока. Вып. 32. – М.: Институт востоковедение, 2016. – С. 3-36.

